

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА
АМАЛИЁТИ ” кафедраси**

СОЦИОЛОГИЯ

фанидан

МАЪРУЗА МАТНИ

(2010 – 2011 ўқув йилига мўлжалланган ва янгиланган)

АНДИЖОН - 2010 ЙИЛ

“ТАВСИЯ ЭТИЛГАН”

**“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш
Назарияси ва амалиёти” кафедраси
йиғилишидада муҳокама қилинган ва тавсия этилган.**

**Кафедра мудири _____ доц. М. Юнусова
(_1 -сонли баённомаси, 31 август 2010 й.)**

Ушбу маъруза матнларида Социология фанининг предмети, тадқиқот объекти ва усуллари, унинг фан сифатида вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари, жамиятнинг ижтимоий тизимлари, ташкилотлар, гуруҳлар, шахс, жамиятнинг ижтимоий моҳияти, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий қонуниятларнинг моҳияти, умумсоциологик, махсус социологик қонуниятлар, махсус соҳалар социологияси, социал-этник муносабатлар масалалари, меҳнат ва меҳнат жамоалари, иқтисодиёт, сиёсий соҳа, ҳуқуқ, бошқарув, шахс, турмуш тарзи, таълим ва тарбия, илм-фан, никоҳ ва оила, шахар ва қишлоқ социологияси каби мавзулар уч бўлимдан иборат таркибда ёритилган бўлиб, учинчи бўлимнинг сўнгги қисмида эмпирик социологик тадқиқот методологияси, услубиёти, ўтказиш усуллари ва социологик тадқиқот натижаларидан амалий фойдаланиш баён этилган.

Муаллиф : Сиёсий фанлар доктори К.А. Юнусов

**“Социология” – (маъруза матни 2010-2011 ўқув йили учун) – Андижон, Андижон
Давлат университети. 2010 йил.**

ТАҚРИЗЧИЛАР:

**социология фанлари доктори, профессор А. Холбеков,
Фалсафа фанлари доктори, профессор Т. Абдуллаев.**

АНДИЖОН - 2012 йил

МУНДАРИЖА

№	Мавзулар	Б/т
	Кириш	3
1.БЎЛИМ. УМУМИЙ СОЦИОЛГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ (4 СОАТ)		
1-мавзу	СОЦИОЛОГИЯ ФАНИ, УНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ (2 СОАТ)	5
2-мавзу	СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.(2 СОАТ)	24
II. БЎЛИМ. УМУМСОЦИОЛОГИК НАЗАРИЯЛАР (4 СОАТ)		
3-мавзу	ЖАМИЯТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР (2 СОАТ)	53
4-мавзу	ИЖТИМОЙ ТУЗИЛМАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ (2 СОАТ)	111
III БЎЛИМ: МАХСУС СОҲАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ (4 СОАТ)		
5-мавзу	МАХСУС СОҲАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ (4 СОАТ)	148
6 - мавзу	ЭМПИРИКСОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ, УСЛУБИЁТИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ (4 СОАТ) ЖАМИ: 16 СОАТ МАЪРУЗА	209

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш имкониятларини социология фани доирасида ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган илмий назарий хулосалардан амалиётда фойдаланиш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Жамият ҳаётида рўй бераётган жараёнларни билишда, мамлакатни бошқариш соҳасида мукамал илмий назарияларни ишлаб чиқишда бошқа ижтимоий фанлар қаторида социологиянинг ҳам аҳамияти бекиёс даражада каттадир.

Социал-гуманитар билимларни эгаллаш жараёнларида муҳим ўринни социологик таълимотлар эгаллайди. Социологик таълимнинг муҳим функцияларидан бири – бу, социологик тафаккурни шакллантириш, социологик муаммоларни тушуниш, уларнинг келиб чиқиш манбаларини аниқлаш ва бартараф этиш йўллари ҳамда имкониятларини қидириб топишдан ҳам иборат.

Мустақил Ўзбекистоннинг келгусидаги ижтимоий тараққиёт йўналишини ўрганиш кўп жиҳатдан социологик тадқиқотлар ўтказиш ва бу жараёндаги хулосаларни умумлаштирган ҳолда мамлакат ички сиёсатининг йўналишини белгилашда фойдаланиш муҳим масалалардан бирига айланмоқда. Шу туфайли республикада Социология фанини янада ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, у барча олий ўқув юр்தларининг турли мутахассисликлари учун ўрганилиши шарт бўлган фан даражасига кўтарилди.

Шуни яхши англамоқ лозимки, аввалда юрган, алмисоқдан қолган эски арава конструкцияси билан замонавий ракета куриб бўлмаганидек, эски концепциялар асосида ўта мураккаб ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги даврини тушунтириб ҳам, ўрганиб ҳам бўлмайди. Ғарб социологик таълимотларидан ижодий фойдаланган ҳолда, унинг барча жиҳатларини ҳам ҳаётимизга татбиқ қилиб бўлмайди. Чунки ғарб мамлакатлари, халқларининг ижтимоий ҳаёти, турмуши, ижтимоий муносабатлари Шарқ олами билан мос тушавермайди.

Социология фанидан тавсия этилаётган мазкур маъруза матнида социология фанининг энг муҳим жиҳатлари баён қилинган. Шунингдек, мавжуд бўлган чет эл ва мамлакатимизда яратилган социологияга оид адабиётлардаги назарий материалларни умумлаштириб, улардан ижодий фойдаланган ҳолда социологик назарияларни мантиқий бир–бирига боғлаган ҳолда фойдаланилди.

Маъруза матнининг биринчи қисмида социология фанининг предмети, таркибий тузилиши ҳамда назарий ва амалий социологиянинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Шунингдек, социологиянинг бугунги кунда жамият ҳаётида тугган ўрни, унинг ижтимоий вазифалари ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро алоқадорлиги тушунтириб берилган. Шунингдек, ушбу бобда жамиятнинг умумсоциологик масалалари (3 ва 4 мавзулар) – жамиятнинг ижтимоий таркиби, ижтимоий муносабатлар ва уларнинг ҳозирги даврдаги ўзгариб бориш хусусиятлари тушунтириб берилган.

Маъруза матнининг иккинчи бобида эса, махсус соҳалар социологияси ёритилган. Ушбу бобда жамият ҳаётининг иқтисодиёт, меҳнат, сиёсат, бошқарув, маданият, шахс, турмуш тарзи, оила, ёшлар, таълим, илм-фан, шаҳар ва қишлоқ, этносоциология каби муҳим соҳалари социологик тадқиқот объекти сифатида баён қилинган.

Маъруза матнининг учинчи бобида эса эмпирик социологик тадқиқот методологияси, услубиёти ва тадқиқот усулларини ёритишга бағишланган. Ушбу бобда эмпирик социологик тадқиқотларнинг моҳияти, уни ўтказиш йўллари, асосий босқичлари тўғрисида фикр юритилган. Бу бобда эмпирик социологик маълумотларни олиш усуллари, услубиёти ҳамда социологик маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш тушунтириб берилган.

Маъруза матнининг хотима қисмида эса социологик тадқиқот натижаларидан амалий ҳаётда фойдаланиш ва “ижтимоий муҳандислик” хусусида фикр билдирилган.

Маъруза матнлари олий ўқув юртларида ўқитилаётган Социология фани юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий дастур асосида Андижон ДУнинг «Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти» кафедраси профессори в.б., сиёсий фанлар доктори К.А.Юнусов томонидан тайёрланди.

1 БЎЛИМ. УМУМИЙ СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

1-МАВЗУ. СОЦИОЛОГИЯ ФАНИ, УНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ (2 соат)

- 1. Социология фанининг предмети ва тадқиқот объекти**
- 2. Социологиянинг мавқеи, роли ва ўрнининг назарий ва амалий асосланиши**
- 3. Социологиянинг бошқа фанлар тизимида тутган ўрни**
- 4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида социология фанини ўқитишнинг зарурлиги**

1.Социология фанининг предмети ва тадқиқот объекти.

Социология – инсоннинг ижтимоий турмушини ўрганиш, гуруҳ ва жамиятларни ўрганишдир. Бу ёрқин ва бутун вужудни камраб оладиган машғулот бўлиб, ижтимоий мавжудот бўлган одамларнинг хулқ- атвори- унинг предмети¹. Социология нисбатан янги фан бўлиб, у нафақат янги замонавий жамиятни ўрганади, балки ўтган замон жамияти билан таққослаш ва уни ривожлантириш масалаларини ҳам ўрганади. Социология фани инсон хатти ҳаракатларини яққол тушуниш йўллари кўрсатиб беради. Инсон хатти ҳаракати, хулқ атвори жамият тараққиётини кўрсатиб берар экан бу борада Президентимиз **“Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”²** - деб таъкидлаган.

Социология *societas, logos* (лотинча *societas* – жамият ва юнонча *logos* – таълимот) – сўзларидан келиб чиққан бўлиб, жамият ҳақидаги фан маъносини англатади. Бу терминни француз файласуфи Огюст Конт XIX асрнинг 30 йилларида илмий муомалага киритган. Социология фани тўғрисида бир қатор олимларнинг фикрларига эътибор қаратамиз: Огюст Конт фан асосчиси деб биламиз, лекин, бир киши бутун бир фанга асос сола олмайди, социологиянинг ривожланишига кўпгина кишилар ўз хиссасини қўшган. О.Конт социология фанини ёш, лекин аҳамиятига кўра энг мураккаб ва энг муҳим фан ҳисобларда. Конт фикрича, янги фан инсоният бахт- саодатга эришувига тўғридан- тўғри таъсир кўрсатади деб таъкидлаган³.

Яна бир француз социологи Эмиль Дюркгеймнинг фикрича, социология фанга афланиши учун, “социал фактларни” ўрганиши, “социал фактларни буюмлар каби ўрганиш лозим”⁴ деб жамиятда юз бераётган ўзгаришларни алоҳида эмпирик тарзда ўрганишни илгари сурган. Кэзга кўринган буюк социологлардан бири Макс Вебер социология фани тўғрисида гапирар экан, уни шундай тушунтирган; “...табий оламни тадқиқ этишда қўлланиладиган тартиблардан фойдаланган ҳолда, инсонлар ҳаётини ҳам ўргана олишимиз мумкин, деб ўйлаш унчалик ҳам тўғри эмасдир. Инсон- фикролвчи ва мулоҳаза юритувчи

¹ Энтони Гидденс. Социология. Ўқув қўлланма. Т.: Шарқ. 2002. 29-бет

² Ислон Каримов. Юксак маънавият- энгилмас куч.Т. “Маънавият”. 2008. -19 бет

³ Энтони Гидденс. Социология. Ўқув қўлланма. Т.: Шарқ. 2002. 789-бет

⁴ Энтони Гидденс. Социология. Ўқув қўлланма. Т.: Шарқ. 2002. 789-бет

мавжудотдир; биз қилаётган ишларимизга кўпроқ маъно ва аҳамият берамиз ва инсон хулқ-атвори билан шуғулланадиган ҳар қандай фан, бу омилни албатта ҳисобга олиши лозим.»⁵ деб тушунтириган.

Аниқроқ қилиб айтганда у яхлит тизим сифатидаги жамият, алоҳида институтлар, ижтимоий гуруҳлар, жамият тузилмалари ва уларда юз берадиган ижтимоий жараёнларни ўрганувчи фан. Унинг тушунишича социология жамиятга тааллуқли бўлган ҳамма нарсаларни ўз ичига олган жамиятшунослик билан бир қаторда турган.

Социология – инсониятнинг тарихий тараққиёти давомида яратилган маданиятнинг таркибий қисмидир. У XVIII асрда кишилик жамияти ва унинг қонуниятларини ўрганувчи мустақил фан сифатида тарих фалсафасида шаклланди. Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви ва илмий билимларнинг табақаланиши социологиянинг фалсафадан ажралиб, мустақил фанга айланишини муқаррар қилиб қўйди.

Маълумки фалсафий билимлар доираси жуда кенг бўлиб, уларнинг таркибига қўйидагилар киради:

- 1) Онтология – борлик ҳақидаги қарашлар.
- 2) Социология – жамият ҳақидаги қарашлар.
- 3) Гносеология – борликни билиш муаммолари.
- 4) Логика – инсон тафаккури қонунлари ҳақидаги қарашлар тизимлари.
- 5) Этика – ахлоқийлик ҳақидаги қарашлар.
- 6) Эстетика – гўзаллик ҳақидаги қарашлар.

Демак, биз фалсафий билимлар доирасидан келиб чиқиб, социология фани ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганамиз.

Социология XIX аср бошларидан бошлаб ўзига хос илмий методлар асосида фалсафадан ажралиб чиқиш имконига эга бўла бошлади. Шунга кўра социал системанинг тараққиёти ва фаолият кўрсатиш қонуниятлари ҳақидаги мустақил фан сифатида XIX аср 30-йилларида илмий муомалага «Социология» атамаси, сўзи киритилгандан сўнг шаклланди. Жамият ҳақидаги «позитив фан» (ҳақиқий фан) яратишга уриниш XIX аср ўрталарида юзага келди.

Социологиянинг асосчиси француз мутафаккири О.Конт социологияни жамият ҳақидаги тажрибага асосланган фан деб ҳисоблайди. Унинг ватандоши Э. Дюркгейм социологиянинг предметини социал далиллар ҳақидаги фан деб атайди.

Марксизмда социологиянинг предмети ижтимоий тизим сифатида жамият ва унинг тузилмавий элементларини ташкил этган шахслар, ижтимоий бирликлар, ижтимоий институтларни илмий асосда ўрганиш ҳисобланади.

Ҳозирги кундаги адабиётларда социологияга қуйидагича таъриф берилган: Социология - яхлит ижтимоий тузум сифатида жамият ҳақидаги ва унинг айрим таркибий элементлари (шахслар, ижтимоий бирликлар, институтлар) орқали бу тузумнинг амал қилиши ва ривожланишини ўрганувчи фандир. Социология объекти жамият ҳисоблансада, лекин социология предметининг дастлабки босқичи сифатида жамият тушунчасини ажратиб кўрсатиш етарли эмас.

Социологиянинг илмий мақомини асослашнинг моҳияти унинг объекти ва предмети ўртасидаги фарқдан келиб чиқади.

Объектни билиш – тадқиқот объекти нимага йўналтирилганлиги ва объектив воқелик сифатида унга нима қарама-қарши турганлигини англатади.

Ҳар қандай ҳодиса, жараён ёки объектив воқеликнинг ўзаро муносабати турли фанларнинг (физика, химия, биология, психология, иқтисодиёт, социология ва ҳоказолар) объекти бўлиши мумкин.

Предмет объект каби объектив воқеликнинг бир қисми ёки унинг элементлари йиғиндиси бўлиб, умумий ёки ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳар бир фан ўз навбатида предмети нуктаи назаридан фарқ қилади.

Ижтимоий хусусиятларга эга бўлган кишилараро алоқалар, ўзаро боғлиқликлар мажмуаси - социология фанининг объекти вазифасини ўтайди.

⁵ Энтони Гидденс. Социология. Ўқув қўлланма. Т.: Шарқ. 2002. 793-бет

Объект ва предмет ҳамма вақт бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади. Чунки, объект моҳиятни тўғри тушуниш, илмий тадқиқот йўналишини холис белгилай олиш имконини беради.

Демак, социологиянинг объекти жамиятни бошқарувчи тафаккур қонуниятлари, рационал воситаларидир.

Социология жамият ҳақидаги умумий фан бўлибгина қолмай, балки махсус соҳалараро фан ҳамдир. У бошқа фанлар ўрганмайдиган ўз объектга эга. Унинг ўзига хос соҳаси социал реаллик бўлиб, у инсон ва жамият муносабатининг ижтимоий-маданий муайянлигидир. Шу боисдан ҳам жамиятдаги ижтимоий алоқалар, ижтимоий ҳамкорликлар, ижтимоий муносабатлар ва уларнинг ўзаро ташкил этилиш усуллари социологиянинг объекти бўлади. Инсонлар ўзаро алоқаларга, ҳамкорлик муносабатларига киришишлари орқалигина муайян ижтимоий хусусиятларни намоён этиш имкониятларига эга бўладилар.

Социология ижтимоий муҳитни тадқиқ этганда умуммиллий тушунча ва категориялардан келиб чиқади. Хусусан, объектив ва субъектив, эркинлик ва зарурият, борлиқ ва онг каби фалсафий категориялардан фойдаланиб социологик объект моҳиятни талқин этади.

Социология социал объектни социал субъектлар орқали(шахс, гуруҳ, жамият, социал соҳалар, муносабатлар, одамларнинг социал фаолияти ва тафаккур тарзи) таҳлил қилади.

Социология турли социал соҳаларни тадқиқ этиш асосида уларнинг ўзига хос ижтимоий ривожланиш тенденцияларини аниқлайди. Муайян социал гуруҳлар таҳлили ва таснифи орқали у жамият ва инсон тўғрисидаги умумий қарашлар, қонунлар ва тенденцияларни яратади, ривожланиш қонуниятларини очиб беради.

О.Конт фикрича, объект ва предмет қарама-қаршиликлардан иборат. Социология ижтимоий ҳаёт жараёнларини 3 босқичда ўрганади:

1. Аниқ- эмпирик
2. Хусусий (махсус)
3. Умумий.

Шунга мувофиқ равишда социология эмпирик, махсус ва умум- социологик тадқиқот жараёнларини ўз ичига олади.

Социал деган тушунча социал алоқалар ҳамда муносабатлар ва уларни ташкил этиш усуллари, социология билиш объектнинг ўзига хослигини очиб берса, социал қонуниятлар эса социология фани предметини аниқлаш учун бошланғич нуқта ҳисобланади.

Социологиянинг предмети:

Агар фаннинг объекти унинг нимани ўрганиш керак деган саволга жавоб берса, предмет эса ўша объектнинг қайси жиҳатларини ўрганади? деган саволга жавоб беради. Қуйида социологияга доир бир қанча таърифларни келтириб ўтаимиз.

Социология – инсонларнинг социал жамоалар ва социал жараёнларда тутган ўрни, улар ўртасидаги муносабатларни ўрганадиган фандир.

Социология – айна вақтда жамият ва шахснинг иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, маънавий ҳаётдаги фаолияти ва ижтимоий мазмунини ўрганадиган фан ҳамдир.

Социология – жамият тузилиши, унинг элементлари ва уларнинг яшаш шароитларини ва шу тузумда содир бўлаётган ижтимоий жараёнларни ўрганадиган фандир.

Социология – шахсга ижтимоий ҳаёт қонуниятлари орқали ижтимоий муҳитга кўникма ҳосил қилишга (адаптация) кўмаклашадиган, шулар билан бир қаторда инсонлар жамиятини ривожлантиришда социал ташкилотларнинг инсонларга мос, энг қулай вариантини топишда ва уни амалга оширишда жисмоний, эмоционал-психологик ва маънавий имкониятларни ишга солишга ёрдам берадиган фандир. «Чунки ҳаёт бор экан, инсон бор экан, ҳар қайси тоифа ўзининг манфаатларини қандайдир йўллар билан амалга оширишга ҳаракат қилади, бу ҳаётни қандай ташкил қилиш лозим, инсон, оила қандай

шароитда тинч ва бахтли яшаши мумкин, деган масалалар атрофида фикр юритади, керак бўлса, қонуний йўллар билан ўз мақсадларига эришишга интилади».⁶

Ўз навбатида социологиянинг вазифаси жамият тараққиётини таъминлайдиган энг қулай вариантларни, ижтимоий-маданий моделларни топишдан иборатдир. Булар жамият ва инсоннинг ўз-ўзини такомиллаштиришга қаратилган қонуниятлардир.

Социологиянинг вазифаси мураккаб социал дунёни ташкил этувчи ўзаро бирикувчи ва ҳаракат қилувчи тузилма ва механизмлар моҳиятини аниқлашдан ҳамда уларнинг ривожланиш тенденцияларини белгилашдан ҳам иборатдир.

Бугунги кунда социология предметининг мазмун доирасидан:

1. Фалсафий герменевтика – янгича тус берилаётган натурализмдан фойдаланиб, уларни янгича талқин қилиш (тенденция) ҳамда,

2. Гуманистик оқимни ривожлантириш тенденцияси тобора залворлироқ мавқе касб эта бошлади.

Шундай қилиб, социология аниқ ижтимоий тизимлар амал қилишининг социал қонун ва қонуниятлари ҳақидаги, ушбу қонун ва қонуниятларнинг шахслар, ижтимоий гуруҳлар, бирликлар, синфлар, халқлар фаолиятида намоён бўлиши ва таъсир кўрсатиши механизми ҳақидаги фандир.

Социология учун социал деган тушунча асосий ҳисобланади. «Социал» тушунчаси биринчи марта Карл Маркс томонидан қўлланилган. У одамларнинг бир-бирига бўлган муносабати, ҳаёт тарзи, шароитлари ва далилларини ҳамда инсоннинг жамиятда тутган роли, ҳолатини таҳлил этганида «Социал» муносабатлар тушунчасини қўллаган.

Маълумки, социал у ёки бу хусусиятнинг ва социал муносабатларнинг ўзига хос йиғиндисидир. Ҳар қандай социал муносабатлар тизими (иктисодий, сиёсий ва бошқа) одамларнинг бир-бирига ва жамиятга бўлган муносабатига тааллуқли ҳисобланади. Социал деган тушунчанинг ўзига хослигини ҳарактерловчи қуйидаги асосий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, бу хусусият турли гуруҳ, индивидлар учун тааллуқли ва улар томонидан социал муносабатларнинг у ёки бу хусусиятини интеграциялаш натижаси ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳозирги социал муносабатлар (иктисодий, сиёсий ва бошқа) билан боғланган индивидларнинг ва уларнинг гуруҳлари ўртасидаги турли муносабатларнинг мазмуни ва ҳарактерини англатади.

Учинчидан, социал жиҳат турли индивид ва гуруҳларининг бир-бирига, жамиятда тутган ўрнига, ижтимоий ҳаёт, воқелик ва жараёнларга муносабатида намоён бўлади.

Тўртинчидан, индивидлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро таъсирнинг намоён бўлиши биргаликдаги фаолият натижаси демакдир.

Социология ижтимоий ҳаётни у ёки бу формада ва соҳада ўрганар экан, у аввало социал воқелик ҳақидаги билимларни шакллантириш, социал ривожланиш жараёнларини тасвирлаш, тушунтириш, социологиянинг асосий методологиясини ва социологик тадқиқот методларини ишлаб чиқиш каби илмий муаммоларни ҳал этади.

Социологик тадқиқотларнинг кўпчилик қисми амалий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган. Социологиянинг амалий йўналтирилганлиги шунда намоён бўлади-ки, у ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши ҳақидаги илмий асосланган маълумотни ишлаб чиқишга қодир. Шу ҳолатда социологиянинг **олдидан айтиб бериш функцияси** намоён бўлади.

Жамият ҳаётида социологик тадқиқотлардан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини ривожлантиришни режалаштиришда фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Социал режалаштириш ижтимоий тизим қандай бўлишидан қатъий назар ҳамма мамлакатларда ривожланган.

Социология **мафкуравий функцияни** ҳам бажаради.

⁶ И. Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. «Ўзбекистон», 2005. 12-13бетлар.

У биринчидан, табиий-тарихий жараёнларни англаш, жамият тараққиётининг яқин орадаги мақсадларини ва истиқболларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Иккинчидан, илмий ва мафкуравий мунозарани бошқа қарашлар тизими орқали олиб бориш.

Учинчидан, аҳоли ўртасида илмий ва миллий мафкурани тарқатиш.

Тўртинчидан, малакали мутахассисларни тайёрлаш ва улар томонидан илмий мафкурани ҳар томонлама ўзлаштириш. Социология одамлар ўртасидаги муносабатларни шакллантиришга, уйғун ҳиссиётларни ижтимоий муносабатларга хизмат қилдириб яхшилашга ҳам ёрдам бериши мумкин.

Шу туфайли социология **инсонпарварлик функциясини** ҳам бажаради.

Социологиянинг методлари:

Социология фанининг мураккаб вазифаларини назарий ҳал этишга хизмат қиладиган ўзига хос методлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

1. Қиёслаш ва таққослаш методи.
2. Назарий метод (фикрлаш, абстрактликдан конкретлик сари ўтиш).
3. Индуктив ва дедуктив метод.
4. Изохлаш методи.
5. Прогнозлаш методи (ижтимоий тўқнашувларнинг олдини олиш).
6. Интеграция, умумлаштириш методи.

Социологиянинг конкрет тадқиқотлар ўтказишда қўлланадиган эмпирик -амалий методлари ҳам бор. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Эксперимент методи.
2. Кузатиш методи.
3. Ҳужжатлар асосида ўрганиш методи.
4. Сўров методи.
5. Эмпирик-социологик метод (сўров, анкета, математик модель).
6. Математик метод.
7. Статистик умумлаштириш методи.

8. Умумантиқий метод (анализ, синтез, абстрактлаш, умумийлик ва ҳоказо).

Социология фанида қуйидаги методологик масалаларга ҳам жиддий эътибор берилади:

1. Функционал методология (жамиятдаги ҳодисаларнинг аҳамиятини аниқлашга интилади).
2. Феноменологик методология (жамият аъзоларининг мавқеини аниқлашга ҳаракат).
3. Таснифлаш методологияси (бу қўлланишига кўра классификация, гуруҳлаш, таққослаш, турлаш, системалаштиришларни ўз ичига олади). Шунингдек, социология фани муайян ижтимоий муносабатларни тадқиқ этиш асносида умумий, махсус ҳамда эмпирик методология тамойилларига ҳам таяниб иш тутади.


Социология объектини турлича тушуниш натижасида методологиянинг 3 асосий тури шаклланган:

1. Тушунтирувчи (умумий қонуниятларни, объект хусусиятини хислатини белгилайди, алоқа, муносабат ўрнатишни назарда тутади) методология.

2. Таърифловчи (яъни тавсифлаш, классификациялаш, гуруҳлаш, таққослаш, турлаш, системалаштириш) методология.

3. Тушунувчи (яъни, инсон фаолиятини ўрганишда табиий ҳамда ижтимоий фанлар қонуниятларидан уйғунлаштириб фойдаланишни тақозо этувчи) методология.

Социологиядаги асосий йўналишлар



О.Контнинг фикрича социология ижтимоий ҳаёт жараёнларини қуйидаги босқичларда ўрганади

Аниқ- эмпирик

Хусусий (махсус)

Умумий.

Фалсафий билимлар доирасига қуйидагилар киради

Онтология- борлиқ ҳақидаги қарашлар

Логика- инсон тафаккури қонунлари ҳақидаги қарашлар тизимлари

Логика- инсон тафаккури қонунлари ҳақидаги қарашлар тизимлари

Гносеология- борлиқни билиш муаммолари

Эстетика- гўзаллик ҳақидаги қарашлар

Социология- жамият ҳақидаги қарашлар


Этика- ахлоқийлик ҳақидаги қарашлар

Социологиянинг объекти	<p>Социология жамият ҳақидаги умумий фан бўлибгина қолмай, балки махсус соҳалараро фан ҳамдир. У бошқа фанлар ўрганмайдиган ўз объектига эга. Унинг ўзига хос соҳаси социал реаллик бўлиб, у инсон ва жамият муносабатининг ижтимоий-маданий муайянлигидир. Шу боисдан ҳам жамиятдаги ижтимоий алоқалар, ижтимоий ҳамкорликлар, ижтимоий муносабатлар ва уларнинг ўзаро ташкил этилиш усуллари социологиянинг объекти бўлади. Инсонлар ўзаро алоқаларга, ҳамкорлик муносабатларига киришишлари орқалигина муайян ижтимоий хусусиятларни намоён этиш имкониятларига эга бўладилар</p>
------------------------	--

Социологиянинг предмети	<p>Социология – инсонларнинг социал жамоалар ва социал жараёнларда тутган ўрни, улар ўртасидаги муносабатларни ўрганадиган фандир.</p> <p>Социология – айна вақтда жамият ва шахснинг иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, маънавий ҳаётдаги фаолияти ва ижтимоий мазмунини ўрганадиган фан ҳамдир.</p> <p>Социология – жамият тузилиши, унинг элементлари ва уларнинг яшаш шароитларини ва шу тузумда содир бўлаётган ижтимоий жараёнларни ўрганадиган фандир.</p> <p>Социология – шахсга ижтимоий ҳаёт қонуниятлари орқали ижтимоий муҳитга кўникма ҳосил қилишга (адаптация) кўмаклашадиган, шулар билан бир қаторда инсонлар жамиятини ривожлантиришда социал ташкилотларнинг инсонларга мос, энг қулай вариантини топишда ва уни амалга оширишда жисмоний,</p>
-------------------------	---

Социологиянинг таърифлари

→	Социология- инсонларнинг социал жамоалар ва социал жараёнларда тутган ўрни, уларнинг ўртасидаги муносабатларни ўрганадиган фандир.
→	Социология- айна вақтда жамият ва шахснинг иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, маънавий ҳаётдаги фаолияти, ижтимоий мазмунини ўрганадиган фандир.
→	Социология- жамият тузилиши, унинг элементлари ва уларнинг яшаш шароитларини ва шу тузумда содир бўлаётган ижтимоий жараёнларни ўрганадиган фандир.
→	Социология – шахсга ижтимоий ҳаёт қонуниятлари орқали ижтимоий муҳитга кўникма ҳосил қилишга (адаптация) кўмаклашадиган, шулар билан бир қаторда инсонлар жамиятини ривожлантиришда социал ташкилотларнинг инсонларга мос, энг қулай вариантини топишда ва уни амалга оширишда жисмоний, эмоционал-психологик ва маънавий имкониятларни ишга солишга ёрдам берадиган фандир.



2. Социологиянинг жамият ҳаётидаги роли. Назарий ва амалий социология.

Инсоният қадимдан ўз ҳатти- ҳаракатларининг сабаби ва келиб чиқишини ўрганишга ҳаракат қилган. Буни ўрганишда диний назария асосида ва мумтоз усул ҳисобланган фалсафий фикр юритиш орқали тушунишга ҳаракат қилган. XVIII аср охирига келганда жамиятни ва инсонлар ҳатти ҳаракатини тизимли равишда ўрганишга киришилди. Бунга инсонлар жамиятидаги кескин ўзгаришлар индустриллаштириш (саноатлашиш, шаҳар ва қишлоқ ҳаёти ўртасидаги фарқнинг кучайиши) ва урбанизация (миллий, диний ва ижтимоий келиб чиқиши турли туман бўлган кишиларнинг шаҳарга кўчиб келиши).

Социология ижтимоий ҳаётни ўрганиш борасида шу йўналишдаги фанлар ичида антропология, иқтисодий назария ва политология фанлари билан бир қаторда туради.

Социологиянинг жамият ҳаётидаги мавқеи ва роли, уни ўрганиш орқали кўпчиликка маъқул келадиган қарорлар чиқаришда кўмаклашиши, жамият маънавий ҳаётига таъсир ўтказиш усуллари яратишда ва инсонлар жамиятининг тараққий этиши учун хизмат қиладиган фанлардан бири десак, муболаға бўлмайди. Социологияни ўрганиш ва ижтимоий ўз-ўзини англаш ўртасида алоқадорлик мавжудлиги исбот талаб қилмайди. Социологиянинг бой тажрибасидан баҳраманд бўлган бирор инсон ҳозирги кунда мавжуд бўлган тенгсизлик, кўп вазиятларда ижтимоий адолатнинг йўқлиги каби масалаларга бефарқ қараб тура олмайди. Агар социологлар амалий фаолиятда иштирок этмаса, таажубланарли бўлар ёки уларга социологик тажрибадан фойдаланишни ман қилиш мантиқа ва амалиётга зид бўлган бўлур эди⁷.

Қонун деганда, одатда аниқ вазиятда умумий, зарурий ва такрорланишга хос бўлган жиддий алоқа ёки муносабатлар тушунилади.

Социал қонуният – социал воқелик ва жараёнларнинг жиддий зарурий алоқасини акс эттиради.

Социал қонунлар социал муносабатларни ҳам акс эттиради. Булар халқлар, миллатлар, синфлар, социал-қасбкорлик гуруҳлари, шаҳар ва қишлоқ, шунингдек, жамият ва оила, жамият билан шахс ўртасидаги муносабатлардир. Социал қонунларни одамлар ўз ҳаётий фаолиятлари учун зарурий бўлган шароит таъсири остида қўллайдилар.

Табиат қонунлари каби социал қонунлар воқеаларнинг табиий ҳаракати давомида пайдо бўлади. Улар кўпчилик индивидларнинг ижтимоий вазиятда ва объектив алоқаларда мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиши натижаси ҳисобланади, кишилар ўз фаолияти

⁷ Энтони Гидденс. Социология. Ўқув қўлланма. Т.: Шарқ, 2002. 47-бет

давомида моддий ва маънавий неъматларни яратишда қатнашадилар. Махсулотни айирбошлайдилар, тақсимлайдилар ва истеъмол қиладилар, болаларни дунёга келтирадилар ва тарбиялайдилар, уларнинг иродаси ва онги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда қонуний воқеалар занжири юзага келади.

Социал қонун ва қонуниятларни тадқиқ этиш, демак социал соҳа турли элементлари ўртасидаги зарурий алоқаларни ўрнатишдир.

Социологик қонунлар социал системанинг турли босқичларида намоён бўлувчи турли хил социал бирликлар, ташкилотлар ва институтларга бирлашган одамлар ўртасидаги мавжуд ўзига хос, муҳим такрорланиб турувчи алоқалардир.

Социологик қонунлар 2 турга бўлинади: умумий ва хусусий қонунлар.

1. Умумий социологик қонунлар:

а) барча социал системаларнинг ривожланиши давомида амал қилади.

б) социал тизимларнинг социал муҳитда амал қилувчи бошқа қонунларининг моҳиятини аниқлаб бериб, фундаментал асосларини акс эттиради.

Социал муносабатларнинг ишлаб чиқариш усулларига тобелигини ифодаловчиси ҳам умумсоциологик қонунлардир.

Социал муносабатларнинг ишлаб чиқариш иқтисодий муносабатларга нисбатан фаол роли ҳам муҳим социал қонуниятдир. Масалан, социал бирликларда одамлар муносабатларининг яхлитланиши, жамоада шунга мос муҳитнинг яратилиши ишлаб чиқариш ривожига, умумий ҳолда жамиятга ҳам бевосита таъсир қилади.

Эҳтиёж ва қизиқишларнинг социал шартланганлиги ҳам умум- социологик қонуниятга киради.

Шахс шаклланиши социал моҳиятини ҳам умумсоциологик қонунлар орқали ўрганилади.

Умумий қонунлар ҳамма ижтимоий тизимларда амал қилади. Масалан, қиймат қонуни ва товар пул муносабатлари қонун ўзига хос қонунларнинг амал қилиши битта ёки бир нечта социал тизимлар билан чекланган (масалан, бир жамият туридан иккинчисига ўтиш).

Хусусий (махсус) қонунлар. Социал тизимнинг алоҳида тузилиш соҳаларида амал қилади. Масалан, социал бирликлар ўзига хос ҳаёт ва фаолият тарзига эга: синфий, миллий, оилавий-қундалик ва бошқалар.

Социал ривожланиш қонунлари объектив бўлиб инсон онги, иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қилади. Лекин ижтимоий ҳаётда ҳеч нарса инсонсиз амал қилмайди. Шунинг учун социал қонунлар инсон фаолияти қонунларидир, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари эса - омма ва инсонларнинг, социал субъектларнинг детерминацион механизмидир.

Бу жиҳатдан қараганда социологиянинг умумий қонуниятлари: ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда амал қилади.

Қонунларни уларнинг намоён бўлишига қараб динамикага(жўшқин) _оид ва статикага (турғун) оид деб ажратиш мумкин.

Динамикага оид қонунлар ижтимоий ўзгаришларнинг омиллари ва формалари, йўналишларини белгилайди ҳамда аниқ вазиятда воқеаларнинг давомийлигини англатади.

Статикага доир қонунлар динамик қонунлардан фарқ қилиб, ижтимоий воқелик боғланишини қатъий белгиламасдан, фақат ўзгаришларнинг йўналишини акс эттиради.

Социологик тадқиқот амалиётида гуруҳларга бўлиш катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг ёрдамида социологик қонунлар алоқа формаларига қараб ажратилади.

Социал қонунлар умумийлик даражаси нуктаи назаридан фарқ қилади. Социал соҳани яхлит ҳолда ривожлантиришни характерловчи қонунлар мавжуд. Бу қонунлар социал соҳанинг алоҳида бўлақларининг ривожланишини белгилайди (масалан, синфлар, гуруҳлар, миллатлар). Социал қонунларнинг бешта категориясини ажратиш мумкин.

Биринчи, ўзгармас характер касб этувчи ёки унга боғлиқ бўлган қонунлар. Бу қонунга биноан «А» воқелик мавжуд бўлса у ҳолда, албатта «Б» воқелик ҳам бўлиши шарт.

Иккинчи, ривожланиш тенденциясини акс эттирувчи қонунлар. Унда ижтимоий объектнинг тузилиш динамикаси бир турдаги ўзаро муносабатлардан иккинчисига ўтиши билан боғлиқ.

Учинчи, социал воқелик ўртасидаги функцияга оид боғланганликни қарор топтирувчи қонунлар. Бу қонунлар у ёки бу ижтимоий тизимнинг барқарор ҳолатда сақлаб турилишини таъминлайди.

Тўртинчи, социал воқелик ўртасидаги сабабий боғланишни акс эттирувчи қонунлар. Масалан, социал интеграциянинг энг муҳим ва зарурий шарти бу ижтимоий ва шахсий манфаатларни оқилона бирга қўшиб олиб бориш ҳисобланади.

Бешинчи, социал воқелик ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш мумкинлигини англатувчи қонунлар. Социал қонунлар одамлар аниқ фаолияти давомида рўёбга чиқарилади.

Социологиянинг жамият ҳаёти билан хилма-хил алоқаси, унинг ижтимоий вазифаси биринчи навбатда у бажараётган функциялар билан аниқланади. Ҳар қандай фанлар каби социологиянинг энг асосий функцияларидан бири **назария ва амалиётнинг бирлигидир**.

Социология бизнинг турмушимизга жуда кўп амалий таъсир ўтказади. Социологик тафаккур ва тадқиқотларнинг амалий сиёсат ва ижтимоий ислохотларга ўтказадиган таъсири бир неча йўналишларда бўлади. Энг бевосита усул – ижтимоий вазиятнинг аниқроқ ва тўғрироқ тушунилишини таъминлашдир. Бу мавжуд билимлар даражасида ёхуд у ёки бу ҳодиса нима учун юз бераётганлигини назарий англаш орқали амалга ошади. Ҳаёт андозаларини яхшилашга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар хато эмас, тўғри маълумотларга таянгандагина муваффақиятга эришиш эҳтимолини яратади⁸. Бирор бир муаммо ҳақида қанча кўп маълумот тўпласак уни бартараф қилиш эҳтимоли шунчалик ортиб боради.

3. Социологиянинг бошқа фанлар тизимида тутган ўрни.

Социология ўз объекти доирасида социал ҳаётнинг турли, алоҳида томонлари билан ҳам шуғулланади ва бунинг натижасида фанда интеграл соҳалар вужудга келади. Жумладан, ҳуқуқ социологияси, сиёсат социологияси, иқтисодиёт социологияси, индустриал социология кабилар. Социология бу соҳаларда инсон ва унинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ўрни, ривожланиши, ҳаёт тарзи ва фикрлаш услуби каби масалаларни ҳал қилади. Социология ўзининг махсус объекти асосида яқка шахс фаолиятининг конкрет намоён бўлишини эмпирик даражада ўрганишни ҳам ўз ичига олади.

Социология фанининг фаолият майдони жуда кенг бўлиб, у инсоният ҳаётининг ҳамма жабҳаларини тадқиқ қилади. Буни биз ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан кетаётганлигимиз сабабли ҳуқуқий томонига назар ташлаймиз; “Британия ва Совет Иттифоқи қонунчилигида анча тафовутлар мавжуд. Бу ҳақдаги типик қиёсий савол қуйидагича қўйилиши мумкин: бу икки мамлакатда криминал хулқ модели ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳатти- ҳаракатларида қандай тафовутлар бор?”⁹, яна тарих фани билан боғлиқ томони буюк шахсларни ҳужжатлар асосида ўрганиб таққослаш, илмий хулосалар чиқариш. Масалан инглиз тарихчи олими Алан Буллок “Буюк диктаторлар Сталин ва Гитлер” деб номланган асарида диктаторларнинг ҳокимият тепасига келиши ҳужжатлар асосида таҳлил қилинган ва ўз фикрларини баён қилган. Бу ҳам социологик тадқиқот ҳисобланади.

Шунингдек маданӣ фанлар соҳасида, иқтисодий, сиёсий фанлар соҳасида ҳам ўз ўрнига эга. Ижтимоий ва гуманитар фанлар тизимида социология алоҳида ўринни эгаллайди. Бу бир нечта ҳолатлар билан белгиланади:

1. У жамият ҳақидаги, унинг ҳодисалари ва жараёнлари ҳақидаги фан ҳисобланади.
2. У ўз ичига умумий социологик назарияларни ёки ҳамма ижтимоий- гуманитар фанларнинг назария ва методологияси ҳисобланган жамият назариясини олади.

⁸ Энтони Гидденс. Социология. Ўқув қўлланма. Т.: Шарқ. 2002. 45-бет

⁹ Энтони Гидденс. Социология. Ўқув қўлланма. Т.: Шарқ. 2002. 37-бет

3. У жамият ва инсон ҳаётий фаолиятининг турли томонларини ўрганувчи ижтимоий-гуманитар ва социал соҳани ўз ичига олади. Яъни, социология - ҳаётнинг у ёки бу соҳасини тадқиқ этувчи қонуниятлардир.
4. Инсон ва унинг фаолияти, техник ва услубий жиҳатдан ўтказилган социологик тадқиқотлар, гуманитар ва ижтимоий фанлар томонидан зарурий жиҳатдан ўрганилади ва ҳисобга олинади.
- Фалсафа, иқтисодиёт, тарих, сиёсатшунослик, психология фанлари социологиянинг шаклланишига самарали таъсир кўрсатади.
- Социологиянинг фалсафа билан узвий алоқаси шунда кўринадикки, умумсоциологик назариялар ва амалий социологик тадқиқотлар маълум методологик асосга таянадилар. Шундай асосни эса фалсафа фани яратади. Социология фалсафага нисбатан мустақилликни шунга асосланиб эълон қиладики, у ўз олдига ижтимоий муаммоларни, воқеликни илмий, англаш усули асосида ҳал этиш вазифасини кўяди.
- Социология статистика фани билан ҳам мустаҳкам алоқада ривожланади. Бу икки фаннинг ўзаро алоқалари шу қадар яқинки, социологиянинг ривожланишини статистик ёндашувларсиз тасаввур қилиш қийин. Социология шунингдек, иқтисодий назария, бошқарув назарияси, тарих, педагогика, ҳуқуқшунослик, политология каби фанлар билан ҳам мустаҳкам алоқада ривожланади.

4. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида социология фанини ўқитишнинг зарурлиги

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози жаҳон ҳамжамиятини яна бир синовдан ўтказишни бошлади. Шу вақтгача тараққий қилган давлатларда бошланиб кейинчалик бошқа давлатларга тараққилиб кетадиган иқтисодий инқирозда асосан ортиқча товар ишлаб чиқариш натижасида бўлиб ўтган бўлса, бу галги молиявий- иқтисодий инқироз молия банк тизимида бошланди. Инқирознинг сабаҳиси банк тизимидаги ликвидлик, (тўлов қобилиятининг тушиб кетиши) яни соҳа мутахассисларининг маълумотига кўра дунёда 60-62 млрд АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, тўлов воситаларининг миқдори 600 млрд АҚШ доллари миқдорига етган. Кўришимиз мумкинки, банк тизимида жуда катта номутаносиблик пайдо бўлган. Бу борада Ислоҳ Каримов шундай деган, “2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий- иқтисодий инқирозига баҳо берар экан, кўпгина халқаро эксперт ва мутахассислар бу инқирознинг сабаҳлари ва янада авж олиши билан боғлиқ прогнозларда жавоблардан кўра кўпроқ саволларга дуч келишмоқда.”¹⁰

Ўзбекистон бутун халқаро жамиятнинг ва жаҳон молиявий иқтисодий бозорининг ажралмас бир қисми ҳисобланар экан, жаҳондаги молиявий- иқтисодий инқирозлар мамлакатимизга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Бу борада Юртбошимизнинг фикрларини келтириш ўринли деб ҳисоблаймиз: “... тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди”¹¹

Жамият ҳаётида шундай даврлар бўладики, ўз умрини яшаб бўлган эски тузум қонун-қоидаларини янгича асосда ўзгартириш, барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш зарурати энг муҳим эҳтиёж, керак бўлса, ҳаёт-мамот масаласи сифатида кун тартибига чиқади.

¹⁰ Ислоҳ Каримов. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”. 2009. 3-бет

¹¹ Ватанимизнинг босқичма- босқич ва бақарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи № 237 (4647), 2008 йил 6 декабрь.

Биз ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига қадам қўйганимиздан сўнг халқимизнинг хоҳиш-иродаси, асрий орзу-интилишларига таянган ҳолда, шўро давридан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг ўрнида моҳият эътибори билан бутунлай янги — эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этишга азм-у қарор қилдик.

Кенг миқёсдаги ўрганиш ва ҳар томонлама изланишлар натижасида биз бугунги кунда бутун дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган тараққиёт моделини ишлаб чиқдик. **Бу моделнинг асосий тамойиллари - яъни, иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принсирлари барчамизга яхши аён.**¹²

Бугун, орадан неча йиллар ўтганидан кейин ўзига хос миллий тараққиёт йўлини танлаган дастлабки даврни кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, бизнинг ислоҳотлар сиёсатимизда маънавий мезонлар доимо ҳал қилувчи омил бўлиб келаётгани янада яққол аён бўлади. Ўша пайтда собиқ иттифоқ ҳудудидаги айрим мамлакатларда «шок терапияси» деган усул билан бир сакраб бозор иқтисодиётига ўтиш ёки алоҳида бир давлатда «демократия оролчаси» барпо этиш ҳақида қанча-қанча шов-шувлар кўтарилган эди.¹³

Албатта, мураккаб ўтиш даврида бошқа кўпгина муҳим вазифалар қатори, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, унинг маънавий оламига зарар етишига, ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига, жумладан, аҳолининг бир қисми ўта бойиб, аксарияти ўта қашшоқликка юз тутишига йўл қўймаслик масаласи ҳам доимо диққат-эътиборимиз марказида турди.

Бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида **ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак**, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

Агарки биз мустақилликка эришганимиздан сўнг босқичма-босқич ривожланиш йўлини эмас, балки «шок терапияси» деб ном олган инқилобий сакраш йўлини танласак, энг қийин вазиятларда аксарият аҳолимиз қандай аҳволга тушиб қолган бўлар эди? Хэч шубҳасиз, стихияли тарзда юз берадиган шиддатли ўзгаришлар тўфонидо одамларнинг моддий турмуш шароити кескин ёмонлашиб, уларнинг ҳаёт тарзи, ахлоқий қадриятлари, миллий-маънавий қиёфаси бутунлай издан чиқиб кетиши хэч гар эмас эди. Бир сўз билан айтганда, бундай бирёқлама сиёсат хэч қутилмаган оқибатларга, ўрнини юз йилларда ҳам тўлдириб, қоплаб бўлмайдиган оғир йўқотишларга олиб келиши муқаррар эди.

Шунинг учун ҳам биз четдан ҳар қанча таклиф ва тавсиялар, ҳатто талаблар бўлмасин, хэч қачон инқилобий сакрашлар йўлидан бормадик. Юртимиздаги бугунги тинч ва осойишта, бунёдкор ҳаёт, барқарор тараққиёт бундай ёндашувнинг тўғри бўлганини тасдиқлаб турибди.

Ислоҳотларни амалга оширишда маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради, деган қонидани ўзимиз учун дастуриламал сифатида белгилаб олдик.

Маълумки, мустабид тузум давридаги иқтисодиёт бирёқлама ривожланган, маъмурий-буйруқбозлик усулига асосланган бўлиб, халқнинг маънавий қарашлари ва интилишларидан йироқ эди. Ана шундай мушкул бир вазиятда давлатнинг ислоҳотчилик ролини тан олмаслик, бу масалани ўзибўларчилик ҳолатига ташлаб қўйиш — эски тизимдан қолган ночор ва хаста иқтисодиёт ўз-ўзидан эркин бозор иқтисодиётига, совет жамияти эса демократик жамиятга айланиб қолади, деб хомхаёл қилиш билан баробар эди.


Баъзи бировларнинг ҳадиксираб, эркин бозор шароитида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қиммати тушиб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланиб

¹² Ислом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. 102-103 бетлар

¹³ Ислом Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. 104 бетлар

қолади, деган хавотирлари ўринсиз экани Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришлар мисолида яна бир бор яққол аён бўлмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат бюджетининг 50 фоиздан зиёди ижтимоий соҳага йўналтирилгани ҳам буни тасдиқлайди.¹⁴

Шунингдек, ҳозирги жаҳон молиявий- иқтисодий инқирознинг 2009- 2010 йилларда ҳам давом этишини ҳисобга олиб, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009- 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг энг устивор йўналиши этиб белгиланиши муҳим аҳамиятга моликдир.¹⁵



¹⁴ Ислон Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. 105-109 бетлар

¹⁵ Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. Тошкент.: ЖИДУ. , 2009.46-бет

Қисқача хулосалар

Социология- муҳим аҳамиятга молик фан. Социология бошқа ижтимоий фанлар билан узвий боғланган. Барча ижтимоий фанлар инсон хулқ- атворини ўрганади, асосий эътиборини унинг турли жиҳатларига қаратади. Социология ижтимоий бирликлар, ташкилотлар, жараёнлар, муносабатларнинг юзага келиши, функционаллашуви ва ривожланиши қонуниятларини ўрганувчи фандир.

Социология шу маънода фан деб аташ мумкинки, унда мавжуд фактлар ва мантиқий далилларга асосланиб тадқиқотнинг тизимли усуллари қўлланилади ва назариялар яратилади. Инсонлар жамиятининг ривожланиб бориши билан социологиянинг олдига муаян саволларни қўядилар ва мунтазам тадқиқот ўтказиб уларга жавоб топишга ҳаракат қиладилар, шу аснода фан бойиб, такомиллашиб боради. Янги мазмундаги ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий қилиб бориши билан социологиянинг ўрганиш объекти ўзгариб, унинг ўзи ҳам янада ривожланиб боради. Шунга асосан тадқиқот усуллари ҳам мукамаллашади.

Социология миллий мафқурани шакллантириш, яратиш жараёнида алоҳида ўрин тутаяди. Эскириб қолган дунёқараш, эскича моддий ва маънавий муносабатлар ўз ўрнини янгисига осонликча бўшатиб бермайди. Бунинг учун маълум вақт керак. Социология шу вақт давомида маънавиятда рўй бераётган ўзгаришларни аниқлашга ва илмий асосга эга бўлган тадбирлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Асосий тушунчалар

Глобаллашув – дунёдаги турли одамлар, минтақалар ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ўсиши.

Жамият- муаян ҳудудда истиқомат қилувчи, ягона сиёсий ҳокимиятга итоат қиладиган ва ўзларини бошқа қўшни гуруҳлардан фарқлайдиган одамлар гуруҳи.

Ижтимоий гуруҳлар- мунтазам равишда бир- бирлари билан ўзаро таъсирга киришадиган индивидлар гуруҳи.

Ижтимоий роль- муаян ижтимоий позицияни эгаллаб турган индивиддан кутиладиган хулқ- атвор.

Урбанизм- Луи Вирт томонидан шаҳардаги ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаш учун киритилган атама.

Назорат ва мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Социология фани нимани ўрганади?
2. Социология қандай таркибий тузилишга эга?
3. Социология фанини қайси фанлар билан боғлаб ўрганиш мумкин?
4. Социологиянинг ижтимоий вазифалари нималардан иборат ?
5. Фан ҳақидаги тассавурингиз?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 40 б.
2. “Таълим тўғрисида”ги қонун. - Т.: Ўзбекистон, 2001, 3-11б.
3. Ислон Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси 2010 йил 13 ноябрь сони.

4. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон”, 2007, 57-бет.
5. Ислоом Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч.Т. “Маънавият”. 2008. -176 б.
6. Ватанимизнинг босқичма- босқич ва бақарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи № 237 (4647), 2008 йил 6 декабрь
7. Ислоом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 б.
8. Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири.Тошкент.: ЖИДУ. , 2009.56 бет
9. Э.Гидденс. Социология. (қўлланма) Т.:Шарқ. 2002. 848 б.
10. Баград Саркисов, Раъно Умарова. Социология. Маърузалар матни. - Т.: 2004, 5-9 бетлар
11. Б.Алиев., Ғ.Рафиқов., Т.Султонов., М.Муллажонова., Б.Раҳмонов ва бошқалар
12. Социология. (Ўқув қўлланма). –Т.: ТДЮИ нашриёти . 2006. -289 бет. 3-16 бетлар.
13. Юнусов К.А. Социология. Ўқув қўлланмаси. Андижон. “Андижон ” нашриёти. 1998 йил.
14. Юнусов К.А. Социологиядан практикум. –Тошкент. “ Янги аср авлоди” нашриёти. 2005 йил.

II МАВЗУ. СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.

а) АНТИК ДУНЁ СОЦИОЛОГИЯСИ (1 соат)

1. **Қадимги Юнонистондаги социал қарашлар**
2. **Рим мутафаккирларининг ижтимоий қарашлари.**

Социологияни фан сифатида тасаввур этиш учун энг аввало унинг вужудга келиши ва тарихий ривожланиш босқичларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий ҳаёт ривожланиши қонуниятларини ўрганишга қаратилган таълимотлар, қарашлар эраמידан аввалги IV асрдаёқ юнон файласуфлари асарларида ёритилган.

1. Сукрот (эр.ав 470–399). Афлотунинг «Сукротни алқаб» асари бор. Сукротни фақат шу асар орқали билиш мумкин. Сабаби, Сукрот ёзган асарлар бизгача етиб келмаган. Аммо у омма орасида ижтимоий фикрлари билан донг таратган, обру топган. Сукрот айтадики, «Хусндорлар ўз хуснларига доғ туширмаслик учун, хунуқлар эса ўз хунуқлигини ақл-заковатини тарбиялаш билан безамоқ учун тез-тез кўзгуга қараб турсинлар». У хотинига «Биз яшамоқ учун еймиз, бойлар эса овқат емоқ учун яшайдилар» дейди. Сукротнинг ижтимоий қарашларини яна қуйидаги ҳикматнома айтимлардан ҳам билса бўлади: “Ҳар қандай ёмонликнинг илдизи нодонликда», «Ҳақиқатни ўзингдан изла». «Ҳақиқатга баҳс орқали эришиш мумкин».

2. Афлотуннинг (эр.ав 427–347). Фалсафий қарашлари «Базм», «Теэтет», «Федон» номли диалогларида, сиёсий қарашлари эса «Давлат», «Қонунлар» номли асарларида баён этилган. Афлотун фикрича, оламда «ғоялар дунёси» бирламча бўлиб, моддий дунё эса унинг маҳсули, соясидир. «Ғоялар дунёси» замон ва маконга боғлиқ бўлмай, мангу ҳаракатсиз ва ўзгармасдир, ҳақиқий дунёдир. «Ғоялар дунёси»да энг олий ғоя – яхшилик ва бахт ғояси – худодир. Бошқа ғояларнинг ҳаммаси у билан боғлиқ.

3. Арасту (эр.ав. 384–322) «Метафизика» (ёки «Биринчи фалсафа»), «Физика», «Жон тўғрисида», «Аналитика», «Категориялар», «Сиёсат тугрисида», «Риторика», «Этика» каби асарлари билан социологик анъаналар ривожига катта ҳисса қўшди. Унинг таълимотича,

жамиятнинг кул ва кул эгаларига бўлиниши, кулдорларнинг ҳукмронлиги ва кулларнинг куллиги табиий ҳолатдир. Ахлоқий фазилатлар фақат эркин кишиларга, кул эгаларига хосдир. У халқни 2 йўл билан - қурқув уруғини сочиб бошқариш; меҳр-муҳаббат қозониб бошқариш мумкин, дейди. «Платон ва Аристотелдан кейин Т. Гоббс, Ж. Локк, Ж. Миль, Г. Лейбниц, Т. Кампанелла, Б. Паскаль, Ш. Монтескье, Ж.Ж. Руссо, Ф. Гизо, Б. Констан, М. Вебер ва бошқалар жамият ва давлатни бошқаришда парламентаризм муаммоларига ўз муносабатларини билдирганлар.»¹⁶ «Ж. Локк ўз давридаёқ фуқаролик жамиятининг хавфсизлиги ва уни муҳофаза қилиш институтлари генезиси ҳақида фикр юритар экан, халқ қонун чиқарувчи ҳокимият сенат, парламент деб ёки бошқа номда аташ мумкин бўлган муштарак орган қўлига берилмагунча на хавфсизликка, на хотиржамликка эга бўлмаган, на фуқаролик жамиятида яшамаябман деб хис эта олмаган»¹⁷ деб ёзган эди.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 40 б.
2. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008., 176 б.
3. Ислом Каримов. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: «Ўзбекистон», 2009. – 24 б.
4. Баград Саркисов, Раъно Умарова. Социология. Маърузалар матни. - Т.: 2004, 26-30-бетлар
5. Б.Алиев., Ғ.Рафиқов., Т.Султонов., М.Муллажонова., Б.Раҳмонов ва бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Т.: ТДЮИ нашриёти . 2006. -289 бет. 17-19-бетлар.

б) ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ СОЦИОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ(1 с.)

1. Зардушт таълимотида яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш масаласи. Митраизм оқими ва унинг таъсири.
 2. Қадимги Шарқдаги социал қарашлар (Хитой, Ҳиндистон)
 3. Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг социологик таълимотлари (Абу Мансур ал–Мотурудий, Хоразмий, Беруний, Форобий ва бошқалар)
 4. XIX аср охири XX аср бошларидаги Ўрта Осиё мутафаккирларининг социал қарашлари. Жадидчилик ҳаракатининг социал моҳияти.

Заратуштра (Зардўшт). Милоддан аввалги VI асрдан то милоднинг III асригача бўлган дуалистик дунёқараш марказида зардўштийлик ётади. Зардуштлик фақат дин бўлиб қолмай, балки ўша даврнинг ҳукмрон мафқураси, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий қарашлари ифодаси эди. Зардўштийликнинг назарий асоси «Авесто» адабий ёдгорлигидир. «Авесто»да қадимги кишиларнинг табиат ва уни билиш йўллари ҳақидаги тасаввурлари умумий тарзда ифода этилган. «Авесто»да афсонавий тасаввурлар билан бирга кишиларнинг ҳаётий тажрибалари ҳам ўз ифодасини топган. Китобда инсон ва жамият, ижтимоий муносабатлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. «Авесто»да **инсон**, меҳнат, деҳқончилик каби эзгу қарашлар улуғланади.

6. Конфуцийлик (551–479) - милоддан аввалги V-III асрларда вужудга келган. У қадимги Хитойдаги ижтимоий-фалсафий фикр ривожига катта ҳисса қўшган. Бу таълимот Хитой, Бобил, Миср мамлакатларида кенг тарқалган. Конфуцийнинг фалсафий ва социологик қарашларида ахлоқий масалалар марказий ўринда туради. «Ҳамма одамлар ўз бир-бирларидан фарқланадилар», «Янгини билиш учун - эскини ўрганиш керак», «Мулоҳазасиз

¹⁶ Бобобеков А. Юқори палата ва парламентаризм ривож топишининг асосий йўналишлари. «Қонун ҳимоясида». 2004. 2-сон. 22-бет.

¹⁷ Локк Дж. Сочинение. В 3т. «Перевод с англ. и лат. Т.3.» Ред. и сост., примеч. А.Л. Субботин. – М. Мысль. 1988. – ст. 316.

таълимот фойдасиздир, таълимотсиз мулоҳоза бўлмайди» - деган фикрлар шулар жумласидандир.

Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (783-850) - Марказий Осиёнинг жаҳонга машхур олимларидан бири. У Хоразмда қомусий олим сифатида дунёга маълум бўлди. Кўпроқ Боғдодда яшаган, Халифа Маъмун раҳномалигида Шарқнинг фанлар академияси Байтул-хикма («Донишмандлар уйи»)да ишлади. У бу ерда жуда кўплаб математик, астрономик кузатишлар олиб борди. Хоразмий «Илмлар қалитлари» асарида илмларни 2 қисмга: а) анъанавий араб илмлари ва 2) ажам (араб бўлмаган) илмларга ажратган. М.Хоразмий «Алгебра» фанининг асосчисидир «Алгебра» сўзининг ўзи унинг томонидан кашф этилган, бу тенгламаларни ечиш усули «алжабр» билан боғлиқдир.

2. **Абу Наср Форобий** (873–950) ўзининг кўплаб ижтимоий фикрлари билан социологик билимлар ривожига катта ҳисса қўшди. Унинг «Фозил шаҳар аҳолиси қарашлари ҳақида китоб», «Сиёсат ал-Мадания» каби асарларида олижаноб жамият, адолатли тузум, одил ҳукмдорлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари баён қилинган. У ўзи яшаган даврнинг ижтимоий тизимини, зиддиятларини ва бу зиддиятларни келтириб чиқарган муаммоларни назарий жиҳатдан таҳлил қилишга уринган. Форобийнинг ижтимоий қарашлари қуйидаги уғитларида ўз ифодасини топган:

- турли масалалар хусусида фикр юритиш, уларнинг таркиби, фарқи, эҳтимолли ва мутлақ мулоҳазаларни тиниқ, пухта таҳлил этиш;
- кескин ва мутлақ (яъни, эътирозга **ўрин** қолдирмайдиган) мулоҳаза хусусида фикр юритиш;
- бир-бирига қарама-қарши бўлган ва бўлмаган фарқли мулоҳазалар хусусида фикрлаш, уларнинг қандай ҳолатларда қарама-қарши кучга айланиб қолишини ўрганиш;
- бир-бирига қарама-қарши булган фикрлар, мулоҳазаларнинг қандай кўринишларга эга эканлигини қайд этиш;
- ҳақиқий мезон асосида ҳар бир мулоҳазанинг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириб кўриш ва уларнинг қандай аҳволдалигини ўйлаб кўриш;
- ўзгарувчан, ўзгармас ва ўзгарувчи мулоҳазаларнинг ўзгариш, маъно ва сабабларини билиб олиш;
- маълум бўлган умумий фикрдан келиб чиқмайдиган мулоҳаза кўринишлари хусусида фикрга эга бўлиш;
- фикр-қарашлар таърифи, уларнинг нималар асосида туриши, таркиб топганлигини, эҳтимолли ва мутлақ фикр-қарашлар ҳақида илмий тасаввурларга эга бўлиш лозим.

Демак, ҳар қандай социолог:

а) ижтимоий фикр ва;

б) ҳар бир индивид фикрини таҳлил ва синтездан ўтказиши керак.

Форобий фикрича, давлат - ижтимоий тизимни бошқарувчи ташкилот, уни муваффақиятли бошқариш эса кўп жиҳатдан давлат бошлиғи, ҳокимнинг фазилатларига боғлиқ. «Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи - шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан 12 хислат, фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур», дейди Форобий. Булар:

- ҳокимнинг тўрт мучали соғ-саломат бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни осон бажариши лозим;
- нозик фаросатли, хотираси яхши, зеҳнли, фикрини равшан тушунтира оладиган, билим-маърифатга ҳавасли бўлиши;
- таом ейишда, ичимликда, аёлларга яқинлик қилишда очофат бўлмаслиги, ўзини тия оладиган ва ҳақиқатни севадиган, ёлғон ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган, олийҳиммат бўлиши, олий ишларга интилиши зарур;
- мол-дунё кетидан қувмайдиган;

– табиатан адолатпарвар, истибдод ва жабр-зулмни ёмон кўрувчи, саботли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслик каби хислатлар киради.

Форобий ўз замонасининг комусий олимларидан бири бўлиб, илк бор тўлиқ илмлар таснифини яратди. Унинг «Китоб фи ихсо ал-улум ва ат-таъриф» («Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи») ёки қисқача номи «Ихсо ал-улум» («Илмлар таснифи») асарида илмлар қуйидагича тасниф қилинган:

1. Тил ҳақидаги.
2. Мантиқ.
3. Риёзиёт.
4. Табиий ва диний илмлар илмлар ёки метафизика.
5. Шаҳарларни бошқариш илми ёки сиёсат, фикҳ; ва калом илмлари ва ҳ.к.

Абу Райҳон Беруний (973-1048). Беруний Марказий Осиёдагина эмас, балки умуман Шарқда, жаҳон фани ва маданияти тарихида ҳам энг улуғ ва буюк мутафаккирлардан ҳисобланади. У ўзининг «Қадимги халқлардан қолган тарихий ёдгорликлар», «Минерология», «Ҳиндистон» каби асарларида ижтимоий ҳаёт масалаларини ёритган. «Минерология» асарининг муқаддимасида инсон ва унинг ижтимоий аҳволи, ердаги бурчи, олижаноблиги, жамият ҳаёти, ижтимоий адолат тўғрисидаги қимматли фикрларни баён этган. Беруний том маънода ўз даври этносоциологи ҳам эди. «Қадимги халқлардан қолган тарихий ёлгорликлар» асарида турли халқлар: форслар, юнонлар, яҳудийлар, христиан - моликийлар ва христиан -настурийлар, мажусийлар, собитлар, будпараст араблар, мусулмон араблар, турклар тўғрисида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. «Ҳиндистон» китобида эса ҳинд жамиятининг ички тузилиши тўғрисида, бу халқларнинг урф-одатлари, йил, ой ва тарихий саналари, оилавий муносабатлар, маросимлар, никоҳ масалаларини ўрганган.

Беруний табиат, унда чексиз равишда рўй бериб турадиган табиий ҳодисалар, жараёнлар хусусида муҳим илмий-фалсафий ғояларни илгари сурди ва исботлаб берди. Оламда бўлиб турадиган ўзгаришлар, яъни тузилиш ва бузилишларнинг, пайдо бўлиш ва йўқолишларнинг ўзига хос сабаблари борлиги ҳақида табиий-илмий ва социологик мулоҳазаларини ўртага ташлайди.

Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов 1998 йили тарихчи олимлар билан учрашувда шундай деган эди: «Абу Райҳон Беруний бобомизнинг бундан ўн аср бурун айтган фикрларини эслатиб ўтмоқчиман: «Илм-фан кишиларнинг ҳаётини эҳтиёжларини қондириш заруратидан пайдо бўлади»¹⁸.

4. **Ибн Сино** (980-1037) - Уйғониш даври маданиятининг йирик арбобларидан бири. У 400 дан ортиқ асар муаллифи. Унинг ёзган асарлари илм-фаннинг барча соҳаларига тааллуқлидир. Шундан 242 таси бизга етиб келган. Аллома асарларидан 80 таси фалсафа, илоҳиёт, тасаввуф, 43 таси табобат, 19 таси мантиқ, 26 таси эса руҳшуносликка бағишланган. У Шарқда «Шайхур-раис» - «Олимлар бошлиғи» деб ном олган. Унинг «Китоб аш шифо» («Даволаш китоби»), «Донишнома», «Нажоат», «Китоб ул инсоф» («Адолат китоби»), «Китоб ал-қонун фит тиб» («Тиб қонунлари китоби») ва бошқа асарлари бор. Ибн Сино ўзининг табиатга доир китобида ҳаракат сабабларининг 3 асосий турини эслатиб ўтади:

1) **«Табиий ҳаракатлар».** Бу жисмларнинг ўз табиий ўринларига интилишидир. Масалан, қизиган газларнинг юқорига кўтарилиши ва совигач тушиши.

2) Мажбурий ҳаракат. Бу ўз-ўзидан эмас, балки ташқи куч таъсирида вужудга келадиган ҳаракатлар.

3) Нисбий акциденцияли ҳаракат. Бу бир жисмнинг иккинчи бир ҳаракат қилиб турган жисм ичидаги ўзига боғлиқ бўлмаган ҳаракатини кўзда тутати¹⁹«.

¹⁸ Каримов И.А. «Биз келажагимизни ыз қылимиз билан кураимиз». Т.7. – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 150-бет.

¹⁹ "Сирли олам". 1947, №3, 13-бет; "Мулоқот". 1998. №3, 10-бет.

5. Ибн Халдун (Ибн Халдун Абдурахмон Абу Зайд: 1332-1406) араб тарихчиси ва мутафаккири. У ўзининг Социология (араб.илм ал-ижтимоъ) фанига оид дадил фикрларни ўртага ташлаган ва Шарқда ҳақли равишда шу фан асосчиларидан бири ҳисобланади. «Китоб ул-Ибар» (1370)ининг муқаддима қисмида унинг тарихий социологик назарияси баён этилган. Ибн Халдун башарият тарихида илк бор асотир тафаккури билан эмас, балки илмий, объектив назар билан қараган энг забардаст тарихчидир»²⁰. Инсоният ижтимоий фикри тарихида биринчи бўлиб, жамият, унинг ички ривожланиш қонуниятлари ва тараққиёт анъаналари ҳақидаги фанни яратди. Шарқнинг етук социологи бўлган Ибн Халдун «Муқаддима» (1381) асарининг «Кириш» қисмидаги дастлабки бўлимни «Кишиларнинг умумий ижтимоий ҳаёти тўғрисида» деб номлаган. Ибн Халдун социологик таълимоти куйидагиларидан иборат:

1) «Инсония жамияти вужудга келишининг моҳияти, сабаблари, мавжудлиги ва мазмунли ҳаёт кечиришнинг асосий шарт-шароитлари, аввало уларнинг ўзаро муносабатларидан иборат бўлади.

2) Табиий физик-жуғрофий муҳитнинг ҳаётга таъсири жисмоний қиёфа ва кишиларнинг руҳиятида кўришиб, бу жараёнда икки - табиий жуғрофик ва ижтимоий муҳит бир-бири билан бевосита муносабат ва таъсирда бўлади.

3) Табиийликдан, юқори бўлган кучнинг жамият ҳаётига таъсири ва бу таъсирдан кутилиш имкониятлари.

4) Инсоният жамияти кишиларнинг ана шу бирикмаси бирлашмасининг натижасидир»²¹.

5) Бундай инсоният уюшмаларини бошлиқлар бошқаради ва унинг танланиши Аллоҳ томонидан эмас, балки инсоннинг ҳаёт воситаларига бўлган интилиш ва табиий эҳтиёжлари туфайли содир бўлади.

Ибн Халдуннинг бу қарашининг юнон файласуфларидан Арасту ва бошқаларнинг «Инсон сиёсий мажудотдир» деган ғоясидан фарқи ҳам шундадир.

6) Инсоннинг ижтимоий мавжудлиги унинг фақат маънавий табиати-дан эмас, балки табиий эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Кишилар мавжуд экан, уларнинг эҳтиёж ва интилишлари ўртасида фарқ бўлиши табиий ва айрим аҳоли гуруҳлари ва шахслар ўртасида келишмовчилик, қарама-қарашликлар содир бўлади. Бу эса тартиб ўрнатиш ва ташкил қилиш ишларини ўртага қўядики, буни «ҳокимият» амалга оширади. Бу ғоя ҳам Ибн Халдун қарашларининг муҳим хулосаларидандир.

Ибн Халдун, мулкни ва мулкий муносабатларни тартибга солувчи ва ҳимоя қилувчи куч эса давлатдир, деб ёзади.

Норозиликларнинг бош сабабчиси ҳукмрон синф вакилларининг адолатсизлик ва зўравонликка асосланган сиёсатидир. Унинг назарида шоҳ 2 тоифага: адолатли ва адолатсиз шоҳга бўлинади. Яхши ҳукмдор шундай ҳукмдорки, унинг сиёсати кучини халқи зўр-базўр сезади ва у ўз фуқаролари билан юмшоқ, адолатли муомалада бўлади. Чунки ўз сиёсатини адолат асосига қурган шоҳнинг фуқаролари кучли ва эркин бўлади, бунинг натижасида улар қудратли яратувчи кучга айланадилар.

Шу боис мутафаккир шоҳларга маслаҳат бериб, халқ эркинлигини ҳаддан ортиқ бўғмасликка ва эркинлик беришга чақиради: «Агар тарбия куч ишлатиш, қўрқитиш йўли билан бўлар экан, у хоҳ ўқувчи, хоҳ кул, хоҳ хизматкор бўлсин, уларга қўрқинч таҳдид қилиб туради, натижада фуқаро руҳининг ўсишига халақит беради, ҳаракатчанликни сўндиради ва унинг ўрнига ялқовлик, алдаш, ёлғончиликни кучайтиради. Бу сифатлар айнан шу зўравонлик таъсирида содир бўлади. Улар қалби бефарқлик билан тўлади, яхши ва фазилятли сифатлар ўрнига аҳмоқона, ёмон сифатларни қабул қилиб, пастларнинг энг пастига айланади».

²⁰ Каримов С. «Темурнинг назари тушган муаррих» (Ибн Халдун ҳақида). "Сирли олам". 1997, №2, 9-бет.

²¹ «Халқ сўзи». 1996 йил, 17 май.

Шу боисдан ҳам мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш ҳақидаги масалани кўтардиларки бу бежиз эмас, албатта.

Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1529) - темурийлар сулоласининг энг буюк вакилларида бири, ҳиндистонда «Буюк мўғуллар» деб номланувчи салтанатини қурган, туркий, араб-мусулмон, форс-тожик, ҳинд маданияти, бадий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва диний-тасаввуфий фикрга катта ҳисса қўшган мутафаккирдир.

Бобур «Бобурнома» асарида ўз даври ижтимоий ҳаёти воқелигини, инсон шахси хусусиятларининг яхши ва ёмон томонлари, Андижондан -ҳиндистонга қадар бўлган улкан ҳудудда яшаган халқларнинг ижтимоий жиҳатларини шахсий кузатишлари, илмий тадқиқотлари асосида ўрганган ва ёзиб қолдирган.

Хуллас, темурийлар даври маданият, санъат, адабиёт сингари ижтимоий, сиёсий, фалсафий фикрлар таракқиётида ҳам ўзига хос бир босқич бўлди.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2009.- 40 б.

2. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008., 176 б.

3. Ислом Каримов. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 24 б.

4. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри.- Тошкент : “Халқ мероси” 2004 йил. 166 бет.

5. Баград Саркисов, Раъно Умарова. Социология. Маърузалар матни. - Т.: 2004,26-30 б.

6. Б.Алиев., Ф.Рафиқов., Т.Султонов., М.Муллажонова., Б.Раҳмонов ва бошқалар Социология. (Ўқув кўлланма). –Т.: ТДЮИ нашриёти . 2006.- 289 бет. 19-24 – бетлар .

в) ҒАРБИЙ ЕВРОПА СОЦИОЛОГИЯ МАКТАБИ. XX АСР СОЦИОЛОГИЯСИ (2 соат)

- 1. Ғарбий Европа социология мактаби. Социологиянинг фан сифатида вужудга келиш босқичлари.**
- 2. XIX аср социологиясининг ўзига хос хусусиятлари.**
- 3. XX аср социологиясидаги асосий назарий йўналишлар.**

Социология ни «кузатишга асосланган фан даражасига» кутариш талабини француз утописти Сен-Симон, Шарл Фурье ва Роберт Оуэнлар илгари сурган. Улар XVIII аср 2-ярмида ва XIX аср биринчи ярмида бу фаннинг баъзи масалалари хусусида ўз фикр-мулоҳозаларини билдирганлар.

Социологиянинг фан сифатидаги асосий ривожланиш босқичлари: классик, ноклассик, марксистик ва XX аср Америка социологияси каби соҳдаларга бўлинади. Қуйида ана шу соҳаларга қисқача тўхталамиз:

1) Классик социологик, фалсафий қарашлар:

Немис классик фалсафасида ижтимоий таракқиёт назарияси илгари сурилди. Немис классик фалсафасининг асосчиларидан бири сифатида тан олинган **И. Кант** (1724–1804) диалектика ғояларини қайта тиклаган мутафаккир. Кант ўзининг табиий-илмий қарашлари билан табиатни метофизик тарзда тушинишга чек қуйди. Фалсафанинг борлиқ, ахлоқ ва дин каби муаммолари билан шуғуланишдан аввал инсоннинг билиш имкониятларини аниқлаб олиш лозим, дейди у. Кант кишини ўраб турган ташқи дунёдаги нарсаларни 2 га булади: а) ўз-ўзида мавжуд бўлган нарсалар дунёси; б) сезгиларимиз акс эттирган нарсалар, ходисалар

дунёси. Инсон билиш жараёнида ходисалар дунёсига тартиб киритади, уни маълум вақт макон билан боғлаб ўрганади.

2) **Г.Ф.Гегель** (1770–1831). Немис классик фалсафанинг вакили, унинг таълимотича, барча мавжуд нарсаларнинг асосида «мутлақ ғоя» (руҳ)нинг ривожига ётади. Олдин мутлақ ғоя «соф борлик» сифатида мавжуд бўлади. Кейинчалик у ривожланиб, мазмун жихатдан биридан бири бой бўлган тушунчаларни вужудга келтиради. Инсон онги ривожланган сари ғоя моддийликдан қутилиб боради. Охири мутлақ ғоя олдинги ҳолатига қайтади.

3) **Л.Фейербах** (1804-1872) немис классик фалсафасининг сўнгги вакили бўлиб, фалсафада материалистик йўналишга мансубдир. У Гегелнинг мутлақ ғоясига қарши чиқади. Фейербах фикрича, тафаккур инсондан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин. Фейербах: «Тафаккур, онг иккиламчидир, материянинг, табиатнинг маҳсулидир», дейди.

Ижтимоий тараққиётнинг мураккабланиши ва илмий билимларнинг табақаланиши Социологиянинг «Фалсафа» дан ажралиб, мустақил фанга айланишини муқаррар қилиб қўйди. XIX асргача Социология «Фалсафа» нинг таркибий қисми бўлиб келди. Жамият ҳақида «позитив фан» (ҳақиқий фан) яратишга уриниш XIX аср ўрталарида юзага келди. XIX аср бошларида эса Социология ўзига хос илмий усулларга эга бўлиб, фалсафадан тўла ажралиб чиқа бошлади.

Лекин у мустақил фан сифатида XIX асрнинг 30-йилларида илмий муомалага Социология атамаси киритилгандан сўнг шаклланди. Янги фанга француз файласуфи Огюст Конт ном берди.

4) Огюст Конт (1798-1857) француз файласуфи, янги фанга Социология деб ном берди. Конт нуқтаи назарига кўра, Социология позитив моҳиятга эга фандир. «Позитив усул» илмий кузатишлар, эксперимент ва таққослаш усули ёрдамида тўпланган эмпирик маълумотларни назарий таҳлил қилишни ифодалайди.

О. Конт томонидан 1839 йилда «Позитив фалсафа курси» асарининг учинчи томи нашр этилганлиги натижасида биринчи маротаба у жамиятни илмий асосда ўрганиш сифатида Социология атамасини қўллади ва бу Социологиянинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди.

Кейинчалик Социология ижтимоий муносабатларни назарий анализ қилишни социал фактларни эмпирик тадқиқ қилиш билан қўшиб олиб боровчи мустақил фанга айланди. О.Конт Социологияни 2 қисмга ажратади: а) социал статика ва б) социал динамика. Социал статикада ижтимоий тизимларнинг шарт-шароити ва функционал қонуниятлари ўрганилишини кўрсатади. Унда ижтимоий институтлар: оила, давлат, дин кабилар тадқиқ этилади. Социал динамикада эса О.Конт ижтимоий тараққиётни назарда тутиб, жамиятнинг маънавий ва ақлий ривожига инсоният тараққиётининг ҳал қилувчи омили, деб қарайди. Бу тамойил ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. О.Конт: «Ҳар қандай билим тафаккур маҳсулидир ва у инсоният манфаатларига хизмат қилиши керак, акс ҳолда бу билимлардан ғаразли мақсадларда фойдаланилса, жамиятга катта зарар келтирилади», деган эди.

О.Контнинг таъбирича, Социология инсон ақлини ва психикасини ижтимоий ҳаёт таъсирида такомиллашиб боришини ўрганиб борадиган ягона фандир. Бу фикрни Конт бутун бир таълимотга айлантиради ва унга мувофиқ индивид абстракциядир, жамият эса воқелик бўлиб, у табиий қонунларга бўйсунди. Умуман, Социологияда О.Конт яна қуйидаги усулларни асослаб берди: а) кузатиш усули; б) экспериментал қиёсий; в) тарихий усул; г) қиёсий усул - бу усуллар Социологияда позитив фанларнинг усуллари ҳам дейилади. Контнинг фикрича, тарихийлик усули ёрдамида олинган ҳар бир индуктив хулосалар инсонни биологик назария тушунчалари ёрдамида қиёсланиб текширилиши лозим.

О.Конт томонидан таърифланган инсон интеллектуал ривожланишининг учта изчиллик босқичи: теологияга оид, метафизик ва позитивик ҳақидаги қонуни ушбу саволга жавоб бериш учун имкон беради.

Биринчи - теологик босқичда инсоннинг ғайритабиий тушунчаси диний тасаввурлар асосига қурилган.

Иккинчи - метафизик босқичда инсон ғайритабиий кучдан воз кечиб, мавҳум моҳият, сабаб ва бошқа фалсафий меъёрлар ёрдамида воқеликни тушунтиришга ҳаракат қилади. Иккинчи босқичнинг вазифаси - танқидий, аввалги тасаввурларни вайрон этиб, у учинчи - позитив ёки илмий босқични тайёрлайди. Бу босқичда инсон мавҳумий моҳиятни ифодалашдан воз кечиб, улар устидан кузатиш билан кифояланади. Бир босқичдан иккинчисига ўтиш ҳамма фанларда бир вақтларда бўлмасада, изчиллик билан амалга оширилади. Бу жараён «оддийдан мураккабга» (юқоридан қуйига) тамойили асосида юзага чиқарилади.

Ўрганилаётган объект қанчалар оддий бўлса, у ерда позитив билимлар шунча тез қарор топади. Шунинг учун позитив билимлар, аввало «Математика», «Физика», «Астрономия», «Химия» да, сўнг эса «Биология» да тарқалади.

Социология эса бу позитив билимлар чўққисидир. У ўз тадқиқотларида позитив услубга суянади. Позитив услуб кузатишлардан тўпланган тажриба ва тадқиқотларни таққослаш, ишончли, текширилган, эътироз туғдирмайдиган эмпирик маълумотлар мажмуини назарий таҳлил этишга суянган. О.Конт томонидан жамият ҳақидаги фанни шакллантиришда меҳнат тақсимооти ва кооперациялашнинг зарурлиги ҳақидаги қонуннинг очиб берилиши навбатдаги муҳим яқун бўлди. Бу омиллар жамият тарихида жудда катта ижобий аҳамиятга эга. Шу туфайли социал ва касб-корлик гуруҳлари юзага келади, жамиятнинг хилма-хиллиги ўсади ва одамларнинг моддий фаровонлиги кўтарилади.

О. Конт ўз қарашларидан келиб чиқиб, Социология ни икки қисмга: социал турғунлик ва социал жўшқинликка бўлади.

Социал турғунлик ижтимоий тузумларнинг амал қилиш шароитлари ва қонуниятларини ўргатади. О. Конт Социология сининг ушбу бўлимида асосий ижтимоий институтлар: оила, давлат, дин, ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий функциялари ва уларнинг бирдамлик ва ҳамкорликни ўрнатишдаги роллари кўриб чиқилган. Социал жўшқинликда О. Конт инсонни маънавий, ақлий ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган ижтимоий тараққиёт назариясини ривожлантиради.

О.Контнинг кўпгина ғоялари, аввало, табиат ва жамият ҳақидаги фанларнинг ижобий кўрсатмаларидан Социология да фойдаланиш, шунингдек, яхлит социал организм бўлган жамият ҳақидаги тасаввурларини қабул қилиб, уни ривожлантирган мутафаккирлардан бири Герберт Спенсердир.

5) Г. Спенсер (1820-1903) ҳам О. Конт каби кенг маълумотга эга бўлган олим, ўз даврининг буюк ақл эгаларидан бири ҳисобланади. У «Фалсафа», Социология, «Психология» ва бошқа фанлар бўйича қатор илмий асарлар муаллифидир. Г. Спенсернинг асосий асари «Синтетик фалсафа тизими» бўлиб, унда табиий ва социал воқеаларнинг тарихий ривожланиши ҳақидаги чуқур қарашларини баён этган. Г. Спенсер Социология даги организмга оид мактабнинг асосчиси ҳисобланади. У ўзининг организмга оид назариясини ва социал эволюция тушунчасини «Илмий - сиёсий ва фалсафий тажрибалар» асарида атрофлича баён этган.

Г. Спенсер жамиятни табиий, энг аввало, биологик қонунлар асосида ривожланувчи организм сифатида қараган. У жамиятни жонли биологик организмга ўхшатади. Ушбу фикрни асослаш мақсадида у қуйидаги далилларни келтиради:

1. Жонли организм сифатида ҳар қандай жамият ҳам ўсиш ва ривожланиш жараёнида ўз массасида ортиб боради.
2. У ва бошқалари мураккаблашади.
3. Унинг қисмларининг тобора бир - бирига боғлиқлиги кучайиб боради.
4. Уни ташкил этган бирликлар гоҳо пайдо бўлиб ва йўқ бўлиб туришига қарамай, бир бутун ҳолда яшашни давом эттиради.

Г. Спенсернинг социал, шунингдек, эволюция назарияси катта қизиқиш уйғотади. Эволюцияда у қуйидаги асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатади: оддийдан мураккабга ўтиш

(интеграция); бир турдан хилма-хилликка ўтиш (дифференциация, ноаникликдан аникликка ўтиш тартибининг ўсиши). Социал эволюция, бу - жамиятнинг мураккаблашуви йўлидаги прогрессив ривожланиш ва социал, аввало, сиёсий институтларни такомиллаштириш соҳасидаги фаолиятдир. У социал эволюциянинг одамлар эҳтиёжлари билан объектив боғланганлигини кўрсатади.

«Давлат эволюцияси социал эҳтиёжлар натижаси ҳисобланади», - деб таъкидлайди Г. Спенсер.

Г. Спенсернинг нуқтаи назарича, социал эволюция жараёнида одамларнинг ва турли социал институтлар жамоавий фаолиятининг аҳамияти ортади. Турли авлод одамларининг биргаликдаги интилишлари орқали амалга оширилаётган социал эволюция давомида жамиятнинг кўп функциялари ўзгаради.

Спенсер жамиятнинг парчаланиш муаммосини - мувозанат, уйғунлик ва барқарор қарама - қарши бўлган жараён деб ҳисоблаб, ўз қарашларини баён этган. Жамиятнинг парчаланиши, унинг фикрича, инқирозга учраши орқали юз беради. Бу жараён ички, шунингдек, ташқи сабаблар таъсири натижасида содир бўлади. Жамиятнинг парчаланиши сиёсий ҳокимиятни, армия, ўтмишда прогрессив бўлган ташкилотларни ўз ичига олган давлат институтлари самарали фаолият кўрсатишининг кучсизланиши натижасида бошланади. «Жамиятнинг парчаланиши жараёнида, - деб давом этади Спенсер, интеграциялашган ҳаракатларнинг камайиши ва марказдан қочувчи ҳаракатларнинг кучайиши юз беради. Тартибсизлик кучаяди, ҳукумат ўзининг қобилиятсизлигини намоён этади». Спенсер айтган ушбу фикрлар долзарб, мазмунан чуқур ва аниқ эканлиги нуқтаи назаридан катта аҳамият касб этади. Ишонч билан айтиш мумкинки, Спенсернинг фикр ва қарашлари биз замондошларимизга ҳозирги ҳаётнинг мазмунини чуқур тушуниб олишларига ёрдам беради.

б) XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги социологик позитивизмнинг кўзга кўринган вакиллари билан, бу француз социологи Эмиль Дюркгеймдир (1858-1917). У бир неча маротаба О. Конт ва Г. Спенсерлар социологик қарашининг аҳамиятини таъкидлаган, уларни танқидий англаган ва янада ривожлантирган. У яхлит социал организм бўлган жамият ҳақидаги назарияни ишлаб чиқиб, ривожлантирган; у социал реализм назариясида социал воқелик табиатини социал воқеалар орқали тушунтириш лозимлиги, одамларнинг феъл-атворини таҳлил этишнинг бошланғичи индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва тегишли социал институтларнинг ўзаро муносабат тизимини ташкил этган жамият ҳисобланишини баён этган.

Дюркгейм «Социология услуби» номли асарида социология соҳасидаги жамият ривожланиши назарияларини ишлаб чиқишга эътиборини қаратиб, социал омилларни илмий таҳлил этишга қаратилган тафсилотларни яратиш устида шуғулланган.

Социология, - деб ёзади у, - социал далиллар ҳақидаги фан бўлиб, унинг остида сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва бошқа ғоялар, қоида ва қадриятлар ётади. Дюркгейм фикрича, социал воқеликнинг якуний сабаблари бўлиб, одамларнинг амалиётда рўёбга чиқариладиган ғоя ва маданий қадриятлари ҳисобланади. Айнан ана шунда, у ҳар қандай социал эволюциянинг манбаи мавжудлигини кўради. Бунда сўз жамоавий онгнинг номоён бўлиши сифатидаги ғоялар ва маънавий қадриятлар устида боради.

Айрим шахсларда нисбатан социал қоидалар, қадриятлар ва бошқа ижтимоий онгнинг номоён бўлиши объектив амал қилади. Социал назария ва услуб муаммоларини ишлаб чиқишда, Дюркгейм Социология ва «Фалсафа» нинг ўзаро таъсири муаммоларига ҳам эътиборни қаратган.

У Социология буюк фалсафий таълимотлардан юзага келганлигини эътироф этади ва доимо қандайдир фалсафий ёндашувларга суянганлигини таъкидлайди. «Социология, -деб ёзади Дюркгейм, - аллақачон мустақил фан бўлиб шаклланган, ўз предметига эга ва шу туфайли ўз иши билан шуғулланиши керак. Дюркгейм асарлари Социология нинг мустақил фан сифатида қарор топишида муҳим рол ўйнайди.

2. Ноклассик социологик қарашлар типи:

Социологиянинг ноқлассик типни немис файласуфи, социологи Г.Зиммель ва М.Вебер томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу методология асосида жамият ва табиат қонунларининг бутунлай қарама-қарши эканлиги тушунчаси ётади.

1) Г.Зиммелнинг (1858-1918) - немис файласуфи социологи. Унинг 14 томлик асарлари чоп этилган асосий асарларидан «Дарвинизм ва билиш назарияси», «Социал дифференциация: социологик ва психологик тадқиқотлар» асарлари айниқса катта маънага эга. У Маркс фикрларига таъсир ўтказди. Зиммелнинг фикрича, социал фанларга анъанавий хусусият - бошқа фанлар шуғулланадиган предметни танлаш учун эмас, балки усул сифатида керак. Зиммель қарашича: а) умумий социология - турли ижтимоий фанларда анъанавий предметлар доирасини, қонуниятларини аниқлайди; б) социация (мулоқот)нинг шакллари тасвирлаш; в) системалаштириш - тоза ҳақиқий ёки формал социологиядир. Асл социология жамият ҳақидаги турли фанларнинг тадқиқотчиларига ўз предметларига социологик ёндашишларини таъминлаш учун керакли йўналишларни ишлаб чиқиши лозим. Асл социология бошқа ижтимоий фанлар учун методология бўлиб хизмат қилса, хусусий социал фанлар учун назария хизматини ўтайди. Социал билиш системаси ўзида 2 та фалсафий фанни Билишнинг социологик назарияси ва «Социал метофизика» ни бирлаштириди.

Социал билимнинг уч даражали концепцияси - умумий - формал - фалсафий социология вужудга келади. Зиммель фикрича, «Социология хусусий ижтимоий фанларнинг билиш назариясидир». У жамиятнинг умумсоциологик қонуниятларини рад этиб, шундай фикрларни ёзади: «Ижтимоий ривожланиш қонунлари тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас. Албатта, ҳар қандай ижтимоий унсур ҳаракати табиий қонунларга бўйсунди; аммо умумий жамият қонуни йўқ: бунда барча табиатдагидек, қонунлар устидан ҳукмронлик қиладиган қонун йўқ. Шунинг учун, биз ҳар қандай икки бир хил ижтимоий шароитда мутлақо бошқа-бошқа ҳодисаларни келтириб чиқарадиган кучни била олмаймиз».

2) Макс Вебер (1864-1920)- буюқ немис социологи. Унинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ва назарий позициялари кўп жиҳатдан XIX асрнинг охири чорагида Германиядаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ва вазиятлар билан бевосита боғлиқ. Унинг «Ўрта асрлардаги савдо жамиятлари тарихига оид» (1889), «Рим аграр тарихи ва уни давлат хусусий ҳуқуқ учун аҳамияти» (1891), «Протестант этикаси ва капитализм руҳи» (1905), «Дунё динларининг хўжалик этикаси» (1919), «Хўжалик ва жамият» (1920) каби асарлари социологик таълимотларга бағишланган. М.Вебер Дильтейнинг антинатурализмни ёқлайди. У инсоннинг онгли маъжудод эканлигини» ҳеч бир тарихчи ё социолог, иқтисодчи инкор эта олмаслигини таъкиллади.

М.Вебер фикрича, маданият, жамият ва тарих ҳақидаги фанлар худди табиий фанларга ўхшаб баҳолаш фикрларидан холи бўлиши керак. Лекин бу олимни ўз баҳо бериш ва қизиқишларидан воз кечиши керак, деган фикрни туғдирмаслиги керак. Фақатгина бу қизиқиш ва баҳо бериш олимнинг илмий хулосалар доирасига бостириб кириши жоиз эмас. Бу доирадан ташқарида у ўз мулоҳазаларини қанчалик баён қилишини ўзи белгилайди, лекин энди олим сифатида эмас, балки хусусий шахс сифатида. М.Вебер қадриятни у ёки бу тарихий даврнинг кўрсатмаси, даврга хос бўлган манфаатнинг йўналиши, деб талқин қилади. Шундай қилиб, қадриятлар тарихдан юқори холилиқдан тарихийликка ўтадилар. М.Вебер, қадриятли ҳукмлар доим шахсий ва субъектив хусусиятга эга, деб билган. Улар ахлоқий, сиёсий ёки бошқа қарашлар билан боғлиқ, деб ҳисоблайди.

М. Веберда социал билишнинг асосий қуроли «идеал тип» ҳисобланади. Идеал типлар – бу, социал тарихий реалликни таққослаш орқали билиш тўғрисидаги тушунча. Унингча, барча социалмаълумот социал тип билан тушунтирилмоғи лозим. Вебер давлат типлари ва рационаллик типлари каби социал фаолият типологиясини илгари суради. «Капитализм», «бюрократизм», «дин» ва шу каби идеал типларга асосланади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, идеал тип тушунчаси ёрдамида Вебер тарих ва социология ўртасидаги масофани қатъиян қисқартириб, икковининг родини аниқ белгилаб беради.

Умуман, Г. Зиммель ва М Веберлар социологик билимлар предмети сифатидаги «жамият», «халқ», «инсоният», «жамоатчилик» каби тушунчаларни рад этадилар. Улар социологик тадқиқот предмети фақат индивид бўлмоғи керак, деб ҳисоблайдилар.

3. Марксистик социология таълимоти К.Маркс (1818-1883) ва Ф.Энгельс (1820-1895) номи билан боғлиқ. К.Маркс ва Ф.Энгельснинг жамият тўғрисидаги материалистик таълимоти социологиянинг классик ва ноклассик типларининг ўзига хос синтези сифатида вужудга келди. Марксизмда социология предмети жамиятнинг асосий ривожланиш қонуниятларини, унинг ижтимоий бирликлари ва институтларини ўз ичига олади. Жамият таракқиётини материалистик тушунишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1) Тарихий материализмнинг асосий тамойилларидан бири ижтимоий ривожланиш қонуниятини эътироф этиш.ҳақиқатан ҳам К.Маркс жамият тарихи ривожланишининг умумий қонуниятини кашф этди.

2) К.Маркс ва Ф.Энгельс жамият ҳаётида амал қиладиган хилма-хил, кўплаб ижтимоий муносабатларни, бошқаларнинг белгиловчисини аниқлаш зарур, деб билдилар. Бу ижтимоий муносабатлар - моддий неъматларни ишлаб чиқариш усули бўлиб, бу ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларидан иборат. Кишилар ўз турмушини ижтимоий ишлаб чиқаришда уларнинг иродаларига боғлиқ бўлмаган, муайян, зарур муносабатларга, ишлаб чиқариш муносабатларига киришадилар, бу муносабатлар уларнинг моддий ишлаб чиқарувчи кучлари ривожининг муайян босқичига мувофиқ бўлади.

Моддий ҳаётнинг ишлаб чиқариш усули умуман социал, сиёсий ва маънавий ҳаёт жараёнларини белгилайди. Кишиларнинг онги уларнинг борлиғини белгиламайди, балки аксинча, ижтимоий борлиғи уларнинг онгини белгилайди.

3) Жамият тўғрисидаги материалистик таълимотнинг яна бир муҳим тамойили жамият ҳаётининг прогрессив ривожланиб бориш хусусиятига эга эканлиги. Шу тамойил асосида Маркс ва Энгельс ижтимоий-иқтисодий формация тўғрисидаги қонуниятни очдилар.

4) Табиий-тарихий жараёнлар табиатда рўй берадиган жараёнлар сингари қонуниятли, зарурият орқали содир бўлиб, ўз моҳиятига кўра, объектив ҳарактерга эга. Аммо табиат ҳодисаларидан фарқ қилиб, жамият ҳодисалари стихияли тарзда эмас, балки унда яшовчи кишиларнинг онгли фаолияти натижасидан иборат. Жамият ҳаётида ҳеч бир ҳодиса кишилар онгида акс этмай содир бўлмайди.

5) Г.Зиммель ва М.Вебер социологик қарашларидан фарқли ўлароқ, К.Маркс ва Ф.Энгельс социологик қарашларида эмпирик социологик маълумотлар ва назарий хулосалар «тарихий давр манфаатлари»га - пролетариат манфаатларига қаратилган эди. В.И.Ленинда бу ёндашув партиявийлик томоили сифатида янада ривожлантирилди. Бу эса, жамият таракқиёти тўғрисидаги барча «буржуа» социологик таълимотлар ноилмий деб, инкор этилишига олиб келди. Умуминсоний кадриятлар ўрнини синфий, партиявий кадриятлар эгаллади.

Марксизм классиклари эмпирик ҳарактердаги очик социал тадқиқотларни буржуа илми кўриниши деб қайд этади. К.Маркснинг «Капитал», Ф.Энгельснинг «Англияда ишчилар синфининг аҳволи», «Турмуш (тураржой) масаласига доир», В.И Лениннинг «Россияда капитализмнинг таракқиёти», "Буюк почин» сингари асарлари, назарий тадқиқотлари ижтимоий жараёнларни таҳлил қилиш асосида синфийлик принципи билан ёзилган. К.Маркс ва Ф.Энгельс томонидан 1848 йили ёзилган «Коммунистик партия манифеста» асари ана шу синфийлик ва партиявийлик томоилининг назарий чўққиси бўлди.

К.Маркс ва Ф.Энгельс социологик қарашларининг айрим томонларини Г.В.Плеханов, А.Бebel, Р.Люксембург ва бошқалар ҳам ривожлантириб, конкретлаштирганлар. Шунингдек, уларнинг фикрларини, яъни марксистик социология қарашларини В.Ж.Келле, С.А.Кугел, П.Тамаша, К.Мюллер, И.Т.Фролов, В.А.Энгельгардт каби социологлар фаннинг ишлаб чиқариш ва жамиятнинг бошқа соҳалари билан алоқасини янада такомиллаштириш, фан ахлоқи каби йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Номарксистик социология ривожланишида АҚШ социологларидан Т.Парсонс, Р.Мертон, П.Сорокин, Ф.Знанецкий, А.Чайлд, Ч.Р.Миллс, В.Старк, П.Бергер, Т.Лукмансар, Ғарб социологларидан С.Латур, Т.Кун, С.Чэпин, П.Форман, Э.М.Малкей, М.Полани, Э.Шилз, М.Шелер, К.Манхеймларнинг роли катта бўлди.

Эпирик социологиянинг вужудга келиши «социал образлар» ёки «далилларни тадқиқ қилиш» деб аталган нарсаларни эълон қилишдан бошланган эди. Бу ўринда гап муайян социал далил ва ҳодисаларни батафсил баён қилиш ва ишлаб чиқариш тўғрисида боради. Социологик муаммоларни ҳал қилишнинг бундай усули тез орада биринчи бўлиб АҚШда, айниқса, кенг тарқалди. Эмпирик социология шаклланишининг маркази Чикаго университети бўлди (уни Чикаго «ҳаёт маркази» деб ҳам аташган). Бу ерда XX асрнинг 20–30-йилларида эмпирик социологиянинг яққол ривожланишини ифодаловчи кўп қиррали амалий тадқиқотлар кенг суръатда амалга оширилди. Бу йўналишлар аниқ ҳолатларда кишилар ҳаёт фаолиятларини мукамал тадқиқ этишга қаратилган эди. Масалан, эмпирик социологиянинг асосчилари деб ҳисобланувчи У. Томас ва Ф. Знанецкий беш томли «Поляк деҳқони Европада ва Америкада» (1918-1920) деган асарида АҚШга кўчиб келган поляк деҳқонларининг ҳаётини батафсил таҳлил қилдилар. Бунда улар ашёвий далиллардан, шахсий ҳужжатлардан, 28 поляк оиласининг шахсий ёзишмаси, айрим кишиларнинг таржимаи ҳоли, анкеталар ва шу каби бир қанча материаллардан кенг фойдаландилар.

Бу социологияда тадқиқотлар ўтказишнинг янги тури бўлиб, унда замон ва макон билан чекланган жуда кўп далиллар ўрганилар, аммо, одатда, жамият ҳаётининг муҳим томонлари қонуниятларига оид умумлаштирувчи хулосалар чиқарилмас эди. Шунга кўра, тадқиқотлар ўтказишда текширишнинг махсус тартиби ва техникаси ҳам қўлланила бошланди: кузатиш, интервью анкета тарқатиш, ҳужжатларни ўрганиб чиқиш, тажриба ўтказиш ва моделлаштириш, тўпланган материалларни статистик жиҳатдан ишлаш, диаграмма, графиклар тузиш кабилар.

Оммовий сўровлар усули ва техникаси ривожда Ж.Г. Гэлланинг «Жамоатчилик фикрини ўрганиш Америка институти» фаолияти катта рол ўйнайди. У XX аср 30-йилларида 10 кунлаб давом этадиган умуммиллий сўровларни ўтказди.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб Америка штатлари жаҳон социологияси ривожда етакчи мавқени эгаллади. АҚШда Социология нинг фан сифатида жадал риволанишида куйидаги омил муҳим роль ўйнади. Капитализмнинг юқори босқичга кўтарилиши, Европада синфий курашнинг кучайиши натижасида мажуд ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий зиддиятларни ҳал этишга қаратилган эмпирик тадқиқотларнинг катта ҳажмда тўпланганлиги АҚШда социологиянинг фан сифатида жадал ривожланишига сабаб бўлди. Бу ерда Социология дастлаб университет фани сифатида шаклланди. 1892 йилда жаҳонда биринчи марта Чикаго университетида социология кафедраси ва факультети очилди. 1901 йилда Социология 169 университет ва коллежларда фан сифатида ўқитилган бўлса, 80йилларнинг охирларига келиб бу кўрсаткич 250 ни ташкил қилди.

АҚШда Социология ўзининг илк давридаёқ амалий-эмпирик фан сифатида шаклланди. 1910 йилдаёқ мамлакатда 3000 дан ошиқ эмпирик тадқиқотлар ўтказилган эди. Ҳозир бу кўрсаткич 2 баравардан ошиб кетган. Социологик тадқиқотлар ўзининг жуда катта молиявий асосига эга. Бундай тадқиқотлар ўтқатиш учун йилига 2 миллиард доллар ажратилади. Бу харажатларнинг ярмини АҚШ ҳукумати, қолган ярмини хусусий бизнес ўз зиммасига олган. АҚШда ҳозирга келиб 100 минг социолог мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Ҳукумат ва мулк эгалари социологияга социал зиддиятларни ҳал этиш қуроли сифатида, ижтимоий барқарорликни таъминлаш воситаси, ижтимоий назорат ва бошқарув омили, меҳнат унумдорлигини оширувчи кишиларнинг моддий ва маънавий муносабатларини тартибга солиб туришнинг илмий асоси сифатида жиддий эътибор бериб келмоқдалар. Эмпирик тадқиқотлар мунтазам равишда олиб борилиши, фундаментал методологик ва назарий асоснинг ишлаб чиқарилганлиги, унинг математик статистик, компьютер технологияси юқори даражадалиги, моделлаштириш ва социал

экспериментларнинг юкори савияда олиб борилиши натижасида ҳозирга келиб АҚШда Социология аниқ прогнозлар берувчи фанга айланган.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб, АҚШ социологиясида меҳнат муносабатлари, инсоний муносабатларни ўрганиш янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ўтиш жараёнларини тезлаштирди. Масалан, 1927 -1932 йилларда Э. Мэйо раҳбарлигида меҳнат ва бошқарув муносабатларини ўрганишга қаратилган ва Хоторн экспериментлари номи билан машҳур бўлган социологик тадқиқотлар шундай тадқиқотлар сирасига киради. Бу тадқиқотлар Ғарбий Европани ларзага солган кучли иқтисодий таназзул даврида ўтказилган бўлиб, уларнинг мақсади - ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг кўшимча омилларини қидириб топишдан иборат эди. Шу асосда 1943 йилда Абрахаам Маслоу томонидан «истеъмолнинг иерархик назарияси» яратилди ва амалиётда қўлланилди. Кейинчалик, шу назария асосида, 1950 йили Ф. Херцберг томонидан «мотивация назарияси» (меҳнат шароитларининг ички ва ташқи омиллари ҳақидаги назария) ва 1957 йили Д. Макгрегор томонидан «бошқарув усули назарияси» яратилди (Бунда бошқаришнинг 3 асосий усуллари – авторитар, демократик ва аралаш тип ҳақида фикр юритилади). Ф.Херсберг назариясига кўра, фақат ички омиллар меҳнат мазмунини, меҳнатдан қониқишни оширади. Меҳнат шароитлари: иш ҳақи, шахслараро муносабатлар, корхона раҳбариятининг тутган сиёсати, бошқарув усули ва бошқа шу кабиларга у ташқи омиллар сифатида қарайди.

Бу омиллар меҳнатдан қониқмаслик даражасини пасайтириб, кадрларнинг, мутахасисларнинг корхонага боғланишини мустаҳкамлайди. Аммо, бу омиллар меҳнат унумдорлигининг ошишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмайди. Бу билан Ф. Херцберг қуйидаги ўзаро боғлиқликни асослайди: меҳнатдан қониқиш ҳосил қилиш меҳнат мазмунининг, қониқмаслик эса меҳнат шароитининг функциясидир.

XX аср 60 - йилларида АҚШ назарий социологияси феноменологик йўналишнинг кучайганлиги билан ажралиб туради. Феноменологик социологиянинг шаклланиши А. Шнетц номи билан боғлиқ. Ўз моҳиятига кўра, феноменологик социология антипозитив йўналишда бўлди. АҚШда яна бир антипозитив социологик йўналиш - символик интеракционизм бўлиб, унга Г. Блумер асос солган. «Янги социология» номи билан аталган учинчи антипозитив социологик йўналиш Ч.Р. Миллс номи билан боғлиқ. Символик интеракционизм, феноменологик социология, янги социология, конфликт социологияси, ижтимоий айирбошлаш назарияси, неофункционализм ва бошқа шу каби назариялар – ҳозирги замон социологиясининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Америка социологиясида XX аср 60-йилларига қадар марксистик ғоялар таъсири йўқ эди. 60-йиллардан бошлаб АҚШда марксистик социологияга қизиқиш орта борди. 70-йилларда Р.Фридрихс каби социологлар «Диалектик социологик» дастурини ишлаб чиқиш ғояси билан чиқдилар. Унга кўра, марксистик ва номарксистик социологик назариялар, концепциялар ўртасидаги зиддиятли ажралишни бартараф қилиш масаласи илгари сурилган.

АҚШ социологиясида узоқ вақт бихевиоризм методология сифатида ҳукмрон бўлди. Бихевиоризм инглизча сўздан келиб чиқиб, хулқ маъносини англатади. Бунга кўра Социология инсон хулқи тўғрисидаги фандир. Бихевиоризм асосчилари Э.Торндайк, Д.Уотсон, Б.Скиннерлар эди. Уларнинг фикрига кўра, инсон хулқи кўп жихатдан бошқариладиган руҳий жараёндр. Шунинг учун, бихевиоризм номоёндалари Социология, «Ижтимоий психология» каби фанларнинг асосий вазифаси инсон хулқини бошқаришдан иборат бўлмоғи лозим, деб ҳисоблайдилар.

Бихевиоризм социологиянинг нозмпирик усуллари катта аҳамият беради. Бу методология асосчилари социологияда, айниқса кузатиш ва эксперимент усуллари муҳим ўрин тутишини таъкидлайдилар. Эмпирик маълумотларни қайта ишлашда эса микдорий, математик ва статистик усуллар кўпроқ аҳамиятли эканлигини кўрсатадилар. Социология фани ривожда бу йўналиш катта аҳамият касб этиб, у инсон хулқининг чуқур ички яширин, ботиний дуёсини ўрганишга сезиларли таъсир кўрсатди.

АҚШ социологиясида бихевиоризм методологиясидан ташқари Парсонс ва Мертонларнинг таркибий-функционал таҳлил мактаби методологияси ҳам муҳим аҳамият касб этди.

XX аср социологияси ривожда «индустиал жамият», конвергенция, социал стратификация назариялари, «оммавий жамият» доктринаси, структурали-функционал йўналиш, танқидий социология каби ғоялар ҳам сезиларли аҳамиятга эга бўлди. Уларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ягона индустиал жамият - бу жамиятнинг асосий принциплари қуйидагилардир: 1. Хусусий мулкчилик, иқтисодий ўсиш, шахс эркинлиги ва социал тартибни ҳимоя қилиш асосидир. 2. Бизнес социал тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи (ишбилармонлик марказий фигура). 3. Менежерлик бошқариш шакли сифатида (маълумотли администратор марказий фигура). 4. Сиёсий яқдилликка олиб боровчи демократиянинг хилма-хиллиги. 5. Социал зиддиятлар қарама-қаршилигини бартараф этувчи ижтимоий ҳаётнинг ҳукмрон ғоядан холи бўлиши. 6. Корпорациянинг ривожланиши (масалан, транснационал корпорация ёки «умумевропа бозори» кабилар). 7. Индустиал жамият инсон фаолияти, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, муомалани йўлга қўйиш (масалан, бозор хўжалиги бўйича), сиёсий, демократия, давлатчилик, социал структура, истеъмол, халқлар ва маданиятлар муносабатлари соҳаларида ўзига хос хусусиятларга эга.

Социал стратификация. Социологлар социал ҳаракатчанликни страталарга (қатламларга) бўлинган жамиятнинг ўзига хос хусусияти деб биладилар ва уни горизонтал ҳамда вертикал ҳаракатчанликка ажратадилар. Кишиларнинг айнан бир табақа ичида ҳаракати, масалан, иш жойини ёки турар жойини ўзгартириш горизонтал ҳаракатчанликни англатади. Вертикал ҳаракатчанлик эса қуйи табақалардан юқори табақалар томон ва аксинча қилинган ҳаракатни билдиради. Америкалик социолог Сеймур Липсетнинг фикрича, жамиятда стратификация тизими социал зинанинг қуйи поғонасида турганларга норозилик манбаи сифатида таъсир қилади, шунинг учун ҳам стратификация тизими ажралишнинг манбаидир, аммо шу билан бирга у кишиларни турли лавозимларга тайинлашнинг ва уларни ўз вазифаларини адо этишга рағбатлантиришнинг асосий механизмидир. Америка социологиясида У. Уортнер Америка жамиятининг социал табақаланиш моделини ишлаб чиқди. Бу моделга олти социал синфнинг табақаланиш тартиби берилган. Уортнерга эргашган ҳолда К. Дэйвс, У. Мур, В. Колеман, Л. Рейуотер, Э. Шойх, Т. Гайгер, Р. Дарендорф каби олимлар ўзларининг стратификация схемаларини ишлаб чиқдилар.

Элита назарияси Ғарбий Европа ва Америка социологлари орасида элиталар назарияси ва жамиятдаги элита муносабатлари назарияси кенг тарқалган. Бу социологлар бирон соҳада - сиёсий, маъмурий, ҳарбий, илмий, техник, хўжалик ва маданият соҳаларида юксак вазифаларни адо этаётган кишиларни ижтимоий элитага киритадилар. Шундан келиб чиққан ҳолда, улар сиёсий, ҳарбий, илмий ва шунга ўхшаш бошқа элиталар ҳақида гапирадилар ҳамда элитани «жамиятнинг қаймоғи» деб атайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, Америка Қўшма Штатлари ва Ғарбий Европадаги турли социологик назариялар, таълимотлар социологияни юқори даражада тараққий этган индустиал жамият шароитида ривожлантириб, уни жаҳон миқёсида кенг тарқалишида катта рол ўйнайди.

XIX асрга келиб социологлар бошқа махсус фанларга хос айрим назария ва ғоялардан фойдаланиб, уларни жамият ҳодисаларига кўр-кўрона татбиқ эта бошладилар. Масалан, Спенсер биологик организмларнинг ривожланиш қонуниятларини жамият тараққиётига, социал дарвинистлар органик дунёдаги ҳаёт учун кураш қонуниятларини жамиятга татбиқ этдилар. Шу боисдан ҳам Социология фани юзага келишида бир неча оқим ва йўналишларни кўриш мумкин. Дастлаб «позитив» характердаги Ғарб социологияси бир неча оқимларга бўлиниб кетди. Умуман, турли хил йўналишлардаги социологик оқим ва мактаблар қуйидагилардан иборат:

Позитивистик оқим. Позитивист олимлар (О.Конт Г.Спенсер) социологик тадқиқотларни ўрганиш жараёнида фақат табиий фанлар методологиясининг қўлланишини талаб этади. Улар ижтимоий ҳодисаларга баҳо беришда фақат натуралистик ёндашувгина ягона илмий хулоса қилиш имконини беради, деб ҳисоблайди.

О.Контнинг фикрича, объект ва предмет ўзаро зиддиятли ҳолатлардан иборатдир. Унингча, социал реаллик ақлий эволюциянинг натижаси сифатида намоён бўлади. Демак, объектни натуралистик тушуниш, предметни субъектив-идеалистик талқин қилиш асосида қарама-қаршилик юз беради. О.Конт томонидан социология объекти ва предметини позитив-натуралистик талқин қилиш асосида турли хил социал оқимлар пайдо бўлди (Социал дарвинизм, ирқий-антропологик, биорганик йўналишлар ва бошқалар). О.Конт фанларни классификация қилиш тамойилларини ишлаб чиқди. Фанни метофизика ва теологиядан ажратиш олиш О.Конт позитив методининг асосий ғояси эди. Унга кўра фанларнинг жойлашини «Астрономия»–«Физика»–«Химия»–«Биология»–Социология кўринишида Конт оддийдан мураккабга қараб қурилган тизим тарзида талқин этиш мумкин.

Контнинг фикрича, социал ҳодисалар табиат ҳодисаларига нисбатан мураккаброқ хусусиятга эга. Жамият ҳақидаги позитив фанни Конт аввал «Социал физика», кейинроқ эса Социология деб атади. Социал феноменни ўрганиш учун махсус фундаментал фан зарурдир.

Англиялик Герберт Спенсер XIX аср 60-йилларида ўша давр барча назарий билимларни бирлаштириш, синтетик фалсафа системасини яратиш учун куч-ғайрат сарфлади. Спенсернинг ҳаракати натижалари 5 та асар бўлиб, 10 жилддан иборат: «Биология асослари», «Психология асослари», «Социология асослари», «Социология тадқиқот предмети сифатида».

Умуман, Социология ни Спенсер ўзида антропология, этнография ва тарихий тараққиётнинг умумий назариясини мужассамлаштирган умумқамровли фан деб ҳисоблайди. Ўзининг социологик назариясини Спенсер 2 та муҳим принцип асосида яратади: 1. Жамиятни организм сифатида тушуниш. 2. Социал эволюция ғояси. Спенсернинг фикрича, ҳар қандай ривожланган жамият органларнинг 3 та системасига эгадир: 1) Қўллаб-қувватлаб турувчи система – жамиятда эса зарур озик-овқатлар ишлаб чиқариш таъминотини ташкил қилади. 2) Тақсимот системаси социал организмнинг турли қисмлари ўртасидаги таъминланишдир. 3) Регулятив система давлат тимсолида таркибий қисмларни яхлитликка бўйсунушини таъминлайди. «Жамиятнинг хусусий қисмлари» организмлари – бу, муассаса ва институлардир Спенсер 6 турдаги институтларни санаб ўтади: оилавий, урф-одатли, сиёсий, диний (черков), касбий (профессионал) ва саноатли. Спенсер фикрича, ривожланиш жараёни 2 томонни – интеграция ва дифференциация томонларини ўз ичига олади.

2. Неопозитивизм оқим («мантиқий позитивизм», «мантиқий эмпиризм» деган номлари ҳам бор) - XX аср 20-30-йилларига келиб мантиқий позитивизм негизида «неопозитивизм» оқими сифатида вужудга келган фалсафий оқимдир. Дунёқараш масалаларини назарий билиш воситаси бўлган фалсафа имкониятларини рад этиб, фанни фалсафага қарши қўяди. Билимни мантиқий ёки лингвистик таҳлил қилиш усули ишлаб чиқишни мақсад қилиб олган. Бу оқим фикрича: Фалсафа илмий билишнинг ўзини татқиқ этиш билан шуғулланмоғи лозим. Унинг вазифаси илмий назарияларнинг мантиқий тузилишни урганишдан, фаннинг қоидалари қандай тузилишини, улар ўртасидаги мантиқий боғланиш қоидаларини ойдинлаштириб беришдан, фан тилини анализ қилишдан иборат. Неопозитивистлар ижтимоий тараққиётнинг умумий объектив қонунларини инкор қиладилар, жамият ҳақидаги фанни айрим воқеаларни тасвирлаб кўрсатишдан иборат қилиб қўядилар. Умуман, бу оқим тарафдорлари ижтимоий ҳодисалар табиат ва социал тарихий қонуниятлар асосида юз беради, тадқиқотлар аниқ, қадриятлар ва мафкурадан холи бўлиши лозим, дейди.

Демак, позитивизм ва неопозитивизм оқимлари «Социолоия» фани имкониятларини чеклаб қўяди, уни конкрет фанлар қаторига қўшади. Унинг асосий қоидалари қуйидиганлардан иборат:

- 1) Ижтимоий ҳодисалар табиат ва социал-тарихий қонуниятлар асосида амалга ошади.
- 2) Социологик тадқиқот усуллари табиий фан усуллари каби объектив, конкрет ва аниқ бўлиши лозим.
- 3) Инсоннинг кузатиш учун қулай бўлган ташқи хатти - ҳаракатлари, «субъектив жиҳатлари» ўрганилиши мумкин.
- 4) Тадқиқот натижалари эмпирик текширувдан кейингина ҳақиқий деб топилиши лозим.
- 5) Барча ижтимоий ҳодисалар миқдорий кўрсаткичларда ифодаланиши лозим.
- 6) Социология фан сифатида қадриятлар ва мафкуравий таъсиридан холи бўлиши зарур.

Демак, позитивистик ва неопозитивистик оқим тарафдорларининг мақсади Социология фани имкониятларини чегаралаб, уни тарих ёки антропология сингари ижтимоий конкрет фанлар қаторига қўшади. Бу оқимлар орасида яна 40 дан ортиқ, тармоқ, мактаб йўналишлари юзага келди. Уларнинг асосийларини келтираемиз:

1) **Географик йўналишдаги** иркий-антропологик мактаб (Ж.Гобино, Х.Чемберлин, О.Аммон, Ж.Лануж).

2) **Социал дарвинизм**: бу биоорганик мактаб (П.Лилиенфельд, А.Шеффле, Р.Вормс, А.Фулье ва бошқалар).

3) **Психологик мактаб**. Бу оқим XIX аср охиридан бошлаб вужудга келган ва унинг ўзи яна 3 та йўналишга бўлинади:

а) **инстинктивизм** (лат. организмнинг ташқи ёки ички таъсирлар натижасида пайдо бўладиган мураккаб туғма реакциялари мажмуи, мураккаб шартсиз рефлекслар – овқатланиш, химояланиш инстинкти, жинсий инстинкти ва ҳ.к. Инстинкт онг билан назорат қилиб турилади).

б) **бихевиоризм** (инглиз.) XX аср АҚШ психологиясидаги етакчи оқим. Унингча, психологиянинг асосий вазифаси инсон онгини эмас, балки хулқини ўрганиш бўлиб, хулқ ташқи муҳит таъсирига кўрсатиладиган ҳаракат реакциялари ҳамда уларга барабарлаштирилган сўзли ва эмоционал жавоблар мажмуидир Умуман, бу оқим механик йўналишни давом эттириб, руҳий ҳодисаларни организм хатти-ҳаракати билан боғлиқ деб ҳисоблайди, онг ва хатти-ҳаракатлар узвий, ягона нарсадир, дейди.

Уотсон: бихевиоризм - «одам тайёрлаш»нинг классик ғоясини қуйидаги сўзлар билан ифодалаб беради: «Менинг ихтиёримга ва ташқи таъсирларни яхши қобил қилувчи болалардан бир қанчасини топширинг ва уларни ўз усулим бўйича тарбиялашга имкон беринг. Мен сизга кафолат бериб айтаманки, улардан қобилятли, майли, интилиши, имконияти, эътибор-мавқеи ва ирсиятидан қатъи назар – кимни хоҳласам шуни, яъни шифокор, ҳуқшунос, банкир, раҳбар-бошқарувчи, рассом, савдогар, хатто ўғри, жангари, шайка бошлиғини тарбиялаб, вояга етказиб бераман».

Бихевиоризм ғояси янги дунё лойиҳасини яратиш учун асосдир. Бу асос ҳокимият томонидан яратилади. Бундай дунё хулқ-атвор ҳақидаги фанлардан одамларни фақат бошқариш воситасидагина эмас, балки фикрга йўналиш берадиган «инструмент» сифатида ҳам фойдаланилади.

Г.Маркзе бундай лойиҳа аллақачон ишга тушган, дея эътироф этади²². Эҳтимол, бу усул онгга тегишли ахбор жойлаб, ақлни маълум йўналишга бошқаришнинг классик намунасидир. Эндиликда Американи Европани мафтун этган психоанализ (руҳий таҳлил) эмас, балки бихевиоризм забт этди.

²² Йўлдошев А. Ақл, истак ва имкон исканжасида. «хуррият». 1998 йил 28 январь

Бихевиоризм – четдан туриб инсон ақлини тор доирадаги мафкуравий фикрлар қулига айлантиришни мақсад қилиб қўяди. Мантиқа ошно бўлган ақлгина бундай хавфли ташқи кучлар таъсиридан ўзини ҳимоя қила олади.

3. **Эмпирик социологик оқим.** Бу оқим ҳозирги замон Ғарб социологиясидаги энг катта оқимлардан бири ҳисобланади. Бу оқим тарафдорлари (Э.Ландберг, Э.Дюргейм ва бошқа) «социологик тадқиқотлар ўтказишдан мақсад - жамият ҳаётининг айрим томонларини характерлаб беришдир», дейди, жамият тараққиётининг объектив қонунларини инкор этади. Улар ижтимоий ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб боришни хоҳламайди. Жамиятни эса «ижтимоий ҳодисаларнинг механик йиғиндиси», деб қарайди. Улар ўз тадқиқотларида анкета, интервью, статистик материалларга таянади. Улар ижтимоий тараққиётни ҳаддан ташқари ажратиш, бўлаклашга уринади. Булар:

- а) буржуа шахар социологияси;
- б) қишлоқ социологияси;
- в) оила социологияси ва ҳ.к.;
- г) алкоғолизм социологияси;
- д) индустриал социология.

Эмпирик социология жамият таркибини алоҳида тизимий бўлинмалар тарзида татқиқ этишни асослаб берди. Гарчи, эмпирик социология тарафдорлари стратификацион дифференциацияни абсолютлаштириб, ижтимоий интеграция жараёнларини эътибордан соқит қиладилар.

Бу оқимлар умуминсоний кадрятларга асосланувчи қонуниятларга, илмий назарияларга асосланилса, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга бўларди.

4. **Структуравий функционализм оқими.** (Т.Персонс, Р.Мертон ва бош.). Бу оқим ижтимоий тизим интеграцияси ва яхлитли принципига асосланади.

5. **Индустриал жамиятдан сўнгги жамият концепция.** (Дж.Белл, Дж.Гэлбрайт, Э.Бжезинский, О.Тоффлер ва бошқалар).

6. **Ахборотга асосланган жамият назарияси** (Япония, АҚШ, Европа). Улар жамиятнинг ахборотлашуви ва компьютерлашуви ғоясини илгари суради.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатлар социологиясида жамиятда бир-бирига зид, қарама-қарши бўлган 2 модель мавжуд:

1. **Мувозанатли интеграцион модель.** Бу моделни АҚШ олими Р.Аппельбаум ишлаб чиққан. Унинг таркибий элементлари:

а) ҳар қандай жамият ўзини ташкил этувчи уйғун, мукамал интеграцион элементлар йиғиндисидан иборат;

б) жамият ҳар бир элементи унинг иш юритишига шароит яратади;

в) ҳар бир жамият ўз аъзоларининг фаоллиги, янгилигига таянади.

2. **Жамиятнинг конфликтли модели** (немис тадқиқотчиси Р.Далендорф ишлаб чиққан). У:

а) ҳар бир жамият исталган пайтда ижтимоий ўзгаришларнинг доимийлиги билан характерланади;

б) ҳар бир жамият исталган пайтда доимий ижтимоий конфликтларга эҳтиёж сезиб туради;

в) жамият ҳар бир элементи ўзгариб боришга шароит туғдириб туради;

г) ҳар бир жамиятда ўз аъзоларининг бир қисми иккинчи қисми томонидан тазйиқ остида бўлиши табиий ҳолдир, деб билади.

Шу боисдан ҳам Ғарб мамлакатларида ўтказилаётган социологик тадқиқотлар зиддиятларни бартараф этиш мақсадларига ҳам қаратилгандир.

Конкрет социология ижтимоий борлиқнинг турли (иқтисодий, сиёсий, маданий турмуш, маънавий ҳаёт) соҳаларини қамраб олади. Конкрет социология илмий ва эмпирик тадқиқот усулларини уйғунлаштириб, умуммақсад доирасида конкретлаштиради. Бу социологияда ижтимоий жараён ва социал ҳодисалар, жамиятнинг одатий иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт муҳитида ўрганилади. Конкрет социологияда

социологик тадқиқотлар илмий базаси конкрет умуминсоний қадриятларга, Шарқ ва Ғарб фалсафасига таянади. Жамият ижтимоий тенденциялари чуқур таҳлил қилинади. Бу соҳа социологлари жамият ижтимоий тузилишидаги ўзгаришларни, меҳнатга муносабатни, аҳоли турли қатламлари эҳтиёж динамикасини, улар ҳаёт тарзининг тўлақонли образини илмий ўрганади. Конкрет социологик тадқиқотларни 3 гуруҳдаги усулларга бўлиш мумкин:

1. **Биринчи гуруҳга** айрим фактларни аниқлаш, дастлабки илмий - тадқиқот материаллари билан танишиш системасини ишлаб чиқиш киради.

«Предметни - дейди Абу Райҳон Беруний, - ана шу предметни ташкил этган элементлардан бошлаб ўрганиш лозим... Предметни ўрганган пайтда фикрлаш лозим... Бир маълумотни, фикрни, афсонани иккинчиси билан чоғиштириш, таққослаш ва улардан энг ишончлисини, яъни табиатда мавжуд бўлган қонунлар ва тартиблар йўл қўядиганини ҳақиқий нарса сифатида қабул қилиш керак. Текширганда маълумдан номаълумга, яқиндан узоққа бориш керак».

Фактларни қайд этиш, аниқлаш бевосита кузатиш орқали амалга оширилади:

Кузатиш (четдан ёки воқеликка бевосита аралашиб).

Хужжатларни таҳлил этиш (расмий протоколлар, шахсий ҳисобот карточкалари ва норасмий биографиялар, хатлар, кундаликлар, хужжатлар).

Ялпи сўраш йўли билан (эркин интервью, маълум режа ва дастур асосида интервью, сиртқи анкета орқали сўраш ва бошқалар).

Социологик тадқиқотларни амалга оширадиган кишига Абу Райҳон Беруний алоҳида талаб қўяди. «Тадқиқотчи, - дейди Беруний, - зийрак, ўз хатоларини синчиклаб излаши, тобора тиришқоқ бўла бориши, меҳнатдан зерикмаслиги, ўз-ўзини қайта-қайта текшириб туриши керак». Бундай талабчанлик илмнинг ҳаққонийлигини таъминлашнинг муҳим омилдир, дейди у.

2. **Иккинчи гуруҳ усулларига** монографик тадқиқотлар, ялпи ёки қисман кузатиш, умумий сураб чиқиш киради. Қисман ўрганиш бу кишилар фикри, умумижтимоий қатлам, синф, муайян киши фикрига мос тушмоғи шарт.

3. **Учинчи гуруҳ усулларига** олинган маълумотларни бевосита қайта ишлаш вазифаси киради. Тўпланган, дастлабки ишловдан ўтган материалларни ёзиш, классификация қилиш, умумлаштириш ва системали анализ қилишдир.

Йиғилган материалларни логик усулда ишлаш (анализ ва синтез) билан бир пайтда статистик қонунларни аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Анализ қилишнинг муҳим усули ижтимоий эксперементлар ўтказиб туришдир.

Демак, турли хил социологик қарашлар жамият ҳаётининг маълум бир соҳаларини ойдинлаштиришга хизмат қилади. Агар позитивизм социал жараёнларни табиий асосда ҳосил бўлишидан келиб чиқса, гуманистик оқим социал жараёнларни инсон ва унинг онгли фаолиятидан келиб чиқишини кўрсатиб беради. Улар социал ҳодисани маънавий муносабатлар натижаси деб қарайдилар. Агар позитивизм объектив ҳодисаларни ўрганишда объективлаштиришга бўйсунадиган рағбатлантириш, таъсирланиш хулқ-атвор, шароит каби ҳодисаларга эътибор берса, гуманистик оқим эса асосий эътиборини онгли ҳаётга қаратади. Бу оқим Социология фанини янги босқичга кўтариб, унинг назарий ва методологик асосларининг янги йўналишларини кўрсатиб берди. М.Вебер фикрича, онгли фаолият энг мураккаб жараёндир, бу жараённи психологик акт ҳам, дунёқараш жараёни ҳам қамраб ололмайди. Шунинг учун у нафақат натурализмни рад қилади, балки Социология да муайян мавқега эга оқим бўлган психиологизмни ҳам танқид қилади. Унинг фикрича, Социология нинг предмети индивид ва индивидларнинг хулқ-атворидан иборат бўлган ҳаракатдир. Социология, деб ёзади у, - таҳлил ва талқин қилишлик билан социал ҳаракатни ўрганади ва шу туфайли унинг содир бўлиши ва оқибатларини конкрет омиллар воситасида тушунтирмоқчи бўлади. Позитивизм оқимидан фарқли ўлароқ, М.Вобер Социология фанини бир бутун ижтимоий асосда эмас, балки алоҳида индивид асосида яратмоқчи бўлади. Бу билан у Европа гуманистик анъанасини давом эттиради. Умуман, Социология предмети муаммосини ҳал қилишдаги (натуралистик, позитивистик,

материалистик ва гуманистик) учинчи тенденция деб гуманистик оқим ривожлинишини эътироф этиш мумкин.

Россияда социологик ғоялар умумжаҳон социологик фанининг бир қисми сифатида ривожланган. Тадқиқотчилар Россияда социологик ғоялар ривожланишининг 3 босқичини ажратиб кўрсатадилар. Биринчи босқич - XIX аср ўрталаридан то 1918 йилгача, иккинчи босқич XX аср 20-йиллари бошидан то 50- йиллар охиригача; учинчи босқич эса XX аср 60-йиллар бошидан то бизнинг кунимизгача бўлган давр.

Биринчи босқич, аввало П.Лавров (1828-1900) ва Н.М.Михайловский (1822 - 1904)лар каби йирик социал мутафаккирлар фаолияти билан боғлиқ. Улар томонидан ривожлантирилган социал ғоялар «субъектив социология» номини олган. Бундай йўналишдаги ғоя П.Лавровнинг 1870 йилдаги машҳур тарихий хатида биринчи марта таърифлаб берилган. «Субъектив социология» номоёндалари ижтимоий тараққиёт назариясини ишлаб чиқишга эътибор бердилар.

Лавровнинг фикрича, ижтимоий тараққиётнинг моҳияти - маданиятни қайта ташкил этиш: шахсан анъанавий тур, қотиб қолган ижтимоий формаларни ўзгарувчан, жўшқинликни ифодаловчи тузумлар ва муносабатлар билан алмаштириш зарур. Субъектив социологлар андозаларида шахс, асосан ҳаракатга келтирувчи куч сифатидагина эмас, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг ўлчови ҳамдир.

Ижтимоий тараққиётнинг олий мақсади шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун хизмат қиладиган муносабатларни яратишдан иборат.

Субъектив социология билан бир қаторда, ўша давр социал фанида сезиларли ролни М.М.Ковалевский (1857-1916) нинг асарлари ўйнади. Ковалевский социологик назариясининг моҳияти социал гуруҳлар, синфлар ва халқлар ўртасидаги бирдамликдир.

Россияда социал фикрни ривожлантиришда сезиларли ролни Ю.Ясоннинг «Россия ва Ғарбий Европа давлатларининг сиёсий статистикаси» асари ўйнади. Социологияни тавсифлашга, синфлар ҳақида назарияларга бағишлаб Россия социологлари А. Богданов, В. Шумятников, П. Сорокин, К. Тахраев асарлари юзага келди.

1918-1919 йилларда Петербург ва Ярославль университетларида социология кафедралари ташкил этилди.

П.А. Сорокин (1889-1969) йирик олим ва жамоат арбоби бўлиб, Россия социологияси ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Иккинчи босқичда назарий социологиянинг ривожланиши давом этди. 1920-йилларда П.А.Сорокин «Социология асослари», 1922 йилда М.С. Солинскийнинг «Одамларнинг социал ҳаёти», 1922 йилда М.М.Хвостовнинг «Социология асослари» асарлари, 1928 йилда Н.А. Бухариннинг «Тарихий материализм назарияси» асарлари чоп этилди. 1974 йилдан бошлаб ихтисослашган махсус «Социологик тадқиқотлар» журнали чиқа бошлади. 1988 йилдан бошлаб Москва, Ленинград, Свердловск, Киев университетларида социология факультетлари фаолият кўрсата бошлади.

Совет тузуми даврида тарихни материалистик тушунишга синфий ва партиявий ёндашишни абсолютлаштириш оқибатида умумсоциологик қонуният моҳиятига путур етказилди. Жамият тараққиётини бир томонлама, бўрттириб тушунтириш оқибати субъективизмга, волонтаризмга олиб келди. Социология фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар сингари сиёсатга бўйсундирилиб, унинг хизматкорига айлантирилди. Социологиянинг асосий ижтимоий вазифаси муайян андозага солинган, олдиндан қатъий белгиланган сиёсий буюртмани бажаришдан иборат бўлиб қолди. Мавжуд мафкура доирасидан чиқиш қатъий таъқиқланди.

Шундай қилиб, ўша давр ижтимоий фанлари учун метадологик асос қилиб олинган тарихни материалистик тушунишдан четлашилди. Ижтимоий онг ижтимоий ҳаётни эмас, балки ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни белгилайди, деган материалистик моҳиятга эга бўлган умумсоциологик қонуниятга хилоф равишда иш юритилди.

Совет Иттифоқи даврида социологиянинг фан сифатида ривожланиши учун тўла имконият бўлмади. Бунинг асосий сабаби демократиянинг йўқлиги, ижтимоий

муносабатларга фақат синфийлик, партиявийлик нуқтаи назаридан қаралганлиги бўлди. Социология эса фақат тўлақонли демократия бўлгандагина фан даражасида амал қилади. Чунки, социология моҳият эътибори билан жамият ҳаётининг ўзаро боғлиқ бўлган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ижтимоий турмуш соҳалари ривожланиши ва функционал қонунларини объектив жиҳатдан умумий таҳлил қилади.

Бинобарин, эмпирик тадқиқот даражасида олинган маълумотлар ўрганилаётганда объектнинг салбий жиҳатларини ҳам ифодалаш мумкин.

Кишиларнинг давлат сиёсати, мавжуд сиёсий режимга муносабатини, моддий турмуш даражасини, кайфияти, интилишлари ва шу каби муносабатларини социологик тадқиқ қилиш орқали мажуд ижтимоий - сиёсий ҳолат юзага чиқарилади. Фақат тўлақонли демократик тузумдагина мавжуд сиёсий кучларнинг фикрлар хилма-хиллигига йўл қўйилади.

Социологияда тадқиқот натижаси қандай бўлишидан қатъи назар илмий асосланган ва объектив характерда бўлиши талаб қилинади. Агар давлат демократик асосда бошқарилмаса, ҳокимият тепасидаги сиёсий кучлар манфаатига хизмат қилмайдиган ҳар қандай илмий социологик тадқиқотдан воз кечилади ва у тақиқланади. Сиёсий идеологияга бўйсундирилган социология ўзининг илмийлигини йўқотиб, субъектив, сунъий ва сохта хусусиятга эга бўлиб қолади.

Ўзбекистонда социал фикрлар ривожиди ХХ аср 20-30-йилларидаги жадиличлик ҳаракати ғоялари муҳим роль ўйнайди. Маърифатпарвар жадиждлар шартли равишда 3 та гуруҳга бўлинган ҳолда (ижтимоий - сиёсий, маданий-маънавий, диний-маърифий) диний ва маҳаллий урф-одатларни кенг ёйишнинг ижтимоий - маънавий жиҳатлари билан бир қаторда социал жиҳатларини ҳам атрофлича таҳлил қилганлар. Уларнинг бу ғоялари республикамизда кейинги даврларда социал қарашлар ривожиди муҳим аҳамият касб этди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими бағрида бўлишига қарамасдан Ўзбекистонда ХХ аср 60-90-йилларда социология фанининг бир қанча соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб борилди. Жумладан, социал синфий структура (С. Турсунмухамедов, А.Валиев), бошқариш социологияси (А.С.Тамкин), оила социологияси (У. Тоштемиров, Г.ҳамидова, Б. Умаров, М. Сангилов) соҳаларида эътиборга молик ишлаб амалга оширилди.

1989 йилда Москвада ташкил қилинган Жамоатчилик фикрини ўрганиш Бутуниттифок марказининг Ўзбекистон бўлими иш бошлади. Бўлим социологлари республикамиз вилоятлари ва туманларида хилма-хил мавзулар бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиб, улар асосида кишиларнинг руҳияти ва кайфиятидаги ўзгаришларни аниқлашга муваффақ бўлдилар. Маълум маънода, бу ҳолат республикамизда миллий онгнинг ўсишига ва шунинг натижасида миллий мустақилликка эришишнинг тезлашувига туртки бўлди.

Ўзбекистонда дастлаб 1989 йилда Тошкент Давлат университети фалсафа факультети таркибида социология бўлими ва кафедраси ташкил қилинди. Шу йилдан бошлаб социологлар тайёрлана бошланди ва 1994 йили 40 мутахассис битириб чиқди. 1995 йилда 30 та, 1996 йилда 21 талаба социолог мутахассислигига эга бўлдилар. Бугунги кунда ҳар йили ўртача 20-25 нафар социолог мутахассислар битириб чиқмоқда. Республикамиздаги 4 та олий ўқув юртида: М.Улуғбек номли ЎзМУ, ФарДУ, СамДУ, БухДУларида социология мутахассисликлари тайёрланаётган факультет ва бўлимлар мавжуд.

ЎзМУнинг социология кафедрасида 8 та мутахассис профессор Н.С. Алиқориев раҳбарлигида фаолият кўрсатмоқда. 1996 йили кафедра доценти А.Ж. Холбековнинг «Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг социологик таълимоти» китоби «Университет» нашриётида 350 нусхада чоп этилди.

Фарғона Давлат университетида дастлаб 1990 йилда социология кафедраси ташкил этилди. 1992 йилда эса шу кафедра асосида «Умумий социология» ва «Амалий социология» кафедралари ташкил топди. «Амалий социология» кафедраси илмий тадқиқот йўналиши - ёшлар фаолиятида меҳнат омилини фаоллаштириш йўллари бўлиб, бу борада аниқ тадқиқотлар олиб борилмоқда. 1991 йилда социология бўйича мутахассислар тайёрлаш

бўлими очилиб, унга қабул қилинган дастлабки талабалардан 17 киши 1996 йилда социология бўйича мутахассис сифатида битириб чиқди.

Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти қошида 1993 йилда Ўзбекистон социологларининг ассоциацияси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 18 июль 1994 йил 87-01-242-сонли буйруғи билан 1995-1996 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча олий ўқув юртларида Социология фани ўқитилиши жорий қилинди. Аммо, республика ижтимоий ҳаёти муаммоларини барча ўқув юртлари олимлари томонидан ўрганилиши суғ бормоқда. Социологик тадқиқотларнинг жамиятимиз ижтимоий ҳаётини ўрганишдаги салмоғи ҳали жуда паст даражада.

Республикамиз миллий мустақилликка эришгандан сўнг малакатимизда Социология фанини ривожлантиришга жиддий эътибор берилди бошланди. Тошкент Давлат университети ҳозирги ЎзМУ фалсафа факультети таркибида социология бўлими ва кафедраси ташкил қилинди. Фарғона Давлат университетида ҳам социология кафедраси ташкил этилди.

1992 йилда Меҳнат вазирлиги қошида социологик тадқиқотлар маркази ташкил қилиниб, бу марказ томонидан республикамизда кенг суръатда тадқиқотлар ўтказилиб, унда аҳолининг иқтисодий ислохотларга, демократлаштириш жараёнларига бўлган муносабатлари атрофлича ўрганила бошланди.

Ҳозирги кунда республикамизда «Ижтимоий фикр» (1999) жамоатчилик фикрларни ўрганиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Унинг барча вилоятларда ва туманларидаги шаҳобчаларида мутасадди илмий ходимлар, социологлар жамият ҳаётини ўрганиш, аҳоли ичига тобора чуқурроқ кириб боришда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.:“Ўзбекистон”,2009.40 б.
2. Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008.,176 б.
3. Ислон Каримов. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 24 б.
4. Макиавелли . Хукмдор. Тошкент., 2004. 247 – бет.
5. Баград Саркисов, Раъно Умарова. Социология. Маърузалар матни. - Т.: 2004, 26-30 бетлар.
6. Б.Алиев., Ғ.Рафиқов., Т.Султонов., М.Муллажонова., Б.Раҳмонов ва бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Т.: ТДЮИ нашриёти . 2006. 289 бет. 25-51 – бетлар .

II. БЎЛИМ. УМУМСОЦИОЛОГИК НАЗАРИЯЛАР.

III МАВЗУ. ЖАМИЯТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР

РЕЖА:

1. Жамият, ижтимоий тизим ва давлат тушунчалари.
2. Ижтимоий муносабатлар социологияси.
3. Ижтимоий-синфий муносабатлар.
4. Ижтимоий – демографик муносабатлар

Жамият - кишилар ҳаётий фаолиятининг тарихий ривожланиш шакли бўлиб, ўз тузилиши жиҳатидан мураккаб тизимни ташкил қилади. Бизнинг ҳозирда яшаб турган жамиятимиз социал тизимининг муайян конкрет шакли сифатида, унинг функционал ва ривожланиш қонуниятини, ҳар бир бўлакчаларнинг ўзига хос томонларини, ўзаро муносабатларини илмий жиҳатдан ўрганиб, тўғри бошқариш муҳим аҳамиятга эгадир.

Чунки, ўз вақтида кейинги оқибати ўйланмаган, олдиндан социологик асосда таҳлил қилинмаган ва олди олинмаган нуқсонлар жамият таракқиётида салбий асоратлар қолдиради.

Социология тарихда жамият – ўз ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи кишилар бирлиги сифатида тушунилган. Шу билан бирга, жамият айрим ижтимоий бирлигина эмас, балки ижтимоий муносабатлар мажмуаси ҳамдир.

Социология жамият тўғрисидаги таълимот бўлиб, ижтимоий тизимлар ривожланиши ва функционал қонунятлар, ҳаракатлантирувчи кучларни ўрганувчи фан ҳамдир. У турли ижтимоий ҳодисалар, жамият ва табиат ўртасидаги алоқадорликни, шунингдек, шахс кишиларнинг ижтимоий хулқи, унинг элементлари ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади. **Жамият- бу кишилар биргаликдаги фаолиятининг ташкилий шакллари турли даражаларидан иборатдир.** Бу фаолият доирасида турли-туман жамият ва унинг аъзолари, уларга мансуб бўлган бирликларнинг ҳар бири учун умумий бўлган эҳтиёжлари қондирилди. Аниқроқ қилиб айтганда, **жамият – бу ўз-ўзича етарлилик бўлиб. Ўз аъзолари турмуш шароити учун барча зарур жараёнларни йўлга қўяди, амалга оширади.** Бу «ўз-ўзича етарлилик»ни жамият билан унинг бир қисми бўлган сиёсий партия нисбатини аниқлаш мисолида яққол кўриш мумкин. Масалан. Хитой Халқ Республикасидаги ҳукумрон партиянинг аъзолари сони аллақчон 100 миллион кишидан ошиб кетган. Лекин бу партия жамият ичида мавжуд. Умумий сони мингдан ҳам кўп бўқлмаган ёввойилар қабиласи ҳақиқий, тўлақонли жамият бўла олади. Гап шундаки, этнос тарихан биринчи ўз-ўзича етарли ижтимоий гуруҳ бўлган. Этнос аъзолари биргаликдаги ҳатти ҳаракатлари билан зарур ҳаёт шароитларини яратдилар.

Сўз туркумларидан от бўлган «социум» ва «жамият» сўзларидан «социал» ва «ижтимоий» сифатлар ясалади. Бинобарин уларни синоним сифатида ишлатиш тўғри бўлмайди. Чунки бу тушунчалар англатадиган маънолар, гарчан яқин бўлса-да, лекин айнан эмас. «Социум» тушунчаси «жамият» тушунчасидан кенг. «Жамият» тушунчаси «социум» ифодалайдиган воқеликни конкретлаштириб акс эттиради, унинг мавжудлик усулини кўрсатади. Юқорида айтилганидек, «жамият» тушунчасида социумни ташкил этган бирликларнинг турли даражалардаги ифодаси акс этади. Ушбу ҳол от ва сифат кўринишидаги «жамият», «ижтимоий» сўзларни аниқ ишлатиш, ўрнида қўллаш зарурлигини кўрсатади.

«Жамоа» ва «жамият» атамалари англатган маъноларига кўра яқиндир. Ҳар икки сўз арабча «жамъа»- дан ясалган бўлиб, кишиларнинг турли даражада ва мақомда олинган умумийлигини англатади. Агар «жамият» дейилганда кенг маънода олдинги парагларда кўрсатиб ўтилганидек, кишиларнинг биргаликдаги манфаатлари ва келишуви асосида мақсадга мувофиқ оқилона ташкил этилган биргаликдаги фаолияти ифодаси тушунилса, **«жамоа» ишунчасида умумий келиб чиқиш, тил, тақдир ва қарашлар билан бошглиқлик ўз аксини топади.** Оила, халқ ва ҳоказолар Айни шундай жамоалардир. Ҳар

қандай жамоа ҳам жамият бўлавермайди. Лекин исталган жамият жамоа ҳисобланади. Айниқса, жамият мураккаб жамоа бўлиб, ўз-ўзидан мавжудлик ва ривожланиш хусусиятларига эгадир.

Ҳозирча жамият ҳаётини социологик жиҳатдан тадқиқ қилиш асосан, икки йўналишда ривожланиб келди. Биринчи йўналиш О.Контдан француз социологи Э.Дюркгейм орқали ривожлантирилган америкалик социолог Т.Парсонсларнинг социологик таълимотларини ўз ичига олади. Бу йўналишда ижтимоий тизим ўзгариши ташқи кучлар таъсири орқали тушунтирилиб, кўпроқ психологик омилларга эътибор берилган.

Иккинчи йўналиш: марксистик социологик таълимот бўлиб, унда ижтимоий тизим ички зиддиятлар асосида ички куч таъсири орқали тушунтирилиб, материалистик моҳиятга эга бўлган моддий муносабатларнинг белгиловчи ролига асосий эътибор қаратилган.

Ҳар икки таълимот ҳам жамият ҳаётида муҳим белгиларни ўзида мужассамлаштириб келди.

Социологик амалиёт функционал ўзгаришларсиз, эволюциясиз, революция тушунчаси билан, функционал муносабатлар таҳлилисиз ижтимоий тизимлар ривожланишини фақат зиддият ва конфликтлар орқали асослашга уринувчи бу таълимот жамият ҳаётини бир томонлама ўрганишга олиб келганлигини давр кўрсатмоқда.

Буржуа социологияси номи билан аталган ғарб социологик таълимотида ҳам ўзига хос ижобий жиҳатлар билан бир қаторда, ижтимоий тизимлар ривожланишининг ички зиддиятли хусусиятларни ҳисобга олмаслик ҳам жамиятни бир томонлама тушунтиришни билдиради.

«Жамият ҳаётининг индустрлашуви объектив равишда, қайси ижтимоий тизимлар бўлишидан қатъий назар, ижтимоий иерархиянинг бир хил (ягона) типига олиб боради» - деган америка социологларининг фикри ҳозирча тарихий ривожланиш амалиётида тасдиқланмоқда.

Ижтимоий тизим - ўзаро боғланган индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ва институтларни ўз ичига олувчи, мураккаб ташкил бўлган ва тартибланган ижтимоий яхлитлик. Алоҳида шахс ҳам унинг ташқи дунё билан муносабатларининг серкирралиги ва ўз-ўзини ташкил қилишининг яхлитлиги нуқтаи назаридан ижтимоий тизим ҳисобланиши мумкин.

Ижтимоий тизим - мураккаб ички тузилишга эга бўлиб, тартибли, бир бутун, ўзига хос ижтимоий алоқадорлик ва турли ижтимоий муносабатлар бирлигини ташкил қилади. Ҳар қандай ижтимоий тизим таркибий тизимлар, масалан, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий турмуш, фан ва бошқа шу каби соҳаларида то алоҳида олинган инсонгача бўлган ижтимоий тизимлар шулар жумласидандир.

Аввалло биз жамиятни социологик нуқтаи назардан қуйидагича ўрганамиз:

1. Жамият тузулиши ва таркиби ўрганилади. (Жамият қандай кишилардан иборат, улар қанча ва қандай синф ёки табақаларга мансуб).

2. Жамиятда яшаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатлари нималардан иборат. (уларнинг ўзаро муносабатларидаги характерлари).

3. Жамият таракқиёти унинг ривожланиши нуқтаи назаридан ўрганилади. Дунёдаги барча ходисалар, вақтлар ўтиш билан ўзгаради.

Жамиятни тўлиқ тушуниш учун фақат унинг тузилиши ва ривожланишини ўрганишигина эмас, балки унинг ўтмишини, тарихини ҳам синчиклаб ўўрганиш, бу жамиятни қандай таркиб топганлигини, қандай шаклланганлигини, ривожланганлигини билмоқ жамиятни тўлиқ тушунишга имкон яратади.

Жамият ижтимоий ҳодисанинг умумий ва мураккаб системасидир. Жамият элементлари:

- ижтимоий фаолиятнинг белгиланган социал статусга эга;
- ўзида ижтимоий меъёр ва қадриятларни акс эттиради;
- индивидуал сифатларга (шахс ижтимоий белгиси, қизиқишлари, қадриятлари йўналиши, шахс мотивлари) шулардандир.

Жамият ҳар бир соҳаси ишлаб чиқариш тараққиётида маълум бир функцияларни бажаради:

- иқтисодий муносабатлар - моддий ишлаб чиқариш функцияси;
- ижтимоий муносабатлар - ижтимоилашувини – социализация;
- сиёсий муносабатлар - ижтимоий бошқарувни (элементар назорати);
- мафкуравий муносабатлар - маънавий ишлаб чиқариш функцияси ва бошқалардир.

Ижтимоий структура - жамиятнинг ижтимоий асосидир. Социология назариясида барча ижтимоий тизимлар 2 хил муносабатда мавжуд бўлади:

1. Социеталь муносабатлар
2. Ижтимоий муносабатлар

1. Социеталь муносабатлар системасига: жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва мафкуравий муносабатлари киради. Улар бир-бирлари билан узвий алоқадор тизимга эга. Социеталь системасида иерархик қарамлик мавжуд. Яъни бунда иқтисодий муносабат белгилорчи омил бўлади. Демак: Социеталь муносабатлар системаси тузилиши:

1) иқтисодий: (асосчиси А.Смит: «Дунёдаги барча нарсалар меҳнатнинг маҳсули, меҳнат тақсимооти натижасида ҳар бир индивид ўзи учун ишлайди ва бошқалар учун ҳам ишлашга мажбур бўлади, у бошқалар учун ишлаганда ўзи учун ҳам ишлайди);

2) ижтимоий: а) ижтимоий муносабатлар асосий элементи ижтимоий жамоалар ташкил этади (синфлар, миллатлар профессионал, демографик, ҳудудий, сиёсий гуруҳлар); б) элементи кишилар (жамоага бирикадиган инсонлар); в) оила ташкил этади.

3) сиёсий;

4) мафкуравий.

2. Ижтимоий муносабатлар: («ижтимоий» система элементи –кишилар).

Ижтимоий муносабатлар - кишиларнинг фаолияти жараёнида юзага келган ўзаро муносабатлар. Улар турли жамоалар ижтимоий гуруҳлар, синфлар ва уларни ташкил қилган кишилар ўртасидаги муносабатлар бўлиб, уларни бир бутун социал организм қилиб боғлайди. Ижтимоий муносабатлар жамиятда ижтимоий ишлаб чиқариш вужудга келиши билан пайдо бўлади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши жамият тараққиётида чорвачилик пайдо бўлиши, деҳқончилик, савдонинг юзага келиши билан боғлиқ. Ижтимоий муносабатларнинг турлари: ҳамфикрлилик, кооперация, конфликтлар, кураш, бефарқлик, бегоналашув, кризис, камситиш, тенгсизлик.

Ижтимоий муносабатлар ўз моҳиятлари билан жамият тараққиётига ижобий ҳам салбий таъсир этади.

Ижобий муносабатлар таъсири: ҳамфикрлилик, кооперация, кураш.

Салбий таъсирли муносабатлар: бефарқлик, камситиш, конфликтлар, бегоналашув, кризис, тенгсизлик.

Ижтимоий муносабатлар системасида плюрализм (лот. кўплик катта аҳамиятга эга. Плюрализм концепциясига кўра борлиқ асосини бир неча ёки жуда кўп бир-бири билан боғланмаган субстанциялар ташкил этади. Плюрализм немис философи Волф томонидан киритилган.

Субстанция (лот. моҳият) нарса ва ҳодисаларнинг асосини ташкил этувчи омил. Субстанциянинг ҳам материалистик ҳам идеалистик қарашлари бор.

Ижтимоий муносабатлар 2 турга бўлинади:

1. Моддий муносабатлар.

2. Мафкуравий (идеологик) муносабатлар.

Моддий муносабатлар - инсон ҳаётини моддий тараққиётидаги муносабатлар: инсон яшаши, бор бўлиши учун, аввало у моддий эҳтиёжини таъминлаши керак. У озиқ-овқат, кийим, турар-жой билан таъминланиши лозим. Ана шу эҳтиёжини қондириш учун у

жамиятда бошқа инсонлар, гуруҳлар билан муносабатда бўлади. Худди шунингдек оила ҳам, гуруҳлар ҳам, холи давлат ҳам ниҳоят бутун жамият ҳисобланади.

Мафкуравий (идеологик) муносабатлар - сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва диний муносабатлар. Унинг асосий ўзагини моддий муносабатлар ташкил этади. Демак, моддий муносабатлар базис, идеологик муносабатлар устқурма ҳисобланади.

Маданий муносабатлар ҳам мавжуд.

Ижтимоий муносабатлар ўртасидаги боғлиқлик:

- 1) инсонлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик;
- 2) турли ижтимоий гуруҳ, қатлам, тоифалр ўртасидаги ҳаётий боғлиқлик;
- 3) инсонларнинг ижтимоий-маиший соҳадаги ўзаро боғлиқлиги мавжуд.

Ижтимоий муносабатларда соҳаларга доир ижтимоий институт турлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) иқтисодий институтлар;
- 2) сиёсий институтлар;
- 3) никоҳ, оила ва қон-қариндошлик;
- 4) тарбия институтлари;
- 5) маданият соҳаси институтлари.

Ижтимоий мавқе (статус) тушунчаси биз олдин баён этганимиздек, алоҳида олинган инсон ёки ижтимоий гуруҳларнинг жамиятда, мавжуд ижтимоий тизимда тутган, эгаллаб турган мавқеини ифодалайди. Бу тушунча орқали кишилар ижтимоий келиб чиқиши, ирқи ёки ўзининг ҳаракати (маълумоти, кўрсатган хизмати) орқали эришган даражаси ўрганилади.

Ижтимоий санкция (санкция - лот. қатъий қарор маъносини бил.) - деб ижтимоий гуруҳ ёки тизимнинг индивид хулқига ижтимоий нормадан ижобий ёки салбий томонга ўзгаришига нисбатан реакцияси тушунилади. Ижтимоий санкция жамият ҳаётини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шахснинг ижобий хатти-ҳаракати учун рағбатлантириш ёки ёмон салбий хатти-ҳаракати - учун жазо белгилаш билан ижтимоий назорат воситаси бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий санкция турлари:

- 1) Жисмоний санкция: калтаклаш, озодликдан маҳрум этиш, ўлим жазоси ва бошқалар.
- 2) Иқтисодий санкция: мукофотлаш, моддий рағбатлантириш, жарима солиш ва бошқалар.
- 3) Рамзий санкция: ҳурмат билдириш, изза қилиш, хайфсан бериш..

Ижтимоий муносабатлар асосини яна ижтимоий роль ташкил этади. Ижтимоий роль: жамият ижтимоий таркибида боғловчи аҳамиятга эга. Ижтимоий роль, олдинги масалада таъкидлаганимиздек, жамият ижтимоий таркибида-психологик жиҳатларни ўзида мужассам этган.

Социологияда жамиятнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

1. Механик йўналиш (мактаби) - (XIX асрда пайдо бўлди, социал ҳаракатни биологик ҳаракат шаклида тушунади, оламни механик талқин қилади).
2. Органик йўналиш (мактаби): (XIX аср охири ва XX аср бошларида юзага келган, жамиятни организмга тенглаштирган ва ижтимоий ҳаётни биологик қонуниятлар билан тушунтиришга уринади, жамият организм билан бир, дейди).
3. Культурологик йўналиш (мактаби): - кадриятлар маданиятни вужудга келтиради, деб талқин қилади.

Ҳозирги кунда жамиятнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

1. Фаровонлик (мўл-кўллик) жамияти: – (Кўпроқ Фарбда: Скандинавия давлатини мисол келтириш мумкин).

2. Истеъмол қилиш жамияти (АКШда XX аср 40–50-йилларда юзага келганлиги билан характерланади).

3. Очиқ ва ёпиқ жамият. Очиқ жамият - демократик жамият бўлиб ташқи муҳит шароитларида осон ўзгарувчи ва мослашувчи, танқидни ёриб ўтмоққа мослашган жамият. Ёпиқ жамият – догматик-авторитар режим асосида бўлиб, сеҳрли (магик) тафаккур, догматизм ва коллективизм тамойиллари билан характерланади.

1. Анъанавий жамиятда ерга бўлган мулкчилик асосий ўринни эгаллайди. Бойлик ташқи манбалар асосига қурилиб, табиат манбааларини эгаллаш, ўзлаштириш кучаяди.

Анъанавий жамиятларда инсоннинг яратувчилик ижодий қобилияти анча чегараланган эди. Чунки, анъанавий жамиятда меҳнатнинг табиий тақсмоти ва ихтисослашуви, шахслараро муносабатларнинг ўта табақалашуви, ўзаро ҳаракатлар ва муносабатларни норасмий мувофиқлаштириш, жамият аъзоларининг бир-бирига тобелик, уруғчилик ва қон-қариндошлик муносабатлари билан боғлиқлиги, бошқарувдаги примитив тизимлар имтиёзсиз жамият аъзоларининг фаоллигини чеклаб қўйган бўлиб, бу ҳолат шахснинг ижодий фаолият кўрсатиш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга йўл бермас, ўзаро муносабатларнинг эса биқик бўлишини тақозо этар эди.

4 Индустриал (саноат) жамияти. (XX аср 50-60 -йилларида юзага келди. Бу концепцияга ўз моҳиятига кўра марксча ижтимоий-иқтисодий формация тўғрисидаги таълимотларга қарши қаратилган.

Индустриал жамият таълимотига кўра жамият тури: техникавий, индустриал-ривожланиш даражаси билан белгиланади. Жамият типини синфий структурадан ажратиб олиб қарайди «Индустриал» жамият 2 босқичда кечади:

- 1) «Индустриал» саноат жамияти;
- 2) «Анъанавий» жамиятдан саноат жамиятига ўтиб боради.

2. Индустриал жамиятда мулкнинг барча кўринишларига бўлган муносабат шаклланади. Йирик машина ишлаб чиқариши қўл меҳнати ўрнига келиб юксак меҳнат унумдорлигига асосланган ишлаб чиқаришни изоҳлайди. Автоматик ишлаб чиқариш вужуга келади. Оммавий ишлаб чиқариш белгига айланади. Ишлаб чиқаришда юксак малакали ишчиларнинг роли ортиб боради, улар мутахассислашадилар. Натижада машина ёрдамида стандартлашган операциялар бажарилади. Хўжалик соҳасида саноат ва молиявий капитал устунлик қилади. Маҳсулот бозор учун мўлжалланган бўлади. Индустриал жамиятни иқтисодий жамият деб аташ ҳам мумкин. Чунки реал боғлиқ иқтисодга қаратилган бўлади. Натижада эркин халқаро иқтисодий ҳамкорлик мамлакат давлатлари қаторига қўшила боради. Урбанизациялашув таълим тизимида янгича ёндашувни, оммавий маданиятни вужудга келтира боради.

5. Постиндустриал жамият. У 3 босқичда юзага келади:

- 1) индустриал жамиятгача бўлган давр;
- 2) индустриал саноат жамияти даври;
- 3) постиндустриал жамият даври.

Постиндустриал жамияти таълимотига кўра давлат монополистик капитализм ўрнини босади. Хизмат кўрсатиш соҳасида фан ва маорифга эътибор беради. Олим, мутахассис ролига юксак баҳо кўрсатилади. Синфларга муносабати, унинг ишлаб чиқаришга эгаллигини инкор қилади. Жамиятни бошқариш олимлар ва мутахассислар қўлига ўтиши тарафдори. Социал тенгсизлик сақланиб қолишини эътироф этади.

3. Пост индустриал жамиятда интеллектуал мулк, инсоннинг ақл-заковати, билими асосий ўринга чиқиб қолди. XX аср ўрталаридан қатор Ғарб давлатлари жамиятнинг учинчи босқич – пост индустриал жамиятга ўта бошлади. Социологияда бу жамият номи ҳар хил, жумладан «информацион» жамият, инсон билими ва информация захираларига кўра жамиятнинг асосий манбаи бўлиб қолади. Замонавий микроэлектроника ва компьютер техникасига асосланмоқда. Булар оммавий ахборотларни вужудга келтиради ва қайта ишлаб чиқаради. Коммунокация тизимида хўжалик тизими тубдан узгаради. Табиат манбаларидан, ишлаб чиқариш, металлургия, кишлок хўжалиги қисқаради, машина қўлами кенгаяди, аҳоли

деярли 50 фоиз шу соҳани ташкил этади. Пост индустриал жамият-маиший хизмат қилиш жамияти деб юритилади. Ишлаб чиқариш (молиявий, банк, суғурта, савдо, илмий маслаҳат, дастур) ва ни ишлаб чиқариш соҳаларида хизматлар (Фан, таълим ва бошқа) ўсиб боради. Бунда урбанизация жараёни индустриал жамиятга нисбатан тескари равишда юз беради. Қишлоққа саноат кириб боради.

Тейлор фикрига кўра интеллектуал омил биринчи ўринга чиқади. Инсон юксак капитал эмас. Балки ўз моҳиятини билим ва иқтидорини, кадриятларини намоён қилувчи ижитмой кучга айланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, анъанавий жамиятда иқтисодий мааслалар инсоннинг табиатга бевосита муносабати орқали ҳал қилган бўлса, индустриал жамиятда инсон томонидан яратилган сунъий ишлаб чиқариш воситалари иқтисоднинг асосини ташкил этади. Шу боисдан бу жамият иқтисодий жамиятдир. У иқтисодий муносабатларни белгилайди. Ҳозирги иқтисодиёт ижтимоийлашиб бормоқда. Интеллектуал салоҳият асосий ўринга чиқа боради.

Замонавий жамиятнинг пайдо бўлиши билан инсоннинг ижитмой ва сиёсий муносабатлардаги ўрни юксалиб борди. У жамиятларда ўзаро муносабатларнинг бир-бирига таъсир этиш даражаси ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви – унинг секинлик билан юксак таълим ва тажрибага, шунингдек, юқори касбий малакага асосланиши, ижитмой муносабатларни қонунлар, меъёрлар, шартномалар асосида мувофиқлаштириш расмий тизимининг яратилиши, диннинг давлат ва бошқарувдан ажратилиши, ижтимоий институтларнинг кўпайиши ва ривожланиши каби омиллар натижасида инсонлараро муносабатлар юксалиб, сиёсий институтларни назорат этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш, жамиятда тенглик ўрнатиш имкониятлари пайдо бўлди. XX асрга келиб энг такомиллашган ва замонавий кишилик бирликлари фуқаролик жамияти, деб атала бошланди.

Фуқаролик жамияти ғояси олий мақсад сифатида бир неча асрлардан бери яшаб келмоқда. Фуқаролик жамияти шундай жамиятки, унда аҳолининг Бирон-бир гуруҳи бошқа бир гуруҳни ўзига бўйсундира олмайди, шунингдек, эркалар билан аёлларни бир-бири билан боғлаб турувчи кўплаб ижтимоий, фуқаровий, диний, иқтисодий, маданий алоқа ва муносабатлар янада ривожланади. Б уғоя 80 – йилларда авж олган демократиялаштириш жараёни натижасида алоҳида мазмун касб эта бошлади ва у тоталитар давлатларга қарама-қарши бўлган ижитмой андоза сифатида талқин қилина бошланди.

Фуқаролик жамияти шахс учун кенг имкониятлар яратиб, унда ҳар бир шахс бошқалар билан бирлашиши ёки бошқалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсата олиши мумкин. Фуқаролик жамияти шу тарзда инсон улуғворлигини юксакликка кўтаради.

Ҳозирги замон ривожланган мамлакатларида барпо этилган фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда фуқаролик жамияти бу:

биринчидан, жамият ҳаёти фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига камраб олган инсоний бирликдир;

иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижитмой, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир;

учинчидан, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли давлат органлари тазйиқлари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамият бўлиб. Унда улар ўзлигини намоён қила олишлар учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Шу билан бир қаторда, ҳозирги даврда фуқаролик жамиятининг асосий белгилари шаклланди. Булар асосан қуйидагилардан иборат:

Иқтисодий соҳада: нодавлат ташкилотлар; кооператив ширкатлар; ижара жамоалари; акциядорлик жамиятлари; уюшмалар; корпорацияларнинг мавжудлиги.

Ижтимоий соҳада: оила; партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар; и шва яшаш жойларидаги ўз-ўзини бошқариш органлари; нодавлат оммавий ахборот воситалари;

жамоатчилик фикрини аниқлаш, шакллантириш ва ифода этишнинг замонавий шакллари, ижтимоий ихтилофларни куч ишлатмасдан, тазйиксиз, конунлар доирасида ҳал қилиш амалиётининг мавжудлиги.

Маънавий соҳада: Сўз виждон ва фикрлар эркинлиги; ўз фикрлар эркинлиги; ўз фикрини очиқ билдира олишнинг реал имкониятлари; ижодий, илмий ва бошқа уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам Амалий жиҳатлардан таъминланганлиги.

Шунингдек, фуқаролик жамиятининг барқарорлигини таъминловчи шарт-шароитлар ҳам борки. Уларсиз бу жамиятнинг институтлари ривожланмайди. Булар жумласига жамиятдаги ижитмий қатламларнинг турлича манфаатларини ифода этувчи ривожланган ижтимоий структуралар мавжуд бўлиши лозимлиги киради. Қолаверса, жамият аъзоларининг тўла мустақиллик билан фаолият курсата олиш қобилияти, уларнинг энг ривожланган даражадаги ижтимоий, интеллектуал, руҳий жиҳатлардан юксалашни содир бўлиши ҳам такозо қилинади.²³

Сўнгги шарт-шароит эса ҳар бир фуқаронинг ўз мулкига эга бўлиши, бу мулкни ўзи истаган тарзда тасарруф қила олиши учун шахсий ёки жамоавий ҳуқуқи таъминланган бўлиши лозимлигидир.

Фуқаролик жамиятининг белгилари, мезонлари ва институтларини тасаввур қила олган ҳар бир кишига, кўриниб турибдики, бундай демократик жамиятнинг асосини ўз-ўзини бошқариш ва жамоат ташкилотлари ўзаро муносабатларининг мажмуаси ташкил қилар экан.

Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳукуматнинг алоҳида ўз вазифалари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг эса алоҳида уз вазифалари бўладики, улар бир-бирини тўлдириб, юксак ривожланган демократик жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди. Давлатнинг ҳам нодавлат ташкилотларнинг ҳам ўз ҳаракат доирасини ўзлари учун белгилаган фаолияти у ёки бу томонга озгина ўзгарганда ҳам бундай ижитмий-сиёсий мувозанатлар бузилиб, демократик меъёрдан чекиниш ёхуд четга чиқиб кетиш рўй бериши мумкинлигини асримизнинг сўнгги даврдаги ривожланиш амалиёти кўрсатди.

Фуқаролик жамияти инсонлардаги ўз-ўзини англаш, уларнинг объектив равишдаги масъулят ҳиссини сезиш қобилиятининг юксалишига ҳамоҳанг равишда шаклланиб боради. Бу жамиятда шаклланган мамлакатлар фуқаролари сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятлари даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради.²⁴

Маълумки, фуқаролик жамиятининг асоси жамоат ташкилотлари ҳисобланади ва бу билан бир қаторда, фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири – бир нодавлат тизимдаги барча жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қоида, биринчидан, шу жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаолликлари юксаклигини билдиради. Қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи кирмоқчи бўлган ташкилот фаолиятида ўзининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос мақсадларга эришишига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина шу ташкилотга ихтиёрий равишда аъзо бўла олади.

Жамиятнинг тузилиши қуйидагича:

1. Тоталитар жамият: - (лот. умумий, бутун, жамики). Авторитар шаклларида бири. Жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан ялпи назорат ўрнатилади.

2. Авторитар жамият: - (лот. бошловчи, асосчи, ижодкор, автор) демократик бўлмаган сиёсий режимга асосланган ёки сиёсий онгнинг авторитар шакли. Бу сиёсий ҳукмронлик қилишнинг ўта реакцион давлат тизими. Шахснинг диктаторлик элементлари билан уйғунлашиб кетади.

3. Демократик жамият: - (юнон. халқ ҳокимияти) - халқнинг ҳокимият манбаи эканлиги, давлат ишларини ҳал қилишда қатнашишини билдиради. Ижтимоий тузилма - жамиятнинг ижтимоий асосини ташкил қилади.

Ижтимоий (социал) ҳаракатлар:

²³ Қирғизбоев.М. Фуқаролик жамияти. «Ёшлик» журнали, 1996. 6-сон, 3-4 –бетлар.

²⁴ Қирғизбоквa М. Фуқаролик жамияти. «Ёшлик» журнали, 1996, 6-сон, 3-4бетлар.

Фалсафада: ижтимоий фаолият маъносини билдиради.

Социологияда: - ижтимоий фаолиятнинг энг оддий бирлиги, (онгли ҳаракат) мазмунига эга.

Умуман, ижтимоий ҳаракатнинг 4 хили, типи мавжуд:

1. Мақсадли-оқилона ҳаракат (оқилон восита).
2. Қадриятли оқилона ҳаракат (этик, эстетик, диний).
3. Аффектив ҳаракат типи (эмоционал ҳолатлари).
4. Анъанавий ҳаракат (маданий, тақлид билан)²⁵

Шахснинг ҳуқуқлари ва бурчлари:

- 1) Масъулият.
- 2) Статуслар.
- 3) Бош статус.
- 4) Шахсий статус.
- 5) Ижтимоий статус.
- 6) Қайд қилинган статус.
- 7) Аралаш статус
- 8) Эришилган статус.

Статуснинг элементлари: (Статус: - лат. фуқаро ёки юридик шахснинг ҳуқуқий ҳолати – ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуи) – Статусни идентификация қилиш биров билан ёки бир нарса билан солиштириш

- статус роли
 - статус ҳуқуқлари
 - статус диапазони
 - статус рамзлари
 - статус бурчлари
 - статус образи
- (имидж)

Статус орқали оламни кўриш

Роллар йиғиндиси...

Қадимги даврдан бошлаб то ўрта асрларгача бўлган замонда давлат кенг талқин қилинган, лекин у ўзи ташкил қиладиган ва ифаодаляйдиган жамиятдан алоҳида эмас эди. Биринчилардан бўлиб Никколо Макиавелли «давлат» терминини кенг ва тор маънодаги аҳамиятларини талқин этган эди. Бу пайтгача бўлган даврда давлат турли ва анча аниқ тушунчаларни англатган. Н.Макиавелли адабиётларга «Stato» деган махсус терминни киргазиб, у давлатни унинг қандайдир аниқ шаклидан қатъий назар жамиятнинг алоҳида сиёсий ташкилоти сифатида талқин этди.

Давлат, жамият ва индивидларнинг ўзаро бир-биридан чегараланиш ғояси мазкур ижтимоий институтларнинг муайян муросавий муҳитда амал қилишни тақазо этади. Бу ғояни Гоббс, Локк, Руссо ва бошқалар давлатларнинг шартнома назариялари тарзида амалга оширдилар. Бу назарияга биноан учта тушунча (индивид, давлат, жамият) тарихан бир-биридан бўлингандир. Даставвал эркин ва ярим ёввойи яшаган индивидлар иқтисодий ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳаракатларда бўлиш оқибатида жамиятни ташкил этдилар ва кейинчалик ўзларининг хавфсизликларини табиий ҳуқуқларини шартномалар тузиш йўли билан ҳимоя қилиш мақсадларида махсус орган-давлатни туздилар.

«Давлат» тушунчаси одатда маълум бир ҳудудда олий ҳокимиятга эга ташкилотни англатади. Давлатнинг моҳиятини янада чуқурроқ ва ҳар томонлама англаш учун унинг муҳим белгиларини билиш лозим.

Минглаб йиллар жамиятнинг ривожланиши билан бирга давлат ҳам унинг бир қисми сифатида ривожланиб келди. Давлат билан шахснинг ўзаро муносабати хусусиятлари, давлат тузумида рационаллик эркинлик ва инсон эркинлиги принципларининг татбиқ

²⁵ Умумий социология. Т: ТошДУ, 1999, 70 -бет

этилишига қараб давлатнинг ривожланишини иккита муҳим этапга бўлиш мумкин: анъанавий ва конституциявий. Шунингдек, анъанавий ва конституциявий давлатнинг белгилари намоён бўлишига қараб оралиқ босқичларга ҳам бўлинади. Масалан, тоталитар давлатчилик. Анъанавий давлатлар тархий мерос бўлган урф-одат, меъёрлар асосида стихияли равишда ривожланади. Бу давлатларда халқ устида институтлашган ва чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб, кишиларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги инкор этилиб, эркин инсоннинг давлат ҳокимиятининг манбаи эканлиги тан олинмаган. Бундай давлатларга типик мисол сифатида монархияни кўрсатиш мумкин.

Конституциявий ва ноконституциявий давлатлар ўртасидаги чегаралар эркинликка нисбатан муносабат, шунингдек инсон ҳуқуқларини сақлаш амалиёти, шахс, жамият ва ўзаро муносабатларидаги устивор йўналишлар асосида белгиланади. Давлат ривожланишининг конституциявий босқичи давлатнинг жамиятга ва фуқароларга бўйсунуш, давлатнинг аралашув ваколати ва йўналишларининг конституциявий белгилаб қўйилиши, давлат фаолияти ва инсон ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий регламентация қилиниши билан боғлиқдир. Конституциявий давлатлар анъанавий давлатлари шаклланиши, ички тузилиши ва функциялари билан кескин фарқланади.

Сиёсий ҳокимият мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у давлат ҳокимият ва бошқа сиёсий ташкилотлардан таркиб топади.

Давлат- ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятнинг ҳаракатланишида муҳим роль ўйновчи алоҳида бир ташкилотдир. У ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг бир қисми (элемент), ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни халқдан олади ва ўзига тегишли ваколатни ўзининг махсус тузилмалари – давлат органлари орқали амалга оширади. Давлат халқ манфаатини кузласа, унга ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида, хўжалик юритишда эркинлик берса, тинчлик сиёсати юргизса, давлат демократик ҳисобланади ва тараққиётга сабаб бўлади. Аксинча, халқнинг эркинлигини чекласа, тараққиётга тўсқинлик қилса, зўравонлик билан иш олиб борса-реакцион давлат ҳисобланади. «Давлат» сўзи кўпинча «мамалкат» сўзи ўрнида ҳам ишлатилади. Масалан, айри ҳолларда «мамлакатмиз» деган сўз ўрнида «давлатимиз» деган сўзни учратишимиз мумкин. Давлатнинг кўрсатмаси жамиятнинг ҳамма аъзолари – фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари учун мажбурийдир. Давлат қонун яратади ва ўзи ҳам қонунларга бўйсунди.²⁶

Давлат жамият сиёсий тизимида марказий ўринни эгаллайди. Негаки, у ҳокимиятни ўзига энг кўп мужассамлаштирган сиёсий ташкилот бўлиб, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ечишнинг энг кўп имкониятларига ҳам эгадир. Шу туфайли жамият сиёсий тизимини ташкил этувчи бошқа институт ва ташкилотлар ҳам айнан давлат атрофида бирлашадилар. «Давлат» кенг маъноли тушунчадир. Давлатнинг моҳиятини тушунишда 3 асосий назарий ёндошув мавжуд: **ижтимоий, синфий ва сиёсий-ҳуқуқий**.

Давлат моҳиятини тушунишдаги 1-ёндошувга кўра, давлат-умумий муаммолар ва ишлари ҳал этиш воситаси, у ҳукмдорлар ва халқнинг ўзаро суносабатини тартибга солиди. 2-ёндошувнинг моҳияти шундаки, давлат синфларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган ва синфий кураш бир синфнинг бошқасини бостириш кууроли бўлиб хизмат қилади. 3-ёндошувнинг асоси қуйидагича: давлат жамиятнинг ва давлатнинг ўз ҳаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир. Албатта, учала ёндошувда ҳам муайян асос бор. Янглишув бир назарий қараш бошқаларидан устун қўйилиб, мутлақлаштириганда бошланади. Демак, давлатни қуйидагича излхлаш мумкин.

Давлат – суверенитетга, башқарувнинг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳоимоя қилишнинг махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек, ҳуқуқ нормалари (қоидалари)ни яратишга кодир бўлган оммавий ҳокимиятнинг сиёсий-ҳудудий ташкилотидир.

²⁶ Қаранг: Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: «Академия» 2001, 27-бет.

Давлат – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг мухсус бошқарув ва мажбурият аппаратига, барча учун мажбурий қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилотдир.

Давлат – ҳокимиятнинг бош институти. Ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади. «Ҳокимият», «давлат», ва «сиёсат» ишунчалари ўзаро жуда яқин бўлиб, бир-бирларини белгилаб беради.

1. Демократик давлат тушунчаси – бундай давлатда давлат органларини ташкил қилишда, уларнинг фаолиятида, мамлакат фуқаролари турли-туман йўллари орқали кенг иштирок этадилар. Фуқароларнинг давлат органларини ташкил қилишдаги иштироки қонун йўли билан кафолатланади ва уларнинг иштирокига кенг имкониятлар яратади. Демократик давлатда инсон манфаати, кадр-қимммати, ҳаёти, соғлиғи ҳар нарсадан юқори туради. Давлат фуқароларининг ҳуқуқ-эркинликларини таъминлаш чораларини доимий равишда кўриб боради. Давлат фуқаролар назоратида ва уларга турли воситалар орқали ҳисоб беради. Демократик давлат ўзи-ўзи бошқариш, кўппартиявийлик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратади.

2. Ҳуқуқий давлат тушунчаси²⁷ - давлат тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуққа асосланганлиги. Бунда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги қонун устиворлиги, барчанинг қонун ва мустақил суд олдида тенглиги таъминладиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатладиган, ҳокимият ваколатларининг бўлиниш принципи асосида ташкил этилган демократик давлат.

Демак, ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

- 1) Халқ ҳокимиятининг амалга ошиши.
- 2) Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги. Яъни шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳеч Ким шу жумладан, давлат томонидан ҳеч қандай ҳолда бузилмаслиги.
- 3) Конституция ва қонун устиворлиги.
- 4) Ҳокимият ваколатларининг бўлиниш тамойили
- 5) Суд мутақиллиги
- 6) Инсон ҳуқуқларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш.
- 7) Давлат ва фуқароларнинг ўзаро масъулияти.
- 8) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали ишлаши.
- 9) Ҳуқуқий маданиятнинг юксак даража эканлиги.
- 10) Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви

Ҳуқуқий давлатнинг барча учун умумий бўлган андоза йўқ. Уни ҳар бир давлат миллий давлатчилик борасида тажрибаларига таяниб, халқнинг зехнияти, қадриятлари ва анъаналарни ҳисобга олиб, ўз стратегик мақсадларига мос ҳолда шакллантирилади. Лекин ҳуқуқий давлатчиликнинг Дунё тан олган ва умумбашарий қоида – талабларига жавоб берадиган биз юқорида ўнта тамойилларни баён этдик. Бу тамойиллар ҳуқуқий давлатнинг конституциявий асоси. Улар бизнинг Конституциямизда тўлиқ акс этган.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамиятни қарор топтириш учун жамиятни демократлаштириш зарур. Бунда Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек 1) Анъанавий меҳонга эътибор бериш ва у билан ҳисоблашиш лозим. 2) Аввал мамлакат аҳолиси турмушини юксалтириш даркор. Чунки турмуш онгни белгилайди. 3) Фуқаролар онги, тафаккурини ўзгартириш керак. Турмушнинг юксалиши ўз навбатида одамлар онги ва тафаккур тарзини ўзгартиришга олиб келади. 4) Ҳуқуқий демократик жамиятга табиий йўсинда, ҳес зўриқиш ва талофатсиз эришишимиз мумкин.²⁸ «Одамлар сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб борган сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориши зарур».

²⁷ Қаранг: Азизхўжаев А, Шусанов.О, Азизов Х. Конституциявий ҳуқуқ Изоҳли луғат. Т.: «Академия», 2001, 37-38, 140 бет; Саидов А, Тожиқонов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари Т.: ЎЗР ИИВА, 1999, 20- бет.

²⁸ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фарвон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000, 333 бет.

3. Фуқаролик жамияти тушунчаси – инсонинг ялпи ҳуқуқлари кафолатланадиган, мафкуравий плюрализм таъминланадиган жамият тузулиши. Бунда ҳар бир фуқаро, жумладан, Ўзбекистон фуқароси ўз ихтиёри билан фуқароликдан чиқиши мумкин. Фуқароликдан чиқмоқчи бўлганлар олдига маълум шартлар қўйилади, яъни улар давлат, жамоа, фуқаролар олдига ҳеч қандай мажбурияти қарздор ёки давлат ва ҳарбий сирлардан воқиф булмаслиги керак. Агар фуқароликдан чиқишни илтимоис қилувчи шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган бўлса ёки унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса, у фуқароликдан вақтинча чиқарилмайди. Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон фуқароси фуқаролигини йўқотади:

1) Чет давлатда ҳарбий хизматга. Хавфсизлик идоралари хизматига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти идораларига ишга кирса.

2) Чет элда яшовчи Ўзбекистон фуқароси 5 йил давомида узрли сабабсиз консуллик ҳисобида турмаса.

3) Фуқароликни сохта ҳужжатлар тақдим этиб олган бўлса.

Фуқароликдан чиқариш Ўзбекистон Президенти ваколатига киради.

Фуқаролик жамияти –демак, хақиқий фуқаролардан узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятга таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамият. Ўзбекистон «Кучли давлатдан кучли жамият сари» концепциясини ишлаб чиқди ва уни изчиллик билан амалга оширмоқда. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг қуйи органи бўлган маҳлланинг аввало ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Бу асосий қомусимизнинг 105-моддасида ўз ифодасини топган. 1993 йил 2 сентябрда «фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органилари тўғрисида қонун, 1999 йил 4 апрелдан «фуқароларнинг ўзи-ўзи бошқариш органилари тўғрисида қонуннинг Янги таҳрири, 2001 йил 9 апрелда Олий Мажлис Кенгашининг «фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органиларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. 2000 йилга келиб Ўзбекистон 13 мингдан ортиқ, Тошкент шаҳрида эса 481 тадан кўпроқ маҳалла фаолият юритмоқда.

Давлатда ва нодавлат ташкилотлари, уларнинг муносабати

Давлат ҳокимияти:

- a. Парламент (Олий Мажлис: қуйи қонунчилик ва Сенат палаталари).
- b. Президентлик институти.
- c. Вазирлар Маҳкамаси (8 та ВМ аъзолари, вазирлик 10 та, давлат қўмиталари 9 та, жами 27 та).
- d. Суд ҳокимияти ва ҳ.к.

Нодавлат ташкилотлари:

- 1) Сиёсий партиялар
- 2) Маҳаллалар (шаҳар, қишлоқ, овуллар).
- 3) Жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари.
- 4) Хотин-қизлар ташкилотлари.
- 5) «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ҳ.к.

Ҳуқуқий давлат конституциявий давлатчиликнинг реал амалга ошишидир. Унинг асосида инсонни давлат террори. Унинг эътиқоди устидан куч ишлатиши, ҳокимият органилари томонидан майда ҳомийлик қилишидан ҳимоя қилишга интилиш ётади. Ҳуқуқий давлат-суверен халқ иродасига бўйсунувчи, инсоннинг эркинлиги ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, ўз фаолиятини қонунлар доирасида амалга оширувчи давлатдир. Бундай давлатда шахс билан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар конституцияда белгилаб қўйилади, шунингдек, бу халқ билан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар «Ижтимоий битимлар» асосида рўй беради. Давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларда устиворлик инсон ҳуқуқларига қаратилади, қонунлар давлат ва унинг хатти-ҳаракати билан бузилмайди.

Ҳозирги даврда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ўртасида қатъий чегара ўтказиш қийин масала. Турли ҳуқуқий давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тажрибасини эътиборга олиб, ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги белгиларини келтириш мумкин.

- ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги;
- шахснинг эркинлиги, ҳуқуқ ва жамоатчилик тинчлигини ҳимоя қилиш, хўжалик фаолияти учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берган ҳолда давлат фаолияти соҳасини чеклаш;
- ҳар кимнинг ўз шахсий фаровонлиги учун масъуллигини ошириш;
- барча фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги;
- ҳуқуқнинг умумийлиги, унинг барча фуқаролар, ташкилотлар, муассасалар, жумладан. Давлат ҳокимияти учун ҳам тенг таалуқли бўлиши;
- халқ ва давлат суверинитетининг конституциявий –ҳуқуқ жиҳатларидан мувофиқлашганлиги;
- қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши, улар фаолиятини ҳамкорликдаги бирлиги;
- давлатнинг фуқаролик муносабатларини мувофиқлаштиришда тақиклаш методининг чегарадан чиқиш методига нисбатан устиворлиги. Бунинг маъноси шуки, ҳуқуқий давлатда «қонун билан тақикланмаган барча нарсаларга руҳсат этилади» тамойилига амал қилинади. Бунда чегарадан чиқиш методи фақат давлатга нисбатан қўлланилиб, давлат фақат расмий қабул қилинган ваколатлар доирасидан четга чиқмаслиги лозим;
- индивид эркинлигини чеклаш фақат барча кишилар эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳуқуқий давлат шахснинг мутлоқ эркинлигини билдирмайди. Ҳар бир шахснинг эркинлиги бошқа кишининг эркинлигига зид кела бошласа, худди шу ерда унинг эркинлиги тугайди.²⁹

Ҳуқуқий давлат шароитида эркин рақобат натижасида мулкдорлар қатлами вужудга келиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Давлатлар ривожланиш тажрибаси кўрсатдики. Фақат шахсларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш билан умумий фаровонликка эришиб бўлмайди. Чунки, жамиятдаги ҳар бир шахсда мулкдор бўлиш, ташаббускорлик кўрсатиш қобилияти бўлавермайди. Барибир, ижтимоий тенгсизлик давом этаверади. Шунинг учун ҳам ҳаётда ижтимоий давлат назарияси ва амалиёти (умумий фаровонлик давлати) пайдо бўлди.

Ижтимоий давлат – ҳар бир фуқаро учун муносиб ҳаёт тарзи, ижитмий ҳимоя . ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этиши, шахснинг ўз-ўзини реализация қилиши, ҳамма учун тенг ҳаётим конкониатлар яратиш учун интиладиган давлатдир.

Бундай давлатнинг фаолияти умумий фаровонлик, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатишга қаратилган бўлади. Давлат мулкий ва бошқа ижтимоий тенгсизликларни текислашга ҳаракат қилади, кучсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам беради, ҳар бир фуқарони иш ёки бошқа ҳаёт кечирини манбаи билан таъминлашга ҳаркат қилади, жамиятда тинчликни сақлайди, инсон учун қулай ҳаёт муҳитини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикасида миллий истиқлол шарофати билан бозор муносабатларига ўтиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Давлат ва ҳуқуқат миллий мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб кучли ижитмий сиёсат юритиб келмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади ҳам ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришдир. Ҳозирги даврда бундай давлат ва жамият барпо этишнинг конституциявий ва қонуний асослари яратилди. Демократик типдаги миллий давлатчилик шаклланди. Фуқаролик жамиятининг белгиси сифатида кўп партиявийлик ва ўз-ўзини бошқариш органлари – жамоат барлашмалари тизими шаклланди.

Социология фани тизимида социал муносабатлар жуда муҳим ўрин тутди. Чунки у орқали жамият аъзолари бир-бирлари билан маълум бир муомала ва ижтимоий ҳамкорликка интиладилар. Социология даги бу махсус соҳа ўзининг ўта долзарблиги ва муҳимлиги билан бошқа муаммо ва масалалардан ажралиб турсада, у ҳали мутахассислар томонидан тўлиқ илмий ва системали равишда ўрганилмаган ҳамда илмий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Бу салбий йўлнинг асосий сабабларидан биринчиси, аввало, собиқ

²⁹ Қаранг: Основы политической науки. М.: МГУ им М.В.Ломоносов, 1996. с 217-220.

Иттифоқ фалсафий – социологик адабиётларида бу масаланинг бир ёклама талқин қилинганлиги бўлса, иккинчиси эса, илғор ғарб ижтимоий адабиётларининг, бу соҳаси бўйича тўлиқ тадқиқот маълумотларининг бизда йўқлигидир.

муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бир хусусий кўриниши деб талқин қилинади. Мавжуд адабиётларни чуқурроқ таҳлил қилинадиган бўлса, шундай хулосага келиш мумкинки, юқорида кўрсатилган фикрларда қимматли асослар борлигини билса бўлади.

Социал муносабатлар тушунчаси кўпгина адабиётларда 2 хил даражада: кенг ва тор маънода талқин қилинган. Кенг маънода тушуниш – социал муносабатларни бутун бир ижтимоий муносабатлар тизими билан тенглаштиришдир ва улар орасидаги фарқларга кўп эътибор бермаслик билан боғлиқдир.

Тор маънода социал муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бир муҳим элементи ва тури деб интерпретация қилинади. Социал муносабатлар кенг маънода қуйидагича таъриф билан белгиланган³⁰.

Социал муносабатлар – бу, табиат ҳодисаларидан ўлароқ бўлиб, унда ижтимоий муносабатларнинг бутун бир тизими мужассамлашгандир.

О. Конт ўзининг позитивистик таълимотида социал муносабатлар муаммоларини худди биологик ҳодисалар усули билан ўрганиш принципларини кенг тарғиб қилади. Позитивистик-натуралистик йўналишнинг ашаддий рақиби бўлган феноменологик социология социал ҳаёт ва социал муносабатларни бундай усулда талқин этганлиги учун О. Конт ва унинг издошларини кескин танқид қилади. Натурализмнинг ва жиддий камчилик ва хатоликларини бартараф этиш учун феноменологик социология, инсон онгининг фаоллиги бу муаммолар ечимининг асосий омилидир, деб исботлашга интилади. Бу йўналиш вакиллари фикрича, фақатгина инсон ва унинг тафаккури туфайли социал воқеликни ҳамда социал муносабатларни конструкциялаш (яратиш) мумкин. Чунки социал реаллик ва социал муносабатлар инсоннинг интерпретацион фаолияти орқалигина вужудга келади. Феноменологик социологиянинг таниқли вакилларида бири Д. Силверман юқоридаги ғояларни асослаш учун позитивистик социология назариясини танқид қилади.

Албатта, бу ижтимоий фикрлар вужудга келгандан бери анча вақтлар ўтди, янги жуғрофий-сиёсий мақомлар пайдо бўлди. Энг муҳими эса, тоталитар тузум барҳам топиб, янги давлатлар вужудга келди, янги жамиятда бир партиявийлик ҳукмронлиги емирилди ва мустақил суверен давлатлар барпо бўлдилар. Энди эса жамиятдаги жараёнларни, жумладан, социал муносабатлар муаммоларини кенг плюралистик принцип орқали тадқиқ қилиш даври келди. Бу тамойил орқали, социал муносабатларнинг муаммо ва вазифаларини турлича таҳлил қилиш имконияти туғилди. Ушбу ижобий имкониятларнинг ҳосили сифатида республикамизда социал муносабат муаммолари жаҳон илмий тафаккурининг ҳархил йўналиш натижалари асосида тадқиқ қилинаётганлигини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, социал муносабатлар муаммосини янги, юқори илмий даражада тадқиқ қилиш имкониятлари вужудга келди. Энди бу муаммони конкрет социологик тадқиқот билан ўрганиш жоиздир. Чунки Социология нафақат бу муаммонигина эмас, балки бутун ижтимоий ҳаёт жараёнларни кенг қамровда комплекс характерда ва амалий натижалар асосида чуқур тадқиқот қилади.

Социал муносабатлар турлари

Социал бирдамлик тушунчаси социал муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутаяди. Чунки бирдамлик – бу, кўпгина маънавий омилларнинг мажмуасидан ташкил топган социологик категория бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фаолият кўсатаётган инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилишларидаги ҳамкорлиги кўринишидир. Аввалом бор шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, Социология фанига бу атама социал жипслашувни билдирадиган тушунча сифатида биринчи бўлиб О.Конт томонидан киритилган эди. Бу муаммога кўгина мутафаккилар ўзларининг кенг эътиборларини қаратганлар. Айниқса

³⁰ «Умумий социология». Т.: ТошДУ, 1999, 79-бет.

Э.Дюркгейм, Г.Спенсерлар бу муаммони чуқур таҳлил қилганлар, лекин улар ўз тадқиқотларини турли хил йўналишларда олиб борганлар. Э.Дюркгеймнинг фикрича, социал бирдамлик, бу ахлоқий принцип ва олий универсал қадрият бўлиб, у жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан тан олинади. О.Конт ва Г.Спенсерларнинг тадқиқотларида социал бирдамликнинг асосини иқтисодий мафаатлар ташкил қилиши марказий ўринни эгаллайди. Г.Спенсер ўзининг бирдамлик таълимотида мажбурий ва кўнгилли бирдамликни ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, кишилик жамияти ўз ривожланиш йўлида иккита ҳарбий ва саноат даврларига бўлинади. Бутун ҳаёт бу ерда интизомга асосланган. Саноат туридаги жамият эса осойишта ижтимоий ҳамкорликнинг эркин шакллари ифода этади. Муаммонинг иккита жиҳатга ажратиб таҳлил қилинишни Д.Дюркгеймнинг ҳам илмий фаолиятида кўриш мумкин. У ўз таълимотини механик ва органик бирдамликка ажратади. Ривожланмаган ва эски жамиятларда ҳукумронлик қиладиган бирдамликни Дюркгейм, механик бирдамлик, деб атайди.

Механик бирдамлик – бу, «жамоа туридаги» бирдамлик бўлиб, у бу жамоадаги индивидларнинг ўхшашликлари билан белгиланади ва улар томонидан ижтимоий вазифалар бир хил турда бажарилади. Жамиятда ижтимоий меҳнатнинг тақсимлаши туфайли индивидлар махсус вазифаларини бажарадилар ва бу хислатлар сабабли жамият жонли организмни эслатади. Шу жамиятда вужудга келган янги турдаги бирдамликни Дюркгейм, органик бирдамлик, деб атайди. Меҳнатнинг тақсимланиши индивидларда ўзларига хос қобилиятларнинг ривожланишига омил бўлади. Энди ҳар бир индивидларнинг ўзи эса бир-бирларига боғлиқ бўладилар ва улар социал муносабатларнинг ягона тизими орқали бирдамлик туйғуларига эришадилар.

Кўпгина ғарб олимлари ижтимоий мулкка асосланган кооперациянинг сер-маҳсуллигини инкор этиб келадилар. Уларнинг фикрича, бутун жамият билан ишлаб чиқариш воситаларини гуруҳлар мулки қилиб бериш керак. Агар ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулк хусусиятига эга бўлса, «маъмурият» халқдан ажралиб қолади ва шу сабаб туфайли бюрократ бошқарувчилар ташкилоти вужудга келиши мумкин. Ўз-ўзидан, табиийки, бу жараёнлар натижасида ишчилар ўз меҳнатларидан мафаатдорликни хис қилмайдилар.

Мазкур тахминларнинг аксарияти ўз исботларини топдган. Айниқса, ярим мустамлакачилик даврида, бизнинг диёрда сохта бирдамлик асосидаги кооперациялаштириш кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти ва кооперация никоби остида ҳудудимиз хомашё етиштирадиган республикага айланди. Жамиятимизда туб маънодаги бирлашма жараёни фаолият кўрсатмади.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаб кўрсатганларидек, «Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули — маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда... Энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди»³¹.

Иқтисодий ва тақсимот муносабатлари

Жамият ижтимоий таркибида ҳар бир шахс қайси ижтимоий гуруҳга ва ундаги ҳудудий, тармоқ (соҳа) ва ижтимоий мавқе йўналишига мансублиги билан характерланади. Булардан ташқари яна, шахс жинси, ёш жиҳати, оммавий аҳволи, ижтимоий келиб чиқиши, миллий мансублиги, маълумоти, илмий даражаси каби меъзонлар билан ҳам ўрганилади. Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари ижтимоий гуруҳ ва айрим шахслар қанчалик моддий имкониятга эгалиги, жамғарма маблағи миқдори каби томонларни ўрганишни ҳам талаб этади.

Ҳозирда ижтимоий муносабатларда жамиятимиз учун мутлақо янги бўлган асослар яратилмоқда. Хусусий мулкчиликка асосланган кўп укладли, дунё сари очиқ юз тутган

³¹ Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». Т.2. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 281-бет.

иктисодиёт пайдо бўлаётир. Шунинг учун ҳам янги иқтисодий ва тақсимот муносабатлари социологиясини ишлаб чиқиш Социология фанининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирда меҳнатнинг мазмунини чуқур ва ҳар жиҳатдан ўзгартирмай туриб, жамиятимиз ижтимоий таркибида сифат ўзгаришига эришиб бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, меҳнатга янгича муносабатни таркиб топтириш, янги технологияни яратиш, фанни янада тараққий эттириш, муносиб малакали кадрлар тайёрлаш, маорифни тубдан янгилаш каби кечиктириб бўлмайдиган вазифалар амалга оширилмоғи лозим.

Иқтисодиёт социологияси ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнини, тақсимот муносабатлари, моддий таъминот, аҳолининг моддий турмуш даражаси ва шу каби жамиятнинг иқтисодий ривожланиш соҳасидаги қонуниятларни ўрганади.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, энг аввало, унинг иқтисодий асослари билан боғлиқ бўлади. Ижтимоий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, ижтимоий ҳаётдаги бошқа соҳаларнинг ривожланиш даражаси ҳам шунга мос равишда тараққий қилиб боради. Масалан, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Европо мамлакатларининг иқтисодий ривожланганлиги ва аҳолининг турмуш даражаси маданияти, хизмат кўрсатиш соҳаларининг тараққиётини белгилаб беради.

Иқтисодий муносабатларни ўрганишда асосий эътибор: меҳнатнинг ижтимоий муаммолари, меҳнат фаолияти ва тақсимот муносабатларига қаратилади.

Жамият аъзолари томонидан яратилган моддий бойликлар улар ўртасида қандай тарзда ва қай миқдорда тақсимланишидаги фарқ ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги фарқни келтириб чиқаради. Хусусий мулкнинг қонуний деб эълон қилиниши билан жамиятимиз ижтимоий таркибидаги текисчилик аста-секин ўз ўрнини ижтимоий мавқеи жиҳатидан ва етиштирилаётган моддий неъматларнинг тақсимоти жиҳатидан фарқ қилувчи ижтимоий гуруҳ ва табақаларга бўлиниши ортиб бормоқда.

Республиканинг аста-секин бозор муносабатларига ўтиб бориш даврида Президент И. А. Каримов томонидан белгиланган беш тамойилга асосланган тарзда сиёсат юргизилмоқда. Буларнинг биринчиси – иқтисодиётнинг сиёсатдан устун бўлиши, уни ҳар қандай мафкуравий тазйиклардан озод қилиш лозимлиги.

Иккинчиси – иқтисодиётни бошқаришда, айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида, янги тузум барпо этилаётганда давлат бошқарув тизимини қўлдан чиқармаслиги, яъни давлат асосий ислохотчи бўлмоғи лозимлигидир.

Учинчиси – қонунларга барча баравар риоя этишини таъминлаш, яъни қонун устиворлиги.

Тўртинчиси – кучли ижтимоий сиёсат юритиш.

Бешинчиси – бозор иқтисодиётига шошқалоқликка йўл қўймай, босқичма-босқич ўтиш зарурлиги.

Тақсимот муносабатлари социология предметида тааллуқли бўлиб, унинг таркибига ишлаб чиқариш қуроллари тақсимоти, жамият аъзоларининг ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари бўйича жойлашуви ва жамият томонидан ишлаб чиқарилган моддий неъматлар, ишлаб чиқариш қуроллари ва истеъмол моллари киради. Моҳият эътибори билан тақсимот муносабатлари мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари характерида мос келади.

Алоҳида кишилар ва ижтимоий гуруҳларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаолияти моҳияти тақсимот муносабатлари характери билан белгиланади. Ижтимоий гуруҳлар, табақалар ва алоҳида олинган кишиларнинг реал даромадлари даражаси бу даромадларнинг ўзгариши ва ривожланиши истикболлари уларнинг ижтимоий-сиёсий позицияларини белгилайди.

Совет тузуми даврида ижтимоий гуруҳларнинг моддий даромадларини тенглаштириш сиёсати юргизилган. Натижада кишиларнинг меҳнатга муносабати сусайиб, ижодийлик, омилкорлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик, моддий манфаатдорлик каби ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим стимуллари йўқала борган.

Демак, тақсимот муносабатлари жамият ҳаётини, айниқса, унинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш муносабати билан, Ўзбекистонда мулкчилик турли шаклларининг жорий қилиниши ва уларнинг давлат ҳимоясига олиниши тақсимот муносабатларида тубдан ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамият иқтисодий ривожланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ўз миллий пулига эга бўлиши муносабати билан иқтисодий ва тақсимот муносабатларига сезиларли таъсир кўрсата бошлади. Ўзбекистон ички бозорини тўлдириш — давлат сиёсати даражасида олиб борилмоқда. Аммо ҳозирда ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий интеграциянинг вақтинча бузилганлиги оқибатида юзага келган иқтисодий тақчиллик, айниқса, халқ истеъмоли моллари танқислиги иқтисодий ва тақсимот муносабатларига сезиларли таъсир кўрсатди. Унинг оқибатида кишиларнинг турмуш даражаси анча пасайди.

Ўзбекистон давлатининг бу соҳадаги сиёсати “миллий бойликнинг кўпайишини, республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб боровчи иқтисодиётни барпо этишдан иборат буюк мақсадни кўзламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиёт ва тақсимот муносабатлари Социология фани доирасида тадқиқот объекти сифатида муҳим ўрин тутди.

3. Ижтимоий – синфий муносабатлар

Жамиятнинг ижтимоий таркибида ижтимоий-синфий муносабатлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Совет социологиясида синфий муносабатлар, синфий кураш масалаларига жуда кенг ўрин берилиб, бу муносабатлар ижтимоий таркибдаги бошқа барча элементлар, муносабатлар ичида энг муҳим ва белгиловчи ҳисобланган. Бунинг сабаби, унда жамиятнинг иқтисодий таркиби бошқа ижтимоий гуруҳлардагига нисбатан тўлароқ ва аниқроқ акс этади, - деб кўрсатилган. Ҳақиқатдан ҳам, давлат социализм даврида мавжуд ишчилар ва деҳқонлар синфи жамиятнинг энг кам таъминланган, кўйи даражадаги синфларни ташкил қилди. Интеллигенция ижтимоий қатлами эса моддий таъминланганлик жиҳатидан улардан унчалик фарқ қилмаган. Ўтган даврда, асосан, икки синф — ишчилар ва деҳқонлар синфи ва интеллигенция қатлами мавжуд деб кўрсатилиб, жамият ижтимоий таркибидаги бошқа гуруҳлар (масалан, юқори табақа чиновниклари, мафия гуруҳлари ва шу қабилар)нинг аҳамияти мутлақо тилга олинмас эди.

Ишчилар синфи кўп қиррали ижтимоий бирлик ҳисобланади. Унинг ички таркиби демографик (жинси ва ёши билан), профессионал — тайёргарлиги билан (меҳнатнинг мазмуни ва характери билан), худудий (ижтимоий-худудий бирлик билан), этник (миллий фарқи) ва маданий-маълумоти билан фарқ қилувчи таркибий тузилишга эга.

Ҳозирда Ўзбекистон давлати миқёсида миллий ишчилар синфининг таркиб топиши учун шарт-шароит яратилмоқда. Жаҳон талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун моддий замин тайёрланмоқда. Чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар яратилмоқда. Эндиликда, юқори технологияга асосланган саноат ишлаб чиқаришининг малакали ишчи - муҳандислар гуруҳи шакллана бошлади.

Ишчилар синфи ривожланиш истиқболларига эришиш учун уларни миқдорий жиҳатдан кўпайтириш билангина эришиб бўлмайди. Аввало меҳнатнинг интеллектуал мазмунини бойитиш, замонавий автомат-технология билан жиҳозланган иқтисодий шарт-шароитларни барпо қилиш зарур. Амалга оширилиши керак бўлган бундай тадбирлар бевосита қишлоқ хўжалиги деҳқонлари ҳамда интеллигенция қатлами учун ҳам тааллуқлидир.

Иқтисодиётни интенсификация равишда ривожлантириш ижтимоий-таркибий алоқаларга кучли таъсир этади. Шунингдек, ижтимоий таркибдаги иқтисодий ва тақсимот муносабатларининг ижобий ривожланиши мамлакат табиий ресурслари, худудий ўзига хос

хусусиятлар, сиёсий барқарорлик, миллатлар ўртасидаги муносабатларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштираётган деҳқонлар ҳам ижтимоий таркибда синф сифатида ўрин тутади. Ўзбекистонда аҳолининг 60 фоиздан ошиғи қишлоқ жойларида яшайди. Миллий даромаднинг 44 фоиздан кўпроғи қишлоқ хўжалигидан олинади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз бўйича меҳнатга яроқли кишиларнинг 39,3 фоизи чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида меҳнат қилади. Баъзи туманларда бу кўрсаткич 80-90 фоизни ташкил этди³².

Булардан кўриниб турибдики, жамиятимиз ижтимоий таркибида деҳқонлар синфининг ўрни катта ҳозирда мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон ҳукумати деҳқонлар мавқеини кўтаришга алоҳида эътибор бермоқда. Уларнинг турмуш даражасини оширишда катта ишлар олиб борилаёпти. Уй-жой қуриш учун бепул ер ажратилди. Моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Экинзор ерлар ижарага берилмоқда. Фермерларнинг сони ортмоқда. Етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шаҳарга олиб келиб сотиш учун имкониятлар яратилди. Уларнинг оладиган йиллик даромадлари бир неча бор ортди.

Деҳқонлар синфи ичида ҳам табақаланиш жараёни тез суръатлар билан бормоқда. Уларнинг таркибида ишбилармон, тадбиркор фермерлар пайдо бўлди. Ижарачилар гуруҳи ҳам борган сари қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги иқтисодий муносабатларнинг таркиб топиши билан қишлоқ ишчилар синфи шаклланишига моддий замин тайёрланмоқда. Бошқача айтганда, қишлоққа саноат кириб келмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигида мавжуд ортиқча ишчи кучини иш билан таъминлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаб ёздики, «Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама – хомашёвий йўналишига қатъий барҳам бериш республика ички сиёсатининг энг муҳим стратегияси ҳисобланади. Фақат хом ашё етиштирувчи ва сотувчи ўлка сурункали ночорликка гирифтор бўлади»³³.

“Дастлабки ҳисоб-китоб шуни кўрсатадики, агар биз республикада бор хом ашё ва чала маҳсулот ишлаб чиқаришни тугал жараёнга етказиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак, республикаимизда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баробардан зиёд, миллий даромадни эса тахминан уч баробар кўпайтиришимиз мумкин”³⁴.

Жамият ижтимоий таркибида зиёлилар қатлами ҳам салмоқли ўрин тутади. Интеллигенция ақлий меҳнат мутахассислари бўлиб, ижтимоий-профессионал гуруҳлардан таркиб топмоқда. Жамият ижтимоий таркибида интеллигенция ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши оқибатида шаклланди. Ҳозирда фан, илмий техника тараққиётининг жадал бориши билан интеллигенциянинг профессионал малакаси янада мураккаблашмоқда. Унинг таркибига илмий, ишлаб чиқариш-техник, маданият, маърифат, тиббиёт-ҳарбий ва бошқарув аппарати ходимлари кириб келди.

Зиёлилар таркибини яна шаҳар ва қишлоқ, ижтимоий бандлик соҳалари бўйича (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида) меҳнатнинг ижодий характери даражаси билан, малака ва бошқа жиҳатлари билан фарқлаш мумкин.

Собиқ совет даврида зиёлилар сон жиҳатидан ортди-ю, аммо унинг сифат даражаси анча паст бўлиб қолаверди. Чунки зиёлилар қатлами, аввалам бор, меҳнат характери билан белгиланади, ўтган даврда олий маълумот олган қанчадан-қанча кишилар ҳозирда ишчи бўлиб ёки тижорат ва бошқа соҳаларда ишламоқдалар. Улар зиёлилар таркибига кирмайди.

Социологияда миллий муносабатлар иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий муносабатлардаги ўзаро узвий алоқадорлик назарда тутилган ҳолда конкрет этник муҳит

³² Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: «Ўзбекистон», 1996,68-бет.

³³ Ўша жойда, 74-бет.

³⁴ Каримов И.А.«Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура».Т.1.– Т.: «Ўзбекистон», 1996,117-бет.

доирасида, ижтимоий жамоалардаги, оиладаги, ҳудудий тартибдаги муносабатлар доирасида олиб қараб ўрганилади. Шунингдек, миллатлараро муносабатларнинг жамият ижтимоий ҳаётига таъсири ва уларнинг ижтимоий оқибатлари тадқиқ этилмоқда.

Собиқ Иттифоқ даврида муайян иқтисодий-сиёсий ва идеологик режим асосида ушлаб турилган, бошқарилган миллий муносабатлар эндиликда аста-секин тикланмоқда. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг кўп миллатли давлат бўлганлигини эътиборда тутган ҳолда, унда истиқомат қилаётган миллатлар ва халқларнинг ижтимоий турмуши, ўзаро алоқаси ва шу каби муносабатларни социологик тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Яқин ўтмишимизда содир бўлган Фарғона, Андижон, Ўзган воқеалари қайта такрорланмаслиги учун Ўзбекистонда бундан кейин ҳам миллатлараро ҳамдўстликни ривожлантириш, ўзаро аҳил, бир оила бўлиб яшаш талаб этилади. Президентимиз И.А.Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукуматининг асосий мақсади ҳам Марказий Осиё ҳудудида ҳар қандай миллий низоларнинг олдини олишдан иборат.

Социология доирасида ҳам ижтимоий-этник муносабатлар илмий таҳлилга муҳтож бўлади. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий, психологик жиҳатларини тадқиқ қилиш муҳимдир. Шунинг учун ҳам бу масалалар "Социология, Этнопсихология" ва бошқа ижтимоий, гуманитар фан соҳаларида кенг ўрганилиши шарт.

3. Ижтимоий – демографик муносабатлар

Социологияда жамият ижтимоий таркибий тузилишининг ижтимоий-демографик муносабатлари ҳам муҳим ўрин тутди. Бу муносабатлар, асосан, аҳолининг жинсий тузилиши, ёши, оилавий ва генетик жиҳатларини ўз ичига олади.

Ҳар қандай давлат ижтимоий сиёсатининг таркибига демографик сиёсат ҳам қиради. Демографик муносабатларга мамлакат аҳолисининг барча қатламлари мансуб.

Ижтимоий-демографик таркибга статистик жиҳатдан ўрганиладиган аҳоли ўртасида туғилиш, ўлим, никоҳ, оилавий кўйди-чиқдилар, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг миграцияси, ҳудудий миграция кабилар қиради.

Ўзбекистон ижтимоий-демографик жиҳатдан ниҳоятда мураккаб тузилишга эгадир. Туб аҳолининг 51 фоизи хотин-қизлар, 9,6 млн. нафари 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлардан иборат. Фарғона водийси аҳолисининг зичлиги жуда катта. Андижонда ҳар бир квадрат километр майдонга 485 нафар одам туғри келади. Бундай демографик ҳолат жамият ҳаётининг бошқа барча соҳаларида ҳам турли муаммоларни келтириб чиқариши табиий.

Аҳолининг ёш жиҳатдан таркибий тузилишини ўрганиш мамлакатнинг нафаҳат меҳнат ва ишлаб чиқариш потенциални аниқлашга, балки унинг ривожланиш динамикасини ҳам аниқлашга хизмат қилади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон баъзи Овруро ва Япония мамлакатларига нисбатан «ёш» мамлакат ҳисобланади.

Аҳоли таркибиининг жинсий тузилишини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу, мамлакат ишлаб чиқаришини ташкил этиш, аёллар учун қулай меҳнат турларини ташкил қилиш ва иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Хотин-қизлар ижтимоий аҳолининг ўзига хос хусусиятлари уларнинг меҳнат билан бандлиги, меҳнат тури, оилавий, турмуш шароити ва, шу кабиларда кўринади. Уларни оғир жисмоний меҳнатдан халос этиш масаласи ҳозирда энг муҳим масалалардандир. Собиқ совет даврида ўзбек хотин-қизлари қишлоқ хўжалигида аёвсиз эксплуатация қилинди. Натижада уларнинг саломатлиги кескин ёмонлашди. Касалманд, нимжон оналардан ҳеч қачон соғлом фарзанд дунёга келмайди. Ўзбек ёшларининг ҳар учтадан биттаси, ҳатто ҳарбий хизматга қодир бўлмай қолган эди. Президент И. А. Каримов ташаббуси билан илгари сурилаётган «Соғлом авлод давлат дастури» учун курашиш миллат келажагини таъминлашнинг энг муҳим масаласидир.

Аҳоли оилавий таркибининг сони, моддий турмуш даражаси, даромади, оилавий муносабатларни ва шу каби масалаларни ўз ичига олади. Оилани озик-овқат ва истеъмол моллари билан таъминлаш муаммолари давлат ижтимоий сиёсатининг асосий мақсадини ифода этади. Оила таркибини Социология нинг махсус соҳаси – «Микросоциология» да ҳам чуқур тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Унда унинг иқтисодий, психологик

жихатларини эътиборда тутиш зарур. Никоҳ муносабатлари, ёлғиз яшовчиларни, оилавий бузилиш сабабларини ўрганиш жамият ижтимоий таркиби ҳаётини ижобий ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Оддий бир мисол: диний муносабатларда илгари никоҳ муқаддас саналар эди. Собиқ совет тузуми даврида диннинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеига путур етказилиши ва даҳрийликнинг кучайиши оқибатида никоҳ муносабатларига муқаддас деб қаралмай қўйилди. Никоҳ шунчаки, расмий рўйхатга олишдан иборат бўлиб қолди. Натижада оила муқаддаслиги йўқолиб, қўйди-чиқдилар кўпайди. Бу эса жамиятнинг нафақат иқтисодийига, балки маънавий-ахлоқий, психологик муносабатларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсата бошлади, ноахлоқий тенденцияларнинг кучайишига олиб келди, ёш авлод тарбиясига зарар етказилди. Жамиятда тирик етимлар сони кўпайди. Давлат етимхоналарининг сони ортди. Моддий ва бошқа жихатдан етарлича таъминланганлигига қарамай уларда тарбия топган болалар оилада, ўз ота-оналари бағрида вояга етган болалардан фарқ қила бошлади.

Социология да аҳолининг генетик таркибини ўрганиш борган сари моддий аҳамиятга эга бўлмоқда. Унга аҳолининг табиий ва миграция ҳаракати киради. Ўзбек миллати бошқа миллатларга нисбатан ўз туғилиб ўсган жойига кўпроқ боғланган бўлади. Айниқса, Фарғона водийси аҳолисида бундай хусусият кучли. Шунинг учун ҳам водийда аҳоли зичлиги бошқа ҳудудлардагига нисбатан ортик.

Ўзбекистонда генетик таркибни ўрганишга ҳозирча етарли эътибор берилмаган. Унинг ижтимоий-демографик муносабатлардаги аҳамияти катта.

Ижтимоий-демографик муносабатларни аниқлашда мамлакат миқёсида ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш муҳим ўрин тутди. Аҳолининг рўйхатга олиниши айниқса ҳозирда, бозор муносабатларига ўтиш даврида юзага келаётган кўплаб ижтимоий-иқтисодий, маиший турмуш соҳаларидаги муаммоларни ҳал этишда жуда катта роль ўйнайди. Айниқса, унинг шаҳар муаммоларини ҳал этишдаги аҳамияти катта.

Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий таркиби жамият ижтимоий таркибининг муайян бўлаги ҳисобланади, қишлоқ аҳолиси ижтимоий муносабатларининг муҳим белгилари: бу, ягона меҳнат, ер, мулкӣ бошқарув муносабатларини ўз ичига олади. Ҳозирда қишлоқ аҳолисининг таркибида ҳам табақалашув жараёни кучаймоқда. Айниқса, қишлоққа саноатнинг кириб келиши, савдо-сотикнинг ривожланиши ва бошқа омиллар оқибатида қишлоқ аҳолиси турли гуруҳлардан иборат бўлган ижтимоий бирлик сифатида ривожланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жамият ижтимоий таркибини Социология фани доирасида ўрганиш, унинг ривожланиш истиқболларини, ўзига хос хусусиятларини, мавжуд ижтимоий муаммоларини тадқиқ этишда ва зарур илмий-амалий тадбирлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бегоналашув ва таназзул ҳамда ижтимоий оқибатлар

Ҳозирги жамият ҳаётида қуйидаги бегоналашув турларини ажратиш мумкин:
1. Иқтисодий. 2. Сиёсий. 3. Маданий. 4. Ижтимоий. 5. Руҳий.

Бу бегоналашув турлари ўзларининг маълум бир шаклларига эгадирлар. Масалан, иқтисодий бегоналашув учта шаклга эга: 1. Фаолиятдан бегоналашув. 2. Фаолият бошқарувидан бегоналашиш. 3. Фаолият натижаларидан бегоналишиш. Сиёсий бегоналашиш сиёсий ҳокимиятдан бегоналашишдан; маданий бегоналашиш мулоқатдан, инсонларнинг бир-биридан; психологик бегоналашув ўз-ўзидан бегоналашишдан иборат бўлади.

Бегоналашув жараёни ва таназзул бир-бирларига боғлиқ ҳодисалардир. Агар жамиятда ишлаб чиқариш суръатлари кескин пасайса, хўжалик алоқалари узилса, пулнинг қадри тушиб кетиб, нархлар тез суръатларда ошиб кетса, бошқарув тузилмалари издан чиқса ва

сиёсий тангликлар вужудга келса, биз жамиятнинг ҳамма соҳалари таназзулга учраган, деб фикр юритишимиз мумкин.

Бу чуқур таназзул инсонларнинг кучли бегоналашув оламига салбий таъсир қилиши, баъзи тартиблар киргизиши аниқ. Ўз навбатида бегоналашув жараёни қанчалик кенгайса, таназзул ҳам шунчалик, чуқурлашиб бораверади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатнинг тақсимланиши рўй беради. Бу эса тараққиёт учун қўйилган улкан қадамдир. Лекин шу билан бирга ижтимоий мулкчиликка асосланган ижтимоий муносабатларнинг шундай бир тури - ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланадики, унинг асосида бевосита ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш воситаларидан узоқлашиб, аста-секинлик билан ўз меҳнати натижасида бегоналашиб боради. Энди бу ишлаб чиқарувчи шахс учун меҳнат унумининг ҳам қизиғи йўқ. Марксизм таълимоти бўйича хусусий мулк ижтимоийлаштирилгач, ишлаб чиқариш воситаларига энди бевосита ишлаб чиқарувчилар умумий эгаллик қилишлари керак эди. Лекин ижтимоий амалиётда эса бунинг акси бўлиб чиқди. Сиёсий ҳокимиятни босиб олган пролетариат ишлаб чиқариш воситаларини давлат мулкига айлантирди. Социалистик революция мантиғига кўра, бу тadbирлар бегоналашув жараёни илдизига болта уруши керак эди. Лекин 70 йиллик тарих давомида бизга уқтириб келинган ижтимоий мулк давлат мулки эди. Бу мулк эса хусусий мулкнинг энг жирканч, адолатсиз тури бўлиб чиқди. Чунки давлат мулки ўзининг реал эгасига эга эмас. У бир мавҳум тушунча эди. Меҳнат кишиси эса яна мулкдан бегоналашди. Давлат мулки эса давлат аппаратининг хусусий мулкига айланиб, бу номенклатурани «янги» синфга айлантирди. Бу салбий жараёнлар натижасида ишлаб чиқариш ўзининг ҳақиқий эгасини топа олмади.

Сиёсий жабҳада ҳам сиёсий ҳокимиятдан жамиятнинг кўпгина аъзолари бегоналаштирилдилар. Яъни, сиёсий ҳокимият халқ ҳокимияти, умумхалқ ҳокимияти, деб эълон қилинган бўлсада, аслида у маълум бир гуруҳнинг - элитанинг хусусий мулкига айланди. Бунинг асосида эса бутун бир халқ давлат сиёсий ҳокимиятидан бегоналашди ва бу бегоналашган омма билан номенклатура орасида улкан жарлик пайдо бўлди. Ўз навбатида бу жараёнлар сиёсий таназзулга олиб келди ва бу таназзул туфайли ташқи душман енга олмаган тоталитар давлат ўз-ўзидан парчаланиб кетди.

Маданий соҳадаги бегоналашув ҳам анчагина чуқур салбий оқибатларга олиб келадиган маънавий таназзулни келтириб чиқарди. Жамиятда соғлом муҳитни яратишда маънавият ва маданиятнинг ўрни ўзгача. Чунки, улар индивидларнинг баркамол бўлиб шаклланишларига катта таъсир кўрсатадилар. Агар жамият аъзолари ўз маънавиятлари, бой маданий меросларидан узоқлашиб кетиб, ундан бегоналашсалар, улар энди ўзларининг келиб чиқишларидан тортиб, то ўз миллатларининг ҳам миллий урф-одатлари, анъаналарини ҳам инкор қила бошлайдилар. Агарда яқин ўтмишимизга, унинг тирихига мурожаат этсак, ушбу сатрларимизнинг яққол исботини кўрамиз. Масалан, бой маданий меросимиздан бегоналашувимиз бизларни атоқли адиб Чингиз Айтматовнинг таъбирича, манқуртларга айлантирай деди, яъни биз ўз халқимиз тарихи, миллий озодлик ҳаракатлари ва уларнинг саркардалари, динимиз ва ўзлигимиздан узоқлашиб қолдик. Давлатимиз мустақиллигига эришиб, маданий бегоналашувни бартараф этишни бошладик. Социалогиядаги муҳим бегоналашув ҳисобланган социал бегоналашиш инсонларни мулоқотдан, бир-бирларидан узоқлашишлари натижасида юзага келади. Инсон ўз моҳиятига кўра, ижтимоий хусусиятга эгадир. Ўзаро фаолият туфайли пайдо бўлган эҳтиёжлар асосида доим инсонлар бир-бирлари билан муносабатларда мулоқотларда бўладилар. Мулоқотнинг ижтимоий маъноси шундаки, у маданият шакллари ва ижтимоий тажрибаларни узатиш воситаси бўлиб химат қилади. Лекин иқтисодий таназзул кўпгина инсонларни қийин иқтисодий аҳволга солиб кўяди. Натижада жамият аъзоларининг аксарияти бозор иқтисоди муносабаларига кўникишлари қийин кечади. Оқибатда инфляциядаги эҳтиёжлар тизимининг чекланиши ва нормаллаштириш инсонларда агрессивлик кайфияти, жоҳиллашиш фуқароларда анъана ва урф-одатлар, маънавий қадриятларни йўқотишга олиб келади. Шу каби салбий омиллар инсонларнинг бир-

бирларидан бегоналашувларини кучайтиради ва ҳамма ўз ҳолича деган норасмий қонун пайдо бўлади.

Руҳий бегоналашув – бу, инсоннинг ўз моҳиятидан узоқлашишдир. Ушбу муаммони немис мутаффакири Эрих Фромм жуда яхши ишлаб чиққан. Унинг фикрича, инсон моҳияти доим ўзига душманлик кайфиятида бўлган социал тузилма таъсири остидаги инсон ўз-ўзидан бегоналашувининг ҳар бир даражасига маълум бир социал характер - дунёпараслик, эксплуататорлик, рецептив (андозалик, қолип), бозорга оидлик хосдир.

Замонавий жамиятни Э. Фромм инсон моҳиятини «машиналаштириш», «компьютерлаштириш» ва «роботлаштириш» жараёнлари ёрдамида бегоналашув унинг даражасининг бир маҳсули деб таърифлайди. Бозорга йўналтирилган социал ҳаракат пайдо бўлиб, унда истеъмолга интилиш, иккиланишлар ҳиссиёти, яккаланиб қолишлик ва бошқа салбий ҳолат, ҳиссиётлар марказий аҳамият касб этади.

Худди шу ерда психологик ва социал бегоналашиш бир-бири билан жуда уйғунлашиб кетишини кўриш мумкин. Инсонлар бир-бирларидан муносабатда, мулоқотда бегоналашсалар, ўз-ўзларидан бегоналашиш ҳам юз беради, чунки инсонларнинг бир-бирларидан бегоналашувлари оқибатида улар яккаланиш, зерикиш ва ҳаётга қизиқишлари сўниши вужудга келиши мумкин. Бунинг натижасида инсон ўз келажигига, орзу-ниятларига ишончи йўқолиб, у ўзини бегона деб ҳисоблайди ва бу жараён кўпинча салбий оқибатларга олиб келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жамият ҳаётидаги турли хил бегоналашув жараёнлари тезроқ илмийлик ва уйғунлик асосида бартараф қилинсагина жамият соғлом шароитда таракқий этади ва салбий ижтимоий ҳодисаларнинг ўз вақтида олди олинади. Масалан, меҳнатдан бегоналашишликни бартараф этиш учун биринчи галда инсонларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан манфаатдор бўлишлари ва унинг оқибатида эса уларнинг меҳнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириб, қизиқиш ва куч-ғайратлари билан ишлашларини ташкил этиш даркор.

Ишлаб чиқаришни бошқаришдан бегоналашиш муаммосини бартараф этиш ҳам жуда муҳим маъно касб этади. Бунинг учун ишлаб чиқариш муносабатларини чуқур демократиялаштириш, корхона, ташкилот ва муассасалардаги мавжуд бошқарув тизимларини демократик йўллар билан такомиллаштириш ва ишчи, хизматчиларга хўжалик эгасининг аниқ вазифаси, ҳуқуқи ва масъулиятлиликларини билишлари керак.

Маданиятдан бегоналашувни бартараф этиш учун маданий меросга муносабатни такомиллаштириб бориш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси маънавий қадриятлардан яхши хабардор бўлиш ва маданий қурилишга етарли маблағ ажратилишини таъминлаш зарур.

Ижтимоий бегоналашувни бартараф қилиш учун инсонларнинг бир-бирлари билан муносабатлари, муаммоларини ҳақиқий бирдамлик ва ҳамкорлик асосида қуриш керакки, шунда ҳар бир инсон ўзини бошқалар учун ҳам керак эканлигини чин юракдан сезсин.

Руҳий бегоналашувни бартараф этиш чоралари социал бегоналашувни бартараф этишнинг узвий давомидир. Инсон ўзининг кимгадир кераклигини руҳан ҳис қила олсагина у ҳақ қачон тушқунликка тушмайди. Яккаланиш, изтиробга тушиш хавфидан холос бўлади, оқибатда унинг ўз-ўзидан, ўз моҳиятидан бегоналашувига ҳақ қандай сабаб қолмайди.

Биз кураётган бугунги янги жамият ўз олдида бу бегоналашув жараёнларини тезроқ бартараф этиб, ҳақиқий ривожланишга, эркинликка, озодликка эришиш учун ҳозирги қийинчиликларни собитқадамлик билан енгиб бормоқда. Яқин йиллар ичида бу ҳаракатларнинг натижалари, албатта, юзага чиқади, деб умид қилишга ҳамма асослар мавжуддир. Шу боисдан ҳам Президентимиз Ислом Каримов Пчақириқ Олий Мажлис Иессиясида таъкидланганидек, «Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, янги маъно-мазмун билан бойитиш, унинг изчиллиги ва самарасини таъминлаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг мазкур босқичида олдимизда турган энг долзарб вазифадир» (Т.8, 332-бет).

Фан ва таълим социологияси.

Жамият фанларнинг ривожланиши ва уларнинг ижтимоий аҳамияти ортиб боришида учта муҳим босқич фарқ қилади:

1. Фанлар жамият ишлаб чиқаришга оид амалий-ижтимоий талабалар ва эҳтиёжларга жавоб бериш асосида пайдо бўлади ва ривожланади. Бу босқичда астраномия, геометрия, математика ва механика каби фанлар сусти ривожланади. VII-XII асрларда араб Шарқи ва Ўрта Осиёда фанлар энг тараққий этган ўлкалардан бирига айланди.

2. XIV аср охири ва XV асрларда Ўрта Осиётемурийлар империяси даврида ҳамда XVII аср охиридан бошлаб Европада капитализмнинг тез ривожланиши билан бошланади.

3. XX аср бошларидан бошланди. Фан ишлаб чиқариш кучига айлана борди. Фан-техника инқилоби содар бўлишига олиб келди. XX аср охирига келиб эса фанларда анъанвий (классик) тафаккур услуби ўрнига ноанъанавий бошланди. Исломи Каримов таъбири билан айтганда, “Фан- жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, воситадир”.

Фанлар предметига кўра:

1. табиатшунослик (табиатни билиш ўзлаштириш, ўзгартириш қонунларини ўрганади).

2. жамиятшунослик (ижтимоий муносабатларни, инсон мавқеи, иқтисодий ва маънавий ҳаётини ўрганади).

3. техника фанлар (инсон томонидан ихтиро қилинган машина, механизмлар, улар тузилиши, қурилиши, фаолияти қонунларини ўрганади)га бўлинади.

Фанлар Яна 2 турга бўлинади.

1. Фундаментал фанлар (табиат, жамият, инсон ва инсон тафаккури тараққиётнинг умумий қонуниятларини назарий жиҳатдан ўрганувчи фандир).

2. Амалий фанлар (ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, эришилган ҳар бир натижаси ишлаб чиқаришга бевосита тадбиқ этилиб борадиган фанлардир).

Фундаментал фанлар Амалий фанлардан олдинроқ ҳаракатда бўлиб. Уларга назарий имкон яратади. Амалий ва фундаментал фанлар борлиқнинг турли соҳалари қонуниятларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, ихтимоий- амалий масаларни ғал қилишга тадбиқ этади.

Ўзбекистон Республикаси ФА олимлари кўпроқ фундаментал фанлар соҳасида илмий изланишлар олиб борсалар, Амалий тадқиқот фанлари билан эса кўпроқ республика олий ўқув юрти илмий потенциалига эга бўлган профессор-ўқитувчи олимлар шуғулланидилар. Республикадаги иқтидорли олимларнинг ката қисми олий ўқув юртларида ишлайдилар. Олий мактаб илмий бўлимларида республика илмий потенциалнинг 60 фоизидан кўпроғини ташкил этади. Улар халқ хўжалигига мутафассислар тайёрлаш билан бирга илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб боришади.

“Бизнинг фундаментал фанлар билан шуғулланадиган 40 га яқин илмий-тадқиқот муассасаларимиз бор”²¹, деган эди Исломи Каримов. 1995 йил 3 апрелда Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Низоми тўғрисида”ги қарори тасдиқлайди. Бу Низомга мувофиқ ЎзФА ҳақиқий аъзолигига ёши 65 дан ошмаган мухбир аъзоларидан ва фан докторларидан сайланди. ЎзФА мухбир аъзолигига эса 60 ошмаган фан докторлари сайланди. Ҳақиқий аъзолар ва мухбир аъзолари 70 ёшга тўлганда ЎзФА ҳақиқий аъзосини сайлаш учун кўшимча ўринлар очилади.

1997 йилда Ўзбекистонда 62 та олий ўқув юрти, шу жумладан 17 университет фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирда 65 та олий ўқув юртидан 20 таси университетлар, ФА, ҚХА, 120 дан зиёд илмий-тадқиқот институтлари фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида 160 дан зиёд академик ва мухбир аъзо (академиклар 80 нафар, ФА мухбир аъзолари 87), 2200 дан ортиқ фан докторлари, 14 минг 600 дан кўпроқ фан номзодлари бор. Илгари давлатимизда 600 га яқин 103 тага, мутахассислар эса 285 тага келтирилди.

Аслида ҳар қандай фаннинг характер белгилари, бу:

фан халққа хизмат қилади, кенг халқ оммаси иштирокида ривожланади;

фанга давлат раҳбарлик қилади;

фан илмий методология: фалсафа билан қуролланган;
фан олимлари ўзаро ёрдам, жамоа режаси асосида ишлашади.
Фанлар классификациясига кўра социология структурасида икки йўналиш бор:
фундаментал йўналиш;
Амалий йўналиш.

Тадқиқот соҳасида эса: 1) назарий тадқиқот.
2) эмпирик тадқиқотларга бўлинади.

Тузилиш соҳаси бўйича: 1) Махсус фанлар соҳаси.
2) Тармоқ соҳалари мавжуд.

Бўлар бир-бирлари билан жуда мураккаб ўзаро диалектик алоқададирлар. Айрим ҳолларда бир-бирига қўшилиб кетади, баъзида бир-бирларни инкор қилади.

Фундаментаал социология бошқа элементларидан ўзи ҳал қилаётган муаммолар даражаси, кўлами, аҳамияти билан фарқ қилади. Фундаментал социология абстракциянинг (мавҳумлик) олий даражаси муаммолари билан шуғулланиб, социал олимнинг тараққиёти ва борлиғи учун зарур бўлган умумий қонун ва қонуниятлари излаш билан фаолият кўрсатади.

Фундаментал социология кўплаб мактаб ва йўналишга эга.

Фаннинг асосини ижодий ишлашнинг 3 та асосий аспекти мавжуд:

Онтологик (юнон. Борлиқ ҳақидаги таълимот, қарашлар, нарсаларнинг яширин моҳиятлари ҳақидаги метофизик тасаввурларга асосланади) – социология объектини, унинг фаолият кўрсатиш шакиллариини ўрганади. Реализм – бу соғлом фикрли онтологиядир. Реалистик йўналиш асоси: реал, актуал ва эмпирикликдир. Фундаментал социология фақат назарий асосларини ишлаб чиқиш билан кенг маънода ишлаб чиқади.

Фундаментал социологиянинг мақсади – бу социал оламнинг тўлиқ тасвирини яратишдир ва бу социал оламнинг тараққиёт манбаи ғамда шакиллариини аниқлашдир. Ёки фундаментал социологиянинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Фан-техника тараққиётининг муҳим қисми булган фундаментал фан илмий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Фан билан ишлаб чиқариш ўртасида узвий алоқа боғлаш, фаннинг ишлаб чиқариш кучига айланишини таъминлаш, фундаментал ғоялар тажрибага, ишлаб чиқаришга қаратилиши лозим.

Фан инсон муаммоси, унинг ер биосфераси билан узвий алоқаси ва ўзаро ҳаракат қилиш томонига ривожлантириш. Инсон омилини чуқур тадқиқ қилиб, фан-техника тараққиётини гуманизациялаш ва экологиязациялаш муаммоларини ўрганиш.

Фан тармоқлари: академия, тармоқ ва олий ўқув юртлари бўлимларидан қулай фойдаланиш.

Илмий кадрлар тайёрлаш, фандаги ёшлар ғайрат-шижоат истеъдодларидан самарали фойдаланиш.

Жамият социал-иқтисодий ва илмий-техникавий ривожланишни прогноз қилиб олдиндан ақтиб бериш, илмий кучлар ва моддий ресурслардан ўринли фойдаланиш.

Фундаментал социологик тадқиқотларнинг ҳалқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган илмий-техник муаммоларини ҳал этиш, комплекс ечимлар берадиган, ишлаб чиқариш корхоналарини ҳамда иқтисодиётнинг бутун тармоқларини ҳар томонлама такомиллаштиришни таъминлаш асосида йирик технологиялар натижаларига эга бўлиш ва кучайтиришдан иборат.

Мамлакатимиз президенти Ислам Каримов “агар фанни бир дарахт деб тасаввур қилсақ фундаментал тадқиқотлар унинг илдизини ташкил этади. Зеро, илдиз канчалик бақувват ва чуқур бўлса, дарахт шунчалик барқ уриб яшнайдди, кўркам ҳосил беради”, деган эди.

Субъектга мурожат қилиш – фундаментал социология ривожининг иккинчи муҳим тушучасидир. Фундаментал социология бу метоназариядир, у фаннинг тузилиши, мазмуни,

катерогияси ва методларини ўрганадиган умумсоциологик муаммони тадқиқ қилади. Шу боисдан ҳам фундаментал тадқиқот роли бекиёсдир. Унинг қуйидаги функциялари бор:

- а) дунёқараш функцияси.
- б) методологик функцияси.
- в) интеграциялаштирувчи функцияси.
- г) эвристик функцияси ва бошқа функциялари мавжуд.

3. Амалий социологик: тадқиқотлар фундаментал социологиядан ўзининг структураси, мазмуни ва мақсади билан фарқ қилади. Унинг хусусияти шундаки, амалий социология орқалижамиятнинг ҳар бир соҳаси учун керакли бўлган назарий ва эмпирик тадқиқотларни қўллаш услублари ва воситалари жорий этилади. Амалий социология XX аср бошларида ташкил топган эмпирик тадқиқотлар негизида шакилланди ва ривожланди.

Эмпирик тадқиқотлар социал амалиётга олиб чиқадиган восита ҳисобланади. Эмпирик тадқиқотлар ўзгартирувчанлик хусусиятга эга эмас, унинг вазифаси: кузатиш, эксперимент, ҳужжатларни ўрганиш, сўров методлари орқали социал жараёнлар ҳақида фактлар ва эмпирик маълумотлар йиғишдир. Эмпирик тадқиқотлар натижаларидан ҳам амалий мақсадларда, ҳам назарий билимлар ривожини учун фойдаланиш мумкин.

Амалий тадқиқотлар тизимида ҳам назарий, ҳам эмпирик билимлар мавжуд бўлиб, улар амалий тадқиқотларни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари фаолиятини такомиллаштириш учун тавсияномаларга айлантиради.

Шундай қилиб, амалий социология нафақат тайёр билимларни ишлатади, балки янги назарий методологик билимларни ҳам шакиллантиради. Амалий социология илмий билимнинг амалий эффективлиги масаласини ҳал қилган муаммоларни ўртага қўяди.

Амалий тадқиқотлар тармоқ йўналишини шакиллантиради (хулқ-атвор социологияси, индустриал социология ва х.к.)

Социология тадқиқот ҳам 1) назарий ҳам 2) эмпирик бўлиши мумкин. Чунки ҳар қандай фундаментал социология назариядир эмпирик тадқиқотлар эса назария билан жипслашган ўзаро алоқали билан ўтказилади. Лекин ҳар қандай фундаментал социология назарий ҳисобланса, ҳар қандай назария фундаментал социология ҳисобланади.

Назария – бу категория, тушунчалар, ҳолатлар ва принципларнинг концептуал бирлиги бўлиб, у ҳодисаларни хоссалари, муносабатлари ва қонуниятли алоқаларини очиб беради. Назарияда марказий ўринни тушунчалар эгаллайди. Уларда фаннинг тажриба ва ютуқлари тўпланади ва улар назариянинг мазмунини белгилайди.

Социология махсус йўналишлар социал реалликни социология объекти сифатида қабул қилишда назарий мушоҳада қилишлик ва бир объектнинг асосий элементларини аниқлаш асосида вужудга келади, махсус йўналишлар фаннинг марказий қисмини ташкил қилади, чунки у ўзида тадвिवотнинг бошқа барча йўналишлари: тармоқ, эмпирик йўналишларини мужассамлаштирилган бўлади.

Тармоқ йўналишлари: шаҳар социологияси, саноат социологияси, оила социологияси ва х.к. Тармоқ социологияси амалий тадқиқотлар учун базис бўлиб хизмат қилади, чунки олинган маълумотлар асосида ташкилот, корхона, муассаса фаолияти такомиллашади. Тармоқ йўналиши ривожини фундаментал социология олдида жамият яхлит тузилишда турли хил ижтимоий тизимлар роли, ўрни, ўзаро ҳаракат турлари, таракқийт асослари масалаларини қўяди.

Ўрта асрлар даврида фундаментал ва амалий фанлар билан буюк алломаларимиз бевосита шуғулланишган ва қуйидаги академия мактабларини барпо этишган:

1) "Маъмун академияси" Абул Аббос ибн Махмун томонидан X аср охири XI аср, Ибн Мисковий, Абу Наср Ибн Ироқ каби буюк алломалар таълим олган.

2) Самарқанда Улуғбек астрономияси мактаби XV асрда ташкил тапган.

3) Харазм Маъмун академиясини қайта ташкил жйтиш тўғрисида 1997 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилиниб қайта тикланди.

1995 йилнинг апрель ойида республикада биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида давлат ва жамият қурилиш Академияси тузилди. Бу академия ҳамда

1996 йилнинг май ойида тузилган Банк-молия Академияси ҳокимият ва бошқарув органлари ходимларини, иқтисодий тузилмалар мутахассисларини сифат жиҳатдан янги даражада тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бўйича бош муассасалардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиш Академиясидаги жараён кадрларни сиёсий, маданий, маънавий ҳамда касб жиҳатдан тайёрлаш мажмуини ўз ичига олади. Академик таълим тингловчиларда миллий ва умуминсоний кадриятлар, кенг ақл-заковат, чуқур билим ва мулоҳаза, ташаббус, муаммоларни ҳал этишга ижодий ёндашув асосида ҳозирги замон тафаккурини шакиллантиришга қаратилгандир.

1995 йил 3 октябрда Ислом Каримов Давлат ва жамият қурилиш академиясининг очилиши маросимида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, «Академия-бу оддий ҳқув юрти, кадрлар, ҳатто, раҳбар кадрлар тайёрлайдиган билим даргоҳигина эмас, у янги тафаккур шаклланадиган, ўзимиз тўплаган ва бошқа мамлакатларда тўплаган илғор тажрибалар ўрганиладиган, таҳлил қилинадиган ва таҳсис бериладиган марказ бўлиб қолиши керак».²³

Ислом Каримов 1995 йил 2 ноябр куни Республика бир гуруҳ олимлари – мамлакат фанлар академияси вакиллари билан учрашувда “Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди” хусусидаги нутқида “Айниқса фундаментал фанларга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки фундаментал фанлар тараққиёт асосидир”, деган эди. Мустақилликнинг 13 йили давомида давлатимиз асосан республика учун устувор илмий-техник йўналишлари бўйича тадқиқотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бунинг учун Фан ва технологиялар марказида ўтказилаётган танловлар натижаларига кўра грантларни амалга ошириш учун етарли маблағ ажратилмоқда. Иқтидорли ёшларга нафақат республикада, балки ривожланган хорижий мамлакатларда барча соҳалар бўйича ўз билими ва тажрибаларини ошириб боришлари учун етарли шарт-шароит яратиб берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 июлдаги «Фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисидаги 337-сон» ва 2002 йил 4 мартдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги» 77-сон Қарорларига мувофиқ Фан ва технологиялар марказига ҳар йили илмий тадқиқот институтлари ҳамда олий ўқув юртлирининг ёш олимларини малака ошириш ҳамда илмий стажировка ўтиш учун ривожланган хорижий давлатларнинг илмий марказларига ва олий ўқув юртлирига юбориш юклатилган.

«Ўтган даврда Ўз. ФА. дан 23 киши, ОЎМВ дан 17 киши, Соғлиқни сақлаш Вазирлигидан 2 киши, Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлигидан 1 киши бундай илмий сафарларда бўлиб, ўз илмий ишлари учун зарур материалларни тўплаб келдилар ва малака оширдилар»³⁵

«Илм - маърифатга қизиқиши сует миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди».

И.А.Каримов.

Таълим социал билимнинг тармоғи ва институти сифатида

Таълим социологияси - жамиятнинг таълим тизими тўғрисидаги махсус социологик назария бўлиб, уни нисбатан мустақил ижтимоий институт сифатида жамият ҳаётидаги ўзига хос функционал ва ривожланиш қонуниятлари, даражасини, унинг бошқа ижтимоий ташкилотлар ва муносабатлар билан ўзаро алоқадорлигини ва шу соҳадаги давлат сиёсатини ўрганади. Таълим тизимининг жамият ривожига таъсири беқиёсдир. У ҳар қандай давлатнинг жамият маънавий ҳаётини, ижтимоий ва касбий таркибини бошқаришдаги муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Таълим социологияси - мактаб, ўқув юртлири ва муассасалари фаолияти, улардаги педагогик мутахассисларнинг сифати, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш вазифалари каби масалаларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда таълим тизими ижтимоий сиёсат

³⁵ Тошпўлатов М. Илм фанимиз келажаги ёшлар қўлида. «Мулоқот». 2004. 4-сон. 6-8бетлар.

тарзида ривожланмоқда. Таълим социологияси эса бу сиёсатнинг ўзига хос жиҳатларини, унинг амалий натижаларини ўрганишга хизмат қилади.

Таълим социологиясининг асосий вазифаси таълим тизимининг барча функцияларини жамият ҳаётида кенг имкониятлар даражасида амал қилишини таъминлаш ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги самарали таъсирини ўрганишдан иборат. Таълим тизими ўзининг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маънавий функцияларига эга бўлиб, жамият тараққиётининг шу соҳалари тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади. Мамлакатнинг илмий-техникавий кадриятлари юксалишида ва шахс шаклланишида муҳим омилдир.

Ғарбда таълим социологиясига Э.Дюркгейм ва М.Веберлар асос солган. Улар таълим тизимининг ижтимоий функцияларини, иқтисодий, сиёсий жараёнлар билан алоқаси, олий таълим соҳасининг ўзига хос хусусиятлари каби масалаларни тадқиқ қилганлар. Э.Фромм, Т.Парсонс, С.Н.Паркинсон, Т.В.Адорно, Р.Кюлевинд, В.Франкл, Ж.Эллюлн, Э.Глиссан кабилар таълим социологияси ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Т.Парсонс ўзининг «Социологиянинг умумназарий муаммолари» асарида шундай ёзади: «АҚШ Олий таълим тизимининг асосий хусусиятларидан бири - илмий тадқиқотларни ўз ичига олувчи илмий иш олиб борувчи мутахассислигини беришидир». Бизда эса олий таълим битирувчиларининг илмий иш олиб бориш даражаси, лаёқати жуда паст.

Ҳозирда таълим тизимининг социологик тадқиқот йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. бозор муносабатларига ўтиш шароитида таълим тизимининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти;
2. ижтимоий ривожланишдаги таъсири, самарадорлиги даражаси ва сифати;
3. ўқитувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи;
4. таълим муассасаларида таълим беришнинг сифат даражаси ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт - шароитларнинг улар фаолиятига таъсири.

Таълимнинг социал функциялари қуйидагилардан иборат:

1. Маданиятни тарқатиш ва авлоддан-авлодга кўрсатиш функцияси.
2. Жамият маданиятини сақловчи ва генератор функцияси.
3. Шахсни социаллаштириш функцияси.
4. Ижтимоий танлов, жамият аъзоларини дифференциациялаш функцияси.
5. Ижтимоий маданият ўзгаришлари функцияси.
6. Ижтимоий назорат функцияси ва ҳоказо.

Таълим тизимининг самарадорлиги

Таълимнинг ижтимоий самарадорлиги таълим муассасаларининг сони, уларда таълим олаётган ўқувчиларнинг миқдори, жамият аъзоларининг билим даражаси ва сифати билангина белгиланмайди, балки унинг ижтимоий фаолиятида, амалиётда ҳамда меҳнат фаолиятида қандай даражада татбиқ қилиниши билан ҳам изоҳланади. Шу жиҳатдан, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиб бориши ва бозор иқтисодиёти сиёсатининг амалга оширилиб бориши шароитида, республикада кўплаб мутахассис кадрларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишлашдан манфаатдор бўлмай ёки ишлаш имкониятларига эга эмасликлари сабабли, яхшироқ тирикчилик ўтказиш мақсадида ўз мутахассисликларидан бошқа соҳаларга ўтиб кетиш тенденцияси кучаймоқда. Социология «тили» билан айтганда жамият аъзоларининг социал мобиллиги ҳам вертикал, ҳам горизонтал тартибда ўзгариши кескин ортиб бормоқда. Ачинарлиси шуки, бу жараён, айниқса, таълим тизимининг ўзида бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ содир бўлмоқда. Агарда бунинг олди олиниб, жиддий чоралар кўрилмаса, келгусида янада кучайиши ва 5-10 йилдан сўнг эса унинг салбий оқибатлари жамият ижтимоий ҳаётида ўнлаб йиллар давомида баргараф қилиш қийин бўлган ижтимоий-маънавий инқирозга олиб келиши мумкин. Таълим социологиясининг ҳозирги шароитидаги асосий вазифаларидан бири ҳам,

юкорида кўрсатилган муаммоларни эмпирик жиҳатдан тадқиқ қилиб, илмий-амалий ва назарий хулосалар чиқаришдан иборат. Кўриниб турибдики, ўзининг моҳият-эътибори билан ушбу масала фавкулотда давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир.

XXI-аср бошида қайта ишлаб чиқаришнинг асосий омили модий неъмат ва хизматларни тўплаш эмас, балки аҳоли ҳаёти сифати, билимлари, соғлиғи, жисмоний тараққиёти даражаси ва бошқа кўрсаткичлари ҳисобланади.

Аҳоли ҳаёти сифатини қўллаб-қувватлаш учун дунёда ҳар йили 15-20 трлн. Доллар сарфланмоқда. 1994-йилда инсон капиталига жон бошига Жанубий Осиё мамлакатларида ўртача 14.000 доллар бўлса, АҚШ ва Канадада 250.000 долларга тенг бўлди.³⁶

БМТ нинг шиори: «Таълим – демократия асоси». ЮНЕСКО ташкил этган – «XXI –аср учун олий таълим» Бутунжаҳон Декларацияси (1998-йил 9-окт.) таълим масаласига катта эътибор қаратиб, дунё мамлакатларини ҳақорликка даъват этади. Маълумки XX-асрнинг иккинчи ярми олий таълимнинг ривожланиш даври бўлди. 1960 – йилдан 1995 йилга қадар бутун дунёдаги талабалар сони 13 млн.дан 80 млн.га кўпайган.³⁷

2002 – йилда тараққий этган мамлакатлардан Япония ҳукуматининг таълимга сарфи Я.М.М.нинг 5,5-6 % ни ташкил этган бўлса, АҚШда бу кўрсаткич 7,1% ни, Буюк Британияда эса 7,7 % ни ташкил этган.³⁸

Бутунжаҳон Банки мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра Ўзбекистоннинг таълимга ажратган чикими 1995-йили умумий давлат чиқимининг 7,8% ини ташкил этган бўлса, 2002 йилда 8,8%, 2003 йилда 8,4% ни ташкил этган.³⁹

Европа давлатларидан 40 таси таълимни ривожлантириш масалалари бўйича Болоня жараёнига аъзо бўлганлар. Улар қаторига 1999 – йилда Россия ҳам қабул қилинган. Болоня Декларацияси тавсиясига кўра мамлакатлар кредит тизимини жорий қилиши мумкин.

Олий таълимдаги кредит сиёсати бу ҳар қандай ўқув фаолиятининг ўқув режасида қайд этилиши (маълум ҳажмда) ўлчов бирлигидир. Бу ерда кредит маблағ маъносида эмас, балки талабалар томонидан маърузаларда ва ўқув фаолиятининг бошқа турларидан тарқатма материаллар, тавсия этиладиган адабиётлар ва интернет орқали мустақил равишда “қарзга олинган” ўқув ахборотлари, билим ва кўникмаларни назарда тутати. Бу “қарзни” талаба якуний назорат вақтида ўзлаштирган билим ва кўникмаларни намойиш қилиш йўли билан тўлиқ “узиши” шарт.⁴⁰

АҚШда жами 3500 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида ўқиш пулликдир. У ерда таълим вазирлиги деган тушунчанинг ўзи йўқ.

Бутун дунё мамлакатлари таълим тизимидаги социал муаммолардан бири бу “Сегрегация” – яъни ажралиш ҳолатлари бўлиб, у таълим муассасаларида бошланиб, бўлғуси кадрни меҳнат фаолиятида унга амал қилишига олиб келса, бу ҳар қандай давлатнинг миллий сиёсати учун хавф солиши тайин.

“Сегрегация” – ўқувчилар орасида ирқий, диний, этник мансублик асосида, у ёки бу жинс атрофида, ёхуд, манфаатлар муштараклиги ва қўшничилик асосида алоҳида бўлинишни англатади.⁴¹

3. Ўзбекистонда таълим тизимидаги ўзгаришлар.

³⁶ Валентей С., Нестеров Л. Человеческий потенциал : Новке измерители и новке ориентиры (Вопр. философии. 2008. № 2. с.93.)

³⁷ Высшее образование в XXI-веке. ЮНЕСКО, Париж. 5-9 окт., 1998. 17 стр.

³⁸ Саидов М. Олий таълим муассасаларини молиялаш. Т.: Молия, 2002, 36-бет.

³⁹ Рес-ка Узб-н. Обзор гос.расходов. 1-марта 205. Департамент сокращение уровнение бедности и упр-е экономикой Регионы Европы и Центральной Азии. Документ Всемирного Банка. Стр.39.

⁴⁰ Болонский процесс: Перспективк развития в России. НТТР – Courier 0467 / 1900 / htm / Маърифат, 2003-30 сент. 4-бет.

⁴¹ Бетти Радон. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. (Ўрта таълим учун қўлланма). ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзб.Респ. Миллий комиссияси. 2002. 17-бет..

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» 41-моддасида таъкидланганидек, «ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга»⁴².

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ (демократик) фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. 1997 йил 29 августда Президент Ислоҳ Каримов Олий Мажлис X сессиясида «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусида нутқ сўзлади. Шу сессияда «Таълим тўғрисида» ги Қонун қабул қилинди. У 5 бўлим 34 моддadan иборат. Шунингдек, сессияда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳам қабул қилинди.

Инсон, унинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўйбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадрлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» «Таълим тўғриси»даги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимида жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳолда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётга мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўйбга чиқаришда ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар ихтисослигини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаш кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора-тадбирлар қўришни: «Таълим тўғриси»даги Қонунни жорий этишни; янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларни ҳаётга жорий этишни, замонавий дидактик таълимотни ишлаб чиқишни; ўқув юртларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни; янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этди.

Республикадаги 6742 та мактабгача таълим муассасасида 610 мингга яқин кичкинтойлар таълим-тарбия олмақдалар.

Мактабгача таълим соҳасида уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ҳамда «Болалар боғча-мактаб» мажмуи тармоғи ривожланиб бормоқда. Болаларга чет тиллари, хореография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 800 дан ортиқ гуруҳ ташкил этилган.

Бугунги кунда республикадаги 9672 та умумтаълим мактабларида 6 млн.га яқин ўқувчи таълим олмақда. Ана шу таълим мактабларида 450 минг нафар олий (70-75 фоиз) ва ўрта махсус (70-25 фоиз) маълумотли ўқитувчилар ишламоқда.

Янги типдаги мактаблар ва умумтаълим ўқув юртлари тармоғи ривожланиб бормоқда. 1999 йилга келиб мамлакатимизда умумтаълим мактабларининг сони 9860 тани, шу жумладан, алоҳида махсус фанларга ихтисослашган ўқув дастурларини чуқур ўргатадиган мактаблар 3147 тани, гимназиялар 195 тани, лицейлар 326 тани, умумий ўқувчилар сони эса 5679,7 минг нафарни ташкил қилди. 2001 йил сентябригача ўқув тизими 11 йилликка асосланиб, тузилмавий жиҳатдан 3 қисмга бўлинган эди: бошланғич таълим – 4 йил;

⁴² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2001, 13-бет.

тўлиқсиз ўрта маълумот олиш – 9 йил; тўлиқ ўрта маълумот олиш – 11 йил. Эндиликда эса 9ҚЗқ12 йиллик тизим йўлга тушмоқда.

Ҳозирги кунда 238 лицей ва 136 гимназия ишлаб турибди. «Соғлом авлод учун», «Маънавият ва маърифат», «Иқтисодий таълим», «Қишлоқ мактаби», «Ривожланишда нуқсонли бўлган болаларни тиклаш» ва бошқа тармоқ дастурлари рўёбга чиқарилмоқда. Республика умумтаълим мактабларида 435 мингдан ортиқ ўқитувчи ишламоқда, уларнинг 73 фоизи олий маълумотлидир.

Меҳнат бозорини, энг аввало қишлоқ жойларда меҳнат бозорини шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳунар-техника таълимини қайта ташкил этишга киришилди. Ҳозирги кунда бу тизимда жами 221 минг кишини таълим билан қамраб олган 442 ўқув юрти, шу жумладан, 209 касб-ҳунар мактаби, 180 касб-ҳунар лицейи ва 53 бизнес мактаб ишлаб турибди. Бугунги кунда бошланғич касб-ҳунар таълими ўқув юртларида қарийиб 20 минг ўқитувчи ва малакали мутахассислар ишламоқда.

2009 йилга келиб, Ўзбекистон олий мактаби тизими 65 олий ўқув юртини, шу жумладан, 20 университетни ўз ичига олади. Миллий дастурга мувофиқ 4 йиллик бакалаврият ва 2 йиллик магистратура орқали маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг замонавий тизими яратилди. 2000-2001 ўқув йилида олий ўқув юртларида 166 мингдан ортиқ талаба, фақат кундузги бўлимларда эса жами 141 минг 841 нафар талаба таҳсил олди.

2005-2006 йилларда 18574 та олий маълумотли кадрлар тайёрланган бўлиб, уларнинг энг кўпини таълим соҳаси учун тайёрланган юқори малакали кадрлар ташкил қилган. (2005 – 32.154, 2006 - 33418 та). Ўзб.Респ.ДСҚ маълумоти . 207 – 22 февр. (*№ 02-07-265-03).

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 65 та олий ўқув юртларида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга яқин талаба билим олмоқда.⁴³

Мутахассислар тайёрлаш : 2000 – 98 та, 201 – 1829 та, 2002 – 289 та, 2003 - 4105 та, 204 - 4248 та, 2005 – 4824 та, 2006 – 5332 та.⁴⁴

Умид жамғармаси йўлланмаси билан мамлакатимиз ёшларидан жами 828 нафар совриндорлар 1997-2002 йиллар мобайнида хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида малака ошириб, таълим олиб келдилар. Яъни: АҚШда – 343, Буюк Британияда 329, Германияда – 84, Францияда – 33, Японияда 80, Канадада – 1, Италияда – 8. (Истеъдод фонди ахбороти). Ҳозирда уларнинг 600 нафари вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга ишга тақсимланганлар. Вазирлик ва муассасалар аппаратларида 151 нафар, банк-молия соҳасида – 124 нафар, фан ва таълим соҳасида 84 нафари хизмат қилмоқда.⁴⁵

Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари қуйидагилардан иборат:

4. республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;

5. мамлакат иқтисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом ашё йўналишдан рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаяётганлиги;

6. давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;

7. миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

8. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги

Мазкур дастурнинг мақсади - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик

⁴³ Қаримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Халқ сўзи, 2007-йил, 31-авг.

⁴⁴ Ўзб.Респ.Дав.Ст.Қўм. маълумоти. 2007 – 12 март. № 02-07-266,039.

⁴⁵ Пардаев А.Х. Келажак яратиш ҳисси. Ахборот хавфсизлиги : муаммо вап ечимлар. – Т.: Ўзб. 2004. 10 бет.

давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутати;

9. «Таълим тўғрисида»ги (1997) Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-миллий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

10. таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгилашиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат куриш жараёнларига мослаш;

11. кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

12. таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

13. таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, аккредитация қилиш сифатида баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;

14. янги ижтимоий- иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишнинг кафолатлари, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

15. узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этиш;

16. кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилмоқда.

Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари қуйидагилардан иборат:

1. Таълимнинг устуворлиги, унинг ривожланиши биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи.

2. Таълимнинг демократлашуви, таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигини кенгайтиш, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши.

3. Таълимнинг инсонпарварлашуви, инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан турли-туман эҳтиёжлари қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви.

4. Таълимнинг ижтимоийлашуви, таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш.

5. Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш.

6. Таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги.

7. Иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари, турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

6. мактабгача таълим;
7. умумий ўрта таълим;
8. ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
9. олий таълим;

10. олий ўқув юртидан кейинги таълим;
11. кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
12. мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

13. шахс;
14. давлат ва жамият;
15. узлуксиз таълим;
16. фан;
17. ишлаб чиқариш.

Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мавофиқ қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – ўтиш даври бўлиб, у 1997–2001 йилларни, 4 йилни ўз ичига олади.

2. Иккинчи босқич – 2001–2005 йилларни ўз ичига олади.

3. Учинчи босқич – 2005 ва кейинги йилларни ўз ичига олиши белгиланган.

Биргина биринчи босқични амалга ошириш жараёнида давлатимиз халқ таълими тизимига қушимча 65 млрд.сўмдан ортиқ маблағ сарфлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонида асосан аспирантлар ва талаба – магистрантлар учун Ўзбекистон Президентининг Давлат стипендиялари таъсис этилди ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат Комитетига, 2002 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар Марказига Президент стипендиялари учун танловларни ўтказиш ва уларни тайинлаш вазифаси юклатилган. Бу танлов асосан қуйидаги бешта устувор йўналиш бўйича аспирантлар танловини амалга оширди:

– Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий – иқтисодий сиёсатни шакллантириш;

– Агросаноат мажмуи;

– Энергетика, ресурслар, саноат;

– Соғлиқни сақлаш ва экология;

– Ахборот технологиялари ва бошқарув.

Талаба – магистрантлар ўртасида эса қуйидаги 11та таълим йўналиши бўйича аниқлайди:

– Қишлоқ хўжалиги ва ирригация;

– Техника ва информатика;

– Тиббиёт, доришunosлик ва жисмоний тарбия;

– Ижтимоий – гуманитар;

– Физика – математика ва кимё – биология;

– Иқтисодиёт;

– Педагогика – психология;

– Маданият ва санъат;

– Чет тиллар;

– Ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар;

– Журналистика..

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари учун 1993-2003 йилларда ўтказилган танлов натижаларида 55 аспирант ва 20 талаба-магистрантлар Президент Давлат стипендияларига сазовор бўлдилар. 2004 йил 16 март куни Ўзбекистон

Республикасининг Давлат стипендиантлари семинар – кўргазмаси ташкил этилди ва ўтказилди»⁴⁶

2005 йил 7 майда Тошкентда Конфуций институти очилди.

Ўзб.Респ. Президентининг 2007 йил 5-сентябр қарорига мувофиқ Сингапур менежментни ривожлантириш институти ташкил этилди.

2003 – йил 1-июльдан “Истеъдод” жамғармаси ўз фаолиятини бошлади.

Таълим соҳасига сарфланаётган харажатлар улуши Я.И.М. – таркибида 12% ни ташкил этмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бу кўрсаткич 3-5% дан ошмайди.

Бугунги кунда биргина ўрта-маҳсус ва касб-хунар таълимида турли соҳа ва йўналишлар бўйича 840 мингга яқин замонавий билим ва касбни эгаллаган юқори малакали кадрлар тайёрланганлиги бу соҳада ижобий маънодаги “портлаш эффекти” рўй бера бошлаганидан далолатдир.⁴⁷

Бугунги кунда Олий ва ўрта-маҳсус ўқув юртлири ҳамда умумтаълим мактаблари ҳузурида 1187 та ахборот –ресурс марказлари мавжуд бўлиб, уларда ўзбек, қорақалпоқ, рус ва бошқа тиллардаги 15 млн. Нусхадан ортиқ дарслик, ўқув.-усл., бадиий, техникавий ва маълумотнома йўсинидаги китоби бўлган 15276 та кутубхонани бирлаштирган. Уларнинг 13 млн.га яқин китобхоналари бор. Бу борада 2006 йил 20 июндаги Ўзбекистон Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисидаги” қарори диққатга сазовордир.

2002 – йилда мамлакатимизда Интернет тизимидан 136 минг киши фойдаланган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 2 млн.га етди. “UZ” домен зонасидаги веб-саҳифалар сони ўн қарра кўпайиб, 4,5 мингдан ортиқни ташкил қилди.⁴⁸

2004-2009 йилларга мўлжалланган “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастурининг” ҳаётга тадбиқ этилиши таълим сифати ва мазмун – моҳиятини тубдан яхшилаш имконини берди. “Ушбу дастурга мувофиқ, юртимизда мавжуд бўлган ўн мингга яқин умумтаълим мактабининг модий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнининг мазмунини тубдан такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг меҳнатини модий ва маънавий рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинмоқда”.⁴⁹

Тарбия социологияси

“Тарбия социологияси” сўзини эшитганда баъзида :

- Агар тарбия билан педагогика фани ва шунингдек, тарбиянинг баъзи бир муаммолари билан психология, этика ва эстетика шуғулланса, бу ҳақда бирон-бир янгиликни социология фани айта олади-ми? – деган савол туғилиши мумкин. Педагогика ва социология фанларини ўрганар эканмиз, қуйидаги жавлбни топамиз.

“Тарбия”, “тарбиялаш” тушунчаларини таҳлил этиб кўрадиган бўлсак. Педагогик адабиётларда бу сўз одатда – онгли равишда шахсга (индивидуал) уни бирон-бир ижтимоий ролни бажаришга тайёрлаш учун ижтимоий таъсир этиш, бунинг учун ўша шахсда зарур бўладиган сифатларни пайдо қилиш “яратиш” тарзида ифодаланади. Бунда тарбия иши билан маҳсус тузилган ижтимоий муассасалар шуғулланиши назарда тутилади. Шунга кўра “тарбия” ва “таълим бериш” тушунчалари ёзилганда турлича ёзилсаларда, аммо маъносига кўра бир-бирига жуда яқин турадилар.

- Тарбия, таълим бериш ишлари аниқ бир мақсадга қаратилган фаолият бўлгани учун у кишидаги қандай қобилиятларни, сифатларни конкрет равишда ривожлантиришга қаратилганлигига қараб (интеллектуал, эмоционал, сиёсий, ахлоқий, эстетик ва х.к.) у

⁴⁶ Тошпўлатов М. Илм фанимиз келажиги ёшлар қўлида. «Мулоқот». 2004. 4-сон. 6-8бетлар.

⁴⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик сўзи. Халқ сўзи. 2007. 29-сент. № 194.

⁴⁸ Халқ сўзи. 2007-йилд.29-сент. № 194.

⁴⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. 2008. 64-бет.

дифференцияланади, яъни табақаланади. Тарбиявий фаолиятнинг мана шу аспекти, уларнинг мазмуни, ўзига хос мақсадлари, услублари тегишли фанлар томонидан тадқиқ қилинади. Натижада тарбия жараёнини ўрганиш янада кўпроқ комплекс характер касб этиб, интеграциялаш, уларни умумлаштириш учун катта зарурият пайдо бўлади. Ўз навбатида, йиғилган билимларни умумлаштириш дастлаб социологик жиҳатдан таҳлил қилинади ва фақат шундан кейингина фалсафий даражада амалга оширилади.

Социологик жиҳатдан олиб қаралганда тарбия – шахс муомаллада бўлган барча объектив ва субъектив факторлар йиғиндисининг таъсири остида шаклланиши ва ривожланишини билдиради. Мана шундай маънода у ўзига бир мақсадга йўналтирилган педагогик фаолиятни бирлаштиради, аммо унинг энг асосий мезонларидан бири – тарбияланувчиларнинг онгги ва хулқ-атворига таъсир қилувчи ана шу шароитларни маълум бир мақсадга мувофиқ тизимга келтиришни ташкил этиш ҳамда жамият учун зарур бўлган тарбиялаш самарадорлигини таъмин этишдан иборат бўлиб қолаверади.

Ҳозирги замон илм-фани, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижасида ҳам бундай мураккаб ва муҳим тарбиявий ишни ҳал этиш учун кўп ишлар қилинган бўлса ҳам Республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги шароит, янги вазият бу борада кўп ишларни тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда. Мамлакатимизда юз бераётган туб ўзгаришлар, фикр эркинлиги, демократия социологик тадқиқотлар ўтказиш имкониятларини яратмоқда.

Педагог-олимлар, социологлар янги жамият кишисини тарбиялаб етказиш учун педагогиканинг фундаментал масалаларини қайта кўриб чиқишлари, катта миқёсда тадқиқот ишлари олиб боришлари, мамлакатда содир бўлаётган иқтисодий ва социал-маданий жараёнларнинг моҳиятини ва ўзига хос томонларини очиб берувчи қирраларни аниқлашлари керак. Чунки бу жараёнларнинг барчаси янги жамият кишисининг шаклланиши, ижтимоий онгги ва демак, ҳар бир шахснинг ҳам онггини, дунёқарашини, хулқ-атворини ҳам ўзгартириш билан боғлиқдир.

Мана шу каби муҳим вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши педагог олимларимиздан, социологлардан, тарбия иши билан банд бўлган ҳар бир кишидан ижодий изланишларни. Олдин фақат бир томонлама ўрганилиб келинган шахсни шакллантириш, камолотга етказиш, миллий ғояли қилиш масалаларига катта диққат ҳамда масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Шундай қилиб, педагогика ҳамда социология (тарбия социологияси) фанлари олдида давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар турибди.

Социологиянинг илмий жараёнга олиб чиқилиши О.Конт номи билан боғлиқ.

Социал фанларнинг тадқиқот объектларини аниқлаш анча мураккаб бўлиб, улар жамиятдаги турли муносабатларни таҳлил этадилар. Тарбия социологияси ҳам социологиянинг тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг предмети эса жамиятда шахснинг шаклланиб боришидир. Шахснинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муаммоларни ҳал этишдаги ролининг тоборпа ошиб бораётгани ва шу сабабли унинг ғоявий-сиёсий, маънавий томонларини ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилаётгани, бошқа тармоқларга қараганда (шаҳар, қишлоқ, меҳнат социологиялари ва х.к.) тарбия социологиясини олдинги ўринларга олиб чиқмоқда.

Шахс ривожланиши ва шаклланишининг социал факторлари ҳақида гапирар эканмиз бунда меҳнатнинг жуда катта рол ўйнашини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Шахс руҳияти ва хулқ-атворида ижтимоий муносабатлар, биринчи навбатда унинг ижтимоий ролида акс этади. Ижтимоий муносабатлар шахсга турли даражаларда таъсир этади: Шахсда бир вақтнинг ўзида ҳам умуминсоний, ҳам синфий, ҳам миллий ва шунингдек, гуруҳий (жинси ва ёшига қараб), ҳам микрогуруҳий (айрим оилалар, жамоалар, норасмий гуруҳлар) муносабатлари юзага келади. Шахс онггига умуман ва шунингдек. Унинг айрим томонларига, қирраларига, айрим аспектига у ёки бу даражада таъсир этишлари натижасида, улар шахс руҳияти оламида ўз изини қолдирадилар. Бу таъсирлар шахс руҳиятида кўпайиб бориши билан бирга, улар бир-бирини тўлдирди ёки инкор этади,

йўқотади ва олдин пайдо бўлган эҳтиёжлар билан, қизиқишлар, муносабатлар ва кўникмалар билан ўзаро алоқада бўлиб маълум бир тизим компонентларини ташкил этади. Демак, инсон ўзининг динамик жихатдан ривожланиб боришида, ривожланаётган жамият модели сифатида олиб қаралиши мумкин экан. Лекин бу модел турли даражаларда бўлади, чунки ижтимоий муносабатларнинг қарама-қаршилиги турли шахслар онггида турлича из қолдиради.

Инсон педагогика, психология, этика, эстетика фанларининг предмети сифатида тадқиқ этилишидан олдин, унингш ривожланиб, шаклланиб бориши, унинг муҳити, шароити социологик таҳлил этишнинг объекти бўлмоғи керак.

Унинг асосий мақсади – инсон моҳиятининг ижтимоий муаммосини ҳал этиш-дир... Бутун тарбия жараёни у кенг ёки тор маънода тушунилишидан қатъий назар жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатнинг энг муҳим шакли сифатида олиб қаралиши лозим. Бу ўзаро муносабатнинг дастлабки шаклига (*даражасига) инсоннинг объектиб ўзаро ҳаракати, унинг ҳаёт тарзи, унинг социал ва маддий муҳити киради.

Жамият миқёсида рўй бераётган оммавий ҳодисалар ҳам педагогика ва социология, психология фанлари учун тадқиқий аҳамиятга эга. Чунки алоҳида шахс тарбиясида оммавий ҳодисаларнинг, катта гуруҳларнинг таъсирини инкор этиб бўлмайди. Замонавий социологиянинг диққат марказида жамоа (ассоциация) ва унинг асосий ижтимоий намоён бўлиш шакли – оммавий (гуруҳий, жамоавий) хулқ-атвори ҳам туради.

Кишилар ўз ҳаёт-фаолияти давомида бирлашадиган гуруҳлар масаласи нафақат педагогика, психология фанларининг, балки социология фанининг ҳам муҳим тадқиқот объекти ҳисобланади. Ижтимоий муносабатлар асосан ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади. “Социал гуруҳ” термини жуда кенг ва кўп ишлатилади. Педагогика ва психология фанларида гуруҳларни социал-иқтисодий, социал-демографик, социал-психологик ва бошқа гуруҳларга ажратадилар.

Қисқача хулосалар

Республикамизда социал муносабатлар муаммолари жаҳон илмий тафаккурининг ҳар хил йўналишлари натижалари асосида тадқиқ қилинаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бу муаммоларни янги, юқори илмий даражада тадқиқ қилиш имкониятлари вужудга келди. Энди бу муаммони конкрет социологик тадқиқот билан ўрганиш жоиз. Чунки Социология нафақат бу муаммони, балки бутун ижтимоий ҳаёт жараёнларини кенг қамровда, комплекс характерда ва амалий натижалар асосида чуқур тадқиқ қилади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бозор инфратузилмаси учун кадрлар тайёрлаш кўлами кўпайди (абитуриентларни қабул қилиш 1990 йилги 2,8 мингдан, 2002 йилга келиб 50 минггача бозор иқтисодиёти асосларига қишлоқ жойлардаги ёшларни ўргатиш ниятида қатор бизнес мактаблар, лицейлар ва коллежлар ташкил этилди.

Меҳнат бозори тез суръатларда иқтисодий йўналишдаги мутахассислар билан бойиб бормоқда.

Ҳисобларга кўра, республика халқ хўжалигида олий маълумотли иқтисодчилар сони ҳозирги кунда 80 мингдан ортиқни, яъни олий маълумотлилар умумий сонига нисбатан 9,8% ни ташкил этади. Бу бу кўрсаткич 1990 йилда 9% га тенг эди.

Мамлакат ёшлар ҳаракатини носийсий ва нопартиявий асосда мувофиқлаштириш учун таъсис этилган ноҳукумат ташкилот бўлиб, унинг устуворликлари қуйидагилардан иборат:

1. ёшларга мадад бериш;
2. бозор иқтисодига ўтишда ижтимоийлашув;
3. кичик ва ўрта бизнесга жалб этиш;
4. ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;
5. таълим ва ўз билимини ҳамда маданий ҳордиғини оширишни ташкил этиш;
6. ҳар томонлама халқаро алоқаларни йўлга қўйиш.

«Камолот» ёшлар фонди фаолияти:

7. Мамлакатда «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракатининг 238 та бўлимларида 11000 ёшлар уюшмалари фаолият юритади.

8. Маданий ва маънавий тарққийёт масалалари «Ёшлар ва Ўзбекистоннинг маънавий юксалиши» мавзуидаги ЮНЕСКО билан ҳамкорликдаги 1-семинарда муҳокама этилган.

9. «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати ва Конрад Аденауэр фонди ёшлар ва ўспиринларга тураржойида бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун шароитлар яратиб бериш соҳасида қўшма битимни ижро этмоқда.

10. «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати ҳузуридаги ёшларни банд этиш агентлиги замонавий техника ва технологияларга ўқитиш хизматини кўрсатмоқда;

11. «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати ҳузуридаги спорт - соғломлаштириш лагери 300 ёшни бирлаштиради.

12. «Мамлакатнинг ёш бунёдкорлари» клубида мадарий ва маънавий тикланиш, жаҳон ҳамжамиятига очиклик борасида мунозаралар ўтказилмоқда;

13. «Амир Темура: шахс, давлат, ренессанс» мультимедиа қомусини яратиш учун фонд томонидан кредит берилган.

Чет элларда таълим олиш. Хорижий давлатларнинг обрў-нуфузли олий ўқув юрларида ҳукуматлараро битимларга биноан Ўзбекистоннинг 1500 дан ортиқ фуқоролари (МДХ республикаларида таълим олаётганларни ҳисобламаганда) билим олмоқда. Биргина 1997 йилнинг ўзида, ҳукуматнинг «Умид» фондиди тузиш тўғрисидаги қарори натижасида энг нуфузли хорижий олий ўқув юрларига республиканинг 160 та талабаси тахсил олгани юборилди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрларида узоқ ва яқин хорижий мамлакалардан келган 5,3 минг киши билим олмоқда.

«Таълим ва тарбия» социологияси маъруза матнига илова

а махсус ва олий ўқув юрлари абул сони						
а махсус таълим муассаларида ётганлар сони (минг)	4	0	1	0	8	2
ин қизлар улуши (%)						
й ўқув юрларида талабала сони (г)	4	2	3	1	1	7
ин-қизлар улуши (%)						
в юрларига кириш кўрсаткичи ёшдаги аҳолига нисбатан %						
олланган ўрта маълумот %.	4	9	8	9	3	
олланган ўрта техник маълумот таб,хунар техника билим лари ва техникумларда чилар сонига нисбатан) % да						
в юрларида таълим олишни м эттираётган 19 ёшлилар сони						
дузги таълимга олий ўқув ларига кириш(%)						
лимга давлат харажат-лари Мдан% да)						

й таълимга харажатлар (барча жадаги харажатларга нибатан)						
й ўқув юртларига киришнинг мий кўрсаткичи (1000 кишига)						

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар:

1. Тор ва кенг маъноларда социал муносабатлар тушунчасини ёритиб беринг.
2. Социал муносабатларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Социал бирдамлик ва унинг аҳамиятини ёритинг.
4. Иқтисодий ва тақсимот муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
5. Ижтимоий-синфий муносабатларга изоҳ беринг.
6. Ижтимоий-демографик муносабатлар ўз ичига нималарни қамраб олади?
7. Бегоналашув турларини ёритинг.
8. Таълим ва тарбиянинг узвийлигини изоҳланг.
9. Таълимнинг - социал институт сифатида амал қилиши.
10. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида таълим тизимидаги ўзгаришларларга баҳо беринг.
11. Иқтисодий таълим нима учун зарурлигини изоҳланг?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» - Т.: «Ўзбекистон», 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонун. Т.: «Шарқ», 1997.
3. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур. Т.: «Шарқ», 1997.
4. Ислон Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси 2010 йил 13 ноябрь сони.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Т.1. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
6. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». Т.2. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
7. Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фарвон ҳаёт – пировард мақсадимиз». Т.8. Т.: «Ўзбекистон», 2000.
8. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: “Ўзбекистон”. 2004.
9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. «Ўзбекистон», 2005.
10. Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. Т. “Ўзбекистон”, 2005.
11. Каримов И.А. Жаҳон молдиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг чоралари вап йўллари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
12. Каримов И.А. Асосий мезон ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
13. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгимас куч. Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
14. Муллажанова М.М. ва бошқ. Социология фанидан маърузалар матнлари. Т.: ТошДИУ, 2008.

15. Қурбонов Ш. , Мажидов И. , Қўчқоров Р. Олий таълим тизимида бошқарув кадрларини тайёрлаш. Т. “Академия”. 2002.
16. Отамуродов С. , Отамуродов Сарвар. Ўзбекистонда маънавий- руҳий тикланиш. Т. “Янги аср авлоди”. 2003.
17. Алиев Б.А., Рафиқов Ғ.А., СултоновТ.,Раҳмонов Б. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан ўқув қўлланма. 2005 Тошкент.
18. Добренъков В.И., Кравченко А.И. Социальная антропология: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 688 с.
19. Добренъков В.И., Кравченко А.И. Методы социологического исследования: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 668 с. 2 экз.
20. Исаев Б.А. Социология в схемах и комментариях: Учеб. Пособ.. – СПб.: Питер, 2008. – 224 с.
21. Когда человек – проблема: Что делать?: [пер. с англ. Д.В.Котелкина]. – М.: Изд. “Омега-Л”: SmartBook, 2008. – 131 с.
22. Кравченко А.И. Социология: Учебник для вузов. – 11-е изд., - М.: Академический Проект, 2008. – 512 с.
23. Кравченко А.И. Социология в вопросах и ответах: Учеб. Пособ. – М.: ТК Велби, 2008. – 240 с.
24. Кравченко А.И. Социология: учебник. – М.: ТК Велби, 2008. – 536 с.
25. Общая социология: Учеб. Пособие /Под общ. Ред. Проф. А.Г. Эфендиева. – М.: ИНФРА – М, 2008. – 654 с.
26. Социология. Основы теории: учебник /отв. Ред. Г.В.Осипов, Л.Н.Москвичев. 2-е изд., испр. И доп. – М.: Норма, 2008. – 912 с. 3 экз.
27. Социология. Экзаменационные ответы. – М.: “Ответ. 2008. – 40 с.

Интернет материаллари

1. Батыгин Г.С. “виртуальные сообщества и коммуникация в социальных науках”. www.NIR.ru/socia/scipub.
2. Здравомыслова С.А., Темкина А.А.. социология гендерных отношений и гендерный подход в социологии. Prometeus nsc.ru.
3. Лекции по социологии. Социология. Отраслевые социологические теории. Экономика, семья, города sociologu narod.ru.
4. Российская Сеть Информационного Общества – Социология. Социология. Общая социология. www.Isn.ru-s-ci-l-gu.shtml.
5. Социология в энциклопедиях. Социология. Socionet narod.ru.
6. Экономическая социология. www.isras.ru. Журнал. Экономическая социология.
7. Электронная библиотека – социология, психология и управление. Soc.lib.ru
8. Центр социологического образования. – sociologu RU-Новости. www.sociologu.ru.
9. WWW.edu.uz.
10. WWW.ziyo.edu.uz.
11. WWW.ec.edu.uz.
12. WWW.performance.edu.uz.
13. WWW.gov.uz.

В) МАДАНИЯТ, ДИН ВА АХЛОҚ СОЦИОЛОГИЯСИ.

- 1. Маданият социологияси**
- 2. Дин ва диний муносабатлар социологияси.**
- 3. Ахлоқ социологиясининг моҳияти.**

«Маданият» (арабча «маданият» — мадиналик, шаҳарлик, таълим-тарбия кўрганлик) — кишиларнинг табиати, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва усуллари мажмуи. «Мадина» сўзи мусулмонларнинг азиз тутадиган жойи — Мадина шаҳри номидан келиб чиққан, чунки илк мусулмонлар таълим-тарбияни асосан Мадинада олганлар. Маданият моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ўзаро муносабатлар, сиёсат, оила, ахлоқ, хулқ, ҳуқуқ, таълим, тарбия, ижод, илм-фан, хизмат кўрсатиш, турмуш тарзи кабилар билан бирга ривожланади, жамиятнинг тараққиёт даражасини акс эттиради.

Маданият тушунчаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода — маданият тушунчаси инсониятнинг бутун тарихий тараққиёт жараёнида яратган барча моддий ва маънавий бойликларининг йиғиндисини акс эттиради. Тор маънода — маданият тушунчаси жамиятнинг маънавий-эстетик турмуши даражасини ифодалаш учун қўлланилади.

Маданият атамаси кенг маънода қўлланилиб, жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритган ютуқлар мажмуи, бирор ижтимоий гуруҳ ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражасини, ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёилик ва маърифатлилик ҳамда турмушнинг маърифатли киши эҳтиёжларига мос келадиган шартлари йиғиндисини билдиради. БМТ Бош Ассамблеясининг қарорига кўра 2000 йил «Халқаро тинчлик маданияти йили» деб эълон қилинганлига бежиз эмас.

Социологияда «маданият» тушунчаси математикадаги «сонлар», физикадаги «гравитация», химиядаги «модда» тушунчалари каби муҳим аҳамиятга эга. Маданият — инсонлар фаолият натижаларининг мажмуи ўлароқ ўзида икки ҳолатни, яъни маданий статикани (маданиятнинг нисбатан турғун кўринишлари) ва маданий динамикани, яъни маданиятнинг ўзгарувчан жиҳатини мужассамлаштиради.

Маданият ҳодисаси XX аср бошларидан эътиборан социологиянинг алоҳида йўналиши сифатида тадқиқ этила бошланди. Бугунги кунга келиб, маданият кенг тасниф доирасига эга бўлган ҳодиса сифатида моддий ва маънавий, оммавий, меъёрий (норматив), сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, анъанавий, меҳнат-касбий, ишлаб чиқариш ва ҳ.к. маданият хилларига ажратилган ҳолда тадқиқ этилмоқда.

Маданият кишиларнинг яратувчилик фаолияти, мақсадли саъй-ҳаракатлари натижасида моддий ва маънавий қадриятлар бўлиб, шахсни шакллантириш ва камолотида муҳим омил бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Илмий адабиётларда маданиятни асосан моддий ва маънавий маданиятга бўлиш расм бўлган. Маданиятни моддий ва маънавий маданиятга бўлиш инсон фаолиятининг икки асосий соҳаси — моддий ва маънавий ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ. Моддий маданият моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ ижтимоий фаолиятнинг барча соҳалари ва натижаларини ўз ичига олади. Моддий маданиятнинг муҳим элементлари ишлаб чиқариш, транспорт, алоқа воситаларидир. Моддий маданият тушунчаси доирасига техника воситалари, уй-жойлар, бинолар, архитектура обидалари, кийим-бош, уй-рўзгор буюмлари, истеъмол воситалари деб аталадиган нарсалар ҳам киради.

Маънавий маданият маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий онг шаклларига таъсир ўтказиш билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг барча соҳаларини қамраб олади. Маънавий маданият намоён бўлишининг турли шакллари, яъни табиий ва ижтимоий борлик тўғрисидаги ҳар хил тасаввурлар ва ғоялар, назариялар, таълимотлар, илмий билимлар, санъат асарлари, ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар, фалсафий, сиёсий қарашлар, мифология, дин ва ҳ.к. ана шундай фаолият натижасидир.

Моддий ва маънавий маданият бир-бири билан узвий боғлиқ. Биринчидан, ҳар иккаласи ҳам маданиятнинг узвий, ўзига хос удумлари эканлигини унутмаслик керак, иккинчидан, инсон фаолиятининг маҳсули бўлган кўпгина нарсалар ҳам ақлий, маънавий, ҳам жисмоний меҳнат натижаси сифатида пайдо бўлади.

Маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши ворисийлик анъаналарига боғлиқ бўлиб ўзидан олдинги авлодлар яратган кадриятларни ўзлаштиришдан бошланади ва янги кадриятлар яратиш йўлида таянч вазифасини ўтайди. Ана шу икки жараён — эскилик билан янгилик ўртасидаги объектив зарурий боғланиш ворислик деб аталади. Лекин бунда тараққиётга, хизмат қиладиган прогрессив ворисликни унга тўсиқ бўладиган реакцион ворисликдан фарқлаш лозим бўлади. Маданиятга ижобий (позитив) ва салбий (негатив) таъсир этувчи ворислик ҳам мавжуд.

Маданиятда анъаналар омилининг роли бекиёс. Халқ маънавий мероси, анъана ва урф-одатлар туфайли кишиларнинг тарихий, маданий тажрибаси тўпланиб авлоддан-авлодга ўтиб боради. Маданий анъаналар деганда, фақат маросим ва урф-одатларнигина тушунмаслик керак. Маданий анъаналар айна вақтда авлоддан-авлодга ўтиб борадиган; тарихан қарор топган ва ижтимоий онгнинг таркибий қисмига айланган ғоялар ва билимлар, кадриятлар, қарашлар ва тасаввурлар, хулқ ва дид нормалари ва ҳ.к. каби омилларни ҳам ўз ичига олади.

Маданият бевосита кадриятлар билан боғлиқ бўлиб, унинг турлари куйидагилар:

1. Инсон яшаб турган моддий муҳит билан боғлиқ бўлган кадриятлар.
2. Анъаналар, урф-одатлар ва маросимларда намоён бўладиган ахлокий кадриятлар.
3. Инсоннинг ақл-идроқи ва амалий фаолияти заминиде шаклланган меҳнат малакалари ва кўникмалари, билим ва тажрибалари, қобилият ва истеъдодларида намоён бўладиган кадриятлар.
4. Одамлар ўртасидаги жамоавийлик, ҳамкорлик, хайрихоҳлик, ҳамжихатликка асосланган муносабатларда намоён бўладиган кадриятлар.
5. Кишиларнинг ёши, касби, жинси ва ирқий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган кадриятлар.

Юқорида баён этилган кадриятлар, ўз навбатида умуминсоний кадриятлар, минтақавий кадриятлар, миллий кадриятлар, диний кадриятлар турларига бўлинади.

Маданият социологиясида ижтимоий институтлар муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий институтлар деганда кишиларнинг ижтимоий фаолиятлари ташкилландиган ва амалга ошириладиган муассасалар ва уларда ижтимоий феъл-атвор, ҳаракатларнинг мувофиқлаштириливи тушунилади. Ижтимоий институт-ларнинг кўринишлари:

мувофиқлаштирувчи (реляцион) институтлар (жинс, ёш, касб тури, қобилиятларга оид мезонларни аниқлаб берувчи ижтимоий институтлар).

Бошқарув(идора этиш) институтлари.

3) Бирлаштирувчи; (интегртив, уйғунлаштирувчи) институтлар,

4) Анъаналар билан боғлиқ ижтимоий хулқни мувофиқлаштирувчи институтлар (одатлар, маросимлар, қариндош-уруғчилик муносабатларидан иборат фаолиятларни ташкилловчи)

5) Маданий ижтимоий институтлар (дин, санъат, адабиётга доир фаолиятларни мувофиқлаштирувчи).

Маданият социологиясида одамларнинг интеллектуал, ахлокий, эстетик фазилатлари, амалий саъй-ҳаракатларига интилиш, қизиқиш ҳамда эҳтиёжлари муҳим аҳамиятга эга.

Маданият ҳодисаси тараққиёт, цивилизация тушунчалари билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу борадаги алоқадорлик хусусида ҳам алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

«Цивилизация (лот. фуқаролик, фуқароликка оид, давлатга оид деган маъноларни билдиради). Бу тушунчани шотланд тарихчиси ва файласуфи А. Ферпоссон (1723-1816) жаҳон тарихий жараёнининг маълум бир босқичини ифодалаш учун ишлатган бўлса, француз маърифатпарварлари ақл-идрок ва адолатга асосланган жамиятга хос бўлган атама маъносида ишлатган эдилар.

Ҳар қандай цивилизация:

- 1) муайян ижтимоий ишлаб чиқаришнинг илғор технологиясига,
- 2) ривожланиб боровчи маданий алоқалар, кадриятлар, фалсафий қарашлар, одоб-ахлоқ нормаларига,
- 3) ижтимоий ҳамкорликнинг позитив шакл ва услубларига эга.

Демак, цивилизация — жамият ривожига мантқиқий, прогрессив босқич бўлиб, ижтимоий ва маданий ривожланиш даражаси сифатида маданият тушунчаси билан бевосита боғлиқдир.

Маданият социологияси ўз предметини ойдинлаштиришда, маданий статика (мувозанат) ҳамда маданий динамика (ривожланиш) ибораларини қўллайди.

Маданий статика (мувозанат) элементларига моддий маданият ва номоддий (маънавий) маданиятга хос бўлган омиллар, эришилган натижалар киради.

Маданият ҳодисаси маданият мажмуи омилини ҳам ўз ичига олган.

Маданият комплекси (мажмуи) маданий объектлар ва хислатларнинг йиғиндиси бўлиб, унга:

- маданий реаллик;
- маданий мерос;
- маданий мсроснинг аҳамияти;
- унинг объектив баҳоси;
- маданий университетлар;
- турмуш тарзи тушунчалари киради.

Бундан ташқари, маданият социологиясида маданий ёки ижтимоий нормалар категорияси ҳам бўлиб, унга одамлардаги кўникмалар, дид, қилиқ, кадриятлар, диний эътиқодлар, одатлар, анъаналар, билим ва илм, расм-русумлар, жамият аъзоларининг ахлоқ кодекси ва бошқалар киради.

Маданият шакллари.

Асосан уч турли маданият шакли фарқланади:

- 1.Элитар маданият
- 2.Халқ маданияти
- 3.Оммавий маданият

1. Элитар маданият (французча — «энг сара» сўздан олинган) — ҳар қандай ижтимоий тузилманинг бошқарув жиҳатларини мувофиқлаштириш ҳамда ривожлантириш функцияларини амалга оширувчи олий, имтиёзли қатламдир. Элита ҳақидаги назариялар даставвал Платон, Аристотель, Ницше ва бошқаларнинг қарашларида баён қилинган бўлиб тизимли кўринишга XX аср бошларида В. Парето, Г. Моска, Михельслар томонидан келтирилган. ҳозирги Ғарб социологиясида элита турли хил талқин этилади. Бунда элита ҳокимиятга йўналган, сиёсий жиҳатдан энг фаол одамлар (Моска), жамиятда энг кўп обрў, мақом, бойликка эга бўлган, оммага нисбатан ақлий ва ахлоқий устунликка эга одамлар (Х.Ортега-и-Гассет), жамиятнинг ноижодий кўпчилигидан фарқ қилувчи қисми (Тойнби), энг малакали мутахассислар, менежерлар ва бошқарув тизимидаги олий хизматчилар (технологик детерменизм)дир, деб изоҳланади.ҳозирги замон социологиясининг йирик олимлари Миллс, Рисмен, Белл асарларида элита назарияси янада ривожлантирилмоқда.

Киборлар (юқори тоифа аҳоли) маданияти эса жамиятнинг имтиёзли табақаларига мўлжаллангандир. «Санъат санъат учун» қоидаси маданиятда нафис санъат, мумтоз мусиқа, фақат киборларгина мутоала қиладиган бадий адабиёт намуналарини назарда тутди. Бундай маданият намуналари мураккаб бўлиб, улар махсус интеллектуал-эстетик мақомга эга бўлган, юксак дид вакиллари учун яратилади.

2.Халқ маданияти аҳоли орасидан етишиб чиққан, фавқулудда истеъдодга эга шахслар томондан бунёд бўлган маданият. Халқ ижодининг муаллифлари одатда номаълумдир. Жумладан, афсоналар, эртақлар, достонлар («Гўрўғли», «Алпомиш» ва ҳ.к.) шулар жумласидан бўлиб, улар якка (масалан, бахшилар), гуруҳий (кўшиқ ёки ўйин

ижроси) ёки оммавий (масалан, сайиллар, халқ байрамлари) кўринишига эга бўлиши мумкин.

3. Оммавий маданият — XX аср ўрталарида оммавий мулоқот ва ахборот воситаларининг жамият ҳаётига чуқур кириб бориши ва барча ижтимоий гуруҳлар учун етарли бўлиши натижасида шаклланган ва моҳиятан барча ёшдаги аҳоли учун тушунарли бўлган маданият намуналари (оммавий эстрада мусикаси, цирк ва х.к.). Оммавий маданият одатда киборлар ёки халқ маданиятига нисбатан камроқ бадиий кадрга эга ва у омма томонидан ўзлаштирилишига мўлжаллаб яратилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, миллий истиқлол ғояси «Маданият ва санъат соҳалари фаолиятининг бутунлай тижорат асосида ташкил этилишига, ғоявий бадиий жиҳатдан саёз, миллий кадриятларимизга ёш асарларнинг етакчи ўрнини эгаллаб олишга йўл қўймаслик муҳим аҳамият касб этади.

2. Дин ва диний муносабатлар социологияси.

Ижтимоий ҳаётнинг муҳим жабҳаси бўлган дин ва диний эътиқод масаласи социология фанининг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Социология жамият ҳаётини ўрганар экан, шу ҳаётнинг муҳим таркибий қисми бўлган ва айна пайтда унга кучли таъсир ўтказувчи омил – дин доимо унинг диққат марказий бўлган. Социология фанининг асосчиси ҳисобланувчи О. Конт жамият тараққиётини даврларга бўлар экан, асосий мезонларидан бири сифртида динга муражат қилади. Унинг таснифида инсоният ўз ривожига уч босқични босиб ўтади. Булар куйидагилар; теологик, метафизик, ва илмий босқичлар. Конт фирича, ҳар учала босқичда ҳам дин муайян роль ўйнайди.

Диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрин ва ролини таҳлил қилиш учун, аввало, дин ўзи нима? деган саволга жавоб топиш керак. Бу савол жўнгина туюлса ҳам унга жавоб бериш анча мураккаб. Бу саволга диншунослик, социология ва фалсафадаги турли оқимлар турлича жавоб беради. Бу жавобларнинг аксарияти эса бир-бирига зид ва бир-бирини инкор қилади

Шўролар даврида чиқарилган фалсафа ва атеизмга оид адабиётларда дин воқеликнинг кишилар онгидаги фантастик инъикоси, деб таърифланган ва у халқ учун афъюн, деб эълон қилинганди.

Бу адабиётларда диннинг асосий белгиларидан бири илоҳий кучга, яъни худога ишониш, деб белгиланарди. холбуки, дунёда шундай динлар борки, уларда худо тушунчаси умуман йўқ. Социология ва диншуносликка оид мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш уларда кўплаб таърифлар берилганини крсатади. Биз бу таърифлар қаторига яна биттасини қўшиш ўрнига диннинг ўзига хос белгиларини санаб ўтмоқчимиз. Улар куйидагилар;

I. Муайян эътиқод ва таълимотнинг мавжудлиги. ҳар бир дин дунёни ўз нуқтаи назарича изоҳлайди ва ишонувчиларда муайян эътиқод шакллантиради.

II. Маросим ва расм-русумлар. ҳар бир дин ўзига хос маросим ва расм-русумларга эга.

III. Диний маросим, расм-русумлар муайян қисмининг фақат белгиланган жойларда жамоа бўлиб бажарилиши. Масалан, яҳудий ва христиан динида ибодатнинг асосий қисми фақат синагога ва черковда бажарилади. Ислом динида эркаклар томонидан ўқиладиган намоз асосан жоме масжидларида ўқилади. Динлар сеҳргарликдан аввало мана шу белги билан, яъни маросимларни муайян жойларда бажариш билан фарқланадилар. Сеҳргар ва шаманлар ғайритабиий ҳаракатларни индивидуал ҳолатда бажарсалар, диндорлар диний маросим ва ибодатларнинг асосий қисмини жамоа бўлиб бажарадилар.

Санаб ўтилган белгиларни учаласи ҳам дунёвий динларнинг барчасида мавжуд. Бу динлар куйидагилар: иудаизм, христианлик ва ислом.

Иудаизм (яҳудий дини) улар ичида энг қадимийси бўлиб, миллоддан тахминан минг йиллар олдин шаклланган. Бу дин ўша даврда мавжуд бўлган бошқа динлардан фарқли ўлароқ, яқка худони тан олган.

Милодий эранинг дастлабки асрларда яҳудийлар дунёнинг кўп мамлакатларига тарқаб катдилар, лекин бирор мамлакатда иудаизм расмий дин сифатида тан олинмади. Кўп

жойларда бу дин вакиллари таъқиб остига олинди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида миллионлаб яҳудийлар нацистларнинг концлагерларида ўлдириб юборилди. Уруш тугагач, Исроил давлати ташкил топди ва унда иудаизм расмий дин сифатида эътироф этилди.

Христианлик дастлавлал секта сифатида иудаизм таркибида вужудга келди ва Кичик Осиё, Юнонистон ва Римда тарқала бошлади. Император Константин даврида бу дин Рим империясининг расмий дини деб эълон қилинди. Милодий эра давомида христеанлик ғарб мамлакатларида асосий дин бўлиб келмоқда. Христианликнинг православие, католицизм, протестантлик каби бир неча тармоқ ва оқимлари мавжуд.

Ислом дини VII асрда шаклланди. Бу диннинг асосини беш рукн ташкил қилади. 1. Йимон; 2. Намоз; 3. Рўза; 4. Закот; 5.ҳаж.

Исломда суннийлик ва шиа йўналишлари бўлиб, улар ҳам ўз навбатида бир қатор мазҳабларга бўлинади. Мусумон дини дунёнинг беш қитъасида ва деярли барча мамлакатларда мавжуд. Саудия Арабистон, Ливия, Бирлашган Араб Амирликлари, Йордания, Жазоир, Покистон, Эрон каби эълон қилинган. Ислом динида ҳам мўътадил ва ақидапараст оқимлар мавжуд.

Халқаро микёсдаги воқелик диннинг жамият ҳаётидаги мавқеи масаласига қайта-қайта, изчиллик ва холислик билан мурожаат этиш эҳтиёжини туғдирмоқда. Жумладан, Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг табри билан айтганда кенг маданий ҳудуд маъносида мусулмон оламининг ажралмас қисми бўлган халқимиз менталитетининг ўқилдизлари кўп жиҳатдан айнан исломдан озиқланиб келаётган Ўзбекистонда ҳам бундай эҳтиёж етилиб келди. Диннинг жамият тараққиётидаги ўрнини ўрганиш, унинг атрофидаги муаммолар ечимини топиш долзарб вазифалардан саналади.

Дин, жумладан, ислом дини ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида қандай ўрин тутади? Моҳиятига кўра тараққийпарвар бўлган ислом дини халқнинг маънавий ҳаётини бойитишда қандай вазифаларни бажаради? Албатта, бу каби саволларга жавоб топиш исломшунослик нуқтаи назаридан аниқ тадқиқотларни талаб қилади.

Жамият тараққий этган сари динга эътиқод қилувчилар кўпаймоқда, хусусан ислом динига ҳам. “Ўтган асрнинг бошида ер юзида мусулмонлар 200 млн. нафар бўлган бўлса, 80 йилларга келиб бу рақам 837 млн.га етди. Айни пайтга келиб эса ислом динига эътиқод қилувчилар 1млрд. 300млн. кишидан ортиқдир (2000 йилги маълумот.)”⁵⁰

Маълумки, 1400 йиллик тарихга эга ислом маданияти илм-фан ва тараққиётга ҳисса қўшиб келмоқда. Мамлакатимизда миллий мустақиллик эълон қилинган кунларданок ислом динига умуминсоний кадрият сифатида эътибор кучайди. Исломий кадриятларни ўрганиш ва уйғотиш борасида улкан ишлар қилинди. “”Қуръони қарим”8марта, миллион доналик умумий тиражда чоп этилди. Биринчи бор бу китоб Алоуддин Мансур таржимасида 300 минг тиражда чиқарилган эди. Айни пайтда Тошкентда Ислом университети, Бутунжаҳон ислом тадқиқот маркази, Имом Бухорий номидаги жамғарма, Эшон Бобоҳон номидаги аёллар мадрасаси, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасаси ҳамда бошқа кўплаб муассасалар фаолият юритмоқда. Биргина Хоразм вилоятида 80 та масжид ва битта мадраса ишлаб турибди”⁵¹.

Уч оламий диндан ташқари, буддавийлик, индуизм, кунфучилик, каби динлар ҳам кўп миллионлик тарафдорларига эга.

Индуизм миллоддани аввалги мингйилликда шаклланган. Бу дин тарафдорлари асосанҳиндистонда истиқомат қилади.

Бу дин таълимотига кўра, Ерда туғилиш, ўлим ва қайта туғилиш жараёни абадий кечади. Янги туғилганлар танасига аввал ўлганларнинг руҳи жойлашади. Бу руҳнинг аввалги ҳаётдаги мавқеига мос равишда инсонлар ижтимоий ҳаётда ўз мавқеларига эга бўладилар. Шунинг қилиб, бу дин одамларнинг касталарга бўлинишини илоҳий сабаблар билан изоҳлайди.

⁵⁰ Ғаниев Ж. Умумбашарий кадрият. “Қонун ҳимоясида”. 2004. 9-сон. 36 бет.

⁵¹ Ғаниев Ж. Умумбашарий кадрият. “Қонун ҳимоясида”. 2004. 9-сон. 36 бет.

Буддавийлик, кунфучилик ва даосизм динлари учун умумий хусусият шундаки, уларнинг тарафдорлари худони эътироф этмайдилар.

Буддавийлик миллоддан аввалги VI асрда Неполда яшаган Судхарт Гаутама таълимотидан бошланади. Унга кўра, инсонлар туғилиш ва қайта туғилиш доирасидан ўз хоҳиш ва эҳтиросларидан воз кечиш орқали чиқишлари мумкин. Буддавийликнинг асосини нирвана тўғрисидаги таълимот ташкил қилади. Бу дин Таиланд, Бирма, Непол, Шри-Ланка, Хитой, Япония, Корея сингари мамлакатлар тарқалган.

Кунфучилик миллоддан аввалги VI асрда яшаган Кун-Фу-Чи таълимотига асосланади. У Будда билан бир вақтда яшаган бўлиб инсоннинг табиат билан уйғунлашиш йўлларини ахтарган.

Ғарбда социологиянинг фанга айланиши О. Кант номи билан боғланса-да, ундан кўп асрлар аввал ҳам Ғарб ва Шарқ олимлари дин ва жамият муаммоси устида кўп бош қотирганлар. Бу масалада Марказий Осиёда етишиб чиққан улкан алломалар Юсуф Хосхожиб, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари ўнлаб ва юзлаб олиму фузалолар чуқур фикрлар билдирганлар. Кичик бир бобда диннинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни тўғрисида Марказий Осиёлик олимлар билдирган фикрларнинг барчасини қамраб олиш имкони йўқ. Шунинг учун Марказий Осиёдан етишиб чиққан олимлар ижодида диннинг жамиятда тутган ўрнига катта эътибор берилганини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу олимлар диннинг ижтимоий ҳаётидаги ўрнини таҳлил қилар эканлар, бир динни мадҳ этиб бошқасини танқид қилиш йўлидан бормадилар. Улар турли динларнинг жамият тараққиётига ўтказаяётган таъсирини таҳлил қилишда кузатиш, қиёслаш ва тарихийлик усулларидан кенг фойдаландилар. Хусусан, Абу Райҳон Беруний ўзининг қатор асарларида, айниқса “Ҳиндистон” китобида турли қабилалар, элатлар ваҳалқлар ҳаётида динлар қандай роль ўйнаганини чуқур таҳлил қилиб берди.

Ғарб ва Шарқ олимлари дин ва диний оқимларнинг одамлар ва жамият ҳаётига ўтказадиган таъсири қанчалик чуқурфикр билдирмасинлар, дин социологияси махсус илмий йўналиш сифатида XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланди.

Дин социологиясининг шакилланиши М. Вебер номи ва илмий фаолияти билан боғлиқ. Социология фанининг асосчиларидан бири ҳисобланади немис олими М. Вебер ижодидан динни социологик таҳлил қилиш марказий ўринни эгаллайди. Барча динларни инкор қилиб, уларни халқ учун афъюн, деб эълон қилган Маркс таълимотидан фарқли ўлароқ, Макс Вебер дин ва жамият муносабатини таҳлил қилар экан умуман дин тўғрисида эмас, муайян даврдаги муайян дин ёки диний оқим тўғрисида фикр юритади.

Макс Вебернинг фандаги энг катта хизматларидан бири, унинг христиан динидаги протестантлик мазҳабининг иқтисодий тараққиётга ўтказган таъсирини кашф этишида бўлди. Унинг назариясида кўра, бойликни, бойлик ортиришга интилишни унча хушламайдаган христиан дини мазҳаблари иқтисодий тараққиётга муайян даражада тўсиқлик қилганлар. Бойликни худонинг неъматини, унга интилишни эса бандаларнинг бурчи деб талқин қиладиган протестантлик эса иқтисодий тараққиёт ва капиталистик муносабатларнинг ривожланишига кучли туртки беради. Вебер талқинида, протестантлик капитализм вуждга келишидаги асосий сабаблардан бири эди.

Вебер издошилари унинг фандаги хизматларини кўкларга кўтариб мақташди. Унинг хизматларини эътироф этиш билан бирга, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, у иқтисодий тараққиётга фақат бир диний мазҳаб – протестантликнинг ўтказган таъсирини кенг тадқиқ қилди.

Динларни таҳлил қилар экан, М. Вебер улар саноат капитализми ривожланишига ғов бўлмоқда, деган хулосага келди. Молиявий муносабатларга чекловлар қўйиш, ижтимоий ҳаётга пассив муносабатини тарғиб қилиш орқали бу динлар, Вебер фикрича, ижтимоий тараққиётга тўсиқлик қилади. Унинг талқинида христиан дини, айниқса протестантлик мазҳаби ҳаётдаги адолатсизликни пассив кузатиб ўтирмай, уни бартараф қилиш учун фаол курашга чақириш орқали ижтимоий тараққиётга катта туртки беради.

Ислом динидаги оқимлар, мазҳаблар, йўналишлар турлича бўлиб, уларнинг барчаси фақатгина ўзлари мансуб бўлган мазҳаб ёки йўналиш ҳақиқий ислом дини экани, бошқалар эса йўлдан адашганлар, деб даъво қилишади. Бошқа динларда бўлгани каби исломда ҳам ақидапараст (фундаменталистик) ва мўътадил оқимлар ўртасида кураш борган. Ақидапараст оқимларнинг вакиллари динни илк пайдо бўлиш давридаги ҳолатга қайтармоқчи бўладилар. Аслида эса бу ғоялар мавжуд тузумдан норозилик аломати бўлиб, ижтимоий тараққиёт йўналишини орқага буриш учун уриниш ифодасидир. Марказий Осиёда ақидапарастларнинг кескин хуружларидан бири XX аср бошларида юз берди. Ҳижоздан кириб келган ақидапараст оқимлар Марказий Осиёда ижтимоий тангликни келтириб чиқардилар. Билъатга қарши ниқобида улар ижтимоий ҳаётда юз берган барча янгиликларни йўқ қилиш учун кураш бошладилар.

Ақидапарастларнинг ижтимоий тараққиётни ортга қайтариш учун қилган ҳаракатларига қарши тараққийпарвар маърифатчилар ҳаракати вужуда келди. Тарихда жадиличлик номини олган бу ҳаракат намоёндалари халқни илм-маърифатли қилиш, диний эътиқодда мутаассибликдан мўътадиллик томон юз тутиш ғоялари билан чиқдилар.

Маърифатчилик ҳаракатини вужудга келтирган асосий сабаблардан бири диний фикр илмини талқин қилишда усули қадимия ва усули жадидия ўртасидаги мунозара ва курашлар орасида эди. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, XIX аср охири ва XX аср бошларида диний ақидапараст атамаси муомалада деярли бўлмаган. Унинг ўрнида “қадимчилар” атамаси кенг қўлланилган. Қадимчилар динни “асил” ҳолига қайтариш, янгиликларида ҳимоя қилиш учун қаракат қилганлар. Усули жадидия тарафдорлари, яъни маърифатчилик меъёрларни белилашда жамиятда юз берган ва бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш, янгиликларини қўллаш тарафдори эдилар. Бу икки йўналиш ўртасида тортишувлар шаклида юз берди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маърифатчилар тортишувларни фақат мунозара ва баҳс йўли билан ечишга интилганлар. Ақидапараст қадимчилар эса очиқ мунозарада маърифатчиларни енгишга кўзлари етмагач, куч ишлатиш ва қон тўкиш йўлига ўтганлар. Бу усул, яъни назарий ва маънавий масалалар бўйича мунозараларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга уриниш диний ақидапарастликка хос бўлган экстремистик усулдир. Маънавий ва мафкуравий масалаларни мунозара йўли билан эмас, куч ишлатиш орқали ҳал қилишга уриниш ақидапарастларнинг кучлилигидан эмас, ожизлигидан гувоҳлик беради. Чунки улар муаммони маданий мунозара йўли билан ечишга рози бўлишса, ютқазиб қўйишга ақллари етарди. Кўҳна тарихда доимо шундай бўлиб келган. Ақидапарастлар назарий ва мафкуравий баҳсларни ҳар доим хунрезликка айлантиришга уринганлар.

Маърифатчилик ҳаракати қадамчилик, яъни диний ақидапарастликнинг жаҳолат йўли, миллат учун хатарли йўл эканини халққа тушунтириш мақсадида майдонга чиқди. Шу мақсад йўлида улар маърифат ва мафкура соҳасида ҳам назарий, ҳам амалий фаолият олиб бордилар. Қадимчилар, яъни диний ақидапарастлар ҳам жим турмадилар. Аввалига улар маърифатчиларни назарий жиҳатдан енгмоқчи бўлдилар. Лекин маърифатли зиёлилардан иборат ҳаракатни бу соҳада енга олмасликларига уларнинг кўзлари етди. Дунёда кўп марта такрорланган ҳодиса, ақидапарастликнинг диний, назарий тортишувларида енгилиши ва зўровонлик ўтиши Туркистонда ҳам қайтарилди. Ақидапарастлар энди қарши террор йўлига ўтдилар.

Октябрь тўнтариши арафаси ва ундан кейинги дастлабки йиллар ақидапарастларнинг маърифатчиларга қарши хунрезликлари энг авжга минган давр эди. 1918 йил февралда ақидапараст Бухоро қозиси маърифатчиларни кофир деб эълон қилди ва уларни кўрган жойда ўлдириш туғрисида фатво чиқарди. Бу ўринда маърифатчилар ҳеч қачон ислом динига, айниқса ҳанафийлик мазҳабига қарши фаолият олиб бормаганларини эслаш лозим. Улар диндор одамлар эдилар. Уларнинг Туркистондаги етакчиси Махмудхўжа Бехбудий Самарқанд муфтийси эди. Улар ўзлари яшаган даврга халифалик даври нуктаи назаридан эмас, XX аср ибтидоси нуктаи назаридан реал қарардилар. Худи ша нарса уларнинг Бухоро

қозиси ва бошқа ақидапараст уламолар томонидан кофир, деб эълон қилинишига сабаб бўлди.

Қозининг фатвосига кўра, “Кимда-ким ёқали кўйлагига тугма қадалган бўлса, костном кийган кишилар ҳам, кимда-ким соқоли қисқа бўлиб, мўйлови узун бўлса ҳам, ким агар ўз боласини янги усул мактабига берган бўлса, кимда-ким газета ўқиса, ёки газета ўқийдиганлар билан борди-келди қилса, рус тилини оз-моз биладиганлар ҳам кофирлардир”. Манна шу санаб ўтилган белгилар асосида одамларни тутиб олиб калтаклаш, ўлдириш бошланди. Шу олатаъсирда фойдаланиб, кўпчилик қадимчи ақидапарастлар ўз мохолифларини, яъни янгиликка интилган, аммо ҳанафий масхаб доирасида четга чиқмаган жуда кўп мусулмонларни йўқ қилиб юбордилар. Тўполонлардан ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолмоқчи бўлганлар ўз душманлари ёки ўзига ёқмаган одамларни ҳам ўлдириб юбораётганини билган амир, 1918 йил 5 мартда фармон чиқарди. Унга кўра, жадидликка гумон қилинганлар Аркка олиб келиниши керак эди.

Бир неча кун ичида Арк маҳбусларга тўлиб кетди. Қадимчи ақидапараст томонидан ўлимга маҳкум этилганлар шу даражада кўп эдики, жаллоднинг қўли қўлига тегмасди. ҳар қанча тез ва чакқон ишламасин, у ўз вазифасини тўла божаришга, яъни маҳкумларнинг бошини танасидан жудо қилишга улгурмасди. Шунинг учун у мана шу кунларда ўзига шогирдлар олганди. хаваскор жаллодлар ҳам бир неча минг кишини дорга осишда устозларига кўмак беришган.

Бухородаги хунрезликка ўхшаш ҳодисалар бу кўмамда бўлмаса-да, бошқа хонликларда ҳам ўша ердаги қадимчи ақидапарастлар таъсирида содир этилган эди.

Маърифатчиларнинг етакчилари жон сақлаш учун амирликдан ташқарига чиқиб кетишга мажбур бўлди. Қолганлари эса ақидапарастлар томонидан сўйиб ташландилар ёки дорга осилдилар. Сўйилганлар орасида Туркистон жадидларининг етакчиси Махмудхўжа Бехбудий ҳам бор эди. Динни байроқ қилиб хунрезликлар қилган қадимчи ақидапарастлар Бехбудийга ўлим олдидан икки ракаат намоз ўқишга ҳам рухсат бермадилар. Шу ҳодисанинг ўзи ҳам уларнинг ҳақиқий башарасини кўрсатади.

Амирликдан анча узоқда – Тошкентда яшаган Абдулла Авлоний ҳам қадамчилар томонидан ўлимга ҳукм қилинади. Бундай ҳукмга сабаб эса у нашр қилаётган “Турон” газетасида босилган миллатни, халқни уйғонишга, тараққиётга ундовчи мақолалар эди. Фақатгина орқали тавба-тазарру қилиш Авлонийни ўлимдан сақлаб қолди. Бу тавба Авлоний эътиқодидан воз кечгани сабабли эмас, тактик мақсадларида қилинган эди. Бундай мисолларни маърифатчилар ҳаётдан кўплаб келтириш мумкин. Охир-оқибат диний ақидапарастлар жадидлар ҳаракатига катта зара етказдилар.

Диний ақидапарастлар қирғиндан омон қолган бўлдилар. 20-30-йилларда комунистик тузум жадидларнинг қадимчилар қирғинидан тирик қолганларини қириб битирди. Шундай қилиб, жадидлар икки ақидапараст террористик кучлар: диний ақидапарастлар ва комунистик ақидапарастлар томонидан таъқиб ва қирғин қилиндилар. Чунки улар тарғиб қилган маърифат ва истиқлол мафқураси халифаликни тикламоқчи бўлган диний ақидапарастларнинг ҳам, калтани чўзиб, узунни узиб барчани тенг қилмоқчи бўлган комунистик ақидапарастларнинг ҳам мафқурасига тўғри келмас эди.

XX аср бошлари Марказий Осиёда жуда кўп хунрезликларга сабаб бўлган диний ақидапарастлик аср сўнгида ҳам ижтимоий тангликни келтириб чиқаришга уринди. Шўролар тузумининг охирги йилларида ҳокимиятнинг бўшашгани ва кишилар онгида мафқуравий бўшлиқ вужудга келганидан фойдаланиб, ақидапарастлар ўзларининг мавқеларини мустақкамлаб олишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг бу ҳаракати Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки йилларда ҳам давом этди. Ўзларини етарли кучга эга, деб ҳисоблаган ақидапарастлар Ўзбекистондаги конституциявий тузумни зўрлик йўли билан ағдаришга уриндилар. 1999 йил 16 февралда Тошкентда бўлиб ўтган потилатишлар, бундан олдинроқ Фарғона водийсида ва бошқа баъзи вилоятларда бўлиб ўтган салбий ҳодисалар шундан гувоҳлик беради. Лекин аср бошида маърифатпарвар кучларга қаттиқ зарба берган ақидапарастлар аср сўнгида ўз қилмишлари туфайли халқнинг қаҳр-ғазабига учради. Мана

шу ҳодиса ҳам диний оқимлар радикаллашиб ақидапарастликка айлана борган сари ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлиши ва аксинча, мўтадил оқимлар ижтимоий барқарорликка баракали ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини тасдиқлайди.

XX аср ўрталарида социология фанида “фуқаролик динлари” тушунчаси пайдо бўлди. Бу тушунча илоҳий кучлар ва ҳодисаларга эмас, ижтимоий тумушидаги нарса-ҳодисаларга сиғинишни англатади. Масалан, Буюк Британия, АҚШ каби мамлакатларда байроқ, мадҳияга чексиз ҳурматни, тахтга ўтириш ва иннаугурация маросимларини бу тушунча тарафдорлари диний маросимлар билан тенглаштирадilar. Собиқ Совет Иттифоқида Маркс, Энгельс, Ленин шахслари амалда илоҳийлаштирилган эди. Улар шаънига, айниқса, Ленин шаънига бирор таниқдий гап айтиш ман қилинган, уларнинг ишлари ва гапларини фақат мадҳ этишга ижозат берилган эди. Бу ҳодисалар XX аср иккинчи яримида диний социология йўналишларида фуқаролик динлари, деб аталади.

Шундай қилиб дин социологияси ижтимоий фикрда дин атамаси билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий хулқни ўрганади. Мустақил Ўзбекистонда динга миллий қадрият сифатида қаралиши халқ онгида ушбу ҳодисага нисбатан тўғри ҳолис муносабатнинг шаклланишига замин бўлди. Бу борадаги ёшлар ва фикр тарбиясининг асосий йўналиши ҳам силом динига хос бўлган инсонипарварлик тамойилларини онга сингдириб боришни тақозо этади.

3. Ахлоқ социологиясининг моҳияти.

Ахлоқ ижтимоий онг сифатида муайян халқ, элат ёки уюшманинг асрлар шаклланган хулқ-атвор хатти-харакатлар, ҳис-туйғу ва кишилар ўртасидаги ўзаро реал муносабатлартизимини ифода этади. Ахлоқ муайян халқнинг атроф муҳитга, кишиларга ва ўз-ўзига бўлган муносабатлари сифатида, бир жиҳатдан, маҳаллий-миллий хусусияга эга бўлса, иккинчи жиҳатдан, миллатнинг умумжамият талабларига уйғун мувофиқлигини таъминловчи умуминсоний хусусиятга ҳам эгадир.

Ахлоқ ва ижтимоий муносабатлар учун муштарак манбалардан бири, табиийки, тил ҳисобниб, у ижтимоий ахборотни сақловчи, ифодаловчи ва етказувчи муҳим восита бўлиб, кишилар хатти-харакати, феъл-атвори (ахлоқий таъсир-таъйик, ишонтириш, тушинтириш, рағбатлантириш, жазолаш ва ҳ.к.) бошқариш омилидир. Тил мулоқот калити-ижтимоий муносабатларга тарихий-табиий маҳсулудир.

Ахлоқ ва жамоатчилик фикри ҳодисаларининг боғлиқлиги инсоният тараққиётининг илк босқичи ва ундан кейинги дарвларида намоён бўла бошлаган бўлиб, у қабила ҳамда элатлар маиший ва ижтимоий онгида ўз таъсирини ўтказа бошлаган.

Қадимги шарқ фалсафасида уч мезон, уч тушунча муқаддас саналган. Булар: ахлоқ, оила ва давлатдир. Ахлоқ илми яхшилик ва ёмонлик тушунчасини қиёсий ўрганади. Кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги низо ва муаммоларни бартараф этишда қандай ғояларни илгари суриш кераклигини шарҳлаб, қилиниши лозим бўлган эзгу ишларнинг аҳамиятини ёритади. Инсон, миллат, халқ ва давлат тушунчаларини тўғри идрок эътишда ҳам асосий ўлчов ахлоқ ҳисобланади. Шу боис олиму фозиллар жамиятнинг равнақи учун ахлоқ ниҳоятда зарур деган яқдил хулосага келганлар.

Айтиш мумкинки, ахлоқ тушунчаси ҳамиша миллий тарбиямизнинг асосини ташкил этиб келган. Шу ўринда “ҳалқимиз орасида кўп қўлланиладиган” ўзбекчилик” деган иборага эътибор қаратайлик. Унда одамнинг насл-насаби, оиласи, маҳалласи, билим олган даргоҳи, ишлайдиган жамоасига эътибор қаратилади. Яъни, инсоннинг хулқ-атвори, яшаш тарзи, одамлар билан муносабати жамоатчилик назари остида бўлади. Унинг энг мақбул кўриниши яхшилик йўлидаги ўзаро ёрдамдир. Бу вазифани маҳалла ижтимоий институти таъминлайди. Бола тарбияси ҳақида гап кетганда, маҳалла билан оилани бир-биридан айрича тасаввур этиб бўлмайди”⁵²

⁵² Саифназарова Ф. Оила – жамият таянчи. “Қонун ҳимоясида”. 2004. 9-сон. 17 бет.

Маиший ҳаёт доирасида ахлоқ асосан қуйидаги йўналишларда намоён бўлган: а) муносабатлар, в) фаолият. Ахлоқий сифатлар инсонинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлиб, унинг гносеологик, иқтисодий ва ижтимоий келиб чиқиши, ҳозирги мавқеи ва ахлоқий қарашларига ишора ва гувоҳлик бериб турган. Ахлоқий сифатлар ёки хатти-ҳаракатлар илк кишилиқ тарихи, яъни инсониятнинг заминга дастлабки қадамлар қўйилишидан шаклланиш босқичига кирган ва у боисдан ҳар бир халқ, у ўзига хос ва бетакрорлар. Худди шунингдек, миллат ва элатлар ижтимоий онгининг муайян ҳолати ҳисобланмиш жамоатчилик фикри ҳам ўзининг шаклланиш манбаларининг салмоғи, реал кучга айланиш суръати, уюшқоқлик даражаси, ҳиссий-эмоционал потенциали ҳамда мантикий-интеллектуал асосларига кўра миллий, иқлимий, маҳаллий ҳамда регионал ўзига хосликларга эгадир.

Ахлоқ асрлар давомида одамларни жамоага, уюшувга, бошқалар манфаатини шахсий манфаатлардан юқори қўйиб, ёндашувга ундаб келган. Бу хусусда улуғ донишмандлар ибратли фикр-қарашларни илгари сурганлар. Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбандий айтар эдилар: “Ҳар ким ўзгаларни хоҳласа, ўзини хоҳлабди, кимки ўзгани хоҳламабди, билсинки, ўзини хоҳламабди”⁵³.

Шарқ ахлоқ қоидалар нафақат шахсни уюшувга ундайди, балки уюшган ҳолда ҳам кишининг шахс сифатидаги бир бутунлиги барқарор турмоғи, жамоавий интеграция доирасида ҳам руҳий ботиний яхлитлик сақланмоғи зарурлиги, умумий бир бутунлик кўплаб сержило ва мустақил яхлитликлар йиғмасидан иборатлигини ёрқин ифодалайди. Жамоада шахс бир бутунлиги емирилмайди, умумлаштиришлар негизига қурбон этилмайди, балки мантикий мувофиқлик мезони доирасида уйғун бирлашув жараёни табиий равишда амалга оширилади. Айни чоғда шуни эътиборда сақлаш керакки, ҳар қандай уйғунлашув ўлчовсиз, чегарасиз бўлмаслиги, ҳар бир ҳаракатда мезон ҳисси ва ақлий ҳушёрлик бўлиши халқимиз феъл-атворида хос анъанавий белгидир.

Жамоада ўзликни англаш, аммо унда гегемонлик ҳуқуқини талаб этмаслик, мақсадга интилишда камтар ва камсуқумлик даҳоларимиз илгари сурган муқаддас шиорлардан эди. Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандий уқтирган “Хилват дар анжуман (анжуманда хилват ёхуд жамоада ўзликда қолиш), сафар дар ватан (ватанда сафар, ёхуд ўз ўлкада мутлоқ эмаслигинг, бу фано замонда меҳмонлигингни доимо ҳис этишинг) ва зоҳирда халқ билан, аммо ботинда ҳақ билан бўлиш”⁵⁴ хусусидаги ўғитлари фикримизнинг исботидир.

Мовароуннаҳр халқлари ахлоқ тизими жамоатчилик фикрининг салмоғини, унинг ҳақ ва ва ислом қоидаларига нечоғли мувофиқ келишига боғлиқ эканлигини алоҳида қайд этади. Шу жамоа аъзоларининг тўғри ва ҳалоллиги гуноҳ ишлардан. Қанчалик ўзларини фориғ тута билишлари билан ҳам ўлчанишига эътибор қаратади. Айни чоғда жамоа аъзолари гуноҳ йўлга киргудек бўлсалар, уларни тарбиялаш ишидан бўйин товламаслик зарурлиги ҳам уқтирилади. “Бу тоифа ахлидан ҳар Ким бир гуноҳ қилса, унга чора-бор, бироқ ундан юз ўгириш раво эмас”⁵⁵.

Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандий айни чоғда ахлоқнинг буюк қудрати ва салоҳияти, унинг чексиз имкониятларига юксак баҳо беради. Халқни айблаш нотўғри ва беҳуда иш эканлигини уқтиради. Мабодо, эл-улус тўғри ахлоқ изнидан ва ҳатто ҳақ йўлидан адашган ҳолда ҳам унга тушуниш кўзи билан қарамоқ лозимлиги, халқни бевосита эмас, билвосита усулларда тарбияламоқ жоизлигини тайинлайди.

Улуғ ҳазрат яна бир ўринда “Ширқ (динга риоя этмаслик) умум, яъний оддий халқдан кечиримлидир, аммо хусус (хос бандалардан) кечиримли эмас”¹, дея ҳар бир хатти-ҳаракат учун шахсий масъулият ҳиссининг оширилишига даъват этади.

Зеро, инсон бир умир шаклланади, тарбияланиб боради. аслида инсон ўз ҳаётини бутун умр давомида маъқулроқ тартибларга тушириш, жамият талабларига мувофиқроқ

⁵³ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Баҳовуддин Балогардон. Т; “Ёзувчи”, 1993, 95-бет.

⁵⁴ Баҳовуддин Балогардон 72-бет

⁵⁵ Баҳовуддин Балогардон, 80-бет.

¹ Баҳовуддин Балогардон 93-бет

йўналишларга солиш ташвишлари билан яшаб ўтади. Шу боисдан ҳам жамоатчилик фикри ахлоқий қарашлари, талаб ва йўриқларига ҳар жиҳатдан боғлиқ бўлиб келади.

Жамият жамоатчилик фикри орқали шахс зиммасига ижтимоий тизум, шаклланган ахлоқий қарашлар, анъана ва урф-одатлар мантиғидан келиб чиқувчи кўпгина талаблар, саъйҳаракатлар, иш юритиш, турмуш тутишда қатор мажбуриятларни ҳисобга олиш масъулиятини ҳам юклайди. Ахлоқий қарашларнинг жамоатчилик фикри ҳосил этиш имкониятлари қанчалик ката бўлса, унинг оммага таъсир доираси шунчалик теран ва таъсирчан бўлади. Шу боисдан ҳам ҳар бир ахлоқий талаб ва қоида жамият томонидан тўла маъқулланган ва ўзлаштирилган бўлиши зарур. Шахснинг жамият ҳаётига бўлган иштироки қанчалик юқори бўлса, унинг ахлоқ тизимида ижтимоий масъулияти ва вазифалари салмоғи ҳам шунчалик катта бўлади. Шахснинг ижтимоийлашув жараёни эса меҳнат, фаолият билан чамбарчас боғлиқдир.

Инсониятнинг онгли фаолияти бошланган илк даврларда инсоннинг ташқи дунё билан боғлиқлигини англатувчи илк мафкуравий йўналиш тотемизм, яъни ибтидоий жамоа кишисининг ўз келиб чиқишини турли хил ҳайвон-қушларга олиб бориб тақаш нуқтаи назари чуқур илдиз отди. Бу хусусият ҳар хил элатларда турлича намоён бўлиб, тегишли ҳайвонларда ўз ўтмишини кўриш, шу ҳайвонлар билан боғлиқ тассавур, рамзлар, одат ҳамда иримлар тизимини ҳам юзага келтирди. Масалан: хиндларда сугир, қозоқларда учқур от, инглизларда бургут, ўзбекларда афсонавийҳумо қуши ва х.к.. Тотемизм халқларнинг ташқи дунё билан боғлиқ илдизларини излаш хоҳиш-истаклари, табиат билан уйғунлашув, ундан ҳимоя излаш, ҳамкор топиш интилишларидан гувоҳлик беради. Бу хусусда кенгрок маълумотлар махсус адабиётларда атрофлича баён этилади.²

Тотемизм халқлар маънавиятининг шаклланишида муҳим босқич ҳисобланиб, у илк мафкуравий силсила сифатида элатларнинг этник жиҳатдан ўз-ўзини англаш қобилияти ҳамда этник асослардаги жамоатчилик фикрини таркиб топтиришга ката аҳамият касб этади.

Бу давр маънавиятида ахлоқий қоидалар гарчи қоғозларда ифодаланмаган бўлса-да, уруғ умумий қарашларида муҳрланган оғзаки йўсинда ифодаланувчи барча ахлоқий талаблар сўзсиз ва бекаму- кўст бажарилиб бориши билан эътиборлидир. Шу боисдан ҳам уруғ таркибида жисмонан ўз-ўзини сақлаш инстинкти ва саъй-ҳаракатлари билан бир пайтда жамоа умумий фикрининг мўътадил сақланиб туриши, турли антагонистик қарашлар авж олиб кетмаслигининг олдини олиш учун ҳам муайян мафкуравий иш доимий тарзда олиб борилган. Жамоа таркибидаги кишиларнинг ана шундай ахлоқий фаолияти бошқа ижтимоий ташкилий меҳнат турларидан ажралиб турган ва аҳамияти жиҳатидан қуйи мавқеларда бўлмаган.

Матриархат тузумнинг патриархат тузум билан алмашинуви жамоатчилик фикридаги ахлоқ моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Истеъмол муносабатларидан ишлаб чиқариш муносабатларига, тақсимотдаги адолат ва тенглик шарт-шароитларидан ишлаб чиқариш натижасида эришилган неъматларни ўзлаштиришдаги тенгсизлик ҳолатларига ўтилиши матриархат ҳукмронлиги даврига тамомила чек қўйди. Ахлоқий қарашлар манзараси ҳам тубдан ўзгариб, ота образи илоҳийлаштирила бошланди, отага сиғиниш, отага хизмат, иззат-икром чегаралари кенгайди. Кўпхотинлик, қуллар ва чўрилар асраш, эркакларнинг рўзғор ташвишларидан узоклашуви, уруғ таркибидан эркак бошчилигида алоҳида оилаларнинг ажралиб чиқа бошлаши, эрнинг оиладаги ҳукмрон мавқеи ва бошқалар шулар жумласидандир. Табиийки, патриархат ахлоқ қоидаларининг жамият ҳаётида мустаҳкам ўрнашуви учун яна минг йиллаб вақт керак бўлди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айрим халқлар, хусусан, ўзбек халқи ўз маънавияти мазмунида матриархат ва патриархат даврлари асоратларининг энг яхши анъаналарини сақлаб қола билган. Айниқса, миллатимиз маънавий олами замирида бир йўла икки маданият – аёллар

² Чесноков Я.В. Ранние формы этнонимов и этническое самосознание. М., 1971, Токарев С. А. Ранние формы и религии. М., 1964 Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Т., 1964., Аҳмедов Б. Ўтмишдан сабоқлар. Т., 1994 ва х.к.

ҳамда эркаклар маданияти алоҳида-алоҳида амал қилиб келгани, уларнинг бир-бирига узвий боғлиқликда бўлгани ҳолда, айтиш мумкин ҳисобатан мустақил сақланиб ва ривожланиб келганлиги фикримизнинг далилидир. Аёллар маданияти эркакларники билан бир хил замон ва макон доирасида ҳаракат қилганликларига қарамай ҳудудий (ичкари ва ташқари ҳовли), мазмуний (ўзига хос ахлоқий нуқтаи назарлар), рамзий (урф-одат, ирим-расмлар) жиҳатларга кўра фарқли ривожланиб келганлар. Истиқомат ва фаолият макони бўлган ичкари ҳовли аёллар маънавияти тўлақонли намоён бўладиган жой вазифасини, шунингдек, ижтимоий эҳтиёж ва истеъмол талабларига мувофиқ маданий ишлаб чиқариш кўринишларини ҳам яққол ифодалаб келган. Бу ҳусусда муайян камолот даражасида эканлиги эътироф этилган ўзбек аёллар шеърияти, мусиқаси, аёллар характериға хос чанқовуз, дутор каби мусиқа асбоблари, каштачилик, гиламдўзлик, сўзана, зардўзлик сингари санъат турларининг ичкари ҳовлида аёлларимиз қўллари ва қалбидан яратилганлиги фикримизнинг гувоҳидир. Шунингдек, фарзанд тарбиясида ичкари ҳовли кичик ёшли болаларнинг ҳаётга ахлоқан бенуксон етказилишида, комил инсонлар бўлиб етишувида мустаҳкам замин вазифасини ҳам ўтаганидир. Шу боисдан ҳам ўзбек халқи яхлит, тўлақонли маънавий меъросининг икки йўналиши – аёллар ва эркаклар маданияти мавзуси алоҳида ва махсус тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқдир. Айтиш мумкин ўзбек аёллари дунёсида ўзига хос мустақил ахлоқ қоидалари тегишли урф-одатлар, анъана ва маросимларда яққол ифодаланиб келмоқда. Ҳозиргача кўпгина чекка кишлоқларда амал қилиб келаётган тўй ва маъракаларда эркаклардан айрича ўтказилувчи ранг-баранг урф-одатлар, расм-русмлар шунга мисолдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ахлоқий қоида ва талаблар жамият томонидан эътироф этилиб, жамоатчилик фикрида мустаҳкамланган ҳолдагина умрбоқийлик касб этади. Шу боисдан ҳам ахлоқ жамоатчилик фикрининг асоси ва унга бевосита боғлиқ ижтимоий онг кўринишидир.

Ҳар қандай сиёсий тизим биринчи галда ахлоқ асосларини ўзгартиришга интилади. Ҳозирги кундаги ижтимоий муносабатлар мазмунига бозор иқтисодиёти унсурларининг тезкор кириб келиши ахлоқий қарашлар ва уларнинг ифодаси бўлган жамоатчилик фикри мазмунида ҳам катта ўзгаришлар бўлишига олиб келиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон ҳукумати бозор иқтисодиётига қадам қўйишида амалда расм бўлган “Шок усули ёхуд тотал бозор” сиёсатида иш тутмади. Донишманд Президентимизнинг оқилона раҳномалиги натижасида бозор иқтисодиётига тадрижий ўтиб бориш сиёсати мамлакатимизда илк дафъа жуда улуғворлик билан қўлланилдики, ҳозирги пайтда бу тажриба махсус ўрганила бошланди.

Бу жараёнда, аввало анъанавий ахлоқ тизимиға раҳна солинмаслиги, инсоний қадриятлар таназзулиға йўл қўймаслиғига, шахс ва жамоа манфаатлари ўртасида шаклланган мувозанат меъёри бузилмаслиғига алоҳида аҳамият берилди. “Ахлоқ, - деб таъкидлади Президент И.Каримов, - бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани. Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина лафзини сақлайди, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, ватани, халқи учун жонини фидо этишға ҳам ўзини аямайди”¹.

Бундай ҳаёт тарзини жамият ахлоқи ва жамоатчилик фикриға бошқариб туради. Абу Наср Фаробий айтганларидек, “Мамлакат аҳолиси хушхулққа эға бўлмаган тақдирда ҳокимиятға эҳтиёж туғилади”².

Жамоатчилик фикри жамият ахлоқининг ифодаси тарзида намоён бўлгани сабабли, у ахлоқнинг ўзи бўлиб ҳам туюлади. Француз олими Берж бу ҳусусда қизиқарли мулоҳазани

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 1995 йил 24 феврал.

² “Халқ сўзи” газетаси, 1995 йил 15 март.

ўртага ташлайди: “Жамоатчилик фикри ахлоққа жуда ўхшаб кетади, чунки ҳар иккаласи ҳам жамоани ҳукм ўтказиб бошқаради”³.

Жамоатчилик фикрининг жамоани катта ишонч билан бошқаришига асосий сабаб шундан иборатки, у кишилар орасидаги ахлоқий муносабатлар тизимига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Ахлоқий қарашлар эса кишиларнинг кундалик турмуш тарзи орқали уларнинг орзу – ўйлари, мақсадларига эришиш йўлидаги кураш ва баҳсларда туғилади ва бу хатти – ҳаракатлар мазмунинг жамоатчилик фикри томонидан баҳолана бориши жараёнида шаклланади.

Ахлоқий тушунчалар кишиларнинг оддий–одатий турмуш тарзида, кундалик ҳаёт жараёнида таркиб топиб, унинг амалий фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг муайян ҳолати сифатида кишиларнинг атроф-муҳитга муносабатига ва амалий фаолият жараёнларига бевосита таъсир ўтказади. Шу боисдан ҳам ахлоқий қонунлар эл назидан айрича ҳолатларда амал қила олмайди, ёхуд жамоатчилик фикри асрлар мобайнида шаклланган ахлоқий негизларсиз ҳеч қандай таъсир-таъйикқа эга бўла олмайди. Зеро, инсон ўтмиш хотираси, маънавий мерос ва қадриятларсиз, ўз халқининг ғалаба ва мағлубиятлариз тарихий истиқболдан ҳам маҳрум бўлиши шакшубҳасиздир. Шу боисдан ҳам ҳар қандай мустабид тузум энг аввало халқнинг ўтмиши ва ўтмиш билан бевосита боғлиқ бўлган ахлоқий қарашлар негизини кўпоришга интилади.

Сўнгги йилларда умуминсоний қадриятлар ва умумпланетар ахлоқ нормаларини ишлаб чиқишга бўлган саъй-ҳаракатлар бирмунча қулоч ёзди. Умуминсоний ахлоқ тамойиллари мазмунининг жамоатчилик нуқтаи назари, унинг жамоавий баҳоси асосларига қурилиши лозимлиги бугунги кунда, айниқса, долзарб масала сифатида кун тартибига чиқарилмоқда. Хусусан, Америка олими Арчи Бам жаҳон файласуфларининг XV конференциясида (конгрессида) умумжохон ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш зарурияти пишиб етилганлиги ҳамда мазкур катта тадбирнинг тарихий жараёнларда шаклланган ва синовдан ўтган инсоний муносабатлар, гуманистик тамойиллар асосидагина таркиб топтириш лозимлигини алоҳида уқтиради. Бунинг учун эса сайёрамизнинг барча аъзолари учун умумий ягона ахлоқ қоидаларини тузиб берувчи кўмита ташкил этиш зарурлигини ўртага қўйди.

Умумжаҳон ахлоқи асосларини яратиш ғояси гарчи бугунги кунда ҳеч шубҳа уйғотмаса-да, кўп йиллар мобайнида мазкур ижтимоий интилишга бир ёқлама ёндошиш, яхшидан иллат, савобдан қусур излаш тенденцияси ҳукм суриб келди.

Табиийки, халқаро ахлоқ қоидалари куч ёки қурол воситаси ҳаётга жорий этилмайди. Умуминсоний тамойиллари негизига қурилувчи бу ахлоқий қоидалар фақат жамоатчилик фикри орқалигина бошқарилада ваназорат қилиб борилади.

Хуласа сифатида қуйидагиларни алоҳида қайд этиб ўтишни зарур деб ҳисоблаймиз.

1) ахлоқ жамоатчилик фикрини уйғониш, шаклланиш ва амал қилишнинг узвий манбаларидан саналган ҳолда халқ ахлоқи яхлитлигининг юзага келишида жамоатчилик фикри ҳам муҳим ўрин тутаяди, бу икки ижтимоий ҳодиса ҳамма ҳолатларда мустақам алоқада бўлиб туради, бир-бирини тўлдириб, бойитиб боради;

2) жамоатчилик фикри ўзининг шаклланиш манбаларининг салмоғи, кишиларнинг уюшқоқлик даражаси, аҳолининг ҳиссий-эмоционал потенциали, мантиқий-интеллектуал имкониятларига, шунингдек, миллий, иқлимий, маҳаллий ва регионал шарт-шароитларига боғлиқдир;

3) ахлоқ ва жамоатчилик фикрининг ўзаро алоқадорлик меъёри жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий формациясига, ялпи тараққиёт учун танланган ривожланиш дастурига, мантиқий йўналишлар ўзига хослигига, халқ маънавияти ва миллий ўзига хосликлар омилларига боғлиқдир;

4) совет тузуми даврида “аввал иқтисод, кейин сиёсат” ақидасининг амал қилиши, иқтисод, сиёсат “аввал материя сўнг онг” деган моддиёнчилик шиорларининг ғоявий таъсиртаъйиқи остида шакллантирилганлигини пухта ҳисобга олиш зарурдир.

³ Плеханов В.Г. Избранные философские произведения в пяти томах: Том 3. М., Госкомиздат, 1956, с.248.

Маънавиятнинг бирламчилиги, умуминсоний тамойиллар устиворлигини эълон қилиб, озод жамият қуришга киришган Ўзбекистонда нафақат иқтисодий, балки чуқур маънавий бўҳронлар ботқоғидан муваффақият билан чиқилмоқда;

5) жамоатчилик фикри халқ анъана ва урф-одатларига мустаҳкам таянади ва уларнинг жамият ҳаётида амал қилишига имконият яратади. Зеро, анъаналар қарашларнинг прогрессив жихатларини авлоддан авлодга етказувчи муҳим омили халқнинг ўзига хос қиёфасини сақлаб қолиш ваҳимоялаш мезонидир;

б) ахлоқ категориясининг муайян уруғ, қабила, эл-элат ва халқ миқёсларидан халқаро миқёсларга ўсиб ўтиши, умуминсоний тамойиллар негизидаги умумпланетар ахлоқнинг таркиб топишида жамоатчилик фикри ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Айтиш мумкин, ҳақиқатда жамоатчилик фикри ахлоқ жамиятда умумий муроса ва мадоранинг турғун маромини таъминлаш йўлида ўзаро муносабатликда, тадрижий такомил жараёнидаги мувофиқликда ривож топа боради, бир-бирини тўлдирди, бир-бирига уйғун тарзда мукамаллашади.

Қисқача хулосалар.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари қаторида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган ҳамда шитоб билан бозор муносабатларига тортилиб, кучли ҳукукий-давлат ва фуқаролик жамиятини ўрнатишга интилаётган Ўзбекистон аҳолисининг маданий ривожланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Халқимиз ўзининг қадимий анъаналари ва миллий қадриятларига суянган ҳолда, Дунё маданияти дурдоналаридан баҳраманд бўлиб келажак авлодни тарбиялаш ишига катта аҳамият бермоқда. Бу ўринда ахлоқий қадриятлардан бўлмиш диннинг ҳам салмоғи каттадир. Маданият, дин ва ахлоқ социологияси бу соҳада тегишли хулосалар чиқариш ва муҳим йўналишларни белгилаб олишда назарий ва амалий жихатдан тегишли вазифасига эга

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Маданият тушунчаси ва унинг турларини айтиб беринг?
2. Дунё динлари деганда қайси динларни тушунасиз?
3. Ислом динининг Осиё халқлари маданиятида тутган ўрнини изоҳланг.
4. Ахлоқ социологиясининг мазмунини ифодаланг.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР.

1. «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» - Т.: «Ўзбекистон», 2001.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Т.1. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». Т.2. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт – пировард мақсадимиз». Т.8. Т.: «Ўзбекистон», 2000.
5. Каримов И.А. Ватанчимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон». 2004.
6. Каримов И.А. «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз». Т.9. Т.: «Ўзбекистон», 2001.
7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т. «Ўзбекистон», 2005.
8. Каримов И. А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Т. «Ўзбекистон». 2005.
9. Каримов И. А. «Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди», Т. «Ўзбекистон». 2005.

10. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
11. Каримов И.А. Асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг чоралари ва йўллари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
13. Муллажоновна М.М. ,Ҳошимов Т. Социология фанидан маърузалар матнлари. Т.: ТДИУ, 2008, 42-75 бетлар.
14. Добренъков В.И., Кравченко А.И. Социальная антропология: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 688 с.
15. Добренъков В.И., Кравченко А.И. Методы социологического исследования: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 668 с. 2 экз.
16. Исаев Б.А. Социология в схемах и комментариях: Учеб. Пособ.. – СПб.: Питер, 2008. – 224 с.
17. Когда человек – проблема: Что делать?: [пер. с англ. Д.В.Котелкина]. – М.: Изд. “Омега-Л”: SmartBook, 2008. – 131 с.
18. Кравченко А.И. Социология: Учебник для вузов. – 11-е изд., - М.: Академический Проект, 2008. – 512 с.
19. Кравченко А.И. Социология в вопросах и ответах: Учеб. Пособ. – М.: ТК Велби, 2008. – 240 с.
20. Кравченко А.И. Социология: учебник. – М.: ТК Велби, 2008. – 536 с.
21. Общая социология: Учеб. Пособие /Под общ. Ред. Проф. А.Г. Эфендиева. – М.: ИНФРА – М, 2008. – 654 с.
22. Социология. Основы теории: учебник /отв. Ред. Г.В.Осипов, Л.Н.Москвичев. 2-е изд., испр. И доп. – М.: Норма, 2008. – 912 с. 3 экз.
23. Социология. Экзаменационные ответы. – М.: “Ответ. 2008. – 40 с.

Интернет материаллари

1. Батыгин Г.С. “виртуальные сообщества и коммуникация в социальных науках”. www.NIR.ru/socia/scipub.
2. Здравомыслова С.А., Темкина А.А.. социология гендерных отношений и гендерный подход в социологии. Prometeus nsc.ru.
3. Лекции по социологии. Социология. Отраслевые социологические теории. Экономика, семья, города..... sociologu narod.ru.
4. Российская Сеть Информационного Общества – Социология. Социология. Общья социология. www.Isn.ru/sociologu.shtml.
5. Социология в энциклопедиях. Социология. Socionet narod.ru.
6. Экономическая социология. www.isras.ru. Журнал. Экономическая социология.
7. Электронная библиотека – социология, психология и управление. Soc.lib.ru
8. Центр социологического образования. – sociologu RU-Новости. www.sociologu.ru.
9. WW.edu.uz.
10. WWW.ziyo.edu.uz.
11. WWW.ec.edu.uz.
12. WWW.performance.edu.uz.
13. WWW.gov.uz.

IV. МАВЗУ: ИЖТИМОЙ ТУЗИЛМАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ РЕЖА:

1. **Ижтимоий стратификация тушунчаси ва моҳияти.**
2. **Ижтимоий мобиллик ва ижтимоий стратификация.**
3. **Ёшлар социологиясининг ўзига хос хусусияти.**
4. **Девиянт хулқ-атвор социологиясининг моҳияти.**

Социологлар социал ҳаракатчанликни страталарга (қатламларга) бўлинган жамиятнинг ўзига хос хусусияти деб биладилар ва уни горизонтал ҳамда вертикал ҳаракатчанликка ажратадилар. Кишиларнинг айнан бир табақа ичидаги ҳаракати, масалан, иш жойини ёки турар жойини ўзгартириши горизонтал ҳаракатчанликни англатади. Вертикал ҳаракатчанлик эса қуйи табақалардан юқори табақалар томон ва аксинча қилинган ҳаракатни билдиради. Америкалик социолог Сеймур Липсетнинг фикрича, жамиятда стратификация тизими социал зинанинг қуйи поғонасида турганларга норозилик манбаи сифатида таъсир қилади, шунинг учун ҳам стратификация тизими ажралишнинг манбаидир, аммо шу билан бирга у кишиларни турли лавозимларга тайинлашнинг ва уларни ўз вазифаларини адо этишга рағбатлантиришнинг асосий механизмидир. Америка социологиясида У.Уотсон Америка жамиятининг социал табақаланиш моделини ишлаб чиқди. Бу моделда олтига социал синфнинг табақаланиш тартиби берилган. Уортнерга эргашган ҳолда К. Дэйвс, У. Мур, В. Колеман, Л. Рейуотер, Э.Шойх, Т. Гайгер, Р. Дарендорф каби олимлар ўзларининг стратификация схемаларини ишлаб чиқдилар.

Социал стратификациянинг тарихий типлари

Стратификация (лот стратум - қатлам ва фацио – бажараман) - жамият тузилмаси, алоҳида қатламлари, ижтимоий табақаланиш белгилари тизими ва тенгсизликни ифода этувчи социологик тушунчадир.

Социал стратификация - социологик тушунча бўлиб, жамият ва унинг айрим қатламлари тузилишини, ижтимоий табақаланиш, тенгсизлик белгилари тизимини ифодалайди, ёки бошқача айтганда жамиятнинг мулк, мақом ва ҳокимият муносабатларидан келиб чиқадиган тизими бўлиб, у ижтимоий роллар ва вазифаларни ўзида акс эттиради. Социал стратификация жамиятдаги меҳнат тақсимоотида турли гуруҳларнинг ижтимоий дифференциациясидан (табақаланишуви), шунингдек у ёки бу фаолиятнинг аҳамиятини ва ижтимоий тенгсизликни қонунийлаштирувчи қадриятлар ва маданий намуналар (стандартлар) тизимининг хусусиятидан келиб чиқади. Ижтимоий стратификациянинг асосий вазифаси - турли фаолият хиллари учун рағбатлантирувчи тизим ёрдамида ижтимоий ролларни мос равишда идрок этиш ва бажаришни таъминлашдир.

Социал стратификацияда маълумот, маиший шароит, машғулот даромад, руҳий, дин ва шу каби белгилар асосида жамият «юқори», «ўрта» ва «қуйи» синфлар ҳамда страт (қатлам)ларга бўлинади. Тенгсизлик ҳар қандай жамиятда бор. Социал стратификация тизимида кишиларнинг ўз қобилиятлари ва куч-ғайратларига мувофиқ мақомларни ўзгартиришлари (социал мобиллик) эса жамиятнинг барқарорлигини таъминлайди ва синфий курашни «ортиқча» қилиб қўяди (Марксистик тадқиқотлар ижтимоий синфлар назариясига асосланиб келинган)

Ҳар бир ижтимоий гуруҳ, айрим олинган шахс ҳам жамият ижтимоий таркибида ўз ўрнига эга. Шахс ўзининг жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, мутахассислиги, оилавий аҳволи, миллати ва бошқа шу каби билан муайян ижтимоий таркибга киради⁵⁶.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1999, 7-бет.

Жамиятнинг ижтимоий таркиби - ижтимоий гуруҳлар, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўз маъноси билан фарқ қилувчи томонлари мажмуидан иборат. Олдинги замонларда ҳам жамият турли гуруҳлардан ташкил топган. Масалан, қадимги Ҳиндистонда жамият қуйидаги касталарга бўлинган:

- а) брахманлар (жамиятнинг олий табақаси)
- б) кшатрийлар (ҳарбийлар, савдогарлар ва х.)
- в) вайшлар (деҳқонлар,хунармандлар ва бошқа шу кабилар)
- г) шудралар (қора халқ - қуллар)

Қадимги юнон файласуфи Афлотун ҳам (эр.аввал 4-аср) жамият аъзоларини 3 гуруҳга ажратган:

- а) файласуфлар (юқори табақа бўлиб, давлатни бошқарувчи синф);
- б) ҳарбий жангчилар;
- в) қуллар - қуйи табақа;

Ғарб социологиясида жамият ижтимоий таркиби социал стратификация тушунчаси асосида ўрганилади. Демак стратификация ғарб социологиясининг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, жамият ижтимоий таркибининг ижтимоий табақаларга, гуруҳларга ажратилганини, жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни ифода қилади.

Социал стратификация назарияси марксизм социологиясининг синфлар ва синфий кураш назариясига зид бўлиб, жамиятнинг синфларга бўлинишининг асосий сабаби мулк муносабатлардаги ҳолатни табиий-тарихий қонуният сифатида қарайди. Бу синфларни ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг маълумоти, психологик жиҳатлари, турмуш шароити, ижтимоий бандлик, даромади ва бошқа хусусиятлар билан фарқ қилади.

АҚШлик социолог Т.Парсонс: «Стратификация - ижтимоий тизим таркибий зиддиятининг асосий юзага келтирувчиси» деб, уни ривожлантирди.

Ғарб мамлакатлари социологлари жамиятни «юқори», «ўрта», «қуйи» синф ва қатламлардан иборат деб талқин қилишади. Масалан, Ғарбий Германиялик социолог Р.Дарендорф жамиятни бошқарувчи ва бошқарилувчилар тоифасига бўлади. Ўз навбатида бошқарувчилар тоифаси 2 гуруҳдан: а) мулкдор бошқарувчилар ва б) мулкдор бўлмаган бошқарувчилар - маъмурий бюрократ менежерлардан иборат дейди. Бошқарилувчилар тоифаси ҳам 2 га: юқори - «ишчи аристократияси» ва қуйи - малакаси паст даражада бўлган ишчилардан иборат бўлиб, бошқарувчилар ва ишчи аристократиясининг қўшилишидан шаклланимда, деб фикр билдиради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, америкалик олим У.Уотсон жамиятнинг социал стратификацияси моделини ишлаб чиққан. У қуйидаги кўринишга эга:

Олий олий синф

Умуммиллий корпорацияларнинг бош бошқарувчилари, обрўли фирмаларнинг эгалари, олий ҳарбий амалдорлар, федерал судьялар, биржа эгалари, йирик архитекторлар, архиепископлар

Олий ўрта синф

Ўртача фирманинг бош бошқарувчиси, муҳандис-механик, газета чиқарувчи, хусусий амалиётга эга бўлган шифокор, амалиётчи юрист, коллеж ўқитувчиси.

Олий ўрта синф

Банк кассири, муниципал коллеж ўқитувчиси, ўрта бўғин бошқарувчиси, ўрта мактаб ўқитувчиси

Ўрта ўрта синф

Банк хизматчиси, тиш доктори, ўрта мактаб ўқитувчиси, корхонадаги смена бошлиғи, суғурта компанияси хизматчиси, универсам бошқарувчиси, малакали дурадгор

Қуйи ўрта синф

Автомеханик, сартарош, бармен, жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи малакали ишчи, меҳмонхона хизматчиси, почта ишчиси, полициячи, юк машинаси ҳайдовчиси

Ўрта қуйи синф

Такси ҳайдовчиси, ўрта малакали ишчи, бензин қуювчи, официантка, эшик оғаси, идиш - товоқ юувчи, уй хизматкори, боғбон, эшик қоровули, кончи, кўча супирувчи, ахлат ташувчи

Худди шунингдек, академик Т.И.Заславская ҳам ҳозирги Россия жамиятининг социал таркибини кўрсатиб берган. Унга кўра, бу таркибий тузилиш қуйидаги кўринишга эга: **Юқори, ўрта, базавий ва қуйи.**

Юқори қатламга асосан элита гуруҳлари мансуб бўлиб, улар давлат бошқаруви, иқтисодий соҳалардаги юқори мансабларни эгаллаган кишилар ҳисобланадилар. **Ўрта қатламга** эса, ўрта ва кичик тадбиркорлар, ўрта корхоналар менежментлари, катта офицерлар тегишли ҳисобланадилар. **Базавийга** эса, зиёлиларнинг асосий қисми, техник хизматчилар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари ҳамда деҳонларнинг кўпчилик қисми киради. **Қуйи табақага** асосан кексалар, паст маълумотлилар, соғлиги унчалик яхши бўлмаганлар ҳамда айрим қочоқлар киради.

Жамият ижтимоий таркиби турли ижтимоий бирликлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳам ифодалайди. Масалан:

- ижтимоий-синфий, гуруҳлараро (синфлар, ижтимоий табақалар, қатламалар);
- ижтимоий-демографик (ёшлар, ўрта ёшлар, халқлар);
- ижтимоий-профессионал (касб-корга қараб ўқитувчилар, инженер, тиббиёт ходимлари ва х.к.);
- ижтимоий-худудий (минтақа, шаҳар, қишлоқ, район, маҳалла, аҳолиси)

Ижтимоий ўзгарувчанлик тушунчаси: Ижтимоий ўзгарувчанлик социологик тушунча бўлиб, демографик ва ижтимоий фаолиятларда қўлланилади. Шахснинг бир синфдан иккинчи бир синфга, бир ижтимоий гуруҳдан иккинчи бир ижтимоий гуруҳга ўтиши, жамият ижтимоий таркибида тутган ўрнини, ўзгаришини билдиради.

Шахс мисолида гўдак бола, ўсмир, ёшлик, ўрта ёшлик, қарилик. Маълумот, олаи, хунар ўрганайди, касб эгаллайди. Унинг жамиятда тутган ўрни ўзгариб боради. Ўқувчи эди, ишчи бўлди, ё студент бўлди, нафақахўр ва бошқа.

Жамият мисолида. Жамият асосини ташкил этган инсонлар ҳаётида ижтимоий ўзгарувчанлик жараёни содир бўлади. Синфлар пайдо бўлишида, синфларнинг бир кўринишдан иккинчи бир кўринишга ўтишида, жамият синфий структурасида, ундаги ишлаб чиқариш кучлари жойлашишида, тараққиётида, фан, техника, маданият, саънат тараққиётида ўз аксини топади. Масалан, қул, крестьян, ишчи, совхозчи, помешчик, капиталист, фермер.

Ижтимоий ўзгарувчанлик турли кўринишларда содир бўлади ва социал мобиллик тушунчаси билан изоҳланади.

Социал мобиллик - индивид, социал гуруҳнинг бир социал қатламдан бошқа бир қатламга ўтиши. У ёки бу социал субъектнинг социал структурадаги ўрнининг ўзгариши. Социал мобиллик горизонтал ва вертикал мобиллик кўринишида бўлади. **Горизонтал мобиллик** индивид ёки социал объектнинг бир социал ҳолатдан шу даражадаги бошқа ҳолатга ўтиши. Масалан, бир оиладан бошқасига, бир диний гуруҳдан иккинчисига, бир турар жойдан бошқасига ва ҳ. **Вертикал мобиллик** эса, индивид ёки социал объектнинг бир социал қатламдан бошқасига ўтишини англатади. Бунга мисол сифатида касб бўйича кўтарилиш, моддий аҳволнинг сезиларли даражада ўзгариши, ҳокимиятнинг бошқа поғонасига кўтарилиш ва бошқалар киради.

Социал мобиллик индивидуал, гуруҳий, кўтарилувчан, пасаювчан, ихтиёрий ва мажбурий мобилликларга ҳам бўлинади.

Социал мобилликни белгилашда **ҳокимиятда бўлиш, даромад, маълумот, ёш даражаси, ижтимоий келиб чиқиш** каби омиллар муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий ўзгарувчанлик (мобиллик) қуйидаги йўналишларда ҳам намоён бўлади :

1. Репродуктив. Ишлаб чиқариш, тузилиши, экологик ўзгаришлар.
2. Статусли - хизмат поғонасига кўтарилиш, ҳаёт даражаси ва бошқа.
3. Территориал - қишлоқдан шаҳарга кўчиш, ишлаб чиқаришни кўчириш, бир давлатдан иккинчисига кўчиш ва ҳ.к.
4. Маънавий - манфаатлар, кадриятлар, фикр, гушунчалар, ҳис-туйғулар.
5. Сиёсий (синфий структура), ҳукмронлик шакли.
6. Илмий-техникавий ва ҳоказо.

Бозор муносабатларининг таркиб топиши жараёнида Ўзбекистон ижтимоий таркибида кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришлар синфлар, ижтимоий қатламлар, табақалар ўртасидаги турли муносабатларда ҳар томонлама ифодасини топмоқда.

2. Ижтимоий мобиллик ва ижтимоий стратификация

О.Конт социологиясида социал динамика жамият ҳодисаларини ўрганишдаги муайян ёндашувни билдиради. Аслида, динамика механиканинг жисмлар ҳаракатини ва ҳаракат билан уни юзага келтирувчи куч ўртасидаги боғланишларни ўрганадиган бўлиmdir. Умумий маънода динамика ҳаракат ҳолатини, нарса-ҳодисаларнинг ўсиш, ўзгариш, ривожланиш жараёнини англатади. Социология «Физиология» нинг бевосита давоми ёки «Социал физика» деб ҳисобланган. Конт ижтимоий воқеликнинг табиий қонунларини топишга ҳаракат қилган эди. Ана шу вазифани амалга ошириш учун ижтимоий воқелик икки йўналишда - социал статика йўналишида ва социал динамика йўналишида кўрилиши лозим. Социал статика ижтимоий элементларнинг мувозанатини, мавжудлик қонунларини ўрганади. Ижтимоий элементларнинг узвий уйғунлиги, уларнинг ўзаро мувозанатлашган тарзда мавжудлиги жамиятни яхлит бир бутунлик сифатида қарашга имкон беради. Шунинг учун ҳам жамият алоҳида ўзига хос тизим бўлиб, бунда энг муҳими, элементларнинг ўзаро алоқасидир. Социал статика ҳар қандай жамият барқарорлик, мувозанат ҳолатини, асосий тартиботни ўрганса, социал динамика жамиятдаги ўзгариш, ривожланишнинг изчиллиги, бирин-кетинлигини очиб беради. Шундай қилиб, социал динамика жамиятнинг ўзгариш ва ривожланиш ҳолатларини, ижтимоий ўзгаришларнинг ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) омилларини ифодаловчи социологик категория деб қаралиши мумкин. Жамиятни ташкил этувчи социал гуруҳлар, индивидлар, табақалар, қатламларнинг ҳаракатларини социал динамиканинг социал мобиллик (лотинча *mobilis* - ҳаракатчан, ўзгарувчан) ва социал ўзгаришлар, деб аталадиган кўринишлари ифодалайди. Социал мобиллик тушунчаси социологик тадқиқотлар доирасига П. Сорокин киритган эди. Социал мобиллик кишиларнинг муайян ижтимоий гуруҳ ва табақалардан бошқаларига ўтишларини (социал ўзгаришлар), шунингдек, айна бир социал табақа доирасида машғулотларнинг ўзаро алмаштиришини англатади. Социал мобиллик тушунчаси гуруҳлар ва бир бутун жамиятлар «очиклиги» ёки «ёпиқлиги»ни тавсифлаш учун ишлатилади. У интергенерацион (авлодлар орасидаги) ва интегенерацион (авлод ичидаги) социал мобиллик турларига ажратилади. Социал ҳолатнинг отадан ўғлига (камдан-кам ҳолларда онадан кизга) ўтиши генерацион социал мобилликка, социал кўтарилиш ёки социал пасайиш билан боғлиқ индивидуал белгилар эса интрагенерацион социал мобилликка мисол бўла олади. Ўзгаришлар йўналишига қараб вертикал (кўтарилиш ва пасайиш) ва горизонтал социал мобиллик бўйича фарқланади. Социал мобилликнинг эмперик кўрсаткичи бўлиб ўзгарувчанлик-мобиллик, барқарорлик-стабиллик индекси хизмат қилади. Бу индекс текширилаётган гуруҳдаги мобил ва стабил шахслар нисбатидан олинади. Бундан ташқари мобил (ўзгарувчан) шахсларнинг жинси, маълумот даражаси, «ақли расолик коэффиценти», миллати, ирқи, тураржойи, соғ-саломатлигига қараб ҳам социал мобил шахсларнинг миқдорий кўрсаткичлари ўртасидаги корелляция (мос келувчи) коэффицентлари ҳисобланиши мумкин. Социал мобиллик ўлчашда турли хил имкониятларнинг мавжудлиги миқдорий анализ қўлланишидан келиб чиқади. Социал мобиллик даражасини аниқлаш

ёрдамида у ёки бу жамиятни «анъанавий», «замоनावий», «индустриал», «постиндустриал» ва ҳоказоларга бўлиш мумкин.

Социал дифференциация ва социал интеграцияни социал мобиллик ва ўзгартиришлар оқибати деб қараш мумкин. Социал дифференциация тушунчаси биринчи бўлиб Г. Спенсер томонидан қўлланилган. Унинг фикрича, ижтимоий эволюция бир вақтнинг ўзида дифференциация (бир хилликдан кўп хилликка ўтиш: меҳнат тақсимооти, махсус социал институтлар пайдо бўлиши) ва интеграция (органларининг бир-бирларига тобора мувофиқлашиб бориши, оддийдан мураккабга ўтиш, умумий алоқадорлик такомиллашуви), ижтимоий тартибот мукаммалашувидан иборатдир.

Э.Дюркгейм социологик тизимида ҳам жамиятдаги дифференциация ва интеграция жараёнларига эътибор берган. У дифференциацияни аҳоли зичлигининг ошиши ва шахслараро ва гуруҳлараро мулоқатлар суръатига боғлаб тушунтирган. Одатда, дифференциация тушунчаси «тафовут» сўзининг синоними сифатида ишлатилади. Бу ҳолда у роллар, статуслар (мақомлар), институт ва ташкилотларни турли мезонлар ёрдамида классификация қилишга ёрдам беради.

Структуралӣ функционализм ва системали ёндашув тарафдорлари (Парсонс, Этциони ва б.) социал дифференциация билан социал системанинг ўз-ўзини сақлаши шарт деб қарайдилар. Бунда социал дифференциациянинг яхлит жамият, унинг остки тизимлари, гуруҳлари даражасида кўринишлари қатъий фарқланади. Уларнинг фикрича, қуйидаги ҳаётий муҳим вазифалар - муҳитга мослашиш, мақсадларини қўя билиш, ички ихтилофларни бартараф этиш (интеграция) ва ҳоказолар бажарилгандагина муайян тизим мавжуд бўла олиши мумкин. Бу вазифалар эса фақат озми-кўпми махсуслашган институтлар томонидангина бажарилиши мумкин. Демак, бунга мувофиқ социал тизимлар озми-кўпми дифференциациялашган (табақалашган) бўлади. Социал дифференциация ўсиши билан фаолиятлар ҳам махсуслашиб боради, шахсий ва оилавий алоқалар ўз ўрнини борган сари одамлар ўртасидаги шахсиз нарсавий муносабатларга бўшатиб беради. Бу муносабатлар кўпроқ рамзий воситалар билан бошқарилади (масалан, иқтисодий муносабатлар учун бундай воситачи асосан - пул).

Социал интеграция (лот. Integratio - тўлдирилиш, тикланиш; integer яхлит, бутун) социал дифференциацияга нисбатдош тушунчадир. Ҳозирги замон социологиясида тизимлар назариясидаги интеграция тушунчасидан фойдаланилади. Унга кўра, интеграцияда алоҳида дифференциациялашган қисмларни бир бутун қилиб турувчи алоқа ва шу ҳолатга олиб келувчи жараён тушунилади. Интеграция турли хил социал субъектлар - индивидлар, ташкилотлар, давлатлар ва ҳоказолар ўртасида ихтилофсиз муносабатлар бўлишини кўзда тутди. Социал тизимлар интеграциясининг даражаси ва механизми тўғрисидаги қарашлар тарихан ўзгариб келган.

Бажарадиган вазифалари, соҳаларига қараб социал динамиканинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

– Репродуктив динамика. Социал динамиканинг бу тури туғилиш, ишлаб чиқариш, экологиянинг социал жиҳатларини ўз ичига олади. Аҳоли сонининг ўсиши, туғилиш миқдори, уларни белгиловчи омиллар репродуктив социал динамика соҳасига киради. Ишлаб чиқариш, экология ва социал субъектлар репродуктив ўрнашмаларга алоқадор бўлади.

– Мақом (статус) социал динамика. У ўз ичига хизмат лавозимларида кўтарилиш ёки пасайишни, турмуш даражаси ва сифати кабиларни қамраб олади.

– Ҳудудий социал динамика. Аҳоли кўчишлари суръати ва миқдорларининг социал жиҳатлари, катта шаҳар вужудга келиши билан пайдо бўлган социал муаммолар, ишлаб чиқаришнинг жойлаштирилиши, унинг социал оқибатлари ҳудудий (территориал) социал динамика объектларидир.

– Маънавий ҳаёт динамикаси манфаатлар, кадриятлар, фикрлар, нормалар ҳаракати, ўзгариши ва ривожланиши бу соҳа доирасида бўлади.

– Сиёсий динамика жамият социал-синфий таркиби, ҳокимият шакллари ўзгаришини англатади.

– Фан - техника динамикаси. Фан-техника тараққиётининг социал жиҳатлари, ишлаб чиқариш воситалари ўзгаришларининг ижтимоий субъектлар ҳаётига таъсири, ахборот ва коммуникация билан боғлиқ социодинамик ўзгаришлар фан-техника динамикасига киради.

Социал динамика абстракт, мавҳум қонуният ифодаси эмас. Ҳар бир минтақа, ижтимоий тузумда ўзига хос социодинамикани кўришимиз мумкин.

Социал динамика вертикал (юқори ва пастга) ва горизонтал (яъни, параллел томонга) йўналишда рўй бериши мумкин. Юқорида келтирилган барча социал динамика турларини вертикал ва горизонтал йўналишда текшириш мумкин. Жумладан, социал-синфий структура элементлари ҳаракати социал стратификация ёндашуви асосида қаралганда буни яққол кўришимиз мумкин. Социал стратификация (лот. stratx - тузилма, қатлам) социологик тушунча бўлиб, бу тушунча умуман жамиятнинг, айрим социал гуруҳларнинг таркибини, уларнинг турли-туман белгиларига: даромади, малакаси, маълумоти ва бошқа даражаларига қараб, одатда, иерархия (юқори ва қуйи) тарзда жойлашган ижтимоий қатламларга бўлинишини тавсифлайди. Функционализм нуқтаи назаридан, социал стратификация тизими жамиятдаги социал роль ва мавқеларнинг дифференциацияси бўлиб, у ҳар қандай жамиятнинг объектив эҳтиёжидир. Жамиятнинг турли соҳаларида страталардан страталарга ҳаракатни кўриш мумкин. Масалан, иқтисодий соҳасида ҳар бир одам миллионер бўлиши мумкин; сиёсатда йирик сиёсий мансабга эришиш мумкин; армияда ҳар бир аскар генерал бўлиши мумкин; диний фаолият соҳасида - олий диний мартабага эришиш мумкин; фан – бу, фаолиятнинг нисбатан зое кетадиган соҳаси бўлиб, бироқ бунда илгарилаш мумкин; никоҳ орқали фойдали никоҳ воситасида жамиятнинг энг юқори поғоналарига ғоят тез кўтарилиш мумкин. Кишиларнинг социал зинапоядаги юқорига қараб силжишга интилиши - ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Одам бир вақтнинг ўзида бир неча стратага кириши мумкин. Бу страталар институционал, маданий, норасмий мезонлар асосида ажратиб кўрсатилиши мумкин ва уларга мос бўлган социодинамика ҳам мавжуд.

3. Ёшлар социологиясининг ўзига хос хусусиятлари.

Ёшлар социологияси XX асрнинг 20-йилларида Олмонияда, АҚШда ва Францияда шаклланди. 1928 йилда К.Мангеймнинг «Авлод муаммоси» асари босилиб чиқди. Бу асар ёшларнинг социологик муаммолари илмий асосда ўрганилган дастлабки асарлардан эди.

XX асрнинг 60-йилларидан ёшлар муаммоларини таҳлил қилишга ва ечишга қаратилган асарлар кўпайиб чоп этила бошланди. Олмонияда ёшлар социологияси бўйича Г.Шельскийнинг «Скептик авлод» (1957), Ф.Тенбрукнинг «Ёшлар ва жамият» (1962); Венадаги социологик институт директори Л.Розенмайрнинг «Эмпирик социал тадқиқот бўйича қўлланма» (1969), Америка социологи Д.Кемпбеллнинг «Социализация бўйича справочник» (1969), Америка социологи С.Эйзенштадтнинг «Авлоддан авлодга» (1966) асарлари ёшлар социологиясининг кенг ривожланишига таъсир кўрсатди.

Ҳозирга давр ёшлар социологияси доирасида ёшлар ҳаётини илмий-социологик ўрганишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Ёшлар муаммосини ўрганишда тарихий ёндошиш лозимлиги. Ёшларнинг ижтимоий қарашларига, ҳулқига, қизиқишига ва бошқа жиҳатларини тадқиқ этишда муайян тарихий давр, шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб баҳо бериш талаб қилинади. Масалан, ҳозирда, шаклланиб келаётган бозор муносабатлари шароитида ёшларнинг ижтимоий қарашлари, қизиқишлари ва юзага келаётган муаммолар аввалги давр, ижтимоий-иқтисодий тузумдагига нисбатан ўзгариб, янгича мазмунга ва хусусиятларга эга бўлмоқда.

2. Ёшларнинг ўзига хос турмуш тарзини таҳлил қилиш ва ўрганиш. Бунда ёшларнинг ижтимоий ҳолати, ҳаёт кечириш тарзи ва унинг ривожланишини назарий ва эмпирик жиҳатдан ўрганиш.

3. Ёш авлодни ҳар жиҳатдан ривожланиб боришини таҳлил қилиш. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитнинг, муҳитнинг ўзгариши оқибатида авлодлар ўртасида доимо муайян ривожланиш рўй беради. Шу сабабли, кекса авлод билан ёшлар ўртасида ўзаро зиддият вужудга келади. Кўпинча, ёшларнинг манфаат ва қизиқишлари, фаолияти, ташқи кўриниши (мода) кекса авлодда норозилик, эътироз туғдиради.

4. Ёшларга табақавий жиҳатдан ёндашиб. Бу методологик тамойил ёшларни турли табақалардан иборат гуруҳларга ажратиб ўрганишни билдиради. Бозор муносабатларининг таркиб топа бориши билан ёшлар ўртасида ҳам табақаланиш янада кучайиши табиийдир. Ҳозирданок уларнинг турли ижтимоий табақаларга ажралиш жараёни рўй бермоқда. Бир томондан, жамият ижтимоий ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатувчи ёшлар гуруҳлари: талабалар, ёш олимлар, ишчилар, фермерлар, ишбилармон ёшлар, санъаткорлар, савдогар ёшлар каби гуруҳлар салмоғи ортиб бораётган бўлса, иккинчи томондан эса ёшлар, бекорчи-саёк, гиёҳванд, жиноятчи каби ёшлар жамият ҳаётида салбий, дисфункционал аҳамият касб этмоқда. Масалан, ҳозирда Ўзбекистон миқёсида жиноятчиликнинг 85 фоизга яқини 25 ёшгача бўлган ёшлар томонидан содир қилинаётганлигини эътиборга олсак, ёшлар социологиясининг жамият ҳаётида нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини англаш мумкин бўлади.

Социологияда ёшлик болалик давридан сўнг улғайиш давригача бир неча босқичларга ажратилиб кўрсатилади. Масалан, ёшликнинг дастлабки, қуйи чегараси 14-16, юқори чегараси эса 25-30 ёшларни ўз ичига олади. 20 ёшгача бўлган ёшларда асосий муаммо, уларнинг касб танлаши, маълумот олиши ва ҳаётга мустақил қадам қўйиши билан боғлиқ вазифаларни ўз ичига олади.

Социологиянинг бу махсус назарияси жамиятнинг барча ижтимоий соҳаларидаги ёшлар билан боғлиқ муаммоларни ўрганади. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароити ва ёшлар муаммоси; халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг ёш мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжи; таълим тизими ва ёшларни мустақил меҳнат фаолиятига тайёрлаш; демографик жараёнлар ва ёшларни иш билан таъминлаш; ёшларнинг маълумот олиши ва касб танлаши муаммоси; ёшларнинг касб танлаши ва социал мобиллик; ёшларни касб танлашида миллий, ҳудудий ва минтақавий хусусиятлар; ёшларнинг маълумот олиш имкониятларини олдиндан прогноз бериш; ёшларда меҳнат малакасини шакллантириш масалалари; шаҳар ва қишлоқ ёшлари ҳаёти; ёшларнинг турмуш даражаси каби масалалар шулар жумласидандир. Ушбу маълумотлар бўйича эмпирик ва назарий жиҳатдан социологик тадқиқот олиб бориш. уларнинг статик ва динамик хусусиятларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Ёшлар социологиясининг ўзига хос қийин, мураккаблиги ҳам, унинг кўп қирралигидадир. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ёшларни иш билан таъминлаш муаммоси долзарб масалалардан биридир. Бу муаммони ҳал этиб борилиши ёшлар билан боғлиқ бўлган кўплаб масалаларнинг ечимини топишга сезиларли таъсир кўрсатади. Бу борада, вилоятларда ёшларни иш билан таъминлаш борасида «Уста ва шогирд» тизими асосида кўплаб ишлар қилинмоқда. Бундан асосий мақсад, ёшларни миллий ҳунармандчиликка, қадриятларга, анъаналарга ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ҳамда уларни моддий жиҳатдан таъминлашни яхшилашдан иборатдир..

Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таркиб топа бориши, айниқса, ёшларнинг ижтимоий қарашларида жиддий ўзгаришлар ясамоқда. Шунинг учун ёшларнинг келажак ҳаёти режаларини, уларнинг қизиқишларини аниқлаш мақсадида эмпирик-социологии тадқиқотлар ўтказиш ва назарий хулосалар чиқариш ёшлар социологиясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим, ёшларнинг келажак ҳаётини режалаштириш энг аввало оиладан бошланади. Бу жиҳатдан ёшлар оила социологияси билан узвий боғлиқ бўлади.

Ёшларнинг касб танлаши, иш жойларига эга бўлиши ишлаб чиқаришнинг интенсив равишда ривожланиши ва юксак технологик такомиллашув жараёнида кўп жиҳатдан таълим тизимининг сифатига ҳам боғлиқ. Бу жиҳатдан эса ёшлар социологияси таълим, илм-фан социологияси билан яқин алоқадандир.

Президентимиз Ислам Каримов ўзининг қатор асарларида, сўзлаган нутқларида ҳозирги даврда мамлакатимизда ёшлар ҳаёти ва фаолиятига доир қатор муаммоларни кўрсатиб ўтган.

Ўзбекистонда ёшлар ҳаёти ва фаолиятининг ижтимоий масалалари

Ўзбекистон ёшлар мамлақати. Бугунги кунда мамлакатимизда ўттиз ёшгача бўлганлар 17 миллион саксон минг нафарни ёки аҳолининг 64 фоизини ташкил этади. Президент И.А.Каримов ёшларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим ўрнига алоҳида аҳамият қаратган ҳолда, қуйидаги фикрни айтганлар: "...Таълим-тарбия ва профессионал тайёргарлик даражаси билан келажакимизни, демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал қиладиган, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашга лаёқатли бўлган, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича белгилаб олган юксак мақсадларимизга эришиш йўлида том маънода таянч, суянч ва ҳал қилувчи куч – **ёшлар** ҳисобланади."

Демографларнинг тадқиқотларига қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг юқори суратларда ўсиши яқин чорак асрда ҳам давом этади. 2015 йилга келиб Ўзбекистон аҳолиси 1,5 баробарга ортиб, жами 36 миллион 330 минг кишидан ортиши кутилмоқда. Шу давр мобайнида меҳнатга яроқли аҳоли сони ҳам икки баробарга ошади ва 2015 йилда қарийб 20 миллион нафар кишини ташкил этади.

Бу рақамлар фақат юртимиз аҳолисининг сон жиҳатдан ўсишинигина кўрсатиб қолмай, у навқирон миллат сифатида катта интеллектуал имкониятларга эга эканини, ҳам, намоён; этади. Ана шу боис ҳам мамлакатимиз Президенти И Каримов истиқлолнинг илк йилларидаёқ «Ўзбекистон келажак буюк давлат» деган ғояни илгари сурди.

Миллий мафкурамизнинг мухтасар шиорига айланган ушбу сўзлар нафақат руҳлантирувчи даъват, балки амалий натижага айланиш учун давлат жамиятнинг энг фаол қатлами бўлган ёшларга асосий эътиборни қаратмоқда. «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, «Қамолот», «Умид», «Мирзо Улугбек» жамғармаларининг тузилиши, ёшлар муаммолари институти фаолиятининг йўлга қўйилиши, «Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Қонуни», «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши ва ҳаётга жадал жорий этилаётганлиги юқоридаги фикрларнинг амалий исботидир.

Таъкидлаш жоизки, «Ёшлар йили» Давлат дастурининг энг муҳим хусусияти, у нафақат бир йилга мўлжалланган мақсад ва вазифаларни эмас балки, давлатимизнинг ёшлар сиёсатига доир долзарб вазифаларни бажариш билан боғлиқ бутун бир даврнинг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этади.

«Ёшлар йили» Давлат дастури қуйидаги тўққиз бўлимдан иборат.

Унинг биринчи бўлими «Ёшлар манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш деб юритилади».

Иккинчи бўлим таълим соҳасида қабул қилинган умуммиллий Давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш масалаларига қаратилган.

Учинчи бўлимда таълим ва кадрлар сифатини тубдан ошириш, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқоди ва қарашларига эга бўлган ёшларни тарбиялаш ҳақидаги масалаларга бағишланган.

Дастурнинг тўртинчи ва бешинчи бўлимларида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг ишга жойлашиши, меҳнат жамоаларида мослашувига кўмаклашиш, ёшларнинг айниқса, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларида иш билан таъминланишига қаратилган чора-тадбирлар ўз ифодасини топган. Давлат дастурида иқтидорли ёшлар билан ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Болаларнинг ижодий қобилиятлари, иқтидорини барвақт аниқлаш учун шарт-шароитлар яратишга дастурнинг олтинчи бўлими бағишланган.

«Ёшлар йили» Давлат дастурининг еттинчи бўлими ёшларода соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёшлар спортини ривожлантириш масалаларига бағишланган.

Саккизинчи бўлимда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қуватлаш уларнинг маънавий бой ва жисмонан соғлам болаларни тарбиялаши учун муносиб уй-жой ва маиший турмуш шароитларини яратиш ҳақида сўз боради.

Ёшлар йили Давлат дастурининг тадбиқ этиш муваффақияти кўп жиҳатдан жамият аъзоларининг ундан қай даражада хабардорлиги, уни амалга ошириш масъулиятини қай даражада ҳис қила олишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам унинг тўққизинчи бўлими ёшлар йили дастурининг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш масалаларига бағишланган.

Ўзбекистоннинг ўз истиқболини ёшларда кўриши социолог олимлар олдида ҳам улкан вазифаларни кўядики, бу шарафли юмуш жамиятимиздаги муҳим ижтимоий қатламнинг ижтимоий қиёфаси, тавсифини, ўрганиш, орзу-ниятлари ҳақида доимо бохабарликни таъминлашдан ташқари улар фаолиятини оптималлаштириш, эзгуликка йўналтириб туриш, охир оқибатда эса баркамол авлодни тарбиялашга ҳам ҳисса қўшишдан иборатдир. Шу боисдан ҳам юртбошимизнинг «Биз истейдодли, фидойи болаларимизга, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак» деган фикрлари жуда муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг интеллектуал-рухий камолоти уларнинг маънавий ўз-ўзини англаш жараёнлари билан бевосита боғлиқдир. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар характерида ижтимоий идеалларнинг сусайиб кетишига йўл қўйилмаслик муҳимдир.

Ёшларнинг миллий ўзлигини англаш шароитида улар ижтимоий манфаатларини ўрганиш ҳамда назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, булар қуйидагилардир:

- фикрлар хилма-хиллиги нуқтаи назаридан мустақиллик шароитида ижтимоий манфаатлар мавжуд концепциялар орқали таҳлил этилади ва замонавий шароитларга хос бўлган қарашлар тарзида ифодалаб берилади;
- ижтимоий манфаатларнинг жамият тараққиётидаги ўрни, аҳамияти замонавий сиёсий жараёнларда сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан ўзаро уйғун тарзда ўрганилади;
- ижтимоий манфаатлар моҳияти, мазмуни ҳамда жамият ривожигаги ўрни масалаларини социологии жиҳатдан таҳлил этади;
- жамиятда этносиёсий жараёнларни таҳлил этиб, уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсирини ҳамда миллий манфаатлардаги ўрнини кўрсатади;
- этник масалаларнинг ижтимоий тараққиёт ва жамият ривожигаги воқеа-ходисаларга ўзаро алоқадорлик диалектикасини ўрганиб, ушбу жараённинг жамият тараққиёти билан боғлиқ хусусиятларини таҳлил этади;
- жамиятда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий омилларнинг ижтимоий манфаатларга таъсирини ўтказади;
- хозирги даврда ижтимоий тараққиётга хос жараёнлар ривожига этник манфаатларнинг услуби, миллий ва умуминсоний мазмун касб этиш хусусиятларини назарий тадқиқ этади.

Социология фани ёшларни жамиятдаги ижтимоий ва рухий ўзига хос ҳолатга эга бўлган йирик ижтимоий гуруҳ сифатида ўрганеди. Бу ижтимоий ва рухий ҳолатда уларнинг нафақат ёшдаги тафовутлари, балки ижтимоий-иқтисодий, шунингдек, ижтимоий-сиёсий мавқеи ҳам ўз ифодасини топади. Ёшлар деганда, маънавий дунёси шаклланиш жараёнида бўлган, асосан 16-30 ёшлардаги инсонлар тушунилади.

Бироқ, ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан бир-биридан фарқланиши айрим мутахассисларни ёшининг юқори чегарасини турли гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ва касбий сифатлари шаклланиши давомийлигига қараб аниқлашга ундамоқда. Жумладан, ёш ишчининг бир касб бошини қатъий тутиши асосан 25 ёшларда амалга ошса, ёш олим 35 ёшида шаклланиб улғаяди. Ёш чегаралари у ёки бу мамлакатдаги мавжуд тарихий шароит ҳамда ижтимоий тузумга бевосита боғлиқдир. Масалан, болалар ва ўсмирлар меҳнатини кенг қўллаш ёшлар деб аталадиган қатламнинг пастки чегарасини анча қуйи ёшдан аниқлашни тақозо этади.

Кўпгина мамлакатларда ёшликнинг қуйи чегараси тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ёзиб қўйилган. Мустақил касб фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ва имкониятлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқи, ўз хатти-харакатлари учун фуқаро сифатида жавоб бериш қобилияти, никоҳга кириш ҳуқуқи мана шу қуйи чегарани аниқлашни тақозо этади. Ҳозирча бу жаҳон тажрибасида 14-16 ёшни ташкил этади.

Ёшлар таркибига кирувчи ўқувчилар, талабалар, ёш ишчилар ва бошқалар ижтимоий-руҳий яқинлиги, қизиқишларининг умумийлиги нафақат бир мамлакат худудида, балки бутун жаҳон узра уларнинг оммавий чиқишлари, биргаликда ҳаракатига сабаб бўлади. Етимларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиш жараёнидаги мураккабликлар ва қарама-қаршилиқлар гоҳида уларнинг турли шаклдаги, жумладан, аксил ижтимоий (жиноятчилик, гиёҳвандлик каби) норозиликларини, шунингдек, ўзига хос ёшлар «маданияти»ни келтириб чиқаради. Жамиятни синфларга бўлишни одат қилган шўролар замонида айрим мутахассислар ёшларни алоҳида синф деб қарашга мойил бўлган пайтлар ҳам бўлган. Бироқ коммунистик мафкура мутахассислари ҳам ёшларни жамиятдаги бир қатлам эканини эътироф этишга мажбур бўлдилар.

Ёшлик-бу илоҳий идеални излаш, мақсадларни ва ҳаётий позицияни шакллантириш, касб танлаш, оилавий ҳаётга тайёргарлик палласидир. Ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизлар учун улар фаолияти ижтимоий фойдали бўлишгина эмас, балки бу фаолият шахсий мақсадларига, интилишларига мувофиқлиги, ҳаёт режаларининг амалга ошишига мумкин қадар тўлароқ кўмаклашиши ҳам ғоят муҳимдир.

Жамият ўз олдига мустақил фикрловчи эркин шахсни шакллантириш вазифасини қўймоқда. Бу ўз кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш деганидир. Шундагина онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Президент И.Каримов айтганидек, «Шунча одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкира эҳтиёж сезиб эмас, аксинча ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз маъсулияти билан онгли тарзда озод ва ҳур фикрли бўлиб яшайди. Бунда одамлар уюшган жамиятини, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, хавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб бўлмайди.

Хориждаги айрим сиёсий кучлар жамиятимизнинг истиқболи бўлган ёшларимизни ўз таъсирига олишга уринаётган айни замонда таълим-тарбия тизимимизни, жумладан, социология фани назариясини ёшларга қаратишимиз, улар муаммолари, уй-ташвишларини билиб, ёшлар сиёсатини илмий асосга кўчиришимиз асосида юқорида таъкидланган ижобий натижаларни қўлга киритишимиз мумкин бўлади.

Мамлакатимизда ёшларнинг ўз келажагини қуриши учун кенг имкониятлар очилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёшларнинг меҳнат қилиш, касб танлаш ва маълумот олиш ҳуқуқи кафолатланган. Ўзбекистон ҳукумати ёшларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ёш мутахассислар давлат бошқарувининг маъсулиятли ишларига кўпроқ жалб этилмоқда. Айниқса, иқтидорли ёшларга алоҳида эътибор берилиб, уларнинг фаолияти мавжуд иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

“2001 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурилтойи бўлиб ўтди. Бугунги кунда ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 201 та туман (шаҳар) – бўлимлари Кенгашлари, 20 мингга яқин бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. 7 млн. 200 мингдан ортиқ 14 дан 28 ёшгача бўлган ёшларнинг 4млн. 700 минг нафари ёки 65,3 % ҳаракат аъзоларидир. Ҳаракат тизимларида 872 нафар ёшлар хизмат қилмоқда, 2068 йирик бошланғич ташкилотларнинг 2435 нафар етакчиларига ҳаракат томонидан иш ҳақи тўланмоқда, жами 3307 нафар фаоллар тўлиқ ёки қисман иш ҳақига эгадир”⁵⁷

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирувчи болалар ташкилоти тузилган. 2001 йил 21 май куни болалар ташкилотининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди, Низоми қабул қилинди.”⁵⁸

Аммо, ёшлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича олиб борилаётган ишларни етарли даражада, деб бўлмайди. Бу борада файласуфлар, сиёсатчилар, руҳшунослар, ахлоқшунос олимлар ва биринчи галда социологларнинг илғор ғоялари ҳамда амалга оширадиган аниқ социологик тадқиқотлари нихоят муҳим аҳамият касб этади.

Девиант хулқ-атвор социологиясининг моҳияти.

Жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлардан четга чиққан ҳолатларини ўрганувчи девиант хулқ-атвор социологияси муаммолари Ўзбекистонда истиқлол шарофати билан ўрганила бошланди. Девиант хулқ-атворнинг турли кўринишларини мамлакатимиз олимлари ўз тадқиқот объектлари доирасида ўрганганлар. Республика файласуфлари Х.Шайхова, Қ.Назаров, М.Холматова, Н.Комилов (шахс тарбиясида маънавий-ахлоқий тарбия таъсири масалалари), социолог М.Б.Бекмуродов (ижтимоий меъёрларга жамоатчилик фикрининг таъсири жараёнлари), ҳуқуқшунослар А.Қулахметов, Ў.Каракетов, М.Усмоналиев (жиноятчиликнинг умумий жиҳатлари ва ўсмирлар жиноятчилиги масалалари), психолог олимлар Ғ.Б.Шоумаров, Н.А.Соғинов, С.А.Ахунжанова, З.Р.Қодирова, Э.Ш.Усмонов, Б.М.Умаров (ўз жонига қасд қилиш ва жиноятчилик муаммоларининг руҳий-психологик асослари), педагог-олимлар О.Мусурмонова, Д.Ж.Шариповаларнинг (оилада баркамол шахсни тарбиялаш ҳамда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, чекиш каби иллатларнинг олдини олиш муаммолари) олиб борган илмий ишларини шундай ишлар жумласига киритиш мумкин.

Жамиятда инсонлар фаолияти, хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворларини ижтимоий меъёрлар бошқаради. Ижтимоий меъёр жамият бошқарувининг ажралмас қисми бўлиб, шахс ёки ижтимоий гуруҳ хулқ-атворини муайян социал муҳитга мослаштирувчи қоидалар мажмуидир. Ижтимоий меъёрнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ҳамда урф-одатларга оид меъёрлар шулар жумласидандир.

Ижтимоий меъёрнинг афзаллиги шундаки, ёшлигиданоқ муайян меъёрларга мослаштириб борилган шахслар умум томонидан қабул қилинган тамойиллар доирасидан четга чиқмайди ва бошқалардан ҳам шуни кутади. Жамият тараккий этиб борган сари ўрнатилган меъёрлар ҳам эскириб боради ва янги меъёрлар ўрнатилади. Янги меъёрларни ўрнатиш жараёни жамиятда ўрнатилган мавжуд меъёрлар доирасини кенгайтириш ва ўзгартишдан иборатдир.

⁵⁷ Убайдуллаев Б. «Камолот» кеча, бугун, эртага “Ижтимоий фикр”. 2004. 3-сон. 13-бет

⁵⁸ Ўша матн

Жамият аъзоларини мазкур ижтимоий меъёрларга амал қилиб яшашларини назорат қилиб боровчи институтлар ижтимоий назорат институтлари дейилади. Ушбу институтларга оила, мактаб, маҳалла, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ҳоказолар қиради.

Инсонлар болаларга ижтимоий меъёрларни ўргатиб бориш билан бирга, хулқ-атвор меъёрий талабларининг тўғри бажарилишини назорат этишади ва бу билан ижтимоий назорат вакили вазифасини бажаришади. Назоратни якка шахс амалга оширса, бу ивдидуал тавсифга эга бўлади, агар бутун бир жамоа, оила, дўстлар, мактаб, маҳалла (қўни-қўшнилар) томонидан амалга оширилса, ижтимоий тавсифга эга бўлади ҳамда у ижтимоий назорат дейилади.

Ижтимоий назорат вакиллари инсонлар хулқ-атворини бошқаришнинг энг муҳим воситаси бўлиб, девиант хулқ-атворнинг олдини олишда ҳам ушбу жамоаларнинг ўрни катта бўлади.

Инсон тарбиясида энг биринчи ва энг муҳим ижтимоий назорат институти бу — оиладир: Фарзанд тарбиясида ва баркамол авлодни шакллантиришда соғлом оила муҳитининг ўрни каттадир.

«Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳиtida яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади.

Афсуски, орамизда шундай инсонлар ҳам учрайдики, улар жамият тараққиётига хизмат қилмасдан, балки унга тўсиқ бўлувчи меъёрдан оғиш ҳолатларини юзага келтирадилар. Жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлардан четга чиқиш ҳолатлари социологияда «девиантлик ҳолатлари», ундан туғилувчи хулқ-атворни «девиант хулқ-атвор» деб номланади.

Девиант хулқ-атвор — жамиятда ўрнатилган ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган инсоний фаолият ёки хатти-ҳаракат, ижтимоий ҳодиса бўлиб, ёлғончилик, дангасалик, ўғрилиқ, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўз жонига қасд қилиш ва бошқа кўплаб шу каби ҳолатлар ушбу хулқ-атвор хусусиятлари ҳисобланади.

Қуйидагилар девиант хулқ-атворнинг нисбатан кенгрок тарқалган кўринишларидан ҳисобланади:

а) жинойтчилик. Муайян давлатда ўрнатилган қонун ва меъёрларга нисбатан айрим шахсларнинг салбий муносабати жинойт фаолият, мазкур шахс эса жинойтчи ҳисобланади.

б) ичкиликбозлик. Бу борада илмий адабиётларда бир неча таснифлар мавжуд: 1) Алкоголни ҳар-ҳар замонда истеъмол қилиш. 2) Алкоголни кўп истеъмол қилиш — спиртли ичимликларни мумтазам, яъни ҳафтада бир мартадан бир неча мартагача ёки, бирваракайига ўртада танаффус билан кўп микдорда (200 мл.дан ошиқ). Бу кўпинча алкоголизмга олиб келади. 3) Алкоголизм — спиртли ичимликларга патологик (муттасил) ўрганиб қолиш билан тавсифланувчи касаллик.

в) гиёҳвандлик. Гиёҳванд ёки унга тенглаштирилган воситаларга мунтазам ружу қўйиш ва тиббий кўрсатмаларсиз истеъмол қилиш.

г) фоҳишабозлик. Фанда расмий никоҳсиз жинсий алоқа икки турга бўлиб ўрганилади: 1. Конкубинат — никоҳсиз бирга яшаш. 2. Фоҳишабозлик — пул учун ўз танасини сотиш. Ғарбда асосан иккинчиси қоралансада, Шарқда иккала ҳолатга ҳам меъёрдан оғиш сифатида қаралади.

д) бюрократия. «Бюрократия» термини аслбда «ҳокимиятга эга бўлган ходим» деган маънони англатади. Бироқ даврлар ўтиши билан «бюрократия» маҳаллийчилик, қоғозбозлик, тўрачилик, мансабни суистеъмол қилиш каби салбий маъноларда қўлланила бошлади.ҳозирги кууда кўплаб давлатларда «бюрократия» термини асил маъносини йўқотиб, бошқарувдаги ўзига хос идоравий услуб тарзида тушунилади.

Юқоридагилардан ташқари маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, боқимандачилик каби салбий ҳолатлар ҳам ижтимоий меъёрдан чскинишнинг диққатталаб кўринишларидан ҳисобланади.

Девиант хулқ-атвор муаммосини социология фани доирасида дастлаб. Э.Дюркгейм махсус ўрганган бўлса-да, жамиятнинг энг қадимий муаммоларидан бири сифатида девиант ҳолатларга муносабатлар қадим даврлардан шаклланиб келган. Қадимги халқларнинг диний-мифологик тасаввурлари, хусусан, Миср, Хиндистон ва Хитой диний қонун-қоидаларидаги ахлоқий меъёрлар бу соҳадаги дастлабки қарашлар эди. Қадимги юнон ва Рим файласуфлари ҳам ўз асарларида мазкур муаммоларни таҳлил қилиб берганлар.

Ўрта асрларда ахлоқ меъёрлари диний қарашлар таъсири остида ривожланди ва улардан чекиниш диний нуқтаи назардан баҳоланган. Европада христиан дини барча соҳада ҳукмронлик қилган бўлса, шарқ дунёсида ахлоқий-ҳуқуқий меъёрлар ва улар ҳақидаги таълимотлар ислом фалсафаси таъсирида ривожланди.

XVII-XVIII асрларга келиб, Европада жамият ривожининг кучайиши ахлоқ меъёрларининг христианча талаблари доирасига сиғмай қолди. XVIII аср мутафаккирлари ижтимоий меъёр ва ундан чекиниш муаммосини янада чуқурроқ таҳлил қилдилар. Ш.Л.Монтескье, Ж.Ж.Руссо, Ч.Беккариа, Гельвеций, Д.Дидро, П.Гольбах, Морелли ва Ш.Фурьелар ўз илмий изланишларида ижтимоий меъёрлар, кадриятлар учун умумий бўлган қонуниятларни топишга интиланлар.

XIX аср охирида табиий фанларда эришилган илмий ютуқлар ижтимоий фанлар таракқиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Хусусан, социологияда ижтимоий меъёрдан оғиш ҳолатларини тушунтирувчи дастлабки таълимот — Э.Дюркгеймнинг «аномия» ғояси яратилди.

Маълумки, социологиянинг фан бўлиб шаклланишида ижтимоий патология омилига эътибор қаратилиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Э.Дюркгеймнинг тўртта асари чоп этилган бўлиб, шулардан бири «Ўз жонига қасд қилиш» (1897) китоби девиантлик муаммосига бағишланган эди.

Америка социологиясида муҳим ўрин тутувчи таълимотлардан бири Э.Сатерленднинг дифференциал алоқалар таълимотидир. Бунга кўра, ҳар қандай хулқ-атвор, шу жумладан, девиант хулқ-атвор ҳам ўрганилади, яъни мавжуд жамият аъзолари томонидан мазкур хулқ-атвор бошқаларга ўргатилади.

Девиант хулқ-атвор муаммоларини таҳлил қилишда Р.Мертон ишлаб чиққан таълимот социологияда етакчи ўрин тутуди. Э.Дюркгеймнинг аномия ғоясини ривожлантириб, Мертон девиант хулқ-атворга қуйидагича таъриф беради: «Девиант хулқ-атвор жамиятда эълон қилинган кадриятлар ва расмий хулқ-атвор стандартлари билан аҳоли хулқ-атвор мотивлари ҳамда мавжуд имкониятларининг бир-бирига мос келмай қолиши натижасидир».

Шахсларда юз берувчи девиант ҳолатларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган учта омилни кўрсатиш мумкин. Булар шахс хусусиятлари, муаммоли ҳолат ва ижтимоий назорат институтлари. Айнан мана шу омиллар шахснинг қандай фаолият юритишини белгилаб беради.

Шахс хусусиятларининг шаклланишида асосан 3 та омил муҳим аҳамият касб этади, булар: 1) ирсий омиллар; 2) психо-физиологик омиллар; 3) шахснинг билим даражаси.

Шунингдек, ижтимоий оғишларнинг юз беришига шахснинг қатъиятли ёки қатъиятсизлиги, принципаллиги ёки принципсизлиги, қоидаларга бўйсунуш ёки бўйсунмаслик одатлари, бирон-бир қарорга кела олиш имконияти, ташқи таъсирга қанчалик берилиши, иродаси ва бошқа шу каби психофизиологик ҳолатлари, мижози ҳам катта таъсир кўрсатади.

Девиант хулқ-атворни ўрганишда муаммоли вазият муҳим аҳамият касб этади. Муаммоли вазият шундай ҳолатки, у субъектдан ечимини талаб қилади, унинг ечими ижтимоий меъёрларда кўрсатилган бўлса-да, у ёки бу сабабларга кўра, ушбу меъёрларни қўллаш қийинроқ бўлади.

Энг катта муаммоли вазият зиддиятли ҳолатларда, яъни турли шахслар ёки гуруҳларнинг манфаатлари бир-бирларига тўқнаш келганда юз беради. Шу ўринда

таъкидлаб ўтиш жоизки, ўз жонига қасд қилишларнинг 40%и оилавий зиддиятлар оқибатида содир этилади.

Зиддиятли ҳолатларнинг юзага келишига баъзан шахс хусусиятлари сабаб бўлса, баъзан кичик ижтимоий гуруҳлар, оила, маҳалла, ишлаб чиқариш бригадаси аъзолари, синфдошлар орасидаги салбий муносабатлар сабаб бўлади.

Жамиятда шахс шаклланишига таъсир этувчи муаммонинг ва уни ҳал қилиш имкониятларининг мураккаблиги даражасига кўра муаммоли ҳолатнинг тўртта асосий ҳолати кўзга ташланади: 1) ҳеч қанақа муаммо йўқ ҳолат, бунда ҳолат ҳеч қанақа қарор қабул қилишни талаб қилмайди; 2) муаммо бор, бироқ қийинроқ ёки осонроқ бўлса-да, унинг ечими ҳам ижтимоий меъёрларда кўрсатилган ҳолат; 3) мавжуд муаммони субъект ижтимоий меъёрлар доирасида ҳал қила олмайдиган ҳолат; 4) муаммони ҳеч қанақасига ҳал қилиб бўлмайдиган ҳолат. Ушбу турлича ҳолатлар кенг кўламда биридан иккинчисига ўтиб туради.

Муаммоли ҳолатнинг мазмуни субъектнинг индивидуал мақсадлари билан жамият манфаатлари орасидаги мақсадлар ва унга эришишнинг мумкин бўлган воситалари орасидаги; фаолиятнинг қутилаётган оқибатлари ва унинг қўшимча натижаси (ижобий ёки салбий) орасидаги, шунингдек ижтимоий меъёр талаблари ва шахс хусусиятлари орасидаги зиддиятларнинг (кўпинча ўйлаб чиқарилган) пайдо бўлишидан иборатдир.

Жамият аъзолари шахсий нуқнаи назарларининг шаклланишига, уларнинг девиант хулқ-атворга нисбатан ижтимоий фаол муносабатларининг таркиб топишига тарбиявий жараёнлар учун бевосита мутасадди шахслар, ташкилотлар раҳбарларининг ўрни ва роли каттадир. «Баъзиларга мумкин, бошқаларга мумкин эмас», «ҳозир яхши, эртага ёмон» ва шу каби муносабат ҳолатларининг иккиламчи феъл-атвор шаклида, яъни параллел стандартлар йўналишида амал қилишига изн бериш жуда хавфлидир. Шу боисдан, ҳар қандай ҳолатларда ҳам мансабдор шахслар, турли жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларининг раҳбарлари, педагог ва тарбиячилар, қонунни ҳимоя қилувчи ташкилотлар вакилларининг хулқ-атвор меъёрларини бузиши қатъий қораланади.

Девиант хулқ-атвор турларига кирувчи ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўз-ўзини ўлдиришлар билан боғлиқ ижтимоий иллатларнинг ҳар бири юзага келиши ва социал оқибатларига кўра моҳиятан фарқли жиҳатларга эгадир.

Биринчи фарқ, ижтимоий зарарли одатларнинг узоқ давом этиши девиант хулқи турмуш тарзининг узвий бўлагига айланиб кетишидан иборат бўлади. Доимий оилавий келишмовчиликлар, оила ва атроф-муҳитдан норозилик, уйдаги тушунмовчиликлар ва ҳоказолар — буларнинг барчаси субъект руҳиятини жароҳатлайди ҳамда у мавжуд вазиятни ўзгартиришга уринади. Бу ўриқда ижтимоий институтлардаги камчиликлар, шу жумладан, зиддиятлар ривожланишининг олдини ояувчи ва уларга қарши курашувчи ижтимоий назорат тизимлари ҳам салбий роль ўйнайди.

Буларнинг иккинчи фарқли жиҳати юқоридаги ҳолатларни ҳал қилишнинг маълум қийинчиликларга эгалигидир. Маълумки, ҳар қандай ҳолатда ҳам, кўп «қурбон» бериб бўлсада, тўғри ечимга эришиш мумкин. Лекин ҳамма гап шундаки, субъект «қурбон» бера оладими: хотини (ёки эри) билан ажралиб кета оладими, янги касбга эга бўла оладими ёки йўқми. Қатъий қарорга кела олмай, кўпинча субъект «ўринбосар» воситаларга, ичкилик ва гиёҳванд моддаларга мурожаат этади.

Бундай ҳолатларнинг кейинги фарқи шундаки, кўпинча субъект уларни ҳал қилишнинг нотўғри йўллари танлайди. Оилавий ва ишдаги жанжаллар одатга айланиб қолганда бундан «қутулишнинг» нотўғри хаёлий йўллари, ичкилик, гиёҳванд воситалар ва ҳоказоларга мурожаат этилади. Бироқ бу йўл зиддиятнинг чуқурлашувига ва турмуш тарзини зарарлантирувчи омилга олиб келади.

Статистик маълумотларга қараганда Ўзбекистондаги жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2002 йили 49173 шахсга нисбатан жиноят иши кўрилган бўлса, улардан 2163таси вояга етмаганлардир, бу эса 4,3%ни ташкил этади. Булардан 613таси (28%) мактаб ўқувчилари, 644таси (29%) лицей ва коллеж ўқувчилари эканлиги аниқланган.

2003 йилнинг 9 ойида 49584 шахсга нисбатан жиноий иш кўрилган бўлса, улардан 2049тасини (4,1%) вояга етмаганлар ташкил этади. Уларининг 613таси (29%) мактаб ўқувчилари, 160таси (7,8%) лицей ва коллеж ўқувчиларидир.

Қисқача хулосалар

Мамлакатимизда вояга етмаганлар содир этаётган жиноятлар камайиб бормоқда. Айниқса, мактаб, лицей ва коллежларда таълим олаётганлар орасида жиноятчилик камлиги ўқувчиларининг бўш вақтини беҳуда ўтказмаётганлигидан дарак беради. Бу борада республикада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилаётган тадбирлар ўз самараларини бераётганлигини таъкидлаш жоиздир.

Таянч иборалар.

Стратификация, социал стратификация, социал мобиллик, горизонтал ва вертикал мобиллик, социал статус, девиантлик, демографик муаммолар.

Назорат ва мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Стратификация тушунчасини изоҳланг.
2. Социал табақаланишнинг сабабларини кўрсатинг.
3. Ёшларнинг ўзига хос муаммоларини ўрганишдан мақсад нима?
4. Девиант ҳулқ-атвор шаклланишининг сабаблари ва шароитларини қандай изоҳлайсиз?

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон,2009.- 40 б.
2. Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008., 176 б.
3. Ислон Каримов. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: “Ўзбекистон”, “ 2009. – 24 б.
4. Ислон Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 б.
5. Баград Саркисов, Раъно Умарова. Социология. Маърузалар матни. - Т.: 2004, 120-126 б.
6. Б.Алиев., Т.Султонов., М.Муллажонова., Б.Раҳмонов ва бошқалар. Социология. (Ўқув кўлланма). –Т.: ТДЮИ нашриёти . 2006. -289 бет. 124-157 – бетлар
7. Турсунова Н. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги: тушунча ва фазилатлари. “Ижтимоий фикр”. 2004. 3-сон. 149-150 бетлар.
8. Новые социальные движения и социокультурные эксперименты. Реф. Сб. Вып. 1. М. «ИНИОН». 1999. стр. 208.
9. Социальный портрет Узбекистана. Т. «Ижтимоий фикр». 2002. с. 86.
10. Қаюмов У. Роль семьи в формировании нравственных и духовных основ общества. “Ижтимоий фикр”. 2004. 4-сон. 93-94 бетлар.
11. Убайдуллаев Б. «Камолот» кеча, бугун, эртага. “Ижтимоий фикр”. 2004. 3-сон. 13-бет
12. Бекмуродов А. Ш. , Алиев Б., Бобоев А ва б. Ўзбекистонда парламентаризм тараққиёти. Тошкент. 2005.

Интернет материаллари

1. Батыгин Г.С. “виртуальные сообщества и коммуникация в социальных науках”. www.NIR.ru.socia.scipub.
2. Здравомыслова С.А., Темкина А.А.. социология гендерных отношений и гендерный подход в социологии. Prometeus nsc.ru.
3. Лекции по социологии. Социология. Отраслевые социологические теории. Экономика, семья, города..... sociolex narod.ru.
4. Российская Сеть Информационного Общества – Социология. Социология. Общая социология. www.Isn.ru.sociologu.shtml.
5. Социология в энциклопедиях. Социология. Socionet narod.ru.
6. Экономическая социология. www.isrfas.ru. Журнал. Экономическая социология.
7. Электронная библиотека – социология, психология и управление. Soc.lib.ru
8. Центр социологического образования. – sociologu RU-Новости. www.sociologu.ru.

5. МАВЗУ. МАХСУС СОҲАЛАР СОЦИОЛОГИЯСИ

РЕЖА:

1. Социологияда шахс тушунчаси ва унинг шаклланиш асослари;
2. Шахс ижтимоийлашувнинг икки фазаси, ижтимоий фаолият ҳамда ўз-влатнинг ўзини англаш ҳолати;
3. Ижтимоий бошқарув социологияси тушунчаси ҳамда бошқарувнинг таркибий тизими ва таснифи;

1. Социологияда шахс тушунчаси ва унинг шаклланиш асослари

Ҳар қандай ижтимоий тизимнинг бўлаклари одамлар ҳисобланади. Одамларнинг жамиятга киритилиши турли бирликлар орқали амалга оширилади. Ҳар бир аниқ шахс социал гуруҳлар, социал институтлар, социал ташкилотлар жамиятда қабул қилинган қоида ва қадриятлар тизими, яъни маданият орқали гавдаланади. Шунга мувофиқ инсон кўп социал тизимларга тортилган бўлиб, уларнинг ҳар бири унга шакллантирувчи таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, одам фақат социал тизимнинг бўлаги бўлибгина қолмай, унинг ўзи ҳам мураккаб тузилмалар тизимда акс этади. **Социология шахсни барча хилма-хилликдаги мажмуида эмас, яъни табиат маҳсули сифатида эмас, балки ижтимоий муносабатлар йиғиндиси, жамият маҳсули сифатида қараб чиқади.** «Жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолиятимиз марказида инсон, суверен Ўзбекистоннинг фуқароси туради. Ислохотларнинг мазмуни айти ҳар бир фуқаро ўз қобилиятини, ўз истеъдодини намоён этишига, шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишига қаратилган»⁵⁹.

Шахс социал ўзаро таъсир ва муносабатларнинг бирламчи омили бўлиб ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда **шахснинг ўзи нима?** Бу саволга жавоб бериш учун, аввало, «инсон», «индивид», «шахс» тушунчаларини бир-биридан фарқлаб олиш керак. «Инсон» тушунчаси, умумий, ҳамма учун хос бўлган сифат ва қобилиятини изоҳлаш учун қўлланилади. Бу тушунча дунёда мавжуд бўлган, тарихан ўзига хос шундай ривожланаётган бирликки, инсониятни англашиб, у бошқа ҳамма моддий тизимлардан фарқли ўлароқ ўзига хос ижтимоий фаолият усуллари билан фарқ қилади.

⁵⁹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 352–353-бетлар.

Ушбу ҳаётий фаолият усули туфайли инсон тарихий ривожланишнинг ҳамма босқичларида, дунёнинг барча нуқталарида ўзига ўхшаш бўлган антологияга оид ҳолатни сақлаб қолади.

Инсон тушунчаси биоижтимоий-руҳий мавжудликни ифодаладиган тушунча. Унда инсоннинг **зоҳирий ва ботиний сифатлари** ўз аксини топади. Инсоннинг умумий сифатлари унинг конкрет ҳолат ва мураккаб ҳаёт шароитлари намоён бўладиган хилма-хил кайфият, руҳият ва муносабатларнинг йиғиндисидир. Ҳар бир инсондаги алоҳида бу ҳусусиятлар бетакрор, ўзига хос ҳолатларда намоён бўлиши мумкин.

Демак, **инсоният ўзига хос моддий воқелик сифатида мавжуд бўлади. Аммо, инсоният ўз ҳолича мустақил мавжуд бўлмайди.**

Аниқ инсонлар яшайдилар ва ҳаракат қиладилар. **Инсоният алоҳида вакилларининг мавжуд бўлиши «индивид» тушунчаси билан ифодаланади.**

Бшқача айтганда, алоҳида инсоннинг ўзига хос табиий-биологик ва ижтимоий эҳтиёжлари, манфаатлари, ақли, иродаси ва ҳақозолар йиғиндиси эканлиги назарда тутиб, «индивид» тушунчаси қўлланилади. Индивид «моҳир одам» турига мансуб яхлитликни ўзида гавдалантирган алоҳида инсондир.

Индивид - бу инсоният зотининг якка вакили, инсониятнинг ҳамма социал ва руҳий жиҳатларини идрокий, иродаси, эҳтиёжлари, манфаатлари ва ҳақозоларнинг соҳиби ҳисобланади. «Индивид» тушунчаси **бу вазиятда «аниқ инсон» сифатида** фойдаланилади.

«Индивид» тушунчасини айрим олимлар инсоннинг тарихи ибтидоий жамоа тузуми даврига тўғри келишини баён этган. Иккинчи хил фикрга кўра, индивид сифатида инсон ўзининг жисмоний мавжудлигини таъминлашни биринчи ўринга қўяди.

Масаланинг бундай қўйилишида турли биологик омиллар (ёш жиҳатлари, жинсий миждозларининг ўзига хос томонлари), шунингдек, **инсон ҳаётий фаолиятининг социал шароитлардаги тафовутлар белгиламайди.**

Ҳар қандай инсон индивиди ўзига хос салоҳияти билан дунёга келади. Ҳаммага гап бу салоҳиятни қай тарзда руёбга чиқаришдан иборатдир. Инсон ривожланишининг индивид босқичи энг узок давом этадиган, изчилликни тақозо қиладиган даврдир. Бу босқичда унинг аста-секин шахсга айланиш жараёни бошланади. Индивиднинг шахсга айланишида, бошқача айтганда, инсоннинг индивид босқичидан шахс босқичига ўтиш жараёнида социумнинг у ёки бу даражасида олинган жамоа аъзоси сифатида унинг имкониятлари, ижтимоий-аҳамиятли белгилари катъий тизим шаклида қарор топади. Яъни феъл-атвори шаклланди.

Инсонни турли даражада: якка тарзда ва тарихий ривожланишининг аниқ-тарихий ўзига хослигини акс эттиришда «индивид» тушунчаси билан бир қаторда «шахс» тушунчаси ҳам қўлланилади. «Шахс» бир қатор гуманитар фанларнинг фалсафа, руҳшунослик, педагогика ва социологиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Фалсафа шахсни фаолият субъекти, онг ва ижодиёт сифатида тутган ўрни, нуқтаи-назаридан қараб чиқади. **Рухшунослик - шахсни** руҳий жараёнлар, ҳусусият, қобилият, ирода сифатлари ва бошқа жиҳатлардан барқарор яхлит ҳолда ўрганади.

Социологик ёндашув шахснинг социал-типик жиҳатини ажратади. Шахс социологик назариясининг асосий масаласи шахснинг шаклланиш жараёни ва унинг эҳтиёжларини қондириш, социал бирликда ривожланиши ва амал қилиши, жамият билан шахс алоқалари, шахс ва гуруҳлар, шахснинг социал феъл-атворини, тартибга солиш қонуниятларини ўрганиш билан чамбарчас боғланган.

Бу ерда, социологияда шахсни ўрганишга айрим умумий тамойилар нуқтаи-назаридан ёндашув ифодаланган.

Социология шахсга оид кўпгина назарияларни ўз ичига олган бўлиб, улар бир-бирларидан катъий методологик кўрсатмалар орқали фарқ қиладилар.

Инсоннинг қайси жиҳати шахс тушунчасида номоён бўлади? **Инсоннинг 2 хил эҳтиёжи мавжуд: табиий ва ижтимоий. Табиий** - бу барча биологик эҳтиёжлар: **Ижтимоий** - меҳнат фаолияти, ижтимоий фаоллик, маънавият ва бошқалар.

Шахс бу инсоннинг жисмоний табиати эмас, балки унинг ижтимоий сифатидир. Шахс эҳтиёжлари унинг манфаатлари орқали номоён бўлади. Манфаатлар эса уни мақсадли фаолиятга йўллайди. Кишиларнинг ижтимоий муносабатлари уларнинг хулқларида, энг аввало, манфаатлар тарзида номоён бўлади. Бу эса ўз навбатида шахс фаолиятининг мақсадини, мазмунини ва моҳиятини ифодалайди. Манфаатларнинг мақсадга айланиши шахс фаолияти мотивининг олий даражасидир.

Социология тарихида ўзининг методологик қурилмаси жиҳатидан фарқ қилувчи шахс тўғрисидаги назариялар ишлаб чиқилган.

Карл Маркс ва Ф. Энгельс томонидан асос солинган шахс ижтимоий фаолият ва муносабат субъекти ва объекти тўғрисидаги назарияси, Ч.Кули, Р.Дарендорф, Р.Милтон, Р.Мертонларнинг шахс роли назарияси ва бошқа шу кабилар.

1. Шахс ижтимоий фаолият, муносабат субъекти ва объекти тўғрисидаги **марксистик назарияда асосий эътибор шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабатига қаратилган.** Марксистик социологияда шахснинг моддий фаолияти жараёнида юзага келувчи ва онгининг муайян хусусиятларини акс эттирувчи субъектив жиҳатлари кўпроқ тадқиқ қилинган.

2. Америка социологлари: Т.Знанецкий ва Ч.Томаслар асос солган **шахс ижтимоий хулқини ўз-ўзини бошқаришининг диспозицион назариясида** шахс ҳаётидаги дунёқарашлик ва қадриятли - норматив омилларга кўпроқ аҳамият берилади. Бу назарияга кўра, шахс онги унинг ҳаётий ўрнини белгилайди. Шахс дунёқараши, ижтимоий қадрияти, ғоявий ва маънавий нормалар унинг фаолиятини белгиловчи асосий омиллардир. Кўриниб турибдики, шахс тўғрисидаги бу назарияда шахснинг социологик ва ижтимоий психологик хусусиятлари бир қилиб олинган.

3. Социологияда Америкалик Д.Ж.Мид ва Г.Р.Минтонлар томонидан асос солинган **шахснинг роли назарияси ҳам диққатга** сазовордир. Кейинчалик бу назария Г.Мертон ва Т.Парсонс, Фарбий Олмония социологи Г.Дарендорфлар томонидан янада ривожлантирилган. Бу назария икки асосий тушунчалар: шахснинг ижтимоий мавқеи ва ижтимоий роли орқали тушунтирилади. Унга кўра, ҳар бир инсон муайян ижтимоий тизимда бир неча ўринни эгаллаши мумкин. Ҳар бир эгалланган ўрин **ижтимоий мавқе деб аталади.** Шахс ўз ҳаёти давомида бир неча ижтимоий мавқега эга бўлиши мумкин. Бинобарин, бу ўринлардан қайси биридир унинг асосий ижтимоий мавқеини белгилайди. Бош мавқе шахснинг эгаллаб турган мансаби (масалан, директор, раис, профессор каби) билан белгиланади.

Шахс ижтимоий мавқеи унинг ташқи хулқида, ташқи қиёфасида, юриш туришида ва хатто муомаласида ҳам ўз ифодасини топади.

Шахснинг **ижтимоий роли** назариясида **белгиланган** ва **эришилган ижтимоий мавқелари** ўзаро фарқланади. Белгиланган мавқе - бу шахс хизмати ва хатти-ҳаракатидан қатъий назар, жамият томонидан белгилаб қўйилади. Шахснинг этник келиб чиқиши, туғилган жойи, оиласи, жинси ва бошқалар шулар жумласидандир. **Эришилган мавқе деганда**, шахснинг ўз хатти-ҳаракати, қабилияти билан эришган мавқеи тушунилади. Масалан, ёзувчи, фирма бошлиғи, директор, профессор ва шу кабилар. Булардан ташқари, яна шахснинг табиий ва касбий лавозим мавқеи ҳам ўрганилади. Шахснинг эркак ва аёл, болалик, ўсмирлик, ёшлик, ўрта ёш, кексалик даврларини билдирса, касбий лавозим мавқеи шахснинг ижтимоий - иқтисодий ва ишлаб чиқариш - техник ҳолати (муҳандис, темирчи, ҳайдовчи ва бошқалар)ни билдиради.

Ижтимоий мавқе шахснинг муайян ижтимоий тизимида эгаллаган конкрет ўрнини ифодалайди. **Ижтимоий роль** эса шахснинг ижтимоий тизимида эгаллаган мавқе билан бажарадиган фаолияти мажмуини ифодалайди. Масалан, маъмурий - буйруқбозликка асосланган Собиқ совет тизими буйруқбоз шахслар типини шакллантириб қўйди. Бундай шахс типига «юқори»га кўр-кўрона, сўзсиз бўйсунуш, дунёқараши тор, бир томонлама, ўз мансабини сақлаб қолиш ва юқори мансабларга эришиш йўлида ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдиган, мунофиқлик каби хусусиятларга эга бўлганлар киритилди. Бундай

кишиларнинг шахс хусусиятлари улар бажарадиган вазифасига ўз ўрнини бўшатиб беради. Шахс типининг бундай кўриниши ҳозирда ҳам баъзан жамият ҳаётини янги шароитда эркин ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Шахс фаолияти деганда, унинг ички ва ташқи тенденцияларининг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши хусусиятларига айтилади. Ижтимоий фаоллик инсон шахс сифатидаги даражасининг асосий ифодаси бўлиб унинг юксак қадриятли эҳтиёжларини қондиришлари ва сифат кўрсаткичдир. Демак, ижтимоий фаоллик шахснинг муҳим сифатидир.

Шахс фаоллиги деб, унинг ҳаётини бошқариш билан, боғлиқ бўлган ва қадриятларининг намоён бўлиш хусусиятларига айтилади. Ижтимоий фаоллик инсон шахси сифати даражасининг асосий ифодаси бўлиб, унинг юксак қадриятдаги эҳтиёжларини қондириш усули ва сифат кўрсаткичидир. Шу жиҳатдан шахс фаолияти социологияда кенг ва кичик (тор) ижтимоий даражаларда ўрганилади. Шахснинг бундай даражаларда ўрганилиши методологик аҳамият касб этади.

Шу боисдан ҳам шахс социологиясини ўрганиш Ватан, халқ фарзанди, ҳақиқий чин инсонга хос бўлган шахс даражасига етишини англаб олишимизга ёрдам беради. Ватанни севиш, Ватан фарзанди бўлиш ғурурини ўстиради. Ватан учун, халқи учун керак бўлса жонини фидо қилишга шай туриш – буюк инсоний (фазилатдир. Шахс социологияси ана шундай етук шахсларни етиштириб беришга хизмат қилади.

«Шахс» - одамнинг ижтимоий хусусиятларининг яхлит мажмуи бўлиб, ижтимоий тараққиёт ва индивиднинг фаол хатти-ҳаракати ҳамда муомаласи воситасида ижтимоий муносабатлар тизимига қўшилишининг маҳсули ҳисобланади. Шахс тушунчаси ижтимоий муносабатлар ва онгли фаолият субъекти сифатидаги индивидни ҳам ифодалайди.

«Шахс» тушунчасида унинг атроф-муҳитга муносабатни билдирадиган ижтимоий-руҳий сифатларининг ички муайян яхлитлиги ифодаланади. Шахс бўлиш дегани, биринчи навбатда, ўзининг ички қадриятлар дунёсини шакллантиришни, теварак-атрофга, энг аввало, ижтимоий ҳодисаларни англаш, унинг моҳиятини тушуниш орқали қадриятий-танқидий муносабатга эга бўлишни билдиради.

Инсоннинг шахс сифатидаги қадрияти унинг ўзлигидан, физиологик мавжудлигидан ажратиб олинган тарзда мавжуд эмас. Шу билан бирга, айтиш мумкинки, истаган инсон шахс бўлолмайди, лекин ҳар қандай шахс- инсондир. У ташқи муҳитга фақат биологик мослашув натижаси сифатида шакллана олмайди. Балки социумда, аниқроғи, унинг турли даражаларида қарор топади ва унга маълум даражада боғлиқ бўлади. Яъни шахснинг келиб чиқиши ва унинг имкониятларини рўёбга чиқиши кишилик жамияти томонидан таъминланади. Демак, шахсда инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган вазифалари ифодаланади. Шунга кўра, социумнинг турли даражаларини ўрганадиган барча фанлар доирасига шахс масаласи ҳам қиради. Хусусан, инсон танаси тузилиши ва фаолиятини ўрганадиган биология ва бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, жамиятшунослик, руҳшунослик, таълимшунослик каби қатор фанлар шахс масаласини ўрганишга эҳтиёж сезади.

Муайян маънода шахс яхлит социумнинг ажралмас бўлагидир. Унда даставвал кишилар ўртасидаги мавжуд муносабатлар жамулжам бўлади.

Лекин бу ўинда шахс билан социум айнанлиги тўғрисида гапиришга асос йўқ. Ибтидоий тузумнинг содда жамоачилиги инқирозга юз тутиши туфайли кишилар бир-биридан «ички» дунёси ва манфаатлари билан ўзаро фарқланиб, шахс босқичига кўтарилиб борадилар. Бунинг натижасида эса шахс билан социум манфаатлари нисбати масаласи кун тартибига қўйилади.

Шахснинг социум билан муносабатлари ўзига хос жиҳатларга эга. Шахснинг ўзлиги, даставвал, унинг муайян даражадаги мустақиллигидир. У шу ҳолати билан социум ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этади. Албатта, гап бу борада кўпроқ етук шахс тўғрисида боради. Лекин Янги туғилган инсоннинг шахс бўлиш имконияти фақат социумда

вужудга келади. Демак, шахсни социумнинг турли даражаларидаги ташкилий сифатлари вояга етказлади.⁶⁰

Инсон билан социум алоқадорлиги жиҳатидан унинг шахс сифатлари шаклланишини аниқлаб олиш муҳим. Шахс шаклланишига қайси омиллар таъсир кўрсатади ва конкрет шахс бошқа оддий инсондан нимаси билан фарқланди, - деган савол қўйилса, унга жавоб бериш хийла қийин. Негаки, шахс шаклланишида жуда кўп омиллар иштирок этади. Уларнинг ичида ижтимоий муҳит катта мавқега эга.

Индивид сифатида намоён бўлган мавжудот ижтимоий муҳит таъсирида шахс сифатида шаклланади. Индивиднинг жамият билан ўзаро муносабати уни маълум бир социал жамоа вакилига айлантирувчи турли гуруҳлардир. Бу муносабатни амалга оширишда мулоқат асосий роль ўйнайди, социал гуруҳлар орқали амалга ошади. Чунки мулоқат шахснинг асосий ижтимоий муносабатлар системасида назарий ва Амалий билимларни эгаллашида унинг шу системадаги ўзининг мақомига эга бўлишида, фаолият жараёнида ва кундалик турмуш тарзида асос сифатида хизмат қилади,⁶¹ Шу билан бирга шахс мулоқот орқали ўзининг шахс сифатида шаклланганлигини ва бошқа шахсларнинг ижтимоий муҳитининг ҳақиқий субъекти ёки унинг ижрочиси сифатида шакллангани тўғрисида тушунчага эга булишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли шахс жамиятдаги барча муносабатларнинг шаклланиши ва социал динамик характери билан белгиланганда асос бўлиб хизмат қилади.

Демак, шахс кишининг ҳаёт кечириш шароитларида социал гуруҳлар, социал институтлар, социал ташкилотлар таъсирида фаолият жараёнида шаклланади. Шахснинг шаклланишида гуруҳлар ва жамоалар етакчи роль ўйнайди.

Демак, шахс - **ўзига хос интеллект, эмоционал, иродавий-шахсий белги ва сифатларга эга бўлган субъект**. Бу белги ва сифатлар муайян социал-иқтисодий формациянинг маҳсулидир. Шахс ўтмиш тарихий тажрибани, ўтмишдаги маданий бойликларни ўзида тўплайди. **«Шахс - барча ижтимоий муносабатларнинг йиғиндисидир»**. Жамиятдан ташқари-даги шахс нореалдир. **Шахснинг шаклланишида:**

1) шахснинг ривожланиш даври ва унинг натижаси.

2) шахсни мақсадга йўналтирилган тарзда тарбияланишидан иборатдир.

Шахснинг ривожланишини унинг фаолиятида ўзгариб турувчи эҳтиёжлари билан уларни қондиришнинг имкониятлари ўртасидаги зиддиятларда аниқланади.

Ҳозирги шароитда инсонга ижтимоий муҳит кўрсатаётган таъсирини қуйидагича тасниф этиш мумкин:

Биринчидан, ҳар бир инсонга бўлган глобал таъсир, яъни радио, телевидение, матбуот, кино ва ҳоказолар орқали ахборот алмашинуви;

Иккинчидан, мамалкат ва минтақа миқёсидаги ижтимоий таъсир инсонни мавжуд шарт-шароитлар доирасида инсон дунёга келишидан то ҳаётдан кўз юмгунигача ўз орбитасида тутиб туради;

Учинчидан, инсонни аввал бошидан ўраб турган микромуҳит – оила, мактаб, кўча ва ҳоказолар ўз таъсирига олади.

Анна шу нуктаи назардан айтиш мумкинки, **инсон шахснинг шаклланишидаги биринчи босқич – оиладир. Оила биоижтимоий сифатга эга бўлган тузилма сифатида жамиятнинг барқарор ва дастлабки бўғинидир**. Оилада гўдак илк бор ижтимоий-маданий кадрларни англамаган ҳолда ўзлаштиради ва улар замирида фаоллигини аста-секинлик билан ошириб боради. **Мактаб, турли ижтимоий гуруҳлар** (масалан, тенгдошлар, спорт уюшмалари ва бошқалар) **билан мулоқат давомида маданий идеаллик қарор топа бориб, шахс шаклланишининг муҳим манбаига айланади**.

Ҳозирги давр социологиясида «инсон» деганда Ерда яшаётган мавжудот турларидан бири тушунилади. Инсон алоҳида олинган тур (Homo sapiens) вакилини ифодоловчи умумий тушунчадир. Инсон, умуман инсон зотининг йиғиқ образи сифатида биоижтимоий мавжудот бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам табиатга, ҳам ижтимоий ҳаётга мансубдир.

⁶⁰ Жўраев Н., Азизов Ш. Ижтимоий асослари. -Т.: «Маърифат-мадакдор», 2003. -62-63-б.

⁶¹ Умумий социология. Тошкент: ТошДУ, 1999, 42-бет.

Гегель таъбири билан айтганда, «инсоннинг ўзида бевосита мавжудлиги қандайдир табиийдир, бу унинг ўз тушунчасига биноан ташқидир; фақат ўзига тегишли тана ва руҳини такомиллаштириш воситасида, моҳиятан ўзи ўзи англаши сабабли ҳам у ўзини эркин тутади, у ўзига ўзи эгалик қилишга киришади ва ҳам ўзига, ҳам бошқаларга нисбатан бўлган муносабатларда ўзига ўзи эгалик қилади. Бу ўзига ўзи эгалик қилишга киришиш, шунингдек, бу ҳолатни воқелик деб билиш шуни кўрсатадики, инсон ўз тушунчасига биноан (имконият, қобилият, мойиллик), энди ўзини ўзиники деб билиши, ўзини худи предметдек ҳисоблаши – оддий ўзини ўзи англашдан фарқ қилиб, у ҳақиқатда нарса (буюк) шаклида намоён бўла олиш қобилиятига эришади»⁶².

Индивид инсон зотининг алоҳида олинган нусхаси, унинг вакиллари билан бирдир. Шахс эса у ёки бу инсон сифатида намоён бўлиб. У маълум ва бетакрор индивидуалликка эга бўлади. Индивиднинг жамиятга кириш жараёнлари унинг ижтимоийлашувини таъминлайди. Ижтимоий муносабатларга киришиш натижасида унинг жамиятдаги кадриятлар ва меъёрларни ўзлаштириб бориши учун замин яратади. Бу жиҳатдан у ижтимоий таъсир объектидир. Шунингдек, индивид ижтимоийлашув оқибатида жамиятдаги турли муносабатларда фаоллашади ва бунда у ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида ҳаракатланувчи шахсга айланади.

Мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажagini барпо қиладиган, унга муносиб шахс бўла оладиган кишини тарбия қилиб етиштириш ҳозирги даврнинг асосий вазифаси эканлиги шахс социологиясида ўрганилади.

Ҳозирги даврда жамиятимизда шахснинг қуйидаги белгилари мавжуд:

1. **Биринчи группа шахс белгиси:** жамиятга, сиёсатга муносабати билан боғлиқ, (Ватанга садоқат, ўлка бойлиги хўжайини эканлигини англаш, оптимизм, мақсад сари интилиш, интизомлилик, уюшқоқлилиқ, актив ҳаётий позиция ва бошқа).

2. **Иккинчи группа шахс белгиси:** унинг ўз фаолиятига бўлган муносабати билан характерланади (Меҳнат қилиш, сўз билан иш бирлиги, билим олишга интилиш, маданиятга интилиш, меҳнатда ташаббускорлиги ва бошқа).

3. **Учинчи группа шахс белгиси:** унинг бошқа кишиларга бўлган муносабати билан боғлиқ (Кишиларни ҳурмат қилиш, қардошлиқ, туғрилиқ, ахлоқийлик).

Шахснинг асосий хислатлари, булар:

- онглилик;
- маънавий бойлик;
- ижтимоий муносабатлар;
- жамиятга нисбатан нисбий мустақиллик;
- жавобгарлик.

Инсоннинг ижтимоий сифатларини белгиловчи омиллар:

1) ижтимоий мақсади:

- а) эгаллаб турган мақоми;
- б) бажараётган ижтимоий роли;
- в) нормалар ва кадриятлар;
 - маданият;
 - инсон фойдаланадиган белгилар тизими;
 - билимлар;
 - билим ва махсус тайёргарлик даражаси;
 - ижтимоий-психологик ўзига хосликлар;
 - ечимни қабул қиладиган мустақиллик;
 - фаоллик.

⁶² Гегел Г.В. Философия права. Москва, «Мысль», 1990, с.113.

Бугунги кунда, айниқса Иилом Каримов 2000 йил Олий Мажлис 2-чақирик 1-сессиясининг 2-йиғилишида (11 февралдаги) раҳбар кадрлар қуйидаги хислатларга эга бўлишини алоҳида таъкидлаган эди⁶³:

1. Шахсий хислатлар:

- 1) ижтимоий манфатларни уз шахсий манфатидан юқори қўйиши;
 - 2) адолатлилик;
 - 3) ўз қўл остидагиларга ҳурмат билан қараш;
- 4) меҳнат жамоасида қулай психологик муносабатни вужудга кел-тириш
- 5) одамлар билан осонликча тил топиша билиш;
 - 6) умумий маданият савиясининг юксаклиги;
 - 7) босиқ бўлиш;
 - 8) ўзига ишонч ва ҳоказо.

2. Амалий хислати:

- 1) фикрининг тиниқлиги;
- 2) янгиликни қабул қила билиш;
- 3) ташаббускорлик қобилияти;
- 4) ташкилотчилиги;
- 5) ўз сўзи устидан чиқа билиш;
- 6) пухталиги ва ҳоказо.

3. Профессинал, хислати:

- 1) ишлаб чиқаришни билиш;
- 2) кадрларга эътибор;
- 3) ўз малакасини ошириш;
- 4) ишбилармонлик ва ҳоказо;

Жамият ва индивиднинг интеграциялашув жараёни ва ижтимоий бирликларининг турли типлари ҳам мавжуд бўлиб, булар:

- 1) гуруҳ;
- 2) ижтимоий институтлар;
- 3) ижтимоий ташкилотлар ва бошқалардан иборат.

Шахсининг асосий социал сифатлари конкрет социал гуруҳлар, жамоалар фаолияти ва муносабатидан таркиб топади. Шу сабабли **шахсининг социал сифатлари 3 та кичик тизимдан иборатдир:**

1. Шахсининг индивидуаллиги.
2. Шахслараро муносабатлари.
3. Муносабатлар субъекти.

1. **Шахсининг индивидуаллиги** ундаги характер, ирода дунёқараш, фаолият жараёнидаги баъзи бир хусусиятлар биланелгиланади. Ундаги индивидуал хусусиятлар унинг амалий фаолиятида намоён бўлади.

2. **Шахсининг шахслараро муносабати**, аввало шу муносабатлар сис-темаси элементларидан бири эканлигини билдиради. Шахслараро муносабат шахс ривожланишининг, унинг комил инсон сифатида таркиб топишининг асоси сифатида хизмат қилади, шу сабабли шахсининг шахслараро муносабатлар шахсда инсонийлик, поклик, ростгўйлик, самимийлик каби хислатларнинг шаклланишида ва такомиллашувида алоҳида ўринга эга.

3. **Муносабатлар субъекти**. Шахсининг ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида мавжуд бўлиши унинг шу муносабатлардаги субъект сифатидаги мақомини белгилайди.

Шахс маълум социал хусусиятли ҳодисаларнинг оқибатигина эмас, балки сабаби ҳамдир. Ҳар бир шахсининг социал сифатлари унинг амалий фаолиятининг мазмун ва характерини белгилайди. Айнан фаолият жараёнида киши атрофдаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ишлаб чиқади. Социал хусусиятлар шахсининг ички ҳолат таъсирида унинг

⁶³ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 358–361-бетлар.

фаолиятида ўраб турган воқеликка шахсий муносабат сифатида намоён бўлади. Социал хусусиятлар бу маълум социал муҳит шароитларида индивидлар орасидаги ўзаро таъсирлар жараёнида юзага келган алоқалар тизимидир. Шахснинг социал хусусияти кишининг фаолияти, хатти-ҳаракатида, унинг социал сифати шаклида кўринади. Шахснинг социал сифатларини ташкил этувчи элементларга (шахс социал мақсади):

- ўз фаолияти жараёнида амал қилувчи норма ва қадриятлар;
- фойдаланадиган белгилар тизими;
- ўз ролини бажариш ва ташқи дунёга нисбатан эркин ҳаракат қилиш учун ёрдам берувчи билимлар мажмуаси: билим ва қарор қабул қилишда мустақиллик даражаси киради.

Шахс социологиясида шахс манфаати алоҳида ўринга эга. **Шахс манфаати** - бу индивид фаолиятининг у ёки бу эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ йўналганлигидир. Манфаатлар асосида кишиларнинг эҳтиёжлари ётади. Улар социал қонунлар талабларини ифодалайди, бунинг натижасида манфаат эҳтиёжини англашда муҳим роль ўйнайди. Манфаатнинг 4 тури мавжуд:

1. **Муносабат манфаати:** - шахс фаолиятида у ёки бу объектдаги воқеа ва ҳодисаларга нисбатан қизиқувчанлигини англатади. Муносабат манфаати 2 кўринишда кечади: а) асосий муносабат манфаати - бу шахснинг ҳаётида мақсад ва вазифасини, ҳаракатларини ўз ичига олади. б) ёрдамчи ёки иккинчи даражали муносабат манфаатдир. Бу шахс фаолиятининг мақсад ва вазифаларидан ташқари унинг бошқа воқеликка қизиқишини билдиради.

2. **Ҳаракат манфаати:** – шахснинг у ёки бу фаолиятида қатнашиши-да кўринади. Актив ё пассивлигини билдиради. Ҳаракат манфаати: а) мақсадли ва б) мақсадсиз бўлиши мумкин. (бошланғич фаолияти билан чекланиб қолган, тор доирадаги ҳаракат).

3. **Таянч манфати:** – шахснинг бошқа шахслар, гуруҳлар билан узоқ социал таъсирлашувида шаклланган ва турли вазиятларда ўз йўналишини сақлаб қолган манфаатдир. Шахслараро ва гуруҳлараро муносабатларда шаклланади..

4. **Йўналиш манфаати:** – бу йўналиш манфаатлар ичида жуда мураккаб бўлиб у шахс манфаатларидан бирини танлаши билан боғлиқ.

Демак, шахснинг типи у яшайдиган жамиятнинг ижтимоий тузилишига боғлиқ. Шахснинг шаклланишини белгиловчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- 1) Ижтимоий сиёсий тузум.
- 2) Тарбия ва маориф тизими.
- 3) Турмуш.
- 4) Меҳнат фаолияти.
- 5) Ижтимоий фаолият.
- 6) Оила ва бошқалардир.

9.2. Шахс ижтимоийлашувининг икки фазаси, ижтимоий фаолият ҳамда ўз-ўзини англаш ҳолати

Шахс шаклланишида уни ўраб турган муҳит ва у интиладиган маданий-ижтимоий идеаллар ҳамда бажарилиши лозим бўлган вазифаларининг ҳам аҳамияти каттадир. Бундай ҳодисани фанда инсоннинг ижтимоийлашуви ёки социализация йўли билан шахсга ўтиши, деб аташ қабул қилинган. Буни изоҳлайдиган кўпгина қарашлар мавжуд.

Ижтимоийлашув умумий маънода инсоннинг био ва руҳий эҳтиёжларига мақсадга мувофиқ, оқилона таъсир ўтказишдир. Бунинг оқибатида инсон шахси қарор топишининг иккинчи томони – унинг субъектив «МЕН»и ҳам шаклланади. **Шахснинг «МЕН»и ота-оналари, қариндош-уруғлар, таниш-билишлар, маҳалла-қуй ва бошқалардан ўзлаштирадиган сифатлардир.** Бу сифатлар аниқ олинган жойи ва вақтига кўра ижобий ёки салбий шахсий хусусиятлар тарзида шаклланиши мумкин. Ижобий ҳолатда шахсда ўзи тўғрисида одиллик, эпчиллик, қобилятлилик, уддабуронлик каби тасаввурлар туғилса, салбий ҳолатда унинг лаёқатсизлиги, ношудлиги, заифлиги каби

хусусиятлари қарор топиши мумкин. Албатта, бу хусусиятлар инсон субъектининг ўз «МЕН»и тўғрисидаги фикрларидир. Уларнинг воқеликка мувофиқ келиши, яъни ҳақиқийми ёки йўқлиги масаласини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Субъектив «МЕН» юзага келиши билан нисбий мустақиллик тарзини олади ва шахс сифатида ўзини кўрсата бошлайди. Шу билан бирга шахс «МЕН»и доирасида унинг иккинчи жиҳати-бошқаларнинг бу «МЕН»га бўлган муносабатига жавоблари масаласи кузга ташланади. «МЕН»нинг бу жиҳати ўзга ҳаракатлари, фикр-ўй, сиёсий мавқеи, турмуш тамойиллари ва ҳоказолар тўғрисида жамоатчилик фикрларини ҳисобга олиш ёки олмаслик билан боғлиқ ҳолатлар ифодаланади.

Ўзга «МЕН» куйидаги ҳолатлардан ташкил топади. Булар-бошқаларнинг айнан шу шахс тўғрисидаги қарашлари асосидаги фикрлар; Айни шу шахснинг хатти-ҳаракати ва фаолиятини бошқалар томонидан баҳолаш билан боғлиқ омиллар; бошқаларнинг қарашлари ва берган баҳоларига жавобан қониқиш, ғурур, ўзига ишончининг кучайиши, ўзини бекаму кўст деб ҳисоблаш, уялиш, афсусланиш, эҳтиёткорликка мойиллик каби ҳолатлардир. Шахснинг объектив «МЕН»и билан унинг тўғрисидаги «ўзга МЕН» бир-бирини тўлдиргандагина инсоннинг ижтимоий табиати ҳақидаги фикрлар ҳам тўлароқ бўлади.

- Жамият ва шахс мақсадлари орасидаги боғловчи у ёки бу социал тизим бўлиши мумкин. Демак:

Шахснинг ижтимоийлашуви деб, шахснинг жамиятга, социал жамоаларнинг турли, типларига маданият элементлари, социал норма ва қадриятларни ўзлаштириш орқали содир бўладиган жараён (ижтимоийлашув деб аталади)га айтилади.

Шахснинг (индивиднинг) социал ташкилот элементи бўлиши 2 муҳим жиҳатга боғлиқ: 1) социал ташкилотнинг шахсга таъсир этиши билан қобилятининг шаклланишига ва 2) шахснинг бошқа одамлар таъсирига берилиши билан қобилятининг шаклланишига боғлиқ.

Шахс ижтимоийлашувнинг 2 фазаси мавжуд:

1. **Социал адаптация** (мослашиш). Бунда индивиднинг социал шароитларга, функцияларга, социал нормаларга, социал гуруҳларга, ташкилот ва институтларга, яъни муҳитга мослашишдир. Социал адаптация жараёни, асосан оилада бошланади ва шаклланади. Оиладаги ҳар қандай муносабатлар шахснинг ижтимоийлашувида ўз аксини топади. Шу боисдан индивиднинг шахс сифатида шаклланишида оила асосий роль ўйнайди.

2. **Социал интериоризация**, яъни социал норма ва қадриятларнинг индивид ички дунёсига киришиш жараёнидир. Шахс социал муҳитга қоришиб кетмайди, балки унга мустақил бирлик сифатида қиради, Кўпгина назарияларда шахснинг ижтимоийлашуви, ташқи таъсир объекти сифатидагина қаралади. Бу назарияларда асос қилиб фақатгина ижтимоийлашув ёрдамида социал ўзгарадиган инсоннинг табиий моҳияти олинади; шахснинг активлиги ва унга бериладиган биологик хусусиятлар ҳисобга олинмайди.

Ижтимоийлашув шунга асосланадики, одам ижтимоий фаолиятчи сифатида ўзи ва ҳам ижтимоий ҳаётининг, ҳамда шароит ва вазиятларини белгиловчи омилдир. Шахс социал таъсирланишнинг объекти ва субъектидир. Ижтимоийлашув жараёнида белгилар тизими муҳим аҳамиятга эга. Белгилар ёрдамида жамият индивидлар фаолиятини бошқаради. Индивид социал фаолият курсатиш учун социал жамоада қабул қилинган белгилар ва уларни ишлатиш усуллари ўзлаштирган бўлиши керак.

Индивид фаолият қилувчи мавжулотдир. У ташқи муҳитга шунчаки жавоб бермайди, балки амалий фаолият жараёнида ҳам инсон сифатидаги ўзининг тараққиёт ва фаолияти қонуниятларни англайди ва англаш асосида ўзининг социал фаолиятини белгилайди. Шахс томонидан ўз фаолиятини бошқариш фақат объектив ва субъектив қонуниятларни билишгина эмас, балки шу қонуниятларни, унинг элементларини, хусусиятларини ҳам билишни тақозо этади.

Шахсларнинг социал фаолияти ва социал ҳаракатининг бошланғич нуқтаси маълум эҳтиёж ва манфаатларни юзага келтирувчи объектив ҳаёт шароитларидир. Фаолият турлари кўп, лекин энг муҳими уларнинг барчаси шахснинг моддий ва маънавий асосини ташкил

қилувчи, эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, эҳтиёжлар шахснинг ташқи муҳитга объектив боғлиқлигини билдиради. Шу сабабли шахснинг амалий фаолият эҳтиёжларни қондириш шакли сифатида қаралиши объектив шароитларнинг инъикоси ва уларни қондиришнинг реал имкониятларини англаш сифатида қаралиши мумкин.

Эҳтиёжларининг 2 кўриниши мавжуд: **1) табиий ва 2) жамият томонидан пайдо қилинган эҳтиёжлар.**

1) **Табиий эҳтиёжлар** сифатида кишиларнинг кундалик эҳтиёжлари: овқат, кийим, турар-жой ва бошқалар тушунилади.

2) **Социал эҳтиёжлар** эса одамнинг меҳнат қилиш эҳтиёжи, социал активлиги, руҳий маданияти, яъни нима ижтимоий ҳаёт маҳсули шунга бўлган эҳтиёждир. Табиий эҳтиёжлар асос бўлиб, уларда социал эҳтиёжлар пайдо бўлади, ривожланади ва қониқтирилади.

Шахснинг ижтимоийлашув даври: қуйидагилар асосида кечади:

1) Болалик:

- агентлар ва ижтимоийлашув турлари.

2) Ота-оналик:

- оталар ва болалар: икки дунё;

- «оталар ва болалар» муносабатларининг мутаносиблиги.

3) Успиринлик:

- кадриятлар параллель тизими.

4) Балогат ёши:

- вояга етган инсон мақомининг асосий мезоилари;

- вояга етганлар - шахс ижтимоийлашувининг фаол пайти.

5) Кексалик:

- ижтимоийлашув ушбу даври мақоми ва муаммолар.

Ижтимоий фаолият ва ижтимоий феъл-атвор механизмлари:

1) Фаолият турлари.

2) Эҳтиёжлар:

- табиий эҳтиёжлар;

- биологик эҳтиёжлар;

- ижтимоий эҳтиёжлар.

3) Ижтимоий фаолиятни асословчи механизмлар:

- эҳтиёжлар;

- кадриятлар;

- манфаатлар ва уларнинг ўзаро таъсири;

4) Ижтимоий назорат.

5) Санкциялар.

6) Ижтимоий буйруқ.

7) Ўз-ўзини назорат.

8) Ташқи назорат.

9) Жамоатчилик фикри.

10) Девиант (жиноий бўлмаган) феъл-атвор.

11) Делинквент (жиноий) феъл-атвор.

12) Шахснинг муҳим ижтимоий-психологик хислати - ўз-ўзини англаш кабилардир.

Умуман ижтимоий муҳит таъсири остида шахснинг шаклланиш жараёнини тасвирлаш учун «ижтимоийлашув» тушунчаси XIX аср охирида - пайдо бўлди. Ижтимоийлашув деганда шахснинг ўз ҳаёт мобайнида ўзи мансуб бўлган жамиятнинг ижтимоий меъёрлари ва маданий кадриятларини ўзлаштириш жараёнини тушунилади. «Ижтимоийлашув» тушунчаси «шахсни тарбиялаш», «шахсни шакллантириш» тушунчалари билан чамбас боғлиқ, бироқ у кенгроқ тушунча бўлиб, инсонга барча мумкин бўлган таъсирларни камраб олишга имкон беради.

Сиёсий ижтимоийлашув индивид томонидан ўзининг сиёсатга қўшилувини таъминловчи сиёсий билимларни, кадриятларни, меъёрларни, қоидаларни, хатти-ҳаракат одобини ўзлаштириш жараёнидан иборатдир.

XX аср 90-йилларнинг бошларида сиёсий ижтимоийлашув жараёнига ҳокимият муассасаларига ишончнинг йўқолиши, уларни сиёсатида шахсан қатнашишни истамаслик, бузғунчилик, сиёсий норозиликнинг купорувчилик усуллари катта таъсир кўрсатиб келди. Расмий сиёсат кўпинча кўпчилик кишилар учун маънавий таянч бўлмай қолган эди.

Турмуш тарзидаги, ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлар шахс мавқеини анча мураккаблаштирди. Иқтисодий жараён характерида жиддий ўзгаришлар юз берди. Янги технологияларнинг жорий қилиниши жиддий ўзгаришларга олиб кела бошлади. Ўтмишда сиёсий ижтимоийлашув икки тамойил қарама-қаршилиги асосида кечди:

1) Шахснинг ижтимоий ривожланишига, унинг сиёсатда фаол қатнашишига жиддий ижтимоий эҳтиёж борлиги маълум бўлди.

2) Иккинчи томондан инсон ҳокимиятдан, унинг ташкилотларидан сиёсий бегоналашувга олиб келган эди.

Бегоналашув турлари:

1. Иқтисодий бегоналашув: а) фаолиятдан бегоналашув; б) фаолият бошқарувдан бегоналашув; в) фаолият натижаларидан бегоналашув.

2. Сиёсий бегоналашув: Сиёсий ҳокимиятдан бегоналашув.

3. Маданий бегоналашув: маънавиятдан, маданиятдан бегоналашув.

4. Ижтимоий бегоналашув: мулоқотдан, инсонларнинг бир-биридан бегоналашув.

5. Рухий бегоналашув: ўз-ўзидан бегоналашув, ўз моҳиятидан узоклашув.

Шахсни сиёсатга тортиш механизми мураккаб ва кўп босқичлидир. Сиёсий ижтимоийлашув даврида шахсга ҳам англашилган, ҳам ташқи муҳитнинг табиий таъсири бўлади.

Шахснинг дастлабки ижтимоийлашуви унинг келиб чиқиши билан боғлиқ. Инсон онгига оила катта таъсир кўрсатади. Машгулот тури, турмуш даражаси, маълумоти, сиёсий иўналиши каби омиллар таъсир қилади.

Сиёсий онгни қайта қуриш кўпинча илгариги қоидаларни ўзгартириш натижасида юз беради. Сиёсий онг шаклланишида:

Сиёсий маданият ўсиши:

- турли, сиёсий ташкилотлар фаолияти;
- оммавий ахборот воисталари;
- норасмий гуруҳлар;
- корхона жамоатлари;
- уйда яшовчилар;
- сиёсий партиялар;
- касаба уюшмалари;
- ёшлар ташкилотлари катта таъсир кўрсатади.

Сиёсий ижтимоийлашувда мафкура катта роль ўйнайди. Шахс сиёсий ижтимоийлашувида сиёсий онг тузилиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

- эҳтиёжлар ва ижтимоий кузатишлар тизимини шакллантириш;
- ўз ижтимоий гуруҳини тенглаштириш;
- ўз манфаатларини англаш;
- сиёсий фаолият имкониятларига баҳо бериш;
- ижтимоий-сиёсий кадриятлар ва дастурлар тизимини қабул қилади.

Ўз-ўзини англаш: ўз-ўзини англашда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ахлоқий ва маданий муҳитнинг таъсири катта. Ўз-ўзини англаш миллатлар учун сиёсий онглиликнинг ошишигина эмас, шу миллат бирга миллий мустақиллик ва миллий озодлик ҳамдир. Ўз-ўзини англаш жаҳон тарихида озодлик ҳаракатларнинг кучайишига, социализм ва империализмнинг емирилишига, парчаланишига олиб келди. Португалия, Испания, Голландия, Англия, Франция, собиқ СССР каби империя давлатлари ўз мустамлакаларидан

маҳрум бўлди. Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши моддий куч сифатида миллат шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси тикланишига олиб келди. Ўз-ўзини англаш миллатнинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишдир. Мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражасигача кўтарилди.

Ўзбекистон Конституциясида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари (24-31 -модда) ўз ифодасини топди: 1) сиёсий ҳуқуқлар 2) Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар 3) инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолат-ланиши 4) фуқаролар бурчлари ўз ифодасини топган.

Ижтимоий бошқарув социологияси тушунчаси ҳамда бошқарувнинг таркибий тизими ва таснифи.

Ижтимоий муносабатларнинг унумли тарзда кечишини ҳар хил мезонлар ёрдамида ўрганадиган фан социологик бошқарув деб номланади.

Бу фан умумсоциология фанининг ажралмас қисми бўлиб, унинг барча назария ва амалиётларидан тўла фойдаланади. Инсон иқтисодий фаолияти маълум бир услублар, назариялар, амалиётлар, институт, ташкилотлар орқали бошқарилиб келинса, ижтимоий жараён, ҳодисалар ва муносабатлар эса ҳали унчалик бошқарилиш даражасига ўтгани йўқ. Ижтимоий бошқарув фанига XX аср бошларида Тейлор, М.Вебр, А.Файола каби олимлар асос солдилар. XX аср ўрталаридан бошлаб системали ёндашув усули қўлланила бошланди.

Ҳозирги даврда ташкилот ва корхоналарни (давлатники ёки хусусий бўлишидан қатъий назар) унумли бошқариш давр талабидан келиб чиқиб, самарали бошқарув механизмларини яратишни ва жорий этишни такозо қилади. Зеро, кучайиб бораётган интерграцион жараёнлар ва ахборотлар тизимининг халқаро даражага етиб бориши, рақобатнинг кучайиши ва бошқалар ижтимоий бошқарувга бўлган муносабатни фойдали томонга кескин ўзгартиради ва бошқарув тизимида ижтимоий ўзгаришларга бўлган мослашувни тезлаштиради.

Ижтимоий бошқарувнинг такомиллашув истиқболлари Ўзбекистонда барча ислохотларни янада тезроқ ва самаралироқ амалга ошириш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, ўз-ўзини бошқариш тизимларини такомиллаштириш ва охир-оқибатда аҳолининг турмуш даражасини ошириш имконини яратади.

Ахборотларнинг инсон томонидан тез ўзлаштирилиши ва унинг Янги шароитларга мойиллик қобилиятларини ошириб бориши ҳар қандай бошқарув тизимининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, «инсон омили»ни доимо ва аниқ ҳисобга олишни такозо қилади.

Ижтимоий жараёнларни башорат қилиш ва бошқариш қуйидаги асосий вазифаларни кўзлайди:

1) истиқболни баҳолаш, жамият ижтимоий тараққиётининг муҳим кўрсаткичларини аниқлаш ва унга оқилона етишишнинг самарали воситаларини белгилаш.

2) меъёрларни аниқлаш, истиқболдаги асосий ижтимоий талаб ва уни қондириш имкониятларини белгилаш.

3) таҳдидларни тахминлаш, жамият ижтимоий тараққиётига акс таъсир этиш мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва таҳлил этиш.

Ижтимоий башорат турлари:

1. Истиқболдаги ҳолатларни башорат қилиш: ўтган, ҳозирги ва келгуси замон ҳамда истиқбол анъаналарини башорат этиш.

2. Меъёрий башорат - ижтимоий ҳаётга мос меъёрларни топиш, аниқлаш.

3. Таҳдидлар башорати - ижтимоий тараққиёт издан чиқиш ҳолатининг таҳлиliga асосланилади.

Ижтимоий башорат 4 ўзаро мантиқий боғланган босқичларда амалга оширилади :

1. Биринчи босқич - башорат объекти бўйича маълумотлар манбаини ва кўрсаткичларини аниқлаш, башорат дастурини ишлаб чиқиш, башорат мақсади масалаларини белгилаб олишдан иборат бўлади.

2. Иккинчи босқич - башорат қилинувчи объектнинг динамик моделини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

3. Учинчи босқич - башорат қилинувчи жараён моделига кирувчи бошқарув кўрсаткичларини белгилаш, уларнинг ўзгариш тенденцияларини ва чегараларини аниқлаб олиш, турли тахминий вариантларини аниқлаш.

4. Охирги босқич - кўп вариантли башоратни амалга оширишни асослаш ва таҳлилий хулосаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ижтимоий башорат масаласини ечишда математик моделлаштириш ва экспертиза усуллардан фойдаланилади.

Ахборот жамият фаолиятининг ижтимоий жиҳатдан ўзига хос тамойилларини ифодалайди ва унинг ёрдамида ижтимоий бошқарув амалга оширилади. Ижтимоий ахборотнинг ўзи гуруҳларга ажратилади.

1. Биринчи гуруҳга ижтимоий гуруҳлар тузилмаси ва ҳолати ҳақидаги ахборотлар киради.

2. Иккинчи гуруҳга одамларнинг меҳнат ва турмуш шароити ҳақидаги ахборотлардан ташкил топади.

3. Учинчи гуруҳи одамларнинг ҳаёт фаолияти, турмуш тарзи ва бошқа ахборотлардан иборат.

Бошқарув нуқтаи назаридан ижтимоий ахборот:

- ташкилий;
- назорат – ҳисобга олиш;
- натижавий ахборотлардан иборат.

1. Ташкилий ахборотлар ижтимоий бошқарув объекти ва субъекти ўзаро боғланиши, бошқарув жараёни, бошқарув қарорларининг бажарилиши ҳақидаги маълумотларни ташкил этади.

2. Назорат - ҳисобга олиш, ахборотлар, ижтимоий жараёнларни бошқаришнинг бориши ва унинг бошқарув қарорларига мослиги ҳақидаги маълумотлардир.

3. Натижавий ахборотлар - белгиланган бошқарув тадбирлари, талаблари, қоида ва нормалари ҳақидаги ахборотларни ўз ичига олади.

Ижтимоий бошқарув: сифат ва миқдор кўрсаткичлари орқали амалга оширилади.

Сифат кўрсаткичлари - ижтимоий ҳодиса ва жараённинг таърифий хусусиятлари ва таркибий тузилишининг кўринишлари ҳақидаги маълумотлардир.

Миқдор кўрсаткичли ахборотлар – ижтимоий ҳодиса ва жараённинг миқдорий ўлчов шаклида аниқланган катталикларидан иборат. Бу ахборотлар ЭҲМга асосланган ҳолда математик моделлаштиришни ва у орқали ижтимоий башорат қилишни, таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга оширишга имкон беради.

Ижтимоий-ҳудудий бирликларни бошқариш идоралари

Ижтимоий - ҳудудий бирликлар халқ депутатлари кенгаши орқали бошқарилади. Халқ депутатлари давлат ва фуқаролар мафаатларидан келиб чиққан ҳолда жамият муаммоларини ҳал қилади.

Ўзбекистон Конституциясининг 100-моддасига кўра маҳаллий ҳокимият органлар ихтиёрига қуйидагилар киради:

- қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;
- ҳудудларни иқтисоди, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

- маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш.
- норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Ижтимоий - ҳудудий бирликларнинг ҳокимият идоралари ЎзР қонунлари, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти идораларининг қарорларини ҳаётга тадбиқ этадилар. Шунингдек, ўзларига бўйсунувчи қуйи халқ депутатлари кенгашларини бошқаради.

Ушбу бирликларни вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг демократик тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Демократия, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги тамойили.
2. Ворислик тамойили.
3. Ижтимоий муносабатларини демократлаштириш.
4. Юксак маънавият тамойили.
5. Маҳалла хавфсизлигини таъминлаш тамойили.
6. Фуқаро йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларининг масъулиятини ҳис қилиш тамойили.
7. Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий адолат, ижитмий кафолат тамойили (жамоатчилик ва ўзаро ёрдам).
8. Кенгаш, машварат (маслаҳатлашиш) тамойили.
9. Инсонпарварлик.
10. Мустақиллик ва ҳ.к.

Бу бошқарувлар сифат ва миқдор кўрсаткичлари орқали амалга оширилади.

Собиқ Шўро давридан маъмурий-буйруқбозлик тамойили қуйидаги тамойилларга асосланган эди:

1. Бюрократларча марказлашув.
2. Номенклатура (юқоридан рўйхат асосида тайинлаш) бошқаруви.
3. Ўзига –ўзи хизмат қилиш, шахсий манфаатларни устун қўйиш.
4. Буйруқбозлик (мажбурлаш, даҳшатли қарорлар чиқариш).
5. Демократияни тан олмаслик.
6. Расмийчилик (қоғозбозлик).
7. Маҳдудлик (махфий маълумотлар асосида бошқариш).
8. Консерватизм ва ҳ.к.

Ижтимоий-сиёсий бошқаришнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат.

1. Обьективлик ва субъективлик тамойили (обьектив қонунларни ҳисобга олиш ва субъектив фаоллик).
2. Асосий звено тамойили (долзарб вазифалар орасидан асосий биринчиси саралаб олинади).
3. Ҳудудий тармоқ тамойили (ижитмий бошқариш ҳудуд ва вазирликлар ва уларнинг жойлардаги бўлимлари).
4. Масъулиятни ҳис қилиш тамойили.
5. Ворислик тамойили (узвийлиги).

Асосий тушунчалар

Инсон, индивид. Солциал адаптация, социал эҳтиёж, иқтисоидй бегоналашув, жамоа, фарвонлик жамияти, анъанавий жамият, фуқаролик жамияти, автолитар жамият, демократик жамият.

Изоҳли луғат (глоссарий)

Шахс – ўзига хос интеллектуал, эмоционал, иродавий-шахсий белги ва сифатларга эга бўлган субъект. **Жамият** – кишилар бирликдаги фаолиятининг ташкилий шакллари турли

даражаларидан иборатлиги. **Социал интериоризация** – социал норма ва кадриятларнинг индивид ички дунёсига киришиш жараёни. **Очиқ жамият** – демократик жамият бўлиб, ташқи муҳит шароитларида осон ўзгарувчи ва мослашувчи, танқидни ёриб ўтмоққа мослашган жамият. **Ҳуқуқий давлат** – давлат тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуққа асосланганлиги.

Назорат ва мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Социологияда инсон, индивид, шахс тушунчаларини изоҳланг.
2. «Шахснинг роли назарияси»нинг илмий йўналиши қайси социолог олимга тегишли.
3. Социал гуруҳларни таърифлаб беринг.
4. Жамият ва давлат тушунчаларини изоҳланг.
5. Ўзбекистон жамиятининг социал тизимини таърифланг.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.:“Ўзбекистон”,2009.- 40 б.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон”, 2007, 57-бет.
3. Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008.,176 б.
4. Ислон Каримов. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 24 б.
5. Ислон Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
6. Баград Саркисов, Раъно Умарова. Социология. Маърузалар матни. - Т. ; 2004, 130-135 б.
7. Б.Алиев., ҒРафиқов., Т.Султонов., М.Муллажонова., Б.Раҳмонов ва бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Т.: ТДЮИ нашриёти . 2006. -289 бет. 158-185 – бетлар .
8. Д.Рахимова, М.Бекмуродов.Лидерлик ва ташкилот маданият (ўқув қўлланма) «Akademiya», Тошкент, 2006, 104-бет.
9. Абдуғани Холбеков. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма) «Akademiya», Тошкент, 2007, 184-бет.
- 10.Муқимжон Қирғизбоев. Фуқаролик жамияти : назария ва хорижий тажриба. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2006, 204-бет.

ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕҲНАТ СОЦИОЛОГИЯСИ

1. Иқтисодиёт социологиясининг предмети ва объекти. Иқтисодий жараёнлардаги социал муносабатлар.
2. Ҳозирги давр иқтисодиётининг ижтимоийлашиб бораётганлиги.
3. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш масалалари.
4. Меҳнат социологиясининг объекти ва предмети. Меҳнат социологиясининг асосий тушунчалари.

5. Меҳнат жамоаларининг асосий мазмуни. Меҳнат жараёнида содир бўладиган социал зиддиятлар ва уларни бартараф этиш йўллари.

1. Иқтисодиёт социологиясининг предмети ва объекти. Иқтисодий жараёнлардаги социал муносабатлар.

XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб, иқтисодий ҳаёт Социология нинг тадқиқот объектига айланди. Худди шу даврда ишлаб чиқаришда инсон омилининг етакчилик роли англаб етилди ва бу борадаги тафаккур шаклланиб борди.

Ҳозирги даврда иқтисодий ҳаётни маълум бир концепцияларсиз, мафкуравий мақсадларга асосланмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Шунга кўра, Президент Ислом Каримовнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даври тамойилларидан бири бўлган «иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги» тамойили иқтисодий ҳаётнинг маъмурий-бўйруқбозлик мафкурасидан холи бўлишини, иқтисодиётни эркинлаштиришни кўзда тутади.

Иқтисодий ҳаёт инсон маънавий ҳаёти билан узвий боғлиқдир.

Президент И.Каримов таъкидлаганларидек, «Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделimiz республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бир ёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади».

Иқтисодий ҳаёт сотувчи ва харидор ўртасида маданий, маънавий муносабатларсиз мавжуд бўлмайди. Агар ишчининг мафаатлари, эҳтиёжлари инobatга олинмаса, уларнинг мақсади ва интилишларига шароит яратилмаса, ҳеч қандай техник ва технология муаммоларини ҳал қилишга имконият бермайди.

Ғарб давлатларида XX аср 60-йилларида «Иқтисодий социология» фанининг ижтимоийлашуви тенденцияси кучайди. «Иқтисодий социология» ни бугунги кунда глобал ва хусусий масалаларни ҳал қилувчи фан сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Иқтисодий ҳаётни ижтимоий талқин этишга биринчи бор Ғарбда Ф.Тейлор эътибор берди. У ишчиларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини ўрганди ва 1894 йили меҳнатга ҳақ тўлаш тизимига асосланган назарияни ишлаб чиқди. Бу ғояда «иқтисодий одам» концепцияси асосида шу нарсаларга эътибор берилди:

1. Энг қисқа вақтда ишчи қанча кўп ҳажмда иш бажарса, унга шунча ҳақ тўлаш.
2. Ишнинг ҳажмини эмас, балки самарадорлиги ва яхшилигини рағбатлантириш.
3. Ишчиларга кам иш ҳақи бериш ва кўп бериш барабар зарарлидир.
4. Ишловчида юксак ҳақ олувчи бўлишга интилиш ҳиссини уйғотиш, юксакликка интилиб яшаш.

Тейлор концепцияси Америка саноатида Форд томонидан ишлаб чиқаришга татбиқ этилди, конвейер ишлаб чиқариши шароитида меҳнатнинг самарадорлиги рағбатлантирилди.

Жамиятни тараққий эттириш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлларининг хилма-хиллиги бир қанча омилларга боғлиқ. Авваламбор, бунга уларнинг аниқ мақсадни кўзлаб йўналтириши ва иқтисодиётнинг амал қилиш принциплари сабаб бўлади. Бир неча ўн йиллар мобайнида жаҳонда ижтимоий тараққиётнинг бир-бирига мутлақо зид бўлган “капиталистик ва “социалистик” назариялари ўзаро курашиб, жаҳонда ўз таъсирини ўтказишга интилиб келди. Собиқ СССР иқтисодиётида моддий рағбатлантириш ўрнига тенглик тушунчаси майдонга ташланди. Натижада мулкнинг давлат ва кооператив шакли мутлақлаштирилди. Бу эса ишчининг меҳнатдан, мулкдан бегоналашувига олиб келди. Кам иш ҳақи олувчиларнинг иш ҳақи юқори малакали мутахассисларни рағбатлантирмасди.

Иқтисодий концепциялардан яна бир неча хилини кўриб чиқишимиз мумкин, яъни:

“Асосий эҳтиёжлар концепцияси”. Аҳолининг энг кам тирикчилик эҳтиёжини кафолатли тарзда таъминлаш ва иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этиш ушбу концепциянинг асосий мақсадидир.

“Мақбул ёки тегишли технология” концепцияси. Бу концепция аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва маҳаллий хом-ашёни, аввало қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга қаратилган сермеҳнат технологияни ривожлантириш зарурлигига асосланади.

“Ўз кучига жамоа бўлиб таяниш концепцияси”. Бу концепция мавжуд захиралардан тўлиқроқ фойдаланишга ва ривожланаётган мамлакатларнинг тараққий этган мамлакатларга қарамлигини камайтириш мақсадида улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпгина андозалари, иқтисодий тараққиёт йўллари юқорида кўрсатилган концепциялар ва назарияларнинг ўзига хос қўшилмасидан иборат эди.

Ҳозирги социологлар ва иқтисодчилар жамиятнинг қуйидаги кўринишларини татқиқ этмоқдалар:

1. Анъанавий жамият.
2. Индустириал жамият.
3. Постиндустириал жамият.

1. Анъанавий жамиятда ерга бўлган мулкчилик асосий ўринни эгаллайди. Бойлик ташқи манбалар асосига қурилиб, табиат манбааларини эгаллаш, ўзлаштириш кучаяди.

2. Индустириал жамиятда мулкнинг барча кўринишларига бўлган муносабат шаклланади. Йирик машина ишлаб чиқариши қўл меҳнати ўрнига келиб, юксак меҳнат унумдорлигига асосланган ишлаб чиқаришни изоҳлайди. Автоматик ишлаб чиқариш вужудга келади. Оммавий ишлаб чиқариш белгига айланади. Ишлаб чиқаришда юксак малакали ишчиларнинг роли ортиб боради, улар мутахассислашадилар. Натижада машина ёрдамида стандартлашган операциялар бажарилади. Хўжалик соҳасида саноат ва молиявий капитал устунлик қилади. Маҳсулот бозор учун мўлжалланган бўлади. Индустириал жамиятни иқтисодий жамият деб аташ ҳам мумкин. Чунки реал борлиқ иқтисодга қартилган бўлади. Натижада эркин халқаро иқтисодий ҳамкорлик мамлакат давлатлари қаторига қўшила боради. Урбанизациялашув таълим тизимига янгича ёндашувни, оммавий маданиятни вужудга келтира боради.

3. Постиндустириал жамиятда интеллектуал мулк, инсоннинг ақл-заковати, билими асосий ўринга чиқиб қолди. XX аср ўрталаридан қатор Ғарб давлатлари жамиятнинг учинчи босқичи – постиндустириал жамиятга ўта бошлади. Социологияда бу жамият номи ҳар хил, жумладан, «информацион» жамият бўлиб, у инсон билими ва информация захираларига кўра жамиятнинг асосий манбаи бўлиб қолади. Замонавий микроэлектроника ва компьютер техникасига асосланмоқда. Булар оммавий ахборотларни вужудга келтиради ва қайта ишлаб чиқаради. Коммуникация тизимида хўжалик тизими тубдан ўзгаради. Табиат манбаларидан, ишлаб чиқариш, металлургия, қишлоқ хўжалиги қисқаради, машина кўлами кенгаяди, аҳолининг деярли 50 фоизи шу соҳани банд этади. Постиндустириал жамият - маиший хизмат қилиш жамияти, деб ҳам юритилади. Ишлаб чиқариш (молиявий, банк, суғурта, савдо, илмий маслаҳат, дастур) ва ноишлаб чиқариш соҳаларида хизматлар (фан, таълим ва бошқа) ўсиб боради. Бунда урбанизация жараёни индустриал жамиятга нисбатан тескари равишда юз беради. Қишлоққа саноат кириб боради.

Тейлор фикрига кўра, интеллектуал омил биринчи ўринга чиқади. Инсон юксак капитал эмас, балки ўз моҳиятини, билим ва иқтидорини, кадриятларини намоён қилувчи ижтимоий кучга айланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, анъанавий жамиятда иқтисодий масалалар инсоннинг табиатга бевосита муносабати орқали ҳал қилинган бўлса, индустриал жамиятда инсон томонидан яратилган сунъий ишлаб чиқариш воситалари иқтисоднинг асосини ташкил этади. Шу боисдан ҳам бу жамият иқтисодий жамиятдир. У иқтисодий муносабатларни белгилайди. Ҳозирги иқтисодиёт ижтимоийлашиб бормоқда. Интеллектуал салоҳият асосий ўринга чиқа боради.

2. Ҳозирги давр иқтисодиётининг ижтимоийлашиб бораётганлиги.

XX аср охирига келиб Дунё мамлакатларининг аксарият катта қисми шитоб билан бозор муносабатларига тортила бошлади. Бу жараёнларда асосий ролни жамиятдаги мавжуд инсонларнинг турли жабҳаларда кўрсатадиган фаолияти ўйнаши шубҳасиздир. Бозор муносабатлари ўз домига бутун дунё аҳолисини тортар экан, бу жараёнда иқтисод соҳасининг муҳим ролини ва унинг тобора ижтимоийлашиб боришини социал жиҳатдан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги замон жамиятлари иқтисодий тизимининг энг муҳим характерли жиҳатларидан бири – улардаги ҳаддан ташқари мураккаб ва хилма-хил меҳнат тақсимотининг ривожланишидир. Бу иқтисослашув жараёнининг тобора чуқурлашиб бораётганлиги билан белгиланади. Ҳозирги замон саноат ишлаб чиқаришининг пайдо бўлиши билан жуда кўп анъанавий касб-хунар соҳалари амалий жиҳатдан йўқолиб, қолганлари эса кенг кўламли ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларига айлана бошлади.

Анъанавий ва замонавий жамиятлар ўртасидаги меҳнат тақсимотида қарама-қаршилик жуда катта. Ҳозирги саноатлашган тизимда минглаб турли-туман мутахассисликлар мавжуддир. Масалан, “Бирлашган Қироллик рўйхатида Британия иқтисодини ташкил этувчи 30000 турли кўринишлардаги касблар мавжуд.”⁶⁴ Анъанавий жамиятларда аҳолининг кўпчилик қисми иқтисодий жиҳатдан ўзларини етарли даражада тўлиқ таъминлайдилар. Аксинча, ҳозирги жамиятларнинг бош хусусиятларидан бири – иқтисодий жиҳатдан бир-бирларига боғлиқлигининг ўсиб бораётганлигидир. Биз ҳаммамиз хар ҳил маҳсулотларга ва хизматларга эҳтиёжманд бўлиб, бу жиҳатдан бошқа кўп кишиларга тобемиз, ҳозирги замон жамиятларида кўплаб кишилар ўзлари учун озиқ-овқат ишлаб чиқармайдилар, лекин ейдилар, ўзлари уй қурмайди, лекин шундай уйларда яшайдилар, моддий бойликлар яратмайдилар, лекин уларни истеъмол қиладилар.

Саноатлашган иқтисодиётда ишни уч секторга бўлиш мумкин: бирламчи, иккиламчи ва учламчи секторлар. Бу уч секторда банд бўлган ишчи кучининг пропорционал таркиби, саноатлашишнинг турли босқичларида турлича бўлади. Бирламчи соҳада табиий ресурсларни йиғиш ва ҳосил қилиш билан шуғулланадилар. Иқтисодиётда бирламчи сектор қишлоқ хўжалигини, қазилма бойликлар ва ўрмон саноатини, балиқчилик ва бошқаларни ўз ичига олади. Жамиятнинг саноатлашиш даврининг биринчи босқичида ишчиларнинг кўпчилиги бирламчи секторда банд бўладилар. Индустриянинг ривожлана бориши билан иш кучининг кўп қисми иккиламчи секторга, яъни хом ашёни саноат товарларига айлантирувчи соҳага ўта бошлайди. Учламчи сектор эса саноатдаги хар ҳил хизмат турлари ҳисобланиб, улар ўзлари моддий бойликлар ишлаб чиқармасдан, қолганларга ўзларининг у ёки бу хизматларини таклиф қилишади. Масалан, ўқитувчилар, шифокорлар, бошқарувчилар ва идора ходимларининг фаолият турлари одатда айнан хизмат кўрсатиш соҳасига тегишлидир.

Кўпчилик учинчи дунё мамлакатларида ишчи кучларининг 3\4 қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, қолган бир қисми ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тақсимлангандирлар. Саноат жиҳатидан тараққий этган мамлакатларда аҳолининг жуда оз қисми қишлоқ хўжалик соҳасида банд. Айнан, ривожланган мамлакатларнинг муҳим хусусиятлари ҳам шундан иборатки – бу хизмат кўрсатиш секторининг кенгайиб бораётганлигидир. Масалан, “ Британияда 1911 йилда ишчи кучининг 11%и учламчи секторда банд бўлган бўлса, бугун унинг миқдори 50 % дан ортиб кетган”.⁶⁵..

“2004 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда ЯИМ 6,2 %ни ташкил этиб, бу 2003 биринчи ярим йиллиги даражасидан 1,6 марта (3,8 %) кўпдир. 2004 йилда давлат бюджетининг даромадлар қисми 102,7 % ни ташкил қилди. 2003 биринчи ярмида инфляция даражаси 4,2 %, 2004 – минус 0,8 % ни ташкил қилди. Ташқи савдо айланмаси 4,2 млрд.

⁶⁴ Гидденс Э. Социология. Т. “Шарк”. 2002. 536 бет.

⁶⁵ Ўша манба, 537 бет.

АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 24,5 % га ўсди. Экспортнинг жамланма ҳажми 25,2 % га ортди ва 2,4 млрд. доллрни ташкил этди”⁶⁶.

Бу кўрсаткичлар мамлакатда сўнгги йилларда қатъий олиб борилаётган солиқ – бюджет сиёсати, пул-кредит сиёсати, миллий валюта конвертациясининг жорий қилиниши, ташқи савдода эришилган ижобий кўрсаткичлар, яратилаётган қулай инвестициявий муҳит, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва реал даромадларни оширишга қаратилган чоралар, мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш учун қилинаётган ҳаракатлар ва аҳоли талабига мос келадиган мустақил иқтисодий сиёсат юритилаётганлигидан далолат беради. Бугунги кунга келиб “аҳолининг реал даромадлари кўрсаткичи 17 % га кўпайиб, реал иш ҳақи 23 % га ошди”.⁶⁷

Энди биз 2008 йилги макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидаги режаларни таҳлил этишимиз мумкин:

2008 йилда ЯИМ – юқори реал ўсиши 8% ; саноат тармоқлари – 9,6 % га ўстириш, капитал қўйилмалар ҳажмини – 16 % га кўпайтириш,. Инфляцияни аҳолининг реал даромадларини жадал ўстирган ҳолда – 6,8 % даражасида сақлаш таклифи киритилган эди. Шу билан бир қаторда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 10 % дан 8 % гача камайтириш таклиф этилди.

2007-2008 йиллар мобайнида иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини 2,5 баравар ошириш бўйича Президент томонидан қўйилган вазифани бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида 2008 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг харажатлар қисмидан бюджет маблағлари ажратилишини кўзда тутиш, ҳамда ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатларнинг Давлат бюджетидаги улушини 54 % даражасига кўпайтириш таклиф этилди.

Жисмоний шахсларнинг 13 % ставка бўйича солиқ солинадиган даромадлари чегараларини энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан олти бараваригача кенгайтириш таклиф этилди.⁶⁸

Президентимиз келгусида эътиборга олинishi лозим бўлган қуйидаги вазифаларни таъкидлаб:

1. Эришилган ютуқ ва натижаларга танқидий баҳо бериб, уларга маҳлиё бўлмасдан:

А) Халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, бунинг учун иқтисодиётнинг тез ва барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, яқин уч йил мобайнида ишчи ва хизматчиларнинг маош, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини 2 – 2,5 баробар кўтариш устувор вазифа бўлиб қолиши шарт.

2. Сиёсий ва иқтисодий ҳаётни янада либераллаштириш, сиёсий партиялар, ижтимоий ва фуқаролик тузилмалари ҳамда нодавлат ташкилотларининг қонуний ваколатларини кенгайтириш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини амалда таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш бўйича кейинги йилларда қабул қилинган ҳуқуқий нормаларни ҳаётга тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

3. Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замоннинг ўзи инсоният ҳаётига таҳдид солаётган турли бало-қазолар мавжуд эканини ҳеч қачон унутмасликни юртимизда тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, сезгирлик, ҳушёрлик ва оғоҳликни йўқотмаслик, ҳар қандай хавф-хатарга қарши муносиб жавоб бера оладиган куч-қудратимизни ошириш, сарҳадларимиз даҳлсизлигини таъминлаш йўлида доимо ҳаракатда бўлишимизни талаб қилади.

4. Эзгу - мақсад ва режаларимизни рўёбга чиқаришда бизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак комил инсонлар этиб

⁶⁶ Тошматова Р. Иқтисодий ўсишнинг жадаллашуви. “Мулоқот”. 2004. 6-сон. 43- бет

⁶⁷ Ўша манба.

⁶⁸ Халқ сўзи газетаси, 2007 й. 28-сент. № 193.

тарбиялаш, уларнинг жамиятимиздан мустахкам ва муносиб жой олиши йўлида зарур шарт-шароитларни яратиб бериш барчпмиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

5. Юртимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида тотувликни, фуқаролараро аҳилликни кўз қорачиғидай асраш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаш, жамиятимизда меҳр-оқибат, саҳоват ва бағрикенглик муҳитини янада кучайтириш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши даркор.⁶⁹ деб қатъиян таъкидлаган юртбошимиз.

Жамият иқтисодиётини ривожлантиришда , аҳолининг кенг қатламини моддий жиҳатдан таъминланишида ўрта мулкдорлар синфининг хизмати беқиёслиги исботланган.

Ўрта мулкдорлар синфи – Россияда бўлгуси ўрта синфга асос солувчи 50 дан ортиқ ижтимоий гуруҳлар аниқланганлигига қарамай, ривожланган мамлакатлардаги ўрта синф стандартларига фақатгина 8-10 % Россияликларгина яқинлашганлар холос.⁷⁰

«Ўрта қатлам – бу ўз шахсий мулки, яъни турар жойлари, шахсий транспорт воситаларига эга бўлган, ўзини ва ўз оиласининг ҳаётини муносиб тарзда таъминлай оладиган, ўзининг ва оила аъзоларининг фундаментал эҳтиёжларини (таълим олиш, дам олиш, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш) қондириш учун етарли моддий имкониятлари мавжуд бўлган ва энг муҳими – бу имкониятни ўз иш хақи ва даромадлари эвазига таъминлай оладиган ҳамда фаол равишда ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этадиган фуқаролардир»⁷¹

Мавжуд қонунларни, солиққа оид қонунлар ва маънавий-ахлоқий қоидаларни бузмасдан туриб ҳам мустақил, бадавлат одамга айланиш мумкин-ми? Деган саволга респондентларнинг жавоблари (улар 1094 нафар):

1. Ха – мумкин 577 киши 52,84 %
2. Йўқ, мумкин эмас 376 киши 34,43 %
3. Жавоб беришдан бош тортаман 16 киши 1,47 %
4. Билмайман 123 киши 11,26 %

Ижтимоий фикр марказининг тадқиқотларидан олинган маълумотлар..

Халқаро экспертларнинг ҳисобларига кўра, иқтисодий самарадорликнинг 60 % - инсон омили воситасида, 40 % - табиий капитал аталмиш захиралар ва техник капитал эвазига амалга оширилади.

2. Меҳнат социологиясининг моҳияти ва асосий хусусиятлари. Меҳнат социологиясининг асосий тушунчалари.

Ҳозирги кунда ижтимоий фанлар қаторида, хусусан, “Социология” фани олдида шаклланиб келаётган янги ижтимоий муносабатлар ва уларнинг хусусиятлари, бозор муносабатларига ўтиш жараёни ҳамда унинг келгусидаги ижтимоий оқибатларини, меҳнат муносабатларининг янги шароитдаги ўзига хос жиҳатларини ўрганиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Социология ва унинг махсус назарияси- меҳнат социологияси доирасида бу муаммоларнинг ҳам назарий, ҳам амалий томонлари ўзаро диалектик боғлиқ ҳолда олиб қаралиши лозим. Меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган жамият ҳаётининг барча жиҳатлари, жараёнлари конкрет социологик тадқиқот асосида ўрганилади.

Ўзбекистон давлати иқтисодий асосларини, уларнинг таркибий функционал қатламини меҳнат социологияси доирасида ўрганиш муаммоси ҳозирги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Чунки, ҳозирда меҳнатнинг мазмуни, характери ва унга бўлган муносабат ўзгармоқда. Бошланаётган янги ижтимоий-иқтисодий давр талабларидан бири

⁶⁹ Каримов И.А. “Бу байрам – барчамизники, бутун халқимизники”. Халқ сўзи газетаси, 2007 й. 1-сент..

⁷⁰ Рывкина Р.В. Экономическая социология переходной России. М., 2008.

⁷¹ Холбеков А.Ж., Матиев Т.Б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. Т.: Янги аср авлоди. 2004.

“Ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам руҳиятини ўзгартириши лозим” бўлган вазифа туради.

Меҳнат социологиясининг вазифаси унинг предмети билан боғлиқ бўлган кишиларнинг ижтимоий ҳаёт қонуниятлари, меҳнатнинг ижтимоий муаммолари, меҳнат фаолияти жараёнларини ўрганишдан иборат. Социологиянинг бу махсус назарияси меҳнат соҳасидаги тадқиқотларнинг хусусий принциплари, категориялари ва усуллари билан фойдаланади. Меҳнат социологиясининг таркиб топиши ва ривожланиши ғарб социологияси билан марксистик социологияда деярли бир даврда – XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. АҚШда меҳнат социологияси Ф.Тейлор, Э.Мейо, К.Левин, Дж.Морено, Ф.Херцбергларнинг социологик концепциялари асосида шаклланиб, ўзининг юксак илмий даражасига эришди.

Россияда эса шу даврдан бошлаб академик С. Г. Струмилин, академик В. М. Бехтерев, А. К. Гастев, П. М. Корженцев, О. А. Ерманский, Н. А. Вейке, В. В. Добринин, Э. К. Дрезин каби йирик олимларнинг илмий тадқиқотлари билан марксистик асосдаги меҳнат социологияси ривожланди.

АҚШда ва Ғарбий Оврўпада меҳнат социологиясига эътиборнинг ортишига, асосан Россия ва бир қатор Оврўпа мамлакатларида рўй берган социал инқилобларнинг содир бўлиши, меҳнаткашларнинг мавжуд сиёсий-иқтисодий тузумга қарши бош кўтариб чиқиши ва синфий кураш кўламининг ортиши сабаб бўлди. XX асрнинг 20-йилларида бир қатор капиталистик мамлакатларда бир неча бор такрорланган иқтисодий инқирозлар эса сиёсий вазиятни янада кескинлаштириб қўйган эди.

Қандай бўлмасин сиёсий вазиятни юмшатиш ва иқтисодий тангликдан чиқиш муаммоси мавжуд капиталистик ижтимоий-иқтисодий тузумнинг ҳаёт - мамот масаласига айланиб қолди.

Буларнинг барчаси эски ишлаб чиқариш муносабатларини ислоҳ қилиш йўли билан, тадрижий суратда янгиланиб бориш, яъни замонавий меҳнат муносабатларининг таркиб топишига олиб келди. Меҳнат социологияси худди шу тарихий миссияни бажаришга хизмат қилди. АҚШда меҳнат социологияси асосан бошқарув социологияси доирасида ўрганиб келинди. Ғарбий Оврўпа мамлакатларида эса алоҳида фан сифатида ўрганилиб келинмоқда.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ғарб меҳнат социологияси доирасида меҳнатни гуманизациялаш тенденцияси ўрганила бошланди. Меҳнат шароитини яхшилашга кўпроқ эътибор берилди. Ғарб социологларининг фикрича, меҳнат инсонга азоб-укубат эмас, балки, хузур бағишлаши керак. Бу тамойил айниқса бизда, келажаги буюк давлат куриш йўлида янада муҳим аҳамият касб этмоғи лозим. Ўтиш даврининг ҳозирги босқичида асосий вазифалардан бири “... сермахсул меҳнат қилиш учун яхшироқ рағбат билан имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигига бўлган кафолатли ҳуқуқни қарор топтиришдан, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишдан ҳам иборатдир”

Бу йўлда, меҳнат социологиясининг муҳим вазифаларидан бири меҳнат унумдорлигини оширувчи социологик омилларни ва заҳираларни таҳлил қилиб ўрганишдир. Унинг асосий ижтимоий вазифаларидан яна бири, жамият ҳаётида, халқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатларни, меҳнат соҳаси билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий муносабатларни ўрганишни ўз ичига олади.

Меҳнат социологияси қуйидаги асосий ижтимоий муносабатлар жараёнини ўрганади: ишлаб чиқариш воситаларига ва мулкка бўлган муносабатлар, меҳнат кооперацияси ва тақсимоти, бажарилаётган меҳнатнинг шароити ва мазмуни, меҳнат турларининг ўзгариши, меҳнатга қараб тақсимлаш, жамият аъзоларининг ижтимоий фойдали меҳнатга бўлган эҳтиёжларининг ўсиб бориши, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароити ва турмуш тарзига қараб, турли ижтимоий шарт-шароит ва омиллар таъсирида меҳнат ҳулқининг

Ўзгариб бориши, меҳнат хулқи мотивлари ва типлари, шахсий даромадларнинг миқдори ва уни олиш йўллари, меҳнат кадриятлари ва бошқалар орқали меҳнат муносабатлари соҳасидаги қонуниятларни шу жумладан, меҳнат моҳияти намоён бўлишининг ўзига хос шакллари билан боғлиқ муаммоларни ўрганеди. У жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий ўзаро мувофиқлик ва мослашув жараёнларини тушунтириб беради. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Бозорга ўтиш дастурини рўёбга чиқаришдаги ижтимоий таянчлардан бири, биринчи навбатда, жамиятнинг ижтимоий фаол қатламларидир. Шу боис ислохотлар иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаси ҳар бир киши меҳнатининг қадрини ошириш, унинг ижодий фаолият кўрсатиш имкониятларини номоён этиши учун шароит яратишдан иборат. Ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлигини унинг ўз муваффақияти ҳамда ўз оиласининг фаровонлиги учун иқтисодий масъуллиги билан қовуштириб боришга асосланган иқтисодий муносабатларни қарор топтириш керак. Ўз ижодий қобилиятлари ва имкониятларига таянишни назарда тутган муносабатлар ҳар бир киши фаровонлигининг муҳим ва ягона манбаидир”.

Меҳнатнинг социал шакллари ва шарт – шароитлари

Умумий меҳнат ўзида мураккаб тузилишни ифодалайди. Бунинг натижасида у тўла фанлар қаторида ўрганиш мавзуси бўлиб ҳисобланади. Меҳнат социологиясини таҳлил қилишнинг бир неча йўналишлари мавжуд: бизнес, ишлаб чиқариш ва ҳоказоларни бошқаришнинг тузилиши ва иерархиясини ўрганувчи ташкилотлар социологияси; у ёки бу фаолиятнинг афзалликларини ўрганувчи касблар социологияси, қимматбаҳо ориентациялар, касбга лаёқатлилиқ ва бошқалар; меҳнат фаолияти ижтимоий жараён сифатида; меҳнат унумдорлигини оширувчи ижтимоий омиллар; технологик ва ижтимоий шароитларнинг меҳнат муносабатларига таъсири ва ҳоказо.

Ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан меҳнат инсонларнинг табиатга тўғридан-тўғри таъсири жараёнидан иборат бўлиб, унинг натижасида истеъмол баҳоси, моддий ва маънавий манфаат пайдо бўлади. Маркс ва Энгельснинг фикрича, бу «шундай жараёнки, унда инсон ўз хусусий фаолияти билан табиат ва ўзи ўртасидаги модда алмашувни воситалайди, бошқаради ва назрат қилади». Ушбу муаллифларнинг асраларидан яна бир фикрни келтиришимиз керак, яъни меҳнат бутун инсон ҳаётида биринчи ва асосий шарт-шароитдир, чунончи шу даражадаки, биз айтишимиз керак: меҳнат инсоннинг ўзини яратади. Меҳнат биз томондан кишилиқ жамияти ҳаёт фаолиятининг асосий шакли, турмушнинг муҳим шarti сифатида кўриб чиқилади. Меҳнат тарихан жамиятни табиатдан, инсонни бўлса ҳайвонот оламидан ажралишига сабаб бўлди ва имкон туғдирди.

Меҳнат жараёни ўз ичига уч лаҳзани киритади: 1) инсоннинг фойдали фаолияти ёки меҳнатнинг ўзи; 2) меҳнат мавзуси, яъни бу фаолиятнинг нимага йўналтирилганлиги; 3) ишлаб чиқариш қуроллари, булар билан инсон ушбу мавзуга таъсир кўрсатади.

Инсониятнинг турли ривожланиш босқичларида меҳнат давр ижтимоий муносабатларининг ривожланиш кўрсаткичлари ҳисобланган турли шаклларда кўринади.

Ҳозирги пайтда биз доимо эшитиб турадиган иккита ўхшаш тушунчаларни тақсимлашимиз зарурдир: якка тартибдаги меҳнат ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти. Биринчи тоифа шахсий иш жойини, яъни ўз субъекти, мажбурият ва функциялар доирасига эга бўлган меҳнат зонасини билдиради - бу меҳнатнинг технологик тақсимооти таркибий қисмидир. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти - меҳнатнинг иқтисодий тақсимооти таркибий қисмидир. Бу фуқароларнинг ижтимоий - фойдали фаолияти бўлиб, у алоҳида бир шахс ва унинг оила аъзолари шахсий меҳнатига асоланган. Бундай фаолият асосини шахсий мулкка бўлган меҳнат воситаси, уй-жой биноси ва қурилмалари, ер, ишлаб чиқариш маҳсулотлари, транспорт воситалари ва ҳоказолар ташкил этади. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти жамият ичидаги меҳнатнинг тақсимланишида элемент бўлиб қатнашади.

Меҳнат мазмуни унинг техник функционал томонларини, меҳнатнинг мазмундорлиги эса, социал-психологик тузилишини ифодалайди. Агар хусусий режа бўйича тузилган бўлса, меҳнат мазмунли ва ижодий субъект сифатида кўрилади. Бегона ҳокимликни иродага бўйсундириш - психологик ва ижтимоий йироқлашишга йўлдир. Мана шунинг учун ишчилар, ходимлар олдига мақсад- вазифани қўйиш ва бу мақсадга эришиш йўлларини танлашда, шубҳасиз, унинг фаолиятини нозиклик билан назорат қилиш орқали улар фантазиясига кенг йўл очиб беришга интилиш муҳимдир.

Ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил қилиш, уни бошқаришда, бизнесда, ҳуқуқшунослик идорасида меҳнатни рағбатлантириш ва асослаш катта аҳамият касб этади. Рағбатлантириш – бу, тўғри ва қисман шаклда ифодаланган меҳнатни кучайтиришни моддий ва маънавий мукофатлаш тизимидир. Рағбатлантириш – мажбурий меҳнатдан ихтиёрийга қадамдир. Меҳнат асослари - ихтиёрий меҳнатга бошқача, янада кенгроқ кадам, муҳим инсон эҳтиёжларини қондиришга асосланган фаол меҳнат фаолиятига майиллик (кучли шахсларга, фаол бизнесменларга ва бошқаларга мансублик мавқеини аниқлаб олиш). Асослар кадриятлар ва йўл-йўриқлар билан узвий боғлиқдир. Асослар у ёки бу ҳолатни, далилни субъектив баҳолашга мўлжалланган, улар нисбийдир. Кадриятлар асосида жамият томонидан ниманидир шак-шубҳасиз нормалар сифатида объектив тан олинishi ётади, кадриятлар ахлоқий талаб бўлиб, улар мутлақдир.

«Меҳнат социологияси» дарслиги муаллифларининг ҳаққоний таъкидлашларича, меҳнат мазмундорлигининг асосий элементлари бўлиб, агар уни меҳнат фаолиятининг ижтимоий-психологик тузилиши сифатида тушунилса, қуйидагилар ҳисобланади:

– мақсад - олдиндан сезиладиган натижаларни тан олинган образи бўлиб, таъсир қилишнинг идеал режаси;

– меҳнатга муносабат - унинг асосида меҳнатнинг онглилигини ва мақсадга тегишлиликни ўзиникидек сезиш, атроф оламни, шахсий режа бўйича қайта ривожлантириш;

– меҳнатни рағбатлантирувчи омиллар - меҳнат фаоллигига ундовчи ташқи омиллар;

– меҳнат асослари - муҳим бир нарсадек тан олинувчи эҳтиёж, ички рағбатлантирувчи омиллар;

– кадриятлар ва уларга қараб мўлжаллаш - меҳнат фаолиятининг ахлоқий талаби.

Меҳнат жамоаларининг социал характери ва асосий функциялари

Меҳнат жамоалари ижтимоий ҳаётнинг ноёб ҳодисасидир, улар ҳозирги жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Шу муносабат билан беш жиҳатни таъкидлаб ўтамиз:

Биринчидан, меҳнат жамоалари барча асосий моддий ва маънавий бойликларни яратувчилардир.

Иккинчидан, иш билан банд аҳолининг ҳамма асосий категориялари – барча миллатларга мансуб ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, хизматчилар меҳнат жамоаларида жамланган.

Учинчидан, меҳнат жамоалари – умуминсоний ва синфий, шунингдек, бизнинг шароитдаги миллий жиҳатлар диалектикасининг, уларнинг демократик негизидаги ўзаро ҳамкорлигининг, гарчи, ягона бўлмасада, тимсолидир.

Тўртинчидан, меҳнат жамоалари жамиятимиз социал структурасининг алоҳида «қават»ини ташкил этувчи социал субъектлар бўлиб, буржуа давлатларида уларни социаллаштириш сари бўлган барча ҳаракатларга қарамай, бунга ўхшаш «қават» умуман мавжуд эмас. Ана шу «қават» субъектлари ўзаро меҳнат тақсимоти ҳамда бошқа алоқаларнинг яхлит системаси билан бирлаштирилган. Меҳнат жамоаларининг ўз аъзолари-жонли кишилар билан алоқалари ҳам жуда катта аҳамиятга эга, зеро уларнинг қизиқишлари ва хатти-ҳаракатлари ана шу жамоаларнинг ўз фаолиятига қараганда хилма-хилроқ, бойроқдир, чунки у «ўртачалаштирилган» сифатида майдонга чиқади.

Меҳнат жамоси ишлабчиқариш корхонаси, муассаса ва ҳоказолар базасида фаолият кўрсатувчи социал гуруҳдир.

Бешинчидан, бозор муносабатларига ўтиш муаммоси сабабли, меҳнат жамоаларининг аҳамияти ҳақидаги масала алоҳида фаоллик касб этмоқда.

Сўл-ўнг йўналиши, биз аллақачон кўраётганимиздек, хусусий тадбиркорлик негизларини ҳукмрон негизларига айлантиришга, яъни синфни-тадбиркорлар синфи асосида шакллантиришга, иқтисодиётда мулкчиликнинг турли хил шаклларини кўришга интилмоқда.

Ўнг-сўл йўналиш иқтисодиётнинг бозорга дахлсиз шакллари устун туришини кўзлайди, тадбиркорликка иккинчи даражали ўрин ажратади, меҳнат жамоаларининг ролини бўрттиради, лекин шу билан бирга улар куч-ҳаракатларининг самарадорлигини кескин оширишга қодир бўлган механзимларни олға сурмайди.

Агар биз меҳнат жамоаларини ривожлантириш асосий ҳаракатлантирувчи куч деб эътироф этсак, собиқ тоталитар тузум учун ана шундай механизмларни шакллантиришдан муҳимроқ юмуш бўлмайди.

Ана шу муаммога тўхташдан олдин шуни эслатиш керакки, жамиятда ҳар доим олға қараб ҳаракат қилиш учун ҳам, бир жойда депсиниб туруш учун ҳам манба бўлиши мумкин бўладиган бир талай зиддиятлар мавжуд. Депсинишда зиддиятлар кўпинча, айниқса жамият ривожланишининг тенг даврларида иллатли доира шаклида майдонга чиқади. Жуда мураккаб муаммоларни охиригача ҳал этиш учун технологик тўнтаришни амалга ошириш талаб қилинади, лекин бунинг учун иқтисодий мақбул шароитлар зарур. Ёки қишлоққа саноат томонидан ёрдам кўрсатмасдан туриб, озиқ-овқат муаммоси мавжудлиги мушкуллашиб боради ва ҳоказо.

Меҳнат жамоаларининг ҳаракатларини уюштириш орқали бутун жамиятимиз учун фойдали бўлган бир қатор мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш зарур:

1. Меҳнат жамоаларининг куч-ғайрати энг йирик техник-иқтисодий, социал, сиёсий, маданий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилади. Хўжалик юритиш шаклларини танлашда жамоаларнинг мустақиллиги, меҳнатдаги интизом, уюшқоқлик, масъулиятлилик, жонкуярлик билан тадбиркорликни бирлаштириш таъминланади. Шу жумладан, ўз-ўзини самарали бошқариш негизида тадбиркор-раҳбарлар билан ишлаш меҳнат жамоалари ўртасида яқиндан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилишига эришилади.

2. «Самарали, конструктив иш йўлида плюрализм» шиори остида меҳнат жамоаларини интеграциялаш потенсиали кўпайтирилади.

3. Минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш ва бажаришда меҳнат жамоаларининг куч-ҳаракатлари бирлаштирилади.

4. Гуруҳий худбинлик, миллатчилик ва бошқа салбий тенденцияларга қарши турилади.

Меҳнат соҳасида ижтимоий бирликнинг асосий кўриниши меҳнат жамоаси ҳисобланади. Меҳнат жамоаларидаги меҳнаткашларнинг ўзаро муносабатлари, меҳнат жараёнидаги ижтимоий вазиятлар ва меҳнат муносабатлари шулар жумласидандир. Меҳнат муносабатлари меҳнат жараёнидаги иштирокчилар ўртасида юзага келиб, истеъмол қийматини яратиш ва меҳнат кооперацияси ҳамда меҳнат тақсимооти асосида содир бўлади.

Меҳнатнинг ҳуқуқий муносабатлари меҳнат жамоаси касаба уюшмаларининг корхона, ташкилот маъмурияти, хусусий тадбиркорлар билан бўладиган ўзаро ҳуқуқий алоқаларини ҳам ўз ичига олади.

Меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат ва давлат интизоми, ишчи ва хизматчиларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни такомиллаштириш билан боғлиқ таклифлар, меҳнат жамоаси кенгаши билан касаба уюшмаси қўмитасининг бирлашган кенгашида, корхона маъмурияти иштирокида муҳоқама қилинади. Шундан сўнг тушган қўшимчлар ва таклифлар билан қайта кўриб чиқилган

жамоа шартнамаси корхона меҳнат жамоасининг умумий йиғилишига муҳокама ва қабул қилиш учун тавсия этилади.

Жамоа шартномаси таркибий қисмлари ва мазмунини меҳнат жамоаси, корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси мустақил равишда белгилайди.

Жамоа шартномаси Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланадиган халқ хўжалиги тармоқларининг мустақил балансга эга бўлган ва юридик шахс ҳисобланадиган корхона ва ташкилотларида тузилади.

Меҳнат социологиясида ўзаро алоқадорлик тушунчаси қўлланилиб, у икки асосий муносабатни ўз ичига олади. Булар ўзаро ҳамкорлик ва рақобатдир. Ўзаро ҳамкорликда турлича ижтимоий қизиқишлар, манфаатлар ўзаро мос тушади. Рақобатда эса, аксинча, ўзаро манфаатлар зид келади. Бу тенденцияларни ўрганиш айниқса, ҳозирда республикамизда хусусий мулкчилик шаклланаётганлиги, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таркиб топиши жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

1996 йил 1 апрелда амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси» бозор муносабатларига асосланган янги ижтимоий-иқтисодий тузумини таркиб топишида муҳим ўрин тутди. Кодексида меҳнат муносабатларини янги шароитда тартибга солишга қаратилган қонун қоидалар 294 моддани ташкил этади. Бу қонун - қоидалар меҳнат бозорининг самарали амал қилишига хизмат қилади.

Ҳозир Республикамизда кудратли меҳнат салоҳияти мавжуд. Статистик маълумотларга кўра республикамиз аҳолиси 27 миллиога яқинлашди. Уларнинг 40 % га яқини шаҳарларда, 60 % қишлоқларда истиқомат қилади. Аҳолининг асосий қисми ўзбек миллатига мансуб бўлиб, 80% га яқини ташкил қилади. Ўзбекистон кўпмиллатли республика бўлиб, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади.

Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар сингари Ўзбекистон Республикасининг ҳам аҳолиси нисбатан ёш бўлиб, унинг катта қисми меҳнатга лаёқатли ёшдадир. Аҳоли умумий миқдорининг 39 % ин меҳнатга лаёқатли давргача бўлган ёшлар, 543 % и меҳнатга лаёқатли ва 7 % меҳнатга лаёқатли даврдан катта ёшлар ташкил этади.

Меҳнат қилувчи аҳолининг деярли 50 % ишлаб чиқаришда, корхона заводда меҳнат қилади. Иш билан банд бўлган аҳолининг таркиби жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшлар фаолиятини камлиги кўриниб турибди. Ҳозир қишлоқ хўжалигида барча ижтимоий ишлаб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроғи банд. Уларни бўшатиб олиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига, энг аввало саноатга ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш меҳнат жараёнида иқтисодий муаммо ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозир Республикада ҳал қилинаётган энг долзарб муаммолардан бири ишлашни хоҳловчиларнинг барчасини иш билан таъминлаш. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида иш билан бандликни вужудга келтириш меҳнат жамоасида жамоа иноқлиги, аҳиллигини таъминлаш раҳбарнинг ишга масъулият билан ёндашишни талаб этади. Бундан ташқари корхонанинг иқтисодий жиҳатдан кам дарормадлилиги муаммоси ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Шу боис ишлаб чиқарилган маҳсулотни сифати олий эмаслиги, кадрлар ва ходимларнинг меҳнат тажрибаси камлиги, меҳнатни илмий ташкил этишни билмасликлари, фан-техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқлари билан жихозланмаслик, ёшларга бўлган муносабатда раҳбарнинг бошқариш услуби асосий аҳамият касб этади. Шунга ўхшаш бир қанча муаммолар бартараф этилса меҳнат жараёнидаги бугунги даврда э энг долзарб ҳисобланган, ечимини кутаётган ва ёшларнинг келажаги билан боғлиқ бўлган

Ишсизликнинг социал қиёфаси

У ёки бу сабабларга кўра ишсиз қолган кишининг жамиятдаги мавқеини қандай социал, иқтисодий, психологик, омиллар белгилайди? Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг ҳозирги босқичида юзага келган ўртача ишсизликнинг қиёфаси қандай?

Аввало, у меҳнатга лаёқатли ёшдаги киши, бунинг устига кўп ҳолларда ғоятда фаол ёшда. Чунончи, сўраб чиқилганларнинг 70,3%и 20-40 ёшда, 39,6%и 20-29 ёшда ва 30,7%и

30-39 ёшда. Агар қолган кишилар орасида 40-54 ёшдагиларнинг ҳиссаси катталигини ҳисобга олсак, маълум бўладики, асосан аҳолининг иқтисодий фаол қисмига мансуб кишилар ишсиз қолганлар.

Бунинг устига республикада «хотин-қизлар ишсизлиги» устун туради: сўралганларнинг 54%ини улар ташкил этади.

Меҳнат биржаларига жами мурожаат қилганларнинг 26,4%и олий ва тугалланмаган олий маълумотга, 35,2% ўрта, 31,2% ўрта махсус, 7%и тўлиқсиз ўрта маълумотга эга эканлиги намоён бўлади.

Нихоят, қуйидаги маълумотлар миллий таркибни ҳарактерлайди: ўзбеклар –42,7%, бошқа туб ерли халқ вакиллари 9,7%, руслар 31,6%, бошқалар 16% .

Шундай қилиб, бугунги кундаги ишсизлар ғоятда фаол меҳнатга лаёқатли ёшдаги, одатда, етарлича юқори даражада маълумотли кишилардир. Бу тоифадаги аҳоли асосан ўзбек ва рус миллатларига мансуб кишилар ҳисобига кўпайиб бормоқда. Бироқ, шуни олдиндан айтиш лозимки, сўралганларнинг чорак қисми ўз хоҳиши билан ишдан бўшаган ва ҳозир ўзлари учун тўғри келадиган ишни қидирмоқдалар.

Меҳнат биржасига мурожаат қилганларнинг катта қисми штат қисқариб ёки улар илгари меҳнат қилган корхона тугатилиши оқибатида ишсиз қолишган.

Шундай қилиб, ишсизларнинг аксариятини (58%) меҳнат биржасига давлат корхоналари ва ташкилотлари етказиб бермоқда, бунда кооперативлар «ҳиссаси» 7,2%, ижара корхоналари эса – 2,6%дир. Илгари ҳеч қаерда ишламаган кишилар – ўқув юртлари битирувчилари, уй бекалари ва ҳоказоларнинг ҳиссаси ҳам каттагина.

Бугунги кунда кишиларнинг ишни йўқотишлари мумкинлиги ва янги ишни излаш, қайта ўқитиш, касбни ўзгартириш зарурлигига руҳан тайёрлиги, қисқаси, бозор шароитида яшашга тўғри келишини батамом англаш билан боғлиқ муаммолар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бозор муносабатлари шаклланишининг бошланғич даврида кишилар янги иқтисодий реалликни идрок этишга руҳан тайёр эмаслиги ва кутилмаган зарбани юмшатиш учун зарур билим ҳамда кўникмаларга эга эмаслигини қайд этмоқ лозим. Шунинг учун аҳолини, айниқса, унинг кам даромадли гуруҳларини социал ҳимоялаш тизими ва механизмларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Бизнинг республикамызда бундай тизим амалда барпо этилган, бу нарса тегишли ҳукуқий ҳужжатларда ва аввало «Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунда, шунингдек, иқтисодийёт структурасини қайта қуриш, нархларни эркинлаштириш, хусусийлаштириш, пулнинг қадрсизланишини ва ҳоказоларни юмшатувчи чораларда ўз аксини топади.

Бундай натижалар, шак-шубҳасиз, иш билан таъминлаш соҳасида давлат янада фаолроқ сиёсат олиб бориши зарурлигини кўрсатувчи муҳим ҳоллардан биридир. Бунда у нафақат ишсизларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашгагина эмас, балки уларни фаол меҳнат фаолиятига жалб этишга ёрдам берадиган шарт-шароитни ҳар томонлама рағбатлантиришга ҳам қаратиши керак. Кишиларнинг янгидан касб ўрганишга, янги иқтисодий структураларга киришга тайёрлигини ошириш зарур. Бу эса бозор муносабатларига ўтиш чоғида шахс ўзининг потенциалини рўёбга чиқариши учун хизмат қилади.

Вилоятлар бўйича расман қайд этилган ишсизлик (%)⁷²

	1993 йил			1994 йил		
	и			и		

⁷² «Инсон тараққиёти тўғрисида ҳисобот». Т.: «Ўзбекистон», 1997, 117-бет.

	излар	ар	лоқ	излар	ар	лоқ
бекистон (жами)						
ақалпоқ. убликаси						
ишон						
оро						
зах						
кадарё						
рий						
анган						
арқанд						
хондарё						
дарё						
кент						
ғона						
азим						
кент шаҳри						
1995 йил						

Қисқача хулосалар

Ўзбекистон Республикаси бир қатор мустақилликка эришган давлатлар қатори ишлаб чиқариш муносабатларининг бозор иқтисодиётига асосланган шаклига ўтишни танлади. Маълумки, бозор иқтисодиёти ўзининг объектив қонунлари асосида ривожланади. Бу қонунларнинг ҳаётга татбиқини таъминлаш учун эса маълум бир ўтиш даври талаб этилади. Юқорида биз ана шу ўтиш даврида амал қилиниши лозим бўлган асосий тамойиллар хусусида, ҳамда шу даврдаги ижтимоий бошқарувнинг ўзига хос шакллари ҳақида фикр юритдик.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун қонуний равишда ва унинг кундалик ҳаётида мулкка эга бўлиш, иқтисодий фаолиятда тўла эркин бўлиш, ўзи меҳнат қиладиган соҳани ва иш шаклини танлашда эркин бўлиш ҳуқуқи таъминланиши даркор. Меҳнат қилиш ҳуқуқи, тадбиркорлик ила шуғулланиш имконияти ҳамда ўз меҳнатидан даромад олиш ҳуқуқи, меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлиги муаммосини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ. Мавжуд муаммони ҳал этишда меҳнат социологиясининг роли каттадир.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб айтганда, меҳнат социологияси жамият иқтисодий ҳаётининг юксалишида муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан меҳнат социологияси иқтисодиёт социологияси билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодий муносабатлар таркибини ўрганишда меҳнат социологиясининг аҳамияти беқиёс.

Жаҳон-молиявий ва иқтисодий инқирози шароитида бу мавзунинг кенг ёритилиши, муаммоларнинг ечимини топишда катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Ўтиш даврининг зарурияти нималарда?
2. «Иқтисодий ҳаёт» тушунчасини таърифланг.
3. «Иқтисодий ҳаёт»нинг ижтимоий талқини биринчи бор қайси социолог олим томонидан илгари сурилган?
4. Жамиятнинг турли хил кўринишларини таърифланг.
5. Ижтимоий бошқарувнинг асосий вазифалари нмалардан иборат?
 6. Ижтимоий–худудий бирликларни бошқариш идоралаини таърифланг.
 7. Меҳнат муносабатларининг вужудга келиш сабабларини айтиб беринг.
 8. Меҳнатнинг турлари ва шарт-шароитлари тушунчасини изоҳланг.
 9. Меҳнат жамоалари ҳақида қандай тасаввурга этасиз?
 10. Меҳнат жамоаларининг асосий вазифалари нималардан иборат?
 11. Ишсизликнинг сабаблари, турлари ва уни бартараф этиш йўллари айтиб беринг.
 12. Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози шароитида ишсизлик муаммосини ҳал қилишнинг қандай йўллари таклиф эта оласиз.

Адабиётлар

1. «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» - Т.: «Ўзбекистон», 2009.
2. «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси». Т.: «Меҳнат», 1996.
3. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». Т.2. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Т.: «Ўзбекистон», 1996.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т.: «Ўзбекистон», 1998.
6. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги уз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т.: «Ўзбекистон». 2004.
7. И. А. Каримов Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т. «Ўзбекистон», 2005.

8. Каримов И. А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб хисоблашар эди. Т. «Ўзбекистон». 2005.
9. Каримов И.А. “Ўзбек халқи хеч қачон, хеч кимга қарам бўлмайди”,Т. “Ўзбекистон”. 2005.
10. Капимов И.А. “Бу байрам – барчамизники, бутун халқимизники”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Махкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси.
11. Каримов И.А. “Жахон молиявий –иктисодий инқирози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари”. Т., “Ўзбекистон”, 2009.
12. Бекмуродов М.Б. ва бошқ. Социология. Т.: 2002.
13. Гидденс Э. Социология. Т.: «Шарқ». 2002.
14. Дикарева А.А., Мирская М.И. «Социология труда». (ўқув қўлланма).
15. Социология. Дарслик. М.: 1997.
16. Юнусов К. Социология ўқув қўлланмаси. Андижон, 1998 йил.
17. Инсон тараққиёти тўғрисида ҳисобот. Г. Саидова раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи - Т.: 2007.
18. «Основы социологии». М.: 2008.
19. «Умумий социология». Т.: ТошДУ, 1999.
20. Социология. Маърузалар матни. Т.: ЎЖАБНТ, 2006.
21. Хан С., Хан В. Социология. Курс лекций. Т.: «Адолат», 2007.
22. Муллажонова М.М. ва бошқ. Социология фанидан маъруза матнлари. Т.: ТошДИУ, 2009.
23. Кравченко А.И. Введение в социологию. М.: Новая школа. 2005. с.1215-130
24. Рывкина Р.В. Экономическая социология переходной России. М.: 2008.
25. Халқ сўзи газетаси. 2007 йил 28 сент. № 193.
26. Холбеков А.Ж., Матибоев Т.Б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. Т.: Янги аср авлоди. 2004
27. Хайдарова Д. Ишсизлик муоммосини ҳал этишда кичик тадбиркорликнинг ўрни. “Ижтимоий фикр”. 2004. 1-сон. 66-73 бетлар.(Жадваллар мавжуд).
28. Фафуров А. Жамиятни сиёсий ва иқтисодий ривожлантириш шароитларида ўрта мулкдорлар синфининг ўрни. “Ижтимоий фикр”. 2004. 1-сон. 74-80 бетлар.
29. Саитбоев Т., Рахматуллаев Ш. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ташқи миграциясининг ижтимоий – иқтисодий ва ҳуқуқий муаммолари. “Ижтимоий фикр”. 2004. 1-сон.107 – бет.
30. Алиев Б.А. ва бошқ. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанидан дарслик. 2009. Тошкент. ТДИУ.
31. Добренев В.И., Кравченко А.И. Методы социологического исследования: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 668 с. 2 экз.
32. Исаев Б.А. Социология в схемах и комментариях: Учеб. Пособ.. – СПб.: Питер, 2008. – 224 с.
33. Когда человек – проблема: Что делать?: [пер. с англ. Д.В.Котелкина]. – М.: Изд. “Омега-Л”: SmartBook, 2008. – 131 с.
34. Кравченко А.И. Социология: Учебник для вузов. – 11-е изд., - М.: Академический Проект, 2008. – 512 с.
35. Кравченко А.И. Социология в вопросах и ответах: Учеб. Пособ. – М.: ТК Велби, 2008. – 240 с.
36. Кравченко А.И. Социология: учебник. – М.: ТК Велби, 2008. – 536 с.
37. Общая социология: Учеб. Пособие /Под общ. Ред. Проф. А.Г. Эфендиева. – М.: ИНФРА – М, 2008. – 654 с.
38. Социология. Основы общей теории: учебник /отв. Ред. Г.В.Осипов, Л.Н.Москвичев. 2-е изд., испр. И доп. – М.: Норма, 2008. – 912 с. 3 экз.
39. Социология. Экзаменационные ответы. – М.: “Ответ. 2008. – 40 с.

Интернет материаллари

1. Батыгин Г.С. “виртуальные сообщества и коммуникация в социальных науках”. www.NIR.ru/socia_scipub.
2. Здравомыслова С.А., Темкина А.А.. социология гендерных отношени и гендерный подход в социологии. Prometeus nsc.ru.
3. Лекции по социологии. Социология. Отраслевые социологические теории. Экономики, семьи, города..... socioleo.narod.ru.
4. Российская Сеть Информационного Общества – Социология. Социология. Общая социология. www.Isn.ru.sociologu.shtml.
5. Социология в энциклопедиях. Социология. Socionet.narod.ru.
6. Экономическая социология. www.isras.ru. Журнал. Экономическая социология.
7. Электронная библиотека – социология, психология и управление. Soc.lib.ru
8. Центр социологического образования. – sociologu.RU-Новости. www.sociologu.ru.

В) МАҲАЛЛА ВА БОШҚА ЎЗ ЎЗИНИ БОШҚАРУВ СОЦИОЛОГИЯСИ. ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СОЦИОЛОГИЯСИ (2 СОАТ)

1. Маҳалла ва бошқа ўз-ўзини бошқарув социологияси тушунчалари.
2. Ўзбекистондаги ўзини-ўзи бошқариш тизимининг хусусиятлари. Маҳалла демократиясини шакллантиришда социологик тадқиқотларнинг ўрни.
3. Жамоатчилик фикри тушунчаси ва моҳияти. Жамоатчилик **фикрининг функциялари**
4. Жамоатчилик фикри мониторинги

Маҳалла – (арабча «маҳалла» - жой, ўрин, макон) – Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, уюшма. Маҳалла ўзини-ўзи бошқарув тизимининг муҳим миллий ижтимоий органи бўлиб, у Ўзбекистондаги ижтимоий ҳаёт тарзининг маҳаллий кўринишдаги шакли ҳамдир.

Маҳаллалар 1917 йилгача бўлган даврда жуда кенг иш олиб бориб, маҳаллий аҳолини бирлаштирувчи, уюштирувчи ташкилий тузилма бўлиб келган. Маҳалла ўзбек халқининг кундалик ижтимоий ҳаётини ва турмушини ташкил қилишда излаб топган ва асрлар давомида такомиллаштириб келган ҳаётий амалидир. Аммо шунга қарамадан, шўролар даврида ҳукмрон тузум ва мафкура маҳаллаларни расман тан олмади. Бироқ аҳолининг чуқур норозилигига сабаб бўлмаслик учун маҳаллаларни тақиқлаб ҳам қўя олмади, уни жамиятни бошқариш тизимига киритмади. Маҳалла ўз моҳияти, фаолияти мазмуни ва шакллари билан шарқона фикрлаш, иш кўриш тарзи каби халқимизнинг ўзига хос фазиалатларини акс эттиради. Маҳаллалар аҳолини аҳил-тотув яшашга, сидқидилдан меҳнат қилишга, касб ўрганишга, шулар орқали ҳаёт кечиришни енгиллаштиришга чақиради.

Маҳалла ва маҳаллий бошқарув социологиясида 2 та муҳим масалага эътибор бермоқ лозим. Булар:

5. Маҳаллий ҳокимият органлари.
6. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари.
 1. **Маҳаллий ҳокимият органларига** «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» нинг 9-104-моддаларига мувофиқ вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳамкорлик бошчилиги қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органларидир. Улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ва ваколатларига тааллуқли масалаларни халқ тадилар. 1993 йил 2 сентябрда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» қонун қабул

қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 100-моддасига биноан маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қўйидагилар киради:

5. қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;
6. ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш⁷³;
7. маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;
8. маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;
9. атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
10. фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш;
11. норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда ўзбекистон республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

2. Фуқароларнинг ўзини-ўзи (маҳаллий) бошқариш органлари. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» нинг 105-моддасига биноан «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди»⁷⁴.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари таркибини фуқаролар йиғинлари, хусусан, маҳаллалар ташкил этади. Жамиятда ўзини-ўзи бошқарув тизимининг муҳим органи бўлган маҳалла – бу, ҳудудий, касбий, турли ёшга оид ва бошқа шу каби турли хил ижтимоий гуруҳларнинг қизиқиши ва иродасини ўзида мужассамлаштириб, уларни ижтимоий ҳаётга жорий қилувчи умумий ҳамда алоҳида ҳолатларни намоён қилади.

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида таъкидланганидек, «Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим. Бунда энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеиларини ошириш даркор. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндошув фуқароларнинг ўзларига-ўзлари ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва тенг ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади»⁷⁵.

Шу боисдан ҳам маҳалла ва маҳаллий бошқарув социологияси айнан ана шу фуқароларнинг ўзини - ўзи маҳаллий бошқариш органлари фаолиятини ва унинг ижтимоий жиҳатини таҳлил қилади.

Демак, фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқаришнинг маҳаллий куйи органи бўлган маҳалланинг аввало ҳуқуқий асослари куйидаги жиҳатлар билан белгиланади:

1. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» (айнан 21 – боб 105 – моддада у ўз ифодасини топган).
2. 1993 йил 2 сентябрда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ги Қонун.
7. 1999 йил 14 – 15 апрелда Олий Мажлис томонидан «Фуқароларнинг ўзини -ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ги Қонуннинг янги таҳрири унинг асосий мақсад ва вазифаларини, ижтимоий моҳиятини ифода қилиб берган.

2002 йил 29 августда Олий Мажлис 9-сессиясида президент таъкидлаганидек, ҳаётимизни эркинлаштириш йўлларига Яна бир муҳим йўли-марказий ва юқори давлат бошқаруви идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг куйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришини таъминлайди

⁷³ «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси». Т.: «Ўзбекистон», 1999, 24-бет.

⁷⁴ «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси». Т.: «Ўзбекистон», 1999, 25-бет.

⁷⁵ Каримов И.А. «Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз». Т.7. – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 389-бет.

4. 2004 йи. 29 апрелде «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрида»ги қонун қабул қилинган.

Мустақиллик йилларида маҳаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. 1992 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида» ги Фармони қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўша йили 17 октябрда «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги 480-сонли қарори қабул қилинди. 1992 йили Республикамизда 8 мингга яқин, Тошкентда 279 маҳалла мавжуд эди. 1993-1994 йилларда мамлакатимизда 12 мингдан ортиқ маҳалла қўмиталари тузилди. 2000 йилга келиб Ўзбекистонда 13 мингдан ортиқ, Тошкент шаҳрида эса 481 дан кўпроқ маҳалла фаолият юрита бошлади. «Оила-маҳалла-мактаб» концепцияси ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилди. Бу бошқа давлатларда учрамайдиган ноёб дастурдир.

1999 йил 14 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ:

- 1) бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллалар фаолияти эркинлаштирилди;
- 2) маҳаллалар ҳокимият тизимидан чиқарилди;
- 3) қатор имтиёзлар берилди;
- 4) боқимандалик кайфиятидан озод этилди⁷⁶;
- 5) «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамият сари» қадам ташланади.

Натижада маҳаллалар адолатли, демократик жамиятнинг негизига айланиб бормоқда.

Демак, маҳаллалар ўзини-ўзи бошқарув тизимида қуйидаги ижтимоий вазифаларни бажариб келмоқда:

1. Маҳалла – она маскан. Оила кўз очиб кўрган даргоҳ бўлса, маҳалла Ватан ичидаги Ватандир. Ватан – энг олий қадриятдир.

2. Маҳалла – аввало соғлом ижтимоий муҳитдир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларни адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳалла, Президентимиз Ислон Каримов таъбири билан айтганда, ҳақиқий демократик дарсхонадир.

3. Маҳалла – таянч маркази. Кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар ва ҳ.к. таянчи ҳисобланиб келмоқда.

4. Маҳалла – маънавий-ахлоқий қадриятлар, анъаналар маскани.

5. Маҳалла ёшларни касб-корга йўналтирувчи, ишсизларни меҳнат билан таъминловчи ижтимоий ҳимоя ҳамдир.

6. Маҳалла – тарбия маскани. Бир болага етти кўшни ота-она

7. Маҳалла – оила тинч-тотувлигини, жипслигини мустаҳкамлайдиган жой. Отанг – маҳалла, онанг – маҳалла, деб бежиж айтилмаган.

Умуман, маҳаллалар ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини маҳалладаги эҳтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш билан таъминлаши, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиши мумкин.

Ҳозирги пайтда маҳалла қўмиталари, бозор иқтисоди қонунлари асосида, ўз ишларини ташкил қилишлари учун барча имкониятлар очиб берилди. Улар олди-сотди, тўй-марака маросимлари ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, маҳалладаги оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш ишлари билан шуғулланадилар. Кўпчилик маҳаллаларнинг ўз масжиди бор, турли маъракалар учун керакли ашёлар (дошқозон, палос, идиш-товок, чойнак-пиёла, тобут ва бошқалар) мавжуд. Эндиликда ҳар бир маҳалла ўз маданий марказини қуриб, шу ерда чойхона, новвойхона, сут-қатиқ дўкони, турли ўйинлар масканига эга бўлмоқда. Маҳалла қўмитаси - ташаббускор жамият ташкилотидир. Маҳаллада хўжалик ва маданий қурилиш, унинг ҳудудини ободонлаштириш, уй-жойларни ва ҳудуддаги шаҳар хўжалигини сақлаш, озодликни таъмин этишда, омма куч-ғайратини

⁷⁶ «Халқ сўзи». 2001 йил 4 декабрь.

бунёдкорликка йўналитиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳаллаларнинг иш фаолияти хорижий мамлакатларнинг диққат - эътиборига тушмоқда.⁷⁷

Маҳалла субъекти ва унинг кўринишлари. Маҳалла бошқарув тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган субъект тушунчасига эътибор қаратиш илмий мазмун касб этади. Маҳалла субъектининг ўзига хос хусусиятини ундаги бошқарув функцияси бажаради. Чунки айнан шу функция орқали маҳалланинг самарали иш фаолияти намоён бўлади.

Ўзбекистон ҳудудида маҳаллаларни қуйидаги 4 та асосий қисмга ажратиш мумкин:

шаҳарлардаги анъанавий маҳаллалар;
шаҳарлардаги кавртал маҳаллалар;
шаҳарчалардаги маҳаллалар;
қишлоқ маҳаллалари.

Маҳаллалар ижтимоий ҳаётида қуйидаги вазфаларни бажаради:

оида муҳофазаси;
ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик;
ижтимоий ҳимояда фаол иштирок этиш;
маънавий ва ижтимоий ҳуқуқни шакллантириш;
сиёсий фаолликни ошириш ва ҳоказо.

Социолог П.А.Сорокин фикрича, «Инсон ижтимоий организм бўлиб, табиатдаги барча тирик организм сингари яшаш учун муҳим бўлган барча шароитларга эҳтиёж сезади». ҳуқуматимиз томонидан маҳалла масаласига эътибор қаратилаётганлигининг сабабларидан бири - унда ижтимоий алоқадорликни шакллантирувчи ва кишиларни ижтимоий гуруҳ сифатида боғловчи жараёнларнинг мавжудлигидир. Бу жараёнлар:

- а) илдизлар;
- б) муносабатлар;
- в) ташаббускорлик. Бу ҳолатлар кишиларни янада жипслаштиради.

Қадимги юнонлар «демократия» аямасини ишлаб чиққанларида табиий-ижтимоий жараёнга эътиборни қаратган эдилар. Яъни, кишилар ўзлари яшаётган жойга хос бўлган имкониятларни яратадилар. Демак, демократия – бу, халқ ҳокимияти ёки халқ бошқарувчи сифатида оммани турли табақалари ижтимоий фаоллигини тақозо этади. Ўз-ўзидан равшанки, халқ иштирок этадиган ва ўз ижтимоий моҳиятини мумикин қадар тўла намоён эта оладиган халқчил тизим – бу, ўзини ўзи бошқарув тизимидир. Халқ бошқарув тизимида фаол иштирок этар экан, у ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириб боради, демак, у жамиятнинг маънавий ва ижтимоий ҳаётига кириб боради ҳамда уни тобора жамият тараққиёти ва равнақиға йўналтириб қўяди.

Шахснинг ижтимоий муносабатларига киришиши йиғилиб қолган муаммолар ҳамда ҳар хил воқеликлар ва тафсилотлар тўғрисида фикр юритиш ёки ҳулоса чиқариш имкониятини беради. Бу ҳолат, ўз навбатида, фуқароларнинг сиёсий фаоллик роли ортиб бориши учун замн хизматини бажаради. Кузатишлар шуни кўрсатадики, маҳалла муносабатларида барча қатламлардаги кишиларнинг иштирок этиши бир текис ҳолатда кечади. Бу эса жамиятда ўрта қатлам муносабатларига киришиш оқибатида маҳалланинг одамлар ҳаётига яқинлиги, аҳоли турмуш тарзи ва кундалик ҳаёти билан уйғунлиги кўп жиҳатдан жамиятда демократик жараёнларни чуқурлаштириш имкониятларини янада тезлаштиради.

Одамларнинг хатти-ҳаракати, воқеликка ва ҳар қандай янгиликка нисбатан муносабати, энг аввало юксак ахлоқ-одоб, шарқона ваззаминлик, ота-боболаримизга хос мулоҳазамандлик, қийин ва мураккаб вазиятларда шахсий манфаатлардан умумдавлат ва умумхалқ манфаатларини устун қўйиш, жамоа учун яшаш каби инсоний фазилатларга қаратилган. Бу ва шунга ўхшаган фазилатлар миллий кадриятлар даражасига кўтарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари тўғрисида»(1999) янги таҳрирдаги қонуннинг 6-моддасида айтилгандек, «Фуқароларнинг

⁷⁷ Абдуллаев М. ва бош. «Мустақиллик». Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Тошкент: «Шарк», 1998, 113-114-бетлар.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам»¹ деб белгиланган. Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган маҳалла демократияси, унинг халқ ҳаётига яқинлиги, аҳоли турмуш тарзи ва кундалик ҳаёти билан уйғунлиги сабабли кундалик ҳаёт тарзимизда қайтадан қарор топаётган бошқарув тизими сифатида ўз ифодасини топмоқда.

Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгликлар, айниқса, инсоният ривожига катт туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароитлар, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи лозим. Иқтисодий тараққиёт суръатлари авж олган сари одимларнинг маърифатга интилиши ҳам кучайиб бориши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг асосий куч-қудрати манбаи – бу, ҳақлимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқ қолганлигидир. Ўзбекистондаги ана шундай умуминсоний кадриятлар сарчашмаларидан бири - маҳалла тизимига юқорида тўхталиб ўтган эдик. Президентимиз И.Каримов «Туркистон» газетаси муҳбири берган саволларига – «Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилиқ жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир, дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба - аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамияти билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи беқиёс макон – бу маҳалладир», деб берган жавобни ушбу тизимни оммабоп жараёнга айлантириш айти муддао эканлиги тўғрисидаги ғоя деб ифодаласа бўлади.

Ҳозирги даврда маҳаллаларга бўлган қизиқиш асосида дунёда қуйидаги институтлар амал қилади:

1. Жамоаларнинг халқаро иттифоқи (штаб- квартираси Гаагада)
2. Вилоятлар ва шаҳарларни бошқариш бўйича Халқаро ассоциация.
3. Жамоаларнинг Европа иттифоқи (маркази Парижда)
4. Европанинг минтақавий ва маҳаллий ҳукуматлари конгресси.

1985 йил Европа Кенгашининг ташаббуси билан “Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг Европа хартияси” қабул қилинди. Бу ҳужжат Европа давлатлари муниципал ҳуқуқининг бош манбаи бўлиб, унинг воситасида ўзини-ўзи бошқаришнинг кейинги ривожига йўл очилди.(Қаранг: Европейская хартия местного самоуправления. - М, 1998)

Айни пайтда жаҳон миқёсида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимининг 3 та асосий модели ажратиб кўрсатилади.

1. Шимолий Америка
2. Жанубий Европа
3. Шимолий Европа (ёки Скандинавия)

Шимолий Америка моделида муниципалитетнинг фаолият доираси нисбатдан тор, фрагментар шаклда бўлиб, у асосан бизнес мақсадларига хизмат кўрсатишга қаратилган.

Жанубий Европа модели (Франция ва Италия учун характерли бўлган.) Бунда муниципал фаоллик нисбатан юқори бўлмасда, шунга қарамадан маҳаллий сиёсий манфаатлар сиёсатга миллат даражасида таъсир кўрсата олади.

Шимолий Европа модели. Бу модель асосан Дания, Финляндия, Швеция, Норвегия, Буюк Британия каби мамлакатларда амал қилади. Бу мамлакатларда муниципалитетлар анча фаол бўлиб, улар маҳаллий ва умумдавлат аҳамиятида бўлган кенг доирадаги вазифаларни ҳал қиладилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш моделларига давлат секторидаги бандликка нисбатан уларга тўғри келадиган бандлик даражаси бўйича ҳам баҳо бериш мумкин. Хусусан, бу кўрсаткич 1991 йил Данияда 70 %, Норвегияда 60% , Швецияда 54% , АҚШ да 50% , Буюк Британияда 38% , Германияда 15% , Италияда 12% , Францияда 11% ни ташкил этган.

¹ Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонуни. «Постда» газетаси. 1999 йил 22 январ.

Ялпи миллий маҳсулотни истеъмол қилиш бўйича ҳам бу маҳаллий жамоаларнинг ўзига хос улуши мавжуд. Масалан, бу кўрсаткич Швецияда 18,7 % , Данияда 17,7% , Фитнляндияда 13,5 % , Норвегияда 13%, Буюк Британияда 8,2% , Италияда 7,4% , Нидерландияда 7,5% , Францияда 4.4% ни ташкил этади. (Қаранг : Полис. 1999, №2, 158 - бет)

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маҳалла ва фуқароларнинг ўзини -ўзи бошқариш органларига бўлган эътибор ғоят кучайтирилди. Шунинг натижасида ўзига хос бўлган бу бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (105-модда) ва “Фуқароларнинг ўзини -ўзи бошқариш органлари тўғрисида ги ” Қонунларда(1993 йил 2 сентябрь- Қонун, 1997 йил 25 апрель- Қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар, 1999 йил 14 апрель- Қонуннинг янги таҳрири, 2004 йил апрель “Фуқароларнинг ўзини -ўзи бошқариш органлари раиси(оқсоқоли)ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тўғрисидаги”Қонун) ҳар томонлама мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистонда 2003 йилнинг ноябрь - декабрь ойларида Фуқароларнинг ўзини- ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сайловлар жамиятимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сийёсий воқеа сифатида баҳоланди. Сайловларда 11 млн. сайловчи (катта ёшли аҳолининг 85 фоизи) қатнашди. Сайлов натижасида 10 мингга яқин оқсоқоллар ҳамда 75 мингга яқин уларнинг маслаҳатчилари сайланди .

Сайлов муносабати билан Жамоатчилик фикрини ўрганиш ижтимоий фикр маркази томонидан 2003 йилнинг 12 - 27 ноябрида республикаимизнинг 12 вилояти, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўзига хос сўров ўтказилган ва 2044 киши сўралган. Сўровда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳозирги кунда жамиятимиз ва кишилар ҳаёт фаолиятида қандай роль ўйнаётганлигига асосий эътибор қаратилди. Қуйида ана шу сўров натижаларидан айримларини келтириб ўтамиз.

Маҳаллийчилик ҳақида. Маҳаллийчилик – бу, уруғ - аймақчилик феодал жамиятларга хос бўлиб, бу қон - қариндошлик алоқалари билан боғланган одамларнинг бирлигидир. Уруғ жамоаси ўз бошлиғининг номи билан аталади. Бошлиқ эса аъзолари учун обрўли одам ҳисобланади, уруғ манфаатларини жамоасининг нисбатан маҳдуд одамидан ташқари ифодалар эди. Айнан уруғ - аймақ ўз аъзоларини ҳимоя этар, уларга ҳомийлик қилар ва ёрдам берарди.

Маҳаллийчилик – миллий давлатчиликнинг зидидир... Бир японшунос «Японлар орасида ҳам ўзаро рақобат кучли. Бир-бирлари билан келишмовчиликлар бўлиб туради. Аммо масала Япония манфаатларига бориб тақалгудек бўлса, ҳозиргина бир -бирларига қарама-қарши бўлиб турган икки япон кишиси бирлашиб, давлат, миллат манфаатлари учун мустаҳкам ҳимоявий бирликни намоиш этадилар», деб ёзган эди.

Демак, хулоса қилиб айтганда маҳаллийчилик таҳдиди қуйидагилардан иборат: Республика миқёсида – вилоятлараро бўлинишга олиб келиш мумкин.

Вилоятларда – туманлараро бўлинишга йўл очади.

Шаҳар, туман даражасида – маҳаллалар, жамоа хўжаликлари орасида бўлинишга олиб келади.

Маҳаллий даражада: кишлоқлараро бўлиниш юз бериши мумкин.

Жамоа хўжалиги бўйича – уруғлараро бўлиниш.

Қариндошлик белгиларига қараб бўлиниш.

«МЕН»нинг (шахсий) манфаатидан келиб чиқиб бўлиниш кабилар.

Маҳаллийчилик – миллий давлат вужудига кириб олиши мумкин бўлган рақ ҳужайрасига ўхшайди. Чунки:

давлат иқтисодий қудратининг бир нечта гуруҳ кишилари томонидан сўриб, ўғирланиши, талон-тарож қилинишини ҳимоя қилади.¹

Ўзбек халқи ичида ўзаро бегоналик уруғларини кўкартиради.

буюк ишларнинг ўртамиёна кадрларга топширилишига, истедодли кадрларнинг майда-чуйда ишлар билан ўралаштириб қўйилишига олиб келади.

¹ «Хуррият». 1998 йил 4 феврал

организм – давлат кучсизлашади, ислохот сусаяди.

Шу боисдан ҳам Президентимиз Ислом Каримов маҳаллийчиликка қарши кураш масаласига ҳар доим эътибор қаратиб келмоқда. «Лекин, - деган эди у, - қариндош-уруғчилик, ҳудудий ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўрадиган, айнан шу манфаатларни биринчи ўрнига қўядиган уюшмалар (кўпинча норасмий уюшмалар) умумий ишга, умумдавлат, умумхалқ манфаатларига зарар келтирадиган ҳолда шаклланиб, ўз мақсадларига эришиш учун аъзоларини мавжуд давлат, ҳокимият ва бошқа поғоналарда юқори кўтаришга ҳаракат қилар экан, бу ҳол хавфли бўлиб қолади. Ана шунда жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига реал таҳдид солувчи маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик ҳақида гапиришга тўғри келади».¹

11.2. Бўш вақтни тўғри ташкил этиш ва ундан фойдаланишнинг социал муаммолари.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ҳар бир кишининг маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, ахлоқий ва жисмоний ўсишига эътибор бериш, уларнинг бўш вақтларини оқилона уюштириш катта аҳамиятга эга. Зеро, бўш вақтни оқилона уюштириш кишиларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг, маданий савияси ва дунёқараши ўсишининг, ахлоқий ва эстетик тарбиялашнинг муҳим шартларидар биридир. Чунки бўш вақт кишиларнинг тобора ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондиришга, бадиий ҳаваскорлик ижоди учун зарур имкониятлар яратишга, қобилиятларини ривожлантиришга, бадиий ва эстетик дидни тарбиялашга хизмат қилади. Бинобарин, баркамоллик, етуклик мезони моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг ахлоқий кўникмаларга мос келиши ва меҳнат натижалари билан ҳамоҳанглигидир. Маънавий эҳтиёж ҳар доим моддий талаб ёки имкониятларга мос келавермаслиги мумкин. Кўнгил нималарни тусамайди. Аммо кўнгил майлини оқилона жиловлаш маънавий эҳтиёжни қондиришга йўл очади.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари ва илмий-техника тараққиёти натижасида меҳнат жараёнлари тўхтовсиз мараққаблашиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ёшларни ақлий ривожлантиришни, касб, билим ва малакаларини оширишни, маънавий эҳтиёжларини қондириб беришни тақозо этади. Бу муаммоларни ҳал қилиш, ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилашга, меҳнатни тўғри уюштиришга, дам олишни яхши ташкил этишга боғлиқ. Чунки, ўқиш, меҳнат қилиш билан дам олиш ўзаро боғлиқдир, уларни бир-бири-биридан ажратиб бўлмайди. Хуллас, ёшларга таълим-тарбия бериш, улар бўш вақти ва маданий дам олишларини уюштириш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ижтимоий ҳодисадир.

Ҳозирги даврда кишилар бўш вақтини оқилона уюштириш уни тўғри ташкил қилиш маданий-маърифий муассасалар олдидаги ҳам долзарб вазифадир. Шу боисдан бу соҳадаги ишларни давр талаблари асосида кўриб чиқиш, уларнинг иш усуллари ва шакллари хусусида фикр юритиш, амалий тажрибаларни умумлаштириш мақсадга мувофиқ. Бўш вақт шароитида дам олишни уюштириш хусусида сўзлашдан аввал, «Бўш вақт» тушунчасини изоҳлаш лозим. Бўш вақтнинг вазифаси нимадан иборат? «Бўш вақт» тушунчаси қандай тушунилиб келинди?

Бўш вақт жамиятнинг ижтимоий бойлигидир. Чинакам бойлик шундай вақтдирки, у бевосита сарфланиб кетмай, балки ишдан ҳоли кезларда ҳузур-ҳаловат учун ажратиладиган ўзига хос вақтдир. Бунинг натижасида эркин фаолият юргизиш ва ривожланиш учун кенг имконият туғилади.

Қачонки, бўш вақт билим олиш, ўз идрокини ривожлантириш, ижтимоий вазифаларни бажариш, жисмоний ва ақлий кучлардан эркин суратда фойдаланиш учун сарфлансагина у ҳақиқий ижтимоий бойликка айланади.

¹ Каримов И.А. «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида».Т.: «Ўзбекистон», 1998 й. 98-бет

Инсон учун энг катта, энг асосий бойлик иш вақти эмас, балки бўш вақтдир. Бўш вақт ҳар бир кишига дам олиш, билим олиш, ўзини камол топтириш, оила аъзоси ва фуқаро сифатида ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш учун зарур. Бўш вақт ҳар қандай жамиятда халқнинг билим ва дам олишига, умумий маданиятини оширишга, жисмоний камол топишига хизмат қилади.

Бўш вақт – кишининг мажбурий ижтимоий меҳнатдан ташқари вақтининг бир қисми. Ижтимоий ҳаётда меҳнаткашларнинг умумий вақтини икки қисмга – иш вақти ва ишдан ташқари вақтга бўлиш мумкин. Ишдан ташқари вақт асосан уй ишларига, ўзига қараш, ухлаш ва овқатланиш учун сарфланадиган вақт ва бўш вақтга бўлинади. Бўш вақт шахснинг ҳар томонлама такомиллашуви, билим даражасини ошириш, ижтимоий – сиёсий ҳаётга қатнашиш, дам олиши учун керак бўладиган ишдан ташқари вақтдир (Қаранг: Ўзбек Энциклопедияси, 2 том, 583 бет).

«Бўш вақт» ва «ишдан ҳоли вақт» деган тушунчалар баъзи тадқиқотларда бундай таърифланган: «Бўш вақт– бу пул тўланадиган ишдан ҳоли, уй ишларидан ва ўқишдан ҳоли, ихтиёрий фойдаланадиган дам олиш, кўнгил очишдир. У инсонни ижтимоий, бадий, техник жихатдан ривожланиши учун ажратилган вақтдир»(Қаранг: Вопросқ КПП. Л., ЛГИХ, 1973, 77–бет).

«Бўш вақт – бу инсоннинг жамият аъзоси сифатида бажариб бўлган ишларидан, ишлаб чиқаришда, оилада ва бошқа соҳаларда бажариб бўлинган ишдан сўнгги вақтдир»(Қаранг: Вопросқ философии, 3-сон, 1983йил).

«Бўш вақт – бу ишдан ҳоли бўлган меҳнаткашларнинг интеллектуал ривожланиши учун сарфланадиган, инсоннинг ўз хоҳишига кўра фойдаланадиган вақтдир»(Қаранг: Пруденский Г. Проблемқ рабочего и вне рабочего времени, М., «Наука», 1984, с. 34).

Илмий тадқиқотларда бўш вақт уч турга ажратилиб ўрганилмоқда:

1. Ижтимоий- фойдали фаолиятга сарфланадиган бўш вақт – рационализаторлик ва ихтирочилик, ҳаваскорлик ижодиёти турлари, ўқиш ва малакани ошириш билан шуғулланиш;

2. Маънавий – маданий бойликлардан фойдаланишга сарфланадиган бўш вақт – китоб, газета ўқиш, радио ва телевидение кўрсатувларини кўриш, музей, театр, кино, концертларга бориш.

3. Жисмоний – спорт ва соғломлаштириш, саёҳат- экскурсия, санатория ва курорт шароитидаги бўш вақт.

Бўш вақтни яққа, гуруҳ ва жамоа бўлиб, фаол ва нофаол ҳолатда ўтказиш мумкин. Умумий ҳолатларда бўш вақтнинг асосий қисми сайр қилишга, спортга ва меҳмонга боришга, китоб ўқишга, кино, театр кўришга, радио эшитиш, телевидение кўриш, бадий ҳаваскорлик билан шуғулланишга сарфланади. Жамиятда бўш вақт кўпайишининг икки манбаи мавжуд:

1) Иш вақтининг қисқариши;

2) Ишдан сўнгги вақтни қайта тақсимлаш ҳисобига бўш вақтнинг кўпайиши.

Шуни алоҳида жоизки, инсоннинг жисмоний ва маънавий камолотида дам олишни ташкил этиш муҳим роль ўйнайди. Дам олиш инсон жисмининг шундай фаолиятики, у чарчоқни қондиради ва иш қобилиятини тиклайди. Дам олиш йўқотилган кучларни қайта тиклашда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Дам олиш масалалари фақатгина алоҳида шахсларнинг иши бўлмай, балки ижтимоий – иқтисодий сиёсатнинг асосий масаласидир. Ҳозирги даврда дунёнинг ҳамма мамлакатларида социологлар, файласуфлар, иқтисодчилар, демографлар, руҳиётшунослар, ҳуқуқшунослар ва бошқа фан тадқиқотчилари бўш вақт ва дам олиш масалалари билан жиддий шуғулланмоқдалар.

Иқтисодий ва маданий сиёсатда одамларнинг қобилиятини намоён қилиш учун ғоят кенг имкониятлар яратиб бериш, уларнинг ҳаётини маънавий жихатдан бой, кўп қиррали қилиш учун олиб борилаётган маданий-тарбиявий ишлар одамларнинг эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондириш, уларнинг манфаатларига мос бўлиши ҳақида мунтазам даъватлар

айтилиб турилса-да, амалда бу ишлар орқага кетаверди. Натижада бўш вақт ижтимоий бойлик сифатида амалий мазмун касб этмади.

Бўш вақт инсонни маънавий камол топишига, унинг қобилиятини ривожлантиришга, шу тариха бутун жамиятнинг моддий ва маънавий куч-қувватини янада оширишга хизмат қилсагина, у жамият ҳақиқий ижтимоий бойлигининг мезони бўлиши мумкин бўлади. Бўш вақтдан самарали фойдалангандагина турмуш гўзаллашади. Жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлган меҳнаткашлар ўз бўш вақтини ўқиш, ўрганиш, сайр қилиш, ақлий ва жисмоний жиҳатдан ўсиш, илмий- техника ва бадиий ижод, спорт билан кўпроқ шуғулланишга сарф қилганларидагина, улар ўзларини шунчалик кўп тарбия эта оладилар. Фан ва техника мўъжизаларини ўрганиш, билиш, санъат, маданият масалалари билан машғул бўлиш имкониятига эга бўладилар ва жамият учун кўпроқ фойда келтирадилар.

Бўш вақтни уюштиришда маданий дам олиш ишларининг мазмунли ва ранг-баранг бўлиши, дам олиш шакллари аҳоли талабларига мувофиқ келиши ҳамда жамоа бўлиб дам олиш шакллари ривожлантириш орқали ёшларнинг ижодий ҳаваскорлигини ўстириш маданий-маърифий муассасалар фаоллигига боғлиқ.

Маданий-маърифий муассасаларнинг ёшлар дам олишини ташкил этиш борасидаги фаолияти ёшларда меҳнатга онгли муносабатни тарбиялашнинг, улар ижодий ташаббускорлигини кучайтиришнинг муҳим омилidir. Инсон омили мазмунли дам олишни уюштиришга янгича ёндошишни тақозо этади. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш кишиларнинг меҳнат ғайрати ва ижтимоий фаоллиги замиридаги жамики ижодий кучларни тўла сафарбар этишга тўғри келади. Зотан, инсонга эътиборли бўлиш, меҳнат аҳлининг манфаатлари ҳамма нарсадан устивор бўлиши керак.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ҳар бир кишининг қобилияти, касб-кор малакаси, онги ва хулқ-атвори ҳар қачонгидан кўра кўпроқ намоён бўлади. Бозор муносабатлари ҳар бир шахсни ишлаб чиқаришнинг соҳиби ва фуқаро сифатида ташаббускорлигини ривожлантиради, имкониятларини кенгайтиради. Ҳар бир киши бўш вақтини ўзига маънавий жиҳатдан яқин бўлган одамлар билан ўтказади. Шу боисдан маънавий жиҳатдан яқин одамларнинг дидлари, талаблари ва эҳтиёжлари ҳам бир-бирига мос бўлиб тушади.

Инсон бўш вақтини асосан оилада ўтказади. Лекин ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалалари хусусида одамлар бир-бирлари билан баҳслашишлари, фикр алмашишлари ва бир-бирларининг жавобларини диққат билан тинглашлари, суҳбатлашиш учун қандайдир бир жойга тўпланишлари лозим бўлади. Одамларнинг бундай эҳтиёжларини қондирадиган жой бизда чойхона, оврупаликларда эса клуб деб аталади.

Бўш вақтдан оқилона фойдаланиш масалалари жамият ҳаётининг кўп томонларини қамраб олади. Бўш вақтдан унумли фойдаланиш маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши, маданий-тарбиявий ишларнинг кучайтирилиши каби масалалар билан бевосита боғлиқдир. Кишилар маданий дам олишларини уюштириш ва улар бўш вақтидан унумли фойдаланиш учун шарт-шароит яратишда клуб муассасалари катта имкониятга эгадир. Ёши, жинси, маълумоти, касби, миллати, қизиқишлари ҳар хил бўлган кишиларнинг турли-туман маданий талабларини қондириш ва дам олишни уюштириш ниҳоятда қийин. Бу иш маданият ходимларидан ташаббускорликни, топқирликни, тажриба ва малакани, ижодий изланишни, аҳолининг истак ва талабларини ўрганишни, турли тадбирларни уюштириш йўллари билишни талаб қилади. Айниқса, маданият ходимлари қишлоқ меҳнаткашларининг маданий дам олишларини уюштириш ҳамда ундан унумли фойдаланиш йўллари билишлари зарур. Меҳнат жараёнининг техникалашуви натижасида ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш бўш вақтнинг кўпайишини, меҳнаткашларнинг техника билимларига бўлган қизиқишлари кучайишини, маданий талабларнинг ошишини, талант ва ижодий қобилиятларни ўстиришни тақозо этади.

Маълумки, одамлар ҳаёти ва турмушида радио, телевидение, кино, вақтли матбуот, бадиий адабиёт кенг ўрин олган. Бу воситалар орқали кишиларнинг билим доиралари янада

бойиб, улар дунё воқеаларидан, маданият янгиликларидан мунтазам хабардор бўлиб бормоқдалар. Кишиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларини уюштиришда биринчидан, маданий-маърифий муассасалар маърифий-тарбиявий, оммавий-бадий ишлар билан дам олишни кўшиб олиб боришлари; иккинчидан, дам олишнинг турли усул ва шаклларида фойдаланиш билан бирга дам олувчиларнинг истаган иш шакллари уюштиришлари; учинчидан, дам олишнинг турли шакллари тайёрлаш, уюштириш ва ўтказишда дам олувчиларнинг ташаббуси ҳамда ташкилотчилигидан кенг фойдаланишлари лозим.

Маданий-маърифий муассасалар ходимлари шанба, якшанба ёки ишдан бўш кунлари жамоа бўлиб дам олишни уюштирадilar. Жамоа бўлиб дам олиш тадбирлари маҳаллий шарт-шароитларга, имкониятларга қараб уюштиралади. Жамоа бўлиб дам олишнинг вилоят, туман ҳудудидаги тарихий жойларга, узок шаҳарларга, тоғ-тошларга саёҳатлар, уюштириш, турли спорт мусобақалари ташкил этиш, концертлар, кинофильмлар намойиши, спектакллар кўриш, музейларга ташриф, машхур кишилар билан учрашувлар каби шакллари мавжуд.

Бўш вақтни уюштиришда дам олиш кечалари алоҳида аҳамиятга эга. Дам олиш кечаларининг режасида ҳам у ёки бу гуруҳнинг қизиқишлари, талаблари ва улар нима билан шуғулланишларини ҳисобга олиш зарур. Дам олиш кечалари бадий ҳаваскорлик жамоалари ҳамда малакали артистларнинг концертлари, бадий ва ҳужжатли фильмларни намойиш қилиш, техника соҳалари, адабиёт ва мусиқага оид кўргазмалар, оммавий-аттракцион ўйинлар, кулгу, савол-жавоб кечалари шаклида бўлиши мумкин.

Бўш вақт шароитида дам олишни ташкил қилишда мушоира, баҳс-мунозара, «Мақом», «Кулги кечалари», «Наврўз байрами», «Ҳосил байрами», «Гул байрами», «Лола сайили», «Қовун сайили» каби халқ байрамлари ва бошқа оммавий тадбирларни уюштириш катта аҳамиятга эга. Ёшларнинг бўш вақтидаги маданий дам олишга бағишланган ҳар бир тадбир таъсирчан, қизиқарли, ҳис-туйғуга кучли таъсир қила оладиган, маданий савияни, билимларни ўстирадиган, илҳомлантирадиган, меҳнатга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғуларини ўйғотадиган бўлиши зарур.

Маданий-маърифий воситалар орқали аҳоли бўш вақти ва дам олишини уюштиришнинг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат:

– бўш вақтни уюштириш инсонга ғамхўрликни кучайтириш мақсадларига бўйсундирилиши, унинг маънавий эҳтиёж ва қизиқишларига мос келмоғи даркор. «Мунозара», ижодий ходимлар билан учрашувлар, халқ сайиллари, театрлаштирилган тамошалар ҳар бир маданият муассасаси фаолиятидан мустаҳкам ўрин олиши керак;

– маданият муассасалари фаолиятида аҳоли талаб ва истаклари, уларнинг ёш, касб-ҳунар, маълумот даражаларини ҳисобга олиш асосий мезон бўлиши керак;

– халқ ҳаваскорлик санъатини янада ривожлантириш кўшиқ ва рақс, мусиқа байрамларини, ижодий конкурс ва кўриқларни мунтазам ўтказиб туриш лозим.

– кутубхоналар энг яхши китобни тарғиб-ташвиқ қилиб, одамлар орасида билим зиёсини тарқатиши керак. Кутубхонада қанча китоб борилигини фахр ва шараф деб билмасдан, балки китобларнинг халқ ўртасида қанчалик кўп ўқилишини, қанча янги ўқувчилар жалб қилинганлигини, китобга бўлган ҳар қандай талаб қанчалик тез қондирилишини, унга қанча китоб берилганлигини, китоб ўқишга ва кутубхонадан фойдаланишга болалардан қанчаси тортилганлигини фахр ва шараф деб билиш, ҳар бир китобнинг завқ-шавқ билан ўқилишига эришиш керак.

Социологик тадиқотлар шуни кўрсатадики, кўпгина кутубхоналарнинг обрў-эътибори илгариги бўлмасдан, даражада уларнинг ходимлари маслаҳатгўй, адабиёт билимдони бўлиш ўрнига шунчаки китоб тарқатувчиларга айланиб қолган. Фан-техника тараққиёти жадаллашиб, ахборотлар оқими тобора ортиб бораётган бир шароитда улар одамларга китоблар оламига дарға бўлиб йўл кўрсатиши, кутубхоначилик ишини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этишга эришиши керак.

Спорт иншоотлари соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларининг чинакам маркази бўлиб қолиши лозим. Маданият ва спортнинг мавжуд барча моддий базасидан бўш

вақтни ташкил этишда, ижодий қобилиятларни ривожлантириш ҳамда жисмоний чиникиш йўлида фойдаланиш даражасини ошириш зарур.

Ҳар қандай ишнинг муваффақиятини одамлар ҳал этади. Афсуски, айрим маданият муассасаларининг ходимлари етарли касб малакаси ва билимга эга эмас. Бефарқлик, тепса-тебранмаслик, омма ўртасида ишни ташкил этишда уқувсизлик ишни барбод қилади. Маданий-маърифий муассасаларга нисбатан истеъмолчилик кайфиятларининг ҳар қандай кўринишларига бутунлай барҳам бериш зарур. Маданият муассасалари кадрлари ҳақида ғамхўрликни янада кучайтириш зарур. Шу билан бирга маданият ва спорт ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларнинг уй-жой, маиший турмуш шароитларини яхшилаш лозим.

Болалар ва ўсмирларнинг ҳам дам олишини ташкил этишни такомиллаштириш, болалар оромгоҳларида тарбия ишларини ислоҳ қилиш, юқори синф ўқувчиларини ҳунарга жалб этиш зарур.

Оилавий дам олиш учун кўпроқ имкон яратилишига эришиш, шаҳарлар атрофида дам олиш масканлари барпо этиб, сўлим табиат қўйнида ҳордиқ чиқаришни йўлга қўйиш, саёҳат ва жисмоний чиникишни ривожлантириш, маҳаллаларда, қишлоқларда харбий ватанпарварлик ҳаракатини янада жонлаштириш керак.

Маълумки, ҳар бир кишининг кунлик вақт бюджети 24 соат, ҳафтада 168 соатдан иборат. Ундан унумли, мақсадли фойдаланиш лозим. Айниқса, ёшлик даврида вақт бюджетидан билим олиш учун, маърифатли, зиёли бўлиш учун Президент И.А.Каримов айтганларидек, элим, юртим деб жон куйдирувчи мутахассис бўлиш учун унумли фойдаланиш энг муҳим, долзарб масаладир. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида барча моддий, табиий захиралар чекланган ва камёб бўлганидек, талабаларнинг вақт бюджети ҳам чегараланган, камёбдир.

Дунёга машҳур «ДЭУ» корпорацияси асосчиси Ким У Жунг шундай дейди: «Вақтни беҳуда сарфлаш, пулни беҳуда сарфлашдан ёмондир». Ҳақиқатдан ҳам пулни топиш мумкин, аммо вақтни қайтариб бўлмайди. Талабаларнинг бўш вақт бюджетидан қандай фойдаланишини ўрганиш мақсадида проф. Н.Соатов раҳбарлигида Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетида махсус танланма статистик кузатиш ўтказилди. Танланма қилиб 36 ўқиш ҳафталаридан энг типик бир ҳафта ажратиб олинди (октябрнинг 2-ҳафтаси) ва у ҳар жиҳатдан объектив маълумотлар олиш учун жуда қулай вақт эди. ЭКТ-83, ЭКТ-84, ЭКМ-85, ЭКП-86 гуруҳ талабалари ҳар куни ўз вақтларини нималарга, қандай ишларга сарфланаётганлиги қайд қилиб борилди. Кузатиш натижалари ҳар тарафлама текширилди.

Рўйхатдаги 120 та текшириш варақасидан 59 таси умумлаштириш учун яроқли деб топилди. Умумлаштириш эса ягона дастурда амалга оширилди. Талабалар ўз вақт бюджетининг 37,5 фоизини ёки 9 соатини уйкуга сарфлар экан. Иккинчи ўринни дарсларга қатнашиш эгаллаган (умумий вақт бюджетидан 14,7 фоиз), яъни талабалар кунига 6 академик соат ўрнига 5,3 академик соат дарсларга қатнашган ёки бир киши кунига 0,7 академик дарс соатини йўқотган. Дарсдан ташқари ўз устида мустақил ишлаш учун умумий вақт бюджетидан 8,5 фоизи сарфланган ёки ҳар бир талаба ўртача 2 календарь соат сарфлаган. Овқатланиш учун бутун вақт бюджетидан 7,3 фоизи ёки ҳар бир талаба кунига ўртача чоракам 2 соат овқатланишга сарфлаган. Телевизор кўриш ва радио эшитиш бюджет вақтидан 6,9 фоизни ташкил этган. Демак, ҳар бир талаба ўртача бир суткада 1,40 дақиқа телевизор қаршисида ўтирган. Аммо айрим талабалар кунига 4 соатдан ортиқ телевизор тамоша қилган. Дам олиш учун умумий бюджетдан 6,4 фоиз ёки ҳар бир киши 1,5 соат сарфлаган. Айрим талабалар 4 соатдан ортиқ дам олишган.


Текшириш натижаларига биноан умумий вақт бюджетидан ухлаш, ювиниш, уй юмушлари, дарсларга қатнашиш, йўлда юриш каби зарурий масалалар учун 72,3 фоиз сарфланган, бошқа вақт қисми мустақил ишлаш, илмий изланиш, маданий-маърифий бойиш каби ишларга харж қилинган. Айрим академик гуруҳ талабаларида бу кўрсаткичларни тебраниш чегараси жуда кенг доирада бўлган. Шунинг учун ҳам талабалар вақт бюджетидан фойдаланишининг оптимал режаларини ишлаб чиқиш ва тавсия этиш долзарб

масала ҳисобланади. Тиббий физиологик текширишларга биноан, ҳар бир ўсмир ёшидан ўтган ёш йиғит-қиз бир суткада 7-8 соат ухлаши керак. Ўртача 7,5 соат деб ҳисобласак, ҳафтада бир талаба ухлашга 52,5 соат сарфлаши мумкин. Ювиниш, тараниш, ўзини тартибга келтириш учун бир кунда 45 дақиқа, бир ҳафтада 5 соат сарфлаши мумкин. Уй юмушларига уртача бир ҳафтада 7 соат ажратиш мумкин. Дарс жадвалларида ўртача кунига 6 академик соат кўзланса, у ҳолда улар учун ҳафтада 36 академик соат сарфланади. Йўлда юришга ўртача ҳафтасига 6 соат ажратиш мумкин. Шундай қилиб, жами бўлиб зарурий ишлар учун умумий вақт сарфи 1 ҳафтада 107 соат ёки умумий бюджетдан 62,7 фоизни ташкил этади. Бўш вақт бюджети эса 61 соат ёки 36,3 фоиз бўлади. Ҳар куни мустақил тайёрланиш ва ўз устида ишлаш учун камида 3,5 соат сарфлаш кўзланса, ҳафтада 24,5 соат зарур бўлади. Илмий изланиш учун ҳафтада 2 соат, спорт ва бадий тўғаракларда қатнашиш учун кунига 1 соат ёки ҳафтада 7 соат талаб қилади. Бадий китоб ўқиш, жамоат ишлари учун ҳар бирига ўртача бир кунда 0,5 соатдан сарфланса, ҳафтада 3,5 соатдан 7 соат керак бўлади. Дам олиш, телевизор кўриш ва радио эшитиш учун кунига 2,5 соатдан ортиқ сарфлаш вақтни исроф қилиш билан баробардир. Шунинг учун бу ишга ҳафтада 12,5 соат ажратиш мумкин. Бошқа факултда бўладиган ҳодисаларга ҳафтада 3 соат сарфланса, вақтдан оптимал даражада фойдаланилган бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бўш вақтни ташкил қилиш ва ундан самарали фойдаланиш муҳим ижтимоий масала бўлиб, уни тўғри хал қилиш асосида шахс ўзининг онгли фаолияти, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва маънавий баркамоллиги учун тегишли имкониятлар яратади.

11.3. Жамоатчилик фикри мониторинги

Сиз республикадаги ҳозирги ижтимоий- иқтисодий вазиятни умуман олганда қандай баҳолайсиз (сўраб чиқилганларнинг фоизи)




и, барқарор сарор ырқарор эб беришга
 заламан

}
)
 ?
 }
 †

1998-2004 йилларда “Ижтимоий фикр” маркази томонидан ўтказилган жамоатчилик фикри сўровининг қиёсий натижалари мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга фуқаролар томонидан ижобий баҳо беришнинг динамикаси ўсганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон аҳолиси ўртасида мамлакатнинг ижтимоий- иқтисодий вазиятидан қониқишнинг етарлича юқори даражаси ислоҳотларнинг аста-секин ,босқичма-босқич



қандай бўлса, шундай бўлади
 яхши бўлади
 ёмон бўлади
 жавоб беришга қийналаман

Ижтимоий-иқтисодий ҳолат туфайли турмуш шароитларидаги ўзгаришлар ҳаётини баҳо беришдагина эмас, балки одамларнинг кутишларида ҳам акс этди. Мамлакатнинг ҳар бир уч фуқаросидан ортиғи (43.5%) 12 ой ичида ўз оиласининг моддий ҳолати ва фаровонлиги яхшиланади, деб ҳисоблайди (2002 йилда ушбу кўрсаткич 39.0% ни ташкил этган эди).

Маҳалла социологияси мавзусига иловалар:

Ўзини ўзи бошқариш органлари Сизнинг ва оилангизнинг ҳаётида қандай роль ўйнайди?

Лаҳза	Ҳа ва аҳамиятли	алиқ катта маган, унчалиқ иятсиз	қандай роль ўйнайди	об беришга қийналаман

Маҳаллага Сиз айнан қандай муаммо билан мурожаат қилгансиз ?

об вариантлари	аллага мурожаат анлар сони % убида
дий ёрдам сўраб	
тадбирларини, дафн маросимларини ўтказишда кўмаклашишни, вий муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришни сўраб	
ақли ахборот олиш учун	
жой муаммоси бўйича, ер ажратишни сўраб	
муаммоси, сув масаласида	
аллани ободонлаштириш масаласида	
а жойлашиш бўйича	
юятчилик масаласида	

об беришга қийналаман	
-----------------------	--

Сиз маҳалла қўмитаси раиси фаолиятига қандай баҳо берасиз?⁷⁸ (сўралганлар
фоизда)

1-жадвал

оият	а яхши	и	ача	г	а паст	об шга налама
ижон						
оро						
зах						
кадарё						
ой						
анган						
арқанд						
хондарё						
дарё						
икент						
ғона						
азм						
ақалпоғистон						
икент шаҳри.						

2- жадвал

(сўралганлар фоизда)

облари	иси		ли	
	аклар	лар	ар	ло=
а ю=ори				
ори				
а				
г				
а паст				
наламан				

Маҳалла қўмитаси Сизнинг муаммоингизни ҳал қилишда ёрдам кўрсатганми.⁷⁹

оиятлар	ам атган	ман ёрдам ан	ам лаган	об шдан торган	об шга наламан
ижон					
оро					
зах					
кадарё					
ой					
анган					

⁷⁸ Шарифходжаев М., Ахунова Г. Маҳалла как институт местного самоуправления. Тошкент-2005. стр-139-140.

⁷⁹ Шарифходжаев М., Ахунова Г. Маҳалла как институт местного самоуправления. Тошкент-2005. стр-143.

арканд					
қодарё					
дарё					
кент					
ғона					
азм					
ақалпоғистон					
кент шаҳри					

Биз адолатли, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурмоқчи эканмиз, жамоатчиликнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишимиз, лоқайдликни бартараф қилишимиз зарур.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳамма соҳаларнинг марказлашган тарзда давлат томонидан берилган буйруқ ва кўрсатмалар орқали бошқарилиши жамиятда бепарволик, масъулиятсизлик каби салбий иллатлар шаклланишига сабаб бўлди. Бу каби салбий иллатларни йўқотмай, ўз фикрига эга бўлган, эркин фикрловчи ёшларни тарбияламай туриб мақсадга ва тараққиётга эриша олмаимиз. Шу сабабли ҳозирги кунда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга давлатимиз томонидан катта эътибор берилмоқда.

Бўлиб ўтган сайловларда, хусусан, 1999 йил 5 декабрдаги Олий Мажлисга ва 2000 йил 9 январда Ўзбекистон Президентини сайлашда, шунингдек, 2002 йил 27 январда ўтакилган референдумда икки палатали парламент тузиш ғояси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини 7 йиллик қилиб белгилаш жараёнида кенг жамоатчиликнинг фаол иштирок этиши, мамлакатнинг келажаги кимларнинг қўлига топширилишини англаган ҳолда ўз номзодларини кўрсатишлари Мустақил Ўзбекистоннинг бўлғусидаги тараққиёти, жамият аъзолари манфаатларининг нечоғлик қондирилиши, ҳуқуқий давлатчилик асосларининг яратилиши ана шунга ва яна бир бор жамоатчиликнинг онгли иштирокига боғлиқ.

Жамоатчилик фикри социологияси - ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ижтимоий воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатининг шаклланиши ва амал қилиш қонуниятларини ўрганувчи фандир.

Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эга. Мамлакатимизда 1999 йилдан бошлаб «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида социологик тадқиқот марказлари ва хизматларини мувофиқлаштириш имкониятини туғдирди.

«Жамоатчилик фикри» атамаси инглизча public opinion сўз бирикмаларидан олинган бўлиб, у XVII асрда дасталб Англияда қўлланилган, кейинчалик бошқа мамлакатларга ўтиб, XVIII аср охиридан бошлаб кенг тарқалган.

Жамоатчилик фикри ўзи нима? Жамоатчилик фикри - халқ истайдиган нарсани билишнинг ноорганик услубидир (Гегель), жамоатчилик фикрида ҳамиша ҳақиқий ва ҳақиқий бўлмаган нарсалар чатишиб кетсада, у ҳар бир даврда катта кучга эга бўлиб келган.

Жамоатчилик фикри ижтимоий онг шакллари, айтайлик, фан ёки мафкурадан ноаниқлиги билан фарқ қилади. Чунки фикрнинг ўзида у ёки бу ҳолатга нисбатан тахминий, эҳтимолли бўлгани учун ҳам кўпинча инсонлар онгида вужудга келадиган ўткинчи, ўзгарувчан фикр, мулоҳаза, хис - туйғулар йиғиндисиدير. Лекин бу жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмаслик керак, деган гап эмас. Жамоатчилик фикрини чуқур ўрганган испан мутафаккири Ортега-И-Гассет шундай ёзган эди: «Дунёни жамоатчилик фикри бошқаради, бу шундай асосий кучки, унда кишилар ҳамжамятидаги ҳукмронлик келиб чиқади»⁸⁰.

⁸⁰ Қаранг: Умумий социология. Т.: ТошДУ, 1999, 104-бет.

Жамоатчилик фикрини социологик тадқиқ этиш предмети – бу, жамоатчилик фикрининг ижтимоий моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли томонларига таъсири, шаклланиши, ифодаланиши ва амал қилиши механизмлари масалаларидир. Жамоатчилик фикри - кишилар онги ва хатти-ҳаракатининг ўзига хос кўриниши бўлиб, у ижтимоий онгнинг барча шакллари (ахлоқ, ҳуқуқ, дин, фан ва ҳ.к.) билан боғлиқ кундалик ва назарий онг бирикмаси ҳисобланади. Жамоатчилик фикри доимо кишилар томонидан у ёки бу ҳодиса жараёнини баҳолашлари билан боғлиқ. Бундай ижтимоий баҳолаш ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг ижтимоий вазияти, жамиятда тугган ўрнини ўзида акс эттиради. Демак, жамоатчилик фикри ижтимоий хусусиятга эга, шу жиҳатдан жамоатчилик фикри кишиларнинг ижтимоий воқеликнинг бирор бир соҳасидаги фикрлари, ҳис-туйғулари ва хатти-ҳаракатларини жамлашга, жамият ҳаётига баҳо беришга ва шу асосда ижтимоий реалликнинг тегишли томонини ўзгартиришга (ёки сақлашга) таъсир кўрсатади. Умуман олганда, туб ижтимоий ўзгаришлар содир бўлишидан олдин айнан жамоатчилик фикрида улкан силжиш, ўзгаришлар юз бермоғи керак.

Жамоатчилик фикри билан бевосита шуғуланувчи мутахассислар бу ижтимоий ҳодисанинг мураккаблигини таъкидлашади. Дарҳақиқат, жамоатчилик фикрини тасвирлаш, аниқлаш мушкул, уни ўлчаб бўлмайди. Лекин у ҳамма жойда мавжуд, унинг таъсирини алоҳида шахс хатти-ҳаракатида ҳам, омма хулқ-атвор фаолиятида ҳам кўrsa бўлади.

Жамоатчилик фикрининг структурасини таҳлил қилшда биринчи навбатда унинг объекти ва субъекти масалаларига эътиборни қаратиш зарур. Жамоатчилик фикрининг объектини аниқлашда, даставвал иккита муаммо эътиборга моликдир.

1) Жамоатчилик фикрини унда акс эттираётган воқеликнинг ўзига хослиги нуктаи назаридан таҳлил этиш. Бошқача қилиб айтганда, жамоатчилик фикри дунёдаги ҳамма нарса тўғрисида фикр қила олиши мумкинми ёки унинг мулоҳаза доираси чегараланганми?

2) У ёки бу ҳодиса, жамоатчилик фикрининг объектига айланишининг мезоларини аниқлаш, бошқача айтганда, жамоатчилик фикрини уйғотадиган объект қандай сифатлари, хусусиятлари билан фарқланади?

Биринчи саволга жавоб тариқасида аввало шуни қайд этиш керакки, жамоатчилик фикрининг объекти ҳам объектив воқелик, ҳам субъектив реаллик фактлари ҳисобланиши мумкин. Шу билан бирга жамоатчилик фикри маълум даражада чегаралангандир, муайян бир ҳолатларгина жамоатчилик мулоҳазаларининг объекти бўла олади. Булар: а) воқеа ва ҳодисаларнинг ҳаққоний мавжудлиги; б) воқеа-ҳодисалар ўртасидаги муносабатлар; в) воқеа-ҳодисаларнинг кишилар онгида акс этиши. Ушбу ҳолатлар жамоатчилик фикри социологиясида «аниқлик чегараси» дейилади. Бу «чегарадан» ташқарида бўлган нарсалар тўғрисида жамоатчилик фикри мулоҳазага эга бўла олмайди.

Энди жамоатчилик фикрининг объектив танлаш мезонларига тўхталамиз. Дуч келган ҳар бир нарса, ҳодиса, воқеа, жараён ёки факт ҳам бирваракайига жамоатчилик фикри объекти бўлавермайди. Жамоатчилик фикрини уйғотишнинг биринчи омили ижтимоий манфаат бўлиб, бевосита манфаат туғдирадиган долзарб ҳодиса ёки нарсаларгина мулоҳазага сабаб бўлади. Чунки бундай ҳолатлар кишилардан баҳоловчи муносабатни билдиришини талаб этади. Омма фикрининг шаклланиши асосида «умумий иш» ётади.

Жамоатчилик фикрига сабаб бўладиган иккинчи омил, бу - мунозаралиликдир. Бошқача айтганда, у ёки бу даражада мунозарали, баҳсли ҳолатга эга бўлган ҳодисаларгина жамоатчилик фикри предметига айланиши мумкин. Жамоатчилик фикри доимо ҳали ҳал бўлмаган масалалар бўйича шаклланади ва ҳеч қачон сўзсиз, аниқ масалалар бўйича туғилмайди.

Ниҳоят, жамоатчилик фикрини уйғотадиган учунчи омил - малакалиликдир. Бу шуни англатадики, жамоатчилик билиши ва тушуниши мумкин бўлган ҳодисаларгина жамоатчиликнинг объекти бўлиши мумкин.

Жамоатчилик фикри субъекти деганда, аввало жамоатчилик доирасида фикр уйғота олиш қобилиятига эга бўлган фикр эгаси ва ифодаловчиси тушунилади. Шу ўринда субъект

сифатида алоҳида индивид, кичик гуруҳлар, жамоа, миллат, синф ва ҳатто жамият ҳисобланиши мумкин.

Жамоатчилик фикрининг билиш имконияти муайян - тарихий хусусиятга эга, яъни у жамиятда мавжуд маданият, техник имкониятлар, мулоқот воситаларининг ривожланганлик даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ. Шу билан бирга жамоатчилик фикри ижтимоий онг шакллари (фан, мафкура, дин, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсат ва б.), даражалари (индивидуал, жамоа, миллий, синфий онг) ва соҳалари билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Айтиш мумкинки, жамоатчилик фикри - ижтимоий онгнинг тез ўзгарувчан, динамик ҳолатидир.

Жамоатчилик фикри турли даража-а ҳам эга бўлиб, бу индивидуал, жамоа фикри ва ижтимоий фикр кўринишида бўлади ва улар ўртасида доимий ва мустақкам боғлиқлик мавжуд.

Жамоатчилик фикри кўп жиҳатли ҳодисадир. Унинг рационал - ақлий (билимлар), психологик (ижтимоий-руҳий) кечинмалар, аксиологик (қадриятлар) ва бошқа жиҳатлари бўлиб, биргаликда жамоатчилик фикрининг тез тарқалувчанлик ва экстенсив хусусиятини таъминлайди.

Жамоатчилик фикрининг реал ижтимоий ҳаётда амал қилиши унинг ифодаланиши ва у бажарадиган вазибалар билан характерланади.

Аввало, жамоатчилик фикрининг уч хил ифодаланишини кузатса бўлади:

1. жамоатчилик фикрининг стихияли ифодаланиши;
2. сиёсий институтлар ташаббусига кўра бирор бир қонунни муҳокама қилиш ёки чора-тадбир (референдум, умумхалқ муҳокамаси ва б.) ўтказиш жараёнида жамоатчилик фикрининг билдирилиши;
3. махсус социологик татқиқотлар, яъни сўровлар пайтида жамоатчилик фикрининг аниқланиши.

Жамоатчилик фикрининг тадрижий шаклланиш жараёни қуйидаги тартибда амалга ошади: **Биринчи босқичда**: ижтимоий ҳаёт, факт, ҳодиса таъсирида алоҳида шахслар онгида индивидуал фикр-тасаввурларнинг юзага келиши. **Иккинчи босқичда**: алоҳида шахслар фикрларининг суҳбат, баҳс, муҳокама, йиғин ва митинглар воситасида жамоа фикрига айланиши. **Учинчи босқичда** эса, жамоалар фикрининг айланишини ифодаловчи нуқтаи назарлар уйғунлашуви ва бирлашуви жараёнларидир.

Бозор муносабатига ўтиш шароитида жамоатчилик фикрининг эски тузум муаммоларидан янги масалаларга кўчиши юз беромоқда. Аммо жамоатчилик фикрининг қайта йўналиши муруккаб жараён бўлиб, у олдин шаклланган хулқ-атвор жабҳаларининг, тафаккур ва хатти-ҳаракат қолипларининг (стереотипларнинг), баъзи анъаналарининг ўзгаришини ўз ичига олади. Гап шундаки, айтиб ўтилган кўпгина элементлар (эскича тафаккур қолиплари, одатлар ва ҳ.к.)ни жамоатчилик фикри ўзида мужассамлаштирган бўлиб, бу унинг консерватив томонидир. Шунинг учун жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган, аммо кишилар онгида чуқур ўрнашган, айнан жамоатчилик фикрининг қайси жиҳатини ўзгартириш мумкинлигини аниқ тасаввур эта билиш зарур. Аммо одамлар фикрини ўзгартиришдан кўра, уларда янги муаммоларга нисбатан муносабат, фикр-мулоҳазани шакллантириш осонроқ. Демак, масала жамоатчилик фикрининг кучини ошириш, уни ижтимоий муносабатларни тартибга солиш омилига айлантириш учун табиий тарзда, аммо зарур йўналишда, онгли равишда шакллантира билишдадир. Бу жамият ҳаётида жамоатчилик фикри аҳамиятининг ошиб бориши билан боғлиқ бўлиб, у қуйидаги шарт - шароитларни талаб этади: а) давлат органлари, жамоат ташкилотлари, илмий марказлар томонидан жамоатчилик фикрининг мунтазам ўрганиб турилиши; б) барча фуқороларнинг турли шаклларда (референдумлар, манифестациялар, сўровлар ва ҳ.к.) жамият ҳаётининг ҳар хил муаммолари юзасидан ўз фикрлари, баҳолари, нуқтаи назарларини эркин билдиришлари; в) фуқороларнинг жамоавий (коллектив) фикрларини билдиришлари воситалари ва шакллари кенгайтириш, ошкоралик; г) давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан жамоатчилик фикридан доимий фойдаланиш.

Жамоатчилик фикрига мақсадли таъсир қилиш икки хил йўл билан амалга оширилиши мумкин:

хаспўшлаш (манипуляция қилиш);

илмий шакллантириш.

Жамоатчилик фикрини хаспўшлаш – бу, долзарб муаммолар бўйича аҳоли онгига нисбатан бирор-бир фикрни зўрлаб сингдириш. Хаспўшлаш ёлғиз ҳуқимрон сиёсий гуруҳ, тоифа, элитанинг манфаатларини ифодалайди ва унинг иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий ҳуқимронлигини сақлаб қолишига қаратилган бўлади. Хаспўшлашнинг асосий воситаси дезинформация (сохта ахборот) ҳисобланади. Хаспўшлаш асосан тоталитар жамятга хосдир.

Жамоатчилик фикрини эркин шакллантириш - жамоатчилик фикрини шакллантириш жараёнига мақсадли таъсир кўрсатишдир. Бунда кўрсатилган асосий мақсад жамятда ахборот майдонини табиий равишда ҳосил қилиш бўлади. Жамоатчилик фикрини шакллантиришда стихияли ва онгли омиллар, унинг шаклланишининг объектив жараёнлари билан боғлиқ бўлган ички ва бошқарув органлари томонидан кишилар онгига четдан онгли равишда таъсир қилишда ифодаланадиган ташки механизмлар бирлигини ҳам таъминлаш зарур. Жамоатчилик фикри муҳим институт бўлиб, фаол амал қилиш унинг функциялари (вазифалари) билан боғлиқ. Бу функциялар жамоатчилик фикри жамят ҳаётининг турли соҳаларида (айтайлик, таксимот муносабатларида) «қўлланишига» қараб турли шаклларда намоён бўлади. Жамоатчилик фикри функциялари унинг у ёки бу ижтимоий институтларга таъсирини қараб, билдириладиган фикрнинг мазмунига кўра ва бу фикрнинг шаклига қараб белгиланади.

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» да фикр эркинлиги қонун йўли билан асосланган. Жамят мамлакатда бўладиган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ўзгаришларга нисбатан ўз фикрини эркин ифода этиши ва уларда фаол иштирок этиши зарур. Акс ҳолда тараққиёт бир жойда тўхтаб қолиши, ҳатто орқага кетиши ҳам мумкин.

Демократия деганда, энг аввало ҳар бир фуқаро ўз фикрини эркин баён эта олиши, матбуот эркинлиги, эътиқод эркинлиги ва шу қабилар тушунилади. Ҳар қандай жамятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи асосий ўчта меъзон бор. Булар - халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнидан қанчалик хабардорлиги, ҳуқумат қарорлари - халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир.

Мана шу принциплар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган тақдирдагина ҳар хил суистеъмолликларга қарши самарали ва изчил кураш олиб бориш мумкин.

Ҳозирда жамятимизда шаклланган кўппартиявийлик муҳитидан тезроқ объектив равишда фойдаланиш зарур. Чунки булар кенг жамоатчиликнинг ижтимоий ҳаётидаги таъсирини, ўрни ва ваколатини, ҳуқуқини кучайтириш, унинг чинакам мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Тепадан туриб, махсус фармон ёки декрет билан жамятда адолат ва демократия ўрнатиб бўлмайди. Бу барчанинг бирдек иштироки, пешқадам зиёлилар, турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари намоёндаларининг, маъсул хизматчиларимизнинг ғайрати, ақл-заковати билан рўёбга чиқадиган мураккаб ишдир.

Жамят аъзолари ўз фикрини эркин ифода эта билиши, сўз эркинлигини ҳимоя қилиш, шу ҳуқуқларнинг амалда таъминланиши учун қафолат яратиш- бугунги энг муҳим вазифамиз бўлиши зарур. Одамларнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари жамятда ўзининг мустаҳкам ўрни ва мавқеини эгаллаши зарур.

Ўзбекистоннинг келажаги кўп жиҳатдан ўсиб келаётган ёш авлодларга боғлиқ. Улар қанчалик эркин фикрловчи, мустаҳкам иродали, кенг дунёқарашли ва ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаол бўлса, Ўзбекистоннинг келажаги шунчалик порлоқ бўлади. Уларни амалга ошириш учун, бутун халқимиз жамоатчиликнинг куч ва сазй-ҳаракатларини бирлаштириши зарур.

Биринчи галда соғлом фикрловчи, шу азиз Ватан қисматини ўз шахсий қисмати деб биладиган, мамлакатнинг эртаси учун бор маъсулиятини зиммасига олишга қодир, жафокаш халқимиз учун, демократия ва адолат учун ўзини бахшида этадиган, фидойи, изланувчан ёш авлоднинг бошини қовуштириш, унинг мақсад ва интилишларига қанот бериш зарур.

Жамиятни ривожлантиришда кенг жамоатчилик фикрига суяниш катта тарихий тажрибага суянишни талаб этади.

Қадим давлатчилик тарихидан келиб чиқиб, халқимиз жамоатчилик фикри қуйидаги функцияларни бажариб келганлигининг шоҳиди бўлишган.

Директив, яъни қарорлар қабул қилишда жамоатчиликнинг кенг иштироки.

Консультатив - қарорларни ҳаётга татбиқ этишда, ҳукм чиқаришда кенг жамоатчилик билан маслаҳатлашиши.

Турли давлатлар ва нодавлат ташкилотлар иши устидан назорат ўрнатишда.

Экспрессив (назорат) - яъни фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда ва ҳоказо функцияларни бажаради.

Конструктив функцияси. Бу субъектларнинг ижтимоий муносабатлари ва жараёнларни ўзига хос дастурлаштиришдир.

Регулятив (бошқарув) функцияси.

Баҳолаш функцияси.

Позитив (ижобий) функция.

Негатив (салбий) функцияларни бажаради.

Умуман, жамоатчилик фикри функцияларини 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Жамоатчилик фикрининг моҳияти ва мазмунини ифода этувчи функциялар: а) гнесеологик; б) баҳолаш.

2. Жамоатчилик фикрининг ижтимоий аҳамиятини ифода этувчи функциялар: а) тарбиялаш; б) рағбатлантириш; в) назорат қилиш; г) маслаҳат.

3. Жамоатчилик фикрининг кишиларга таъсирини ифода этувчи функциялар.

Ниҳоят, ифодаланиш шаклига кўра, жамоатчилик фикри икки хил - позитив (ижобий) ва негатив (салбий) функцияларни бажаради.

Дарҳақиқат, жамоатчилик ўз фикрини доимо қўллаб-қувватлаш ва аксинча, инкор этиш, қоралаш кўринишида билдириши мумкин. Субъект ижтимоий жараёнларда онгли иштирок этишга тайёрлигини билдирган тақдирда жамоатчилик фикри позитив, агар субъект норозилик билдириб, ҳеч бир ҳаракатни содир қилмаган тақдирда негатив вазифани бажаради.

12.2. Жамоатчилик фикрининг ҳозирги концепциялари.

Мамлакатнинг ривожланиши, дунёда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши учун жамоатчилик фикрининг ислохотларга муносабати, уларнинг бошқарувдаги иштироки, ҳукумат қарорларини назорат қилиб бориши жуда муҳимдир.

Биз давлат идоралари устидан жамоатчиликнинг назоратини ўрнатишга эриша олмасак, порахўрлик, қонунбузарлик, ўз мансабини суиистеъмол қилиш каби иллатларни таг-томири билан тугатишнинг имкони бўлмайди. Бунга эришиш учун энг аввало жамоатчилик вакилларининг сиёсий, ижтимоий савиясини ўстириш керак. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи, жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва маъсулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётини эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислохот, янгилаш ҳақидаги барча саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади.

Ҳаётимизда қонун талаблари бузилишига асосий сабаб - ижтимоий ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар, маҳалла, аёллар, ёшлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳаётимизга таъсири ва ўрни етарли даражада шаклланмагани билан изохлаш мумкин.

Хукукий, нодавлат ташкилотлари устидан назорат ўрнатишда, жамоатчилик ва ижтимоий ташкилотлар билан бирга, авваламбор фуқаролар ва жамоатчилик эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари иш олиб бориши, ҳақиқат ва адолат учун курашга қаттиқ бел боғлаши лозим.

Жамоатчилик назоратининг туб моҳияти шундаки, жамоатчилик амалга ошираётган ислохотлар суръатини, уларнинг сифатини, ислохотлар бошида турган раҳбарларнинг ғайратини, лаёқатини холисона ўрганиб, ютуқларини эътироф қилиб, камчилигини рўй-рост очиб ташлашимиз керак.

Ҳозирданоқ давлат органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич, аста-секинлик билан нодавлат ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига бериб бориш лозимлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда.

Бевосита жамоатчилик фикри асосида амалга ошадиган жараёнлардан бири сайловлардир. Халқ сайловда илғор, етук ва ўзида таассурот қолдирган раҳбарни, лидерни танлаб олишига имкон туғилади. Сайловлар халқни бошқара олмайдиган, лоқайд раҳбарлардан воз кечишга, ҳар томонлама етук, илғор ғояларни олға сурувчи, жамиятнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшувчи раҳбарларни қўллаб-қувватлашга катта ёрдам беради.

Иқтисодиётнинг ривожланишида, жамиятда адолат ва демократия қарор топишида турли хил жамоатчилик ташкилотларининг ўрни жуда катта. Агар нодавлат ташкилотлар, ижтимоий ташкилотлар, ёшлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳаётимизга таъсири қанчалик кучли бўлса ва улар ўз ўрнига эга бўлса, демократик, ҳар томонлама ривожланган давлатнинг қарор топиши шунчалик тезлашади.

Масалан, собиқ СССРнинг тарқалиши ёки уни сақлаб қолиш масаласи кенг жамоатчилик фикри асосида - референдум натижаларига биноан ҳал қилинди.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг Президентлик ваколат муддати Олий Мажлис депутатлари иши билан мувофиқлаштириш масаласи ҳам референдум орқали жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда ҳал этилади: унинг ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди.

Конституция ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниш жараёнлари ҳам жамоатчилик муҳокамасидан сўнг ўзгартиришлар киритилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Суд жараёнларида ҳам ҳамиша жамоатчилик вакили суд маслаҳатчиси сифатида иштирок этиб келмоқда.

Жамоатчилик фикри мониторинги

Асосий тушунчалар

Муниципал бошқарув, бўш вақт, «ижтимоий фикр», конструктив функция, баҳолаш функцияси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари», маҳалла субъекти, маҳаллий бошқарувнинг Шимолий Европа модели, «фала қилиб даволаш».

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Жамоатчилик фикри деганда нимани тушинасиз ва унинг қандай турларини биласиз?
2. Жамоатчилик фикри қандай вазифаларни бажаради?
3. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш соҳасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?
4. Референдум нима?
5. 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумга қандай саволлар киритилган?
6. Жамоатчилик фикри тушунчаси ва унинг назарий асослари нималардан иборат?
7. Жамоатчилик фикрининг ижтимоий ҳаётда намоён бўлишини изоҳлаб беринг?
8. Жамоатчилик фикри функциялари нималардан иборат?

9. Ўзбекистонда «Ижтимоий» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази фаолияти хақида нима биласиз?

Изоҳли луғат

Маҳалла – арабча сўз бўлиб, жой, ўрин, макон, маҳалла. **Маҳаллийчилик** – уруғ-аймоқчилик, қариндошлик алоқалари билан боғланган одамларнинг бирлиги. Муниципалистлар маҳаллий ва умумдавлат аҳамиятида бўлган кенг идора вазафиларини ҳал қилувчи шахс. **Жамоатчилик фикри** – ижтимоий онгининг ўзига хос динамик намоён бўлиши. **Дезинформация** – сохта ахборот.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.: “Ўзбекистон”,2008.-40 б.
2. И.А.Каримов Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005, 44 б.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон”, 2007, 57-бет.
4. Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008., 176 б.
5. Ислон Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 б.
6. Б.Алиев., Ф.Рафиқов., Т.Султонов., М.Муллажонова., Б.Раҳмонов ва бошқалар. Социология. (Ўқув кўлланма). –Т.: ТДЮИ нашриёти . 2006. -289 бет. 211-236 – бетлар .
7. Мурад Шарифходжаев, Гулчехра Ахунова. Махалля как институт местного самоуправления. Т., 2005, 1-201 стр.
8. К.А. Юнусов. Махалла – демократик бошқарувнинг ноёб намунаси. Кўлланма. –Тошкент. “ZAR QALAM” нашриёти. 2006 йил.

Интернет материаллари

Батыгин Г.С. “виртуальные сообщества и коммуникация социальных науках”. www.NIR.ru.socia.scipub.

2. Здравомыслова С.А., Темкина А.А.. социология гендерных отношений и гендерный подход в социологии. Prometeus nsc.ru.
3. Лекции по социологии. Социология. Отраслевые социологические теории. Экономика, семья, города..... sociolex narod.ru.
4. Российская Сеть Информационного Общества – Социология. Социология. Общая социология. www.Isn.ru.sociologu.shtml.
Социология в энциклопедиях. Социология. Socionet narod.ru.
6. Экономическая социология. www.isras.ru. Журнал. Экономическая социология. Электронная библиотека – социология, психология и управление. Soc.lib.ru
Центр социологического образования. – sociologu RU-Новости. www.sociologu.ru.

Г) СИЁСИЙ ҲАЁТ СОЦИОЛОГИЯСИ

Бугун давлат ва ҳукумат кўплаб соҳаларда бизнинг ҳаётимизга кириб келмоқда. Инсоният тарихининг жуда катта қисмида давлат умуман мавжуд бўлмаган.

Қадимги даврдан бошлаб то ўрта асрларгача бўлган замонда давлат кенг талқин қилинган, лекин у ўзи ташкил қиладиган ва ифодалайдиган жамиятдан алоҳида эмас эди. Биринчилардан бўлиб Никколо Макиавелли “давлат” терминининг кенг ва тор маънодаги аҳамиятларини талқин этган эди. Бу пайтгача бўлагн даврда давлат турли ва анча аниқ тушунчаларни англатган. Н.Макиавелли адабиётларда “Stato” деган махсус терминни

киргазиб, у давлатни унинг қандайдир аниқ шаклидан қатъий назар жамиятнинг алоҳида сиёсий ташкилоти сифатида талқин этди.

Давлат, жамият ва индивидларнинг ўзаро бир-биридан чегараланиш ғояси мазкур ижтимоий институтларнинг мауийан муросавий муҳитда амал қилишни тақозо этади. Бу ғояни Гоббс, Локк, Руссо ва бошқалар давлатнинг шартнома назариялари тарзида амалга оширдилар. Бу назарияга биноан, учта тушунча (индивид, давлат, жамият) тарихан бир-биридан бўлингандир. Даставвал эркин ва ярим ёввойи яшаган индивидлар иқтисодий ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳаракатларда бўлиш оқибатида жамиятни ташкил этдилар ва кейинчалик ўзларининг хавфсизликларини ва табиий ҳуқуқларини шартномалар тузиш йўли билан ҳимоя қилиш мақсадларида махсус орган – давлатни туздилар.

“Давлат” тушунчаси одатда маълум бир ҳудудда олий ҳокимиятга эга ташкилотни англатади. Давлатнинг моҳиятини янада чуқурроқ ва ҳар томонлама англаш учун унинг муҳим белгиларни билиш лозим.

Сиёсат – бу ҳукуматнинг мақсадларига эришиш воситаси, ҳукумат фаолиятининг асосий мазмунидир. Сиёсат соҳалари давлат институтлари доирасидан анча четга чиқиши мумкин. Жуда кўплаб усуллар борки, улар ёрдамида ҳукумат таркибига кирмайдиганлар унга таъсир қилишга интиладаилар. Масалан, замонавий жамиятларда мавжуд бўлган ва қабул қилинган сиёсий чегаралардан ташқарида фаолият кўрсатувчи жамият ҳаракатлари ҳукуматга таъсир кўрсатишга ёки ҳатто уни ағдаришга қаратилган бўлиши мумкин.

Минглаб йиллар жамиятнинг ривожланиши билан бирга давлат ҳам унинг бир қсми сифатида ривожланиб келди. Давлат билан шахснинг ўзаро муносабати хусусиятлари, давлат тузимида рационаллик, эркинлик ва инсон эркинлиги принципларининг татбиқ этилишига қараб давлатнинг ривожланишини иккита муҳим этапга бўлиш мумкин: анъанавий ва конституциявий. Шунингдек, анъанавий ва конституциявий давлатнинг белгилари намоён бўлишига қараб оралиқ босқичларга ҳам бўлинади. Масалан, тоталитар давлатчилик. Анъанавий давлатлар тарихий мерос бўлган урф-одат, меъёрий асосида стихияли равишда ривожланди. Бу давлатларда халқ устидан институтлашган ва чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб, кишиларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги инкор этилиб, эркин инсоннинг давлат ҳокимиятининг манбаи эканлиги тан олинмаган. Бундай давлатларга типик мисол сифатида монархияни кўрсатиш мумкин. Конституциявий ва ноконституциявий давлатлар ўртасидаги чегаралар эркинликка нисбатан муносабат, шунингдек, инсон ҳуқуқларини сақлаш амалиёти, шахс, жамият ва давлат ўзаро муносабатларидаги устувор йўналишлар асосида белгиланади. Давлат ривожланишининг конституциявий босқичи давлатнинг жамиятга ва фуқароларга бўйсунуши, давлатнинг аралашув ваколати ва йўналишларининг конституциявий белгилаб йўйилиши, давлат фаолияти ва инсон ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий регламентация қилиниши билан боғлиқдир. Конституциявий давлатлар анъанавий давлатлардан шаклланиши, ички тузилиши ва функциялари билан кескин фарқланади.

Ҳуқуқий система адолатли судловни амалга ошириш учун ихтисослашган индивидлар бор жойда мавжуд бўлади. Кичик жамоаларда зиддиятлар одатларнинг умумий йиғилишида ёки оилавий гуруҳларда ҳал қилинади. Бундай жамиятда жамоа қарорларини куллаб-қувватлаб куч ишлатиш учун жавобгарликни зиммасига олувчи махсус гуруҳлар йўқ. Баъзида одатий ҳукм ишини маълум оила ёки қондошлик гуруҳи ўз қўлига олади, бу хундорликка йўл очиб беради. Аммо давлат ривожлангани сари қарорларга бўйсунмаслик ҳолатларида куч ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган махсус ҳуқуқий тизим – системалаштирилган қонун ва судлар пайдо бўлади. Анъанавий давлатларда, одатда, армия ва махсус полиция кучлари орасида вазифалар аниқ тақсимланган ва кўпинча. Қонун чиқарувчилар қарорлари ҳимояси учун армиядан ҳам фойдаланилади.

Замонавий давлат ривожидидаги муҳим жиҳатлардан бири – демократия билан алаоқадордир. Демократия сиёсий тизим бўлиб, унда аслзода ёки монархлар эмас, халқ бошқаради.

Бир қатор асосий белгиларига кўра демократия уч хил кўринишда бўлиши мумкин: кўппартияли вакиллик демократияси, бир партияли вакиллик демократия ва кўшма демократик бошқарув.

Вакиллик демократиясига кўра, кишилар ҳаётига таъсир этувчи қарорлар жамиятнинг ҳамма аъзолари эмас, балки шу мақсадда махсус сайланган одамлар томонидан қабул қилинади. Вакиллик демократияси вариантларини кўп ташкилотларда кўриш мумкин. Масалан, спорт клубини шу клкб аъзоларидан сайланган кенгаш бошқаради. Давлат бошқарувида вакиллик демократияси конгресс, парламент ёки шунга ўхшаш миллий органларга сайловлар шаклида юзага чиқади. Вакиллик демократияси бошқа – жамият қарори қабул қилинувчи бошқа босқичлар: вилоят, округ ва шаҳарларда ҳам мавжуд.

Кўп партияли вакиллик демократияси бошқарувнинг бирор ёки бошқа босқичида сайловчилар сиёсий жараён мобайнида камида икки партиядан сайланганларида юзага келади. Кўп партияли вакиллик демократияси амал қилувчи ва вояга етган аҳолиси турли босқичларда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган давлатларга нисбатан адолатли либерал демократия атамаси қўлланилади.

Сиёсий ҳаёт сиёсий партиянинг овоз бериш, давлат органларига вакиллар юборишда фақатгина қонун доирасидаги фаолиятларидан иборат эмас. Баъзи ҳолларда сиёсий партиялар муайян система, қонун-қоидалардан четга чакмаган ҳолда ҳаракат қилсалар, ўз мақсадларига эришолмаслик таъкидланади. Ноортодоксал сиёсий ҳаракатнинг фожиали мисоли сифатида мавжуд тузумни оммавий зўравонлик ҳаракатлари билан кўпориб ташловчи инқилобни келтириш мумкин.

Ҳуқуқий давлат конституциявий давлатчиликнинг реал амалга ошишидир. Унинг асосида инсонни давлат террори, унинг эътиқоди устидан куч ишлатиши, ҳокимият органлари томонидан майда ҳомийлик қилишидан ҳимоя қилишга интилиш ётади. Ҳуқуқий давлат – суверен халқ иродасига бўйсунувчи, инсоннинг эркинлиги ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, ўз фаолиятини қонунлар доирасида амалга оширувчи давлатдир. Бундай давлатда шахс билан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар конституцияда белгилаб қўйилади, шунингдек, бу халқ билдан ҳокимият ўртасидаги муносабатлар “ижтимоий битимлар” асосида рўй беради. Давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларда устуворлик инсон ҳуқуқларига қаратилади, қонунлар давлат ва унинг хатти-ҳаракати билан бузилмайди.

Ҳуқуқий давлат шароитидаги эркин рақобат натижасида мулкдорлар қатлами вужудга келиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Давлатлар ривожланиш тажрибаси кўрсатдики, фақат шахсларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш билан умумий фаровонликка эришиб бўлмайди. Чунки, жамиятдаги ҳар бир шахсда мулкдор бўлиш, ташаббускорлик кўрсатиш қобилияти бўлавермайди. Барибир, ижтимоий тенгсизлик давом этаверади. Шунинг учун ҳам ҳаётда ижтимоий давлат назарияси ва амалиёти пайдо бўлади.

Ижтимоий давлат – ҳар бир фуқаро учун муносиб ҳаёт тарзи, ижтимоий ҳимоя, ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этиши, шахснинг ўз-ўзини реализация қилиши, ҳамма учун тенг ҳаётий имкониятлар яратиш учун интиладиган давлатдир.

Бундай давлатлар фаолияти умумий фаровонлик, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатишга қаратилган бўлади. Давлат мулкӣ ва бошқа ижтимоий тенгсизликларни текислашга ҳаракат қилади, кучсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам беради, ҳар бир фуқарони иш ёки бошқа ҳаёт кечириш манбаи билан таъминлашга ҳаракат қилади, жамиятда тинчликни сақлайди, инсон учун қулай ҳаёт муҳитини шакллантиради.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жамиятимиз вакилларини ижтимоий-сиёсий фаоллиги янада оширишга хизмат қилмоқда. Бу жараён ўз навбатида жамиятнинг ёш вакилларида ҳам кузатилмоқда.

Жамиятнинг йирик ижтимоий-демографик гуруҳи сифатида тарихий юзага келган мақоми туфайли ёшлар ижтимоий фаолият субъекти бўлиб, унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий камолотининг реал захирасини ўзида ифода этади. Шу муносабат билан ёш ўзбекистонликларнинг сиёсий ижтимоийлашуви хусусиятларини кўриб чиқиш муҳим саналади.

Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштирок этиш дастурлари, энг аввало, уларнинг маълумоти, ижтимоий мавқеи ва фаол ҳаётий нуқтаи назарига боғлиқ.

2007 йил Республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ёш ўзбекистонликларнинг 37,4 фоизи мамлакатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этишни хоҳлашни, 35,3 фоизи хоҳламаслигини кўрсатмоқда, 27,3 фоизи жавоб беришга қийналди⁸¹.

Иқтисодиётнинг ўсиши, тараққий этиши, халқнинг фаровонликка эришуви – сиёсий онг шаклланишининг асосий шартларидан бирidir. Жамият қанчалик иқтисодий жиҳатдан тараққий этиб борса, у идора қилишнинг демократик шаклларига шунчалик очиқ бўлади. Халқ қанчалик бой ва бадавлат, фаровон яшаса, у шунчалик демократияни қўллаб-қувватлайди ва ҳимоя қилади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Зеро, маънавий-маърифий жиҳатдан тараққий этмаган жамият ҳеч қачон инсонни сиёсат субъекти сифатида шакллантира олмайди.

Инсон ва жамият маънавий дунёсининг бир қисми ҳисобланган ҳуқуқий маданият ҳуқуқ соҳасида инсонлар томонидан яратилдиган барча кадриятларнинг умумийлигини ўзида намоён қилади. Ҳуқуқий маданиятнинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида ҳуқуқий саводхонликни ажратиб олиш, қабул қилинган, ҳуқуқий саводхонлик деганда жамият аъзоси сифатида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билиш, давлатнинг асосий қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида тасаввур қилиш тушунилади.

Ҳуқуқий саводхонлик бўйича 2007 йилда ўтказилган сўров иштирокчиларининг 7.5 фоизи ўзининг ҳуқуқий саводхонлигига юқори баҳо берди, уларнинг 26,4 фоизи уни яхши деб ҳисоблайди. 43,1 фоизи унга ўртача деб. 21,6 фоизи ва 1,1 фоизи тегишли равишда унга паст ва жуда паст деб қарайди⁸².

Ўзбекистонликларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши таҳлили яқунларини сарҳисоб қилаётиб, уларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида яхши хабардор эканлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. Бирок, натижалар ушбу соҳа аҳоли орасида бундан буён ҳам маърифий ишлар олиб бориш лозимлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол шарофати билан бозор муносабатларига ўтиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Давлат ва ҳукумат миллий мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб кучли ижтимоий сиёсат юритиб келмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади ҳам ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришдир. Ҳозирги даврда бундай давлат ва жамият барпо этишнинг конституциявий ва қонуний асослари яратилди. Демократик типдаги миллий давлатчилик шаклланди. Фуқаролик жамиятининг белгиси сифатида кўп партиявийлик ва ўз-ўзини бошқариш органлари – жамоат бирлашмалари тизими шаклланди.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.:

“Ўзбекистон”, 2009.-40 б.

2. Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси 2010 йил 13 ноябрь сони.

⁸¹ Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий киёфа. Республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази. Тошкент 2008 й, 74-бет.

⁸² Ўзбекистон ёшлари: ижтимоий киёфа. Республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази. Тошкент 2008 й, 62-бет.

3. И.А.Каримов Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005, 44 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон”, 2007, 57-бет.
5. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008., 176 б.
5. Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишни йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 б.
6. Б.Алиев., Ғ.Рафиқов., Т.Султонов., М.Муллажонова., Б.Раҳмонов ва бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Т.: ТДЮИ нашриёти . 2006. -289 бет. 211-236 – бетлар .
7. Мурад Шарифходжаев, Гулчехра Ахунова. Махалля как институт местного самоуправления. Т., 2005, 1-201 стр.
8. К.А. Юнусов. Социология. Ўқув қўлланма. Андижон. “Андижон ” нашриёти. 1998 йил.
9. К.А. Юнусов. Социологиядан практикум. Тошкент. “ Янги аср авлоди” нашриёти. 2005 йил.

Интернет материаллар

8. Батыгин Г.С. “виртуальные сообщества и коммуникация в социальных науках”. www.NIR.ru.socia.scipub.
9. Здравомыслова С.А., Темкина А.А.. социология гендерных отношений и гендерный подход в социологии. Prometeus nsc.ru.
10. Лекции по социологии. Социология. Отраслевые социологические теории. Экономика, семья, города..... sociolox narod.ru.
11. Российская Сеть Информационного Общества – Социология. Социология. Общая социология. www.Isn.ru.sociologu.shtml.
Социология в энциклопедиях. Социология. Socionet narod.ru.
13. Экономическая социология. www.isras.ru. Журнал. Экономическая социология. Электронная библиотека – социология, психология и управление. Soc.lib.ru
Центр социологического образования. – sociologu RU-Новости. www.sociologu.ru.

VI-МАВЗУ. ЭМПИРИКСОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ, УСЛУБИЁТИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

РЕЖА :

1. Социологик тадқиқот дастурининг назарий асослари.
2. Социологик тадқиқот усуллари ва услубиёти.
3. Конкрет социологик тадқиқотларнинг турлари. Тадқиқотнинг асосий босқичлари :
4. Ўзбекистон шароитида эмпирик социологик тадқиқотларни ўтказишнинг зарурлиги.

1. Социологик тадқиқот дастурининг назарий асослари

Социология фанини эмпирик социологик тадқиқот жараёни сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эмпирик тадқиқотлар XVII асрадаёқ ўтказилиб келинган. XX аср 1 ярмида АҚШда оммавий равишда ўрин олди. “Эмпирик” сўзи қадимий юнонча бўлиб, “тажриба”

маъносини англатади. Эмпирик социологик тадқиқот деганда, янги дастур ва услубият билан амалий асосда ижтимоий ҳаёт, ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида олинган эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш асосида зарур амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқиш тушунилади. Эмпирик социологик тадқиқотда ижтимоий фактларни излаш, тасниф қилиш, тўплаш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий факт деб, илмий асосланган, муайян вақт давомида реал ижтимоий воқеликнинг алоҳида жиҳатларини тасниф қилиш орқали олинган маълумотларга айтилади.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг ҳозирги босқичида жамиятда рўй бераётган муҳим ўзгаришларни, кишилар ўртасидаги муносабатларни амалий социологик тадқиқотларсиз илмий асосда ўрганиб бўлмайди. Жамиятни илмий бошқариш доимо амалий социологик тадқиқот натижаларига таянмоғи зарур. Мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиб боришда, жамиятнинг ижтимоий ривожланишида ва унга режали прогноз бериш билан уни илмий асосда бошқаришда амалий социологик тадқиқот натижалари муҳим вазифаларни бажаради.

Социологик тадқиқотларнинг сифат даражасини ва самарадорлигини ошириш, эмпирик маълумотларнинг ишончли эканлигини, илмий асосланганлигини таъминлаш учун унинг методологик асосига алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Ушбу бўлимда амалий социологик тадқиқот ишлари олиб боришнинг методологияси, услубияти, асосий усул ва воситалари хусусида тўхталиб ўтаимиз.

Амалий социологик тадқиқот жараёнини 4 асосий босқичга бўлиб қўрсатиш мумкин. Бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ва муҳим жиҳатларга эга. Булар қуйидагилардан иборат:

1. БОСҚИЧ. Социологик тадқиқотни тайёрлаш ва ташкил қилиш:

1. Амалий социологик вазифани белгилаш ва тадқиқот предметини танлаш.
2. Социологик тадқиқот ўтказиш бўйича бюртма қабул қилиш ва уни ўтказиш бўйича шартнома тўзиш.
3. Бажариладиган ишлар бўйича календарь режа, техник вазифаларни ва бюджет (сарф қилинадиган харажатлар сметасини) тузиш.
4. Дастур ишлаб чиқиш.
5. Тадқиқот услубияти, техникалари ва воситаларини ишлаб чиқиш.

2. БОСКИЧ асосий босқич бўлиб, амалий тадқиқот ишлари олиб бориш жараёнини ўз ичига олади:

- 7) Социологик тадқиқот танловини ўтказиш.
- 8) Пилотаж.
- 9) Дастлабки социологик маълумотларни йиғиш.
- 10) Эмпирик маълумотларнинг сифат ва аниқлик даражасини назорат қилиш.

3. БОСҚИЧ. Эмпирик маълумотларни қайта ишлаш:

6. Олинган эмпирик маълумотларни гуруҳларга ажратиш.
7. Тақсимий жадвал тузиш.
8. Эмпирик маълумотларни компьютерга киритиш ва моделлаштириш.

4. БОСКИЧ яқунловчи босқич бўлиб олинган маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, улардан илмий хулосалар чиқариш ва амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишни ўз ичига олади:

Тадқиқот маълумотларининг дастлабки таснифи ва назарий жиҳатидан фаҳхламоқ. Илмий-назарий хулосалар, муайян илмий-амалий таклифлар, тавсиялар ва тадбирлар ишлаб чиқиш.

Берилган вазифа бўйича илмий матнлар, ҳисоботлар тайёрлаш.

Германиялик социологлар амалий социологик тадқиқотларни 3 босқичдан иборат деб кўрсатадилар:

1. Асосий босқич: амалий тадқиқотни тайёрлаш ва ташкил этиш босқичи. Бу босқичда 4 та вазифа бажарилади:

Эмпирик тадқиқот мақсадини аниқлаш ва белгилаш.

Эмпирик тадқиқот ғоясини ишлаб чиқиш.

Эмпирик тадқиқот жараёнини ташкил этиш.

Аналитик муолажа тайёрлаш.

Иккинчи босқич: асосий босқич: эмпирик тадқиқот ва эксперимент ўтказиш.

Учинчи босқич: Олинган эмпирик маълумотларни қайта ишлаш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш. Бу босқичда 3 та вазифа бажарилади: 3.1. Олинган эмпирик тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш. 3.2. Назарий жиҳатдан қайта ишлаш. 3.3. Олинган натижаларни амалиётда қўллаш.

Ҳар қандай тадқиқот бирон муаммонинг қўйилишидан бошланади. Бундай муаммо ташқаридан, буюртмачи томонидан берилиши ёки жамият ҳаётида ўзининг илмий ечимини кутаётган муаммо бўлиши мумкин. Шулардан келиб чиқиб, социологик тадқиқотларни ташкил қилишнинг асосий шакллари: давлат буюртмаси асосида, хўжалик шартномаси асосида, жамоатчилик ва аралаш тартибда бўлиши мумкин.

2. Эмпирик социологик усулларнинг умумий хусусиятлари. Сўров усули ва унинг турлари (анкета, эксперт, сўров, тест, панел ва бошқалар).

Эмпирик социологик тадқиқот объекти бўйича ўтказилган дастлабки таҳлиллар асосида мавжуд муаммони таҳлил қилиш дастури ишлаб чиқилади. Илмий дастур ҳар қандай амалий, назарий социологик тадқиқотнинг дастлабки зарур ҳужжати ҳисобланади. Дастур социологик тадқиқот объекти бўйича ишчи фаразни текширишга қаратилган, шунингдек, тадқиқот бўйича илмий фараз, бажариладиган асосий вазифалари ва социологик тадқиқотнинг методологик асоси баёнларидан иборат. Дастур мазмуни ҳақида қисқача маълумот берилиши аннотация деб аталади. Ҳар қандай эмпирик социологик тадқиқот дастурининг умумий талаблари мавжуд. Буларга, тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифаларини аниқлаш; ишчи фаразни ишлаб чиқиш; дастурни ишлаб чиқиш жараёнида компьютер техникасидан фойдаланиш кабилар киради. Социологик тадқиқот дастури ички тузилиши жиҳатидан қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:

1. Назарий - методологик қисм. 1.1. Муаммони қўйиш ва ишлаб чиқиш. 1.2. Тадқиқот мақсади ва вазифасини белгилаш. 1.3. Тадқиқот объекти ва предметини аниқлаш. 1.4. Муаммонинг назарий таҳлил, асосий тушунчаларни ишлаб чиқиш. 1.5. Тадқиқот объекти (предмети)нинг интерпритацияси (изоҳи). 1.6. Гипотеза (фараз)ни аниқлаш.

2. Амалий социологик тадқиқотни иш жараёни қисми: 2.1. Тадқиқотнинг умумий режасини тузиш ва асосий иш жараёнлари. 2.2. Тадқиқот тўплаш методи ва техникасини танлаш ишлари. 2.3. Танланган методларни тузиш ва асослаш. 2.4. Дастлабки олинган социологик маълумотларни таҳлил қилиш усулларининг таснифи. 2.5. Олинган билимларнинг гипотенузаси (фараз) бўйича анализ усулларини белгилаш. 2.6. Объект тадқиқотини ўтказиш.

3. Хулоса қисми. 3.1. Тадқиқот натижаларининг мазмунан таснифи. 3.2. Буюртмачига тадқиқот натижаларини тақдим қилиш шакллари (асосий хулосалардан иборат ҳисобот, амалий таклифлар, тавсиялар ва тадбирлардан иборат). **Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси.** Дастурнинг ушбу қисмида социологик тадқиқот буюртмачи ва бажарувчилар ўртасидаги муносабат ўзаро келишиб олинади. Тадқиқот учун сарф қилинадиган харажатлар: молиявий меҳнат ресурслари ҳисоблаб чиқилади. Социологик тадқиқот

мақсади турлича бўлиши мумкин. Масалан, муайян ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат унумдорлигини кўтариш муаммосини социологик тадқиқ қилиш зарур бўлса, бунда асосий мақсад меҳнат унумдорлиги пастлигининг асосий сабабларини аниқлаш, мавжуд яширин иқтисодий имкониятларни қидириб топиш ва мавжуд шарт-шароитни ўзгартиришдан иборат.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА ПРЕДМЕТИ

Тадқиқот предмети мавжуд социологик муаммонинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Бир хил муаммоли ҳолатда ягона эмпирик тадқиқот объекти бўйича тадқиқот предмети бўладиган бир неча йўналишлар бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, тадқиқот предмети шаклланганда, мавжуд муаммони ечиш йўллари бўйича илмий фараз тузилади, шу билан бирга, социологик тадқиқот ўтказиш усуллари ва шаклларига таъриф берилади. Социологик тадқиқот объекти деганда, социологик йўналтирилган ижтимоий ҳодиса, жараён ва тузилмалар тушунилади. Ҳар қандай социологик тадқиқот объекти тизимли хусусиятига, асосан вақт, маконий имконият ва миқдорий ўлчов чегарасига эга бўлади. Эмпирик социологик тадқиқот дастурининг назарий-услубий даражасида тадқиқот объектини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо характери, унинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифаси тадқиқот объектининг қандай бўлишини белгилайди. Агар тадқиқот объекти унчалик катта бўлмаса, социологик жиҳатдан уни тўлалигича қамраб олиш имконияти бўлса, бир бутун ҳолда тадқиқот объекти қилиб олинishi мумкин. Баъзан эса мураккаб социологик тадқиқот олиб бориш ёки тадқиқот объектини тўлалигича қамраб олиш имконияти бўлмайди. Шунинг учун бундай вазиятда тадқиқот объектининг нисбатан аниқ чегараси белгилаб олинishi шарт.

Илмий муаммо объектини системали таҳлил этиш тадқиқотчи учун 3 фаолият йўналишини очиб беради. Улар:

- 1) Тадқиқот предметини аниқлаб олиш.
- 2) Асосий тушунчаларни ажратиб олиш ва уларга изоҳ бериш.
- 3) Тадқиқот учун иш гипотезасини яратишдир.

ДАСТУРДА АНИҚ КЎРСАТИЛИШИ ЗАРУР

1) Эмпирик тадқиқот объекти. 2) Социологик тадқиқот объектини тўлалигича қамрайдими ёки унинг айрим жиҳатларини танлаб оладими? 3) Танлов асосида олиб бориладиган социологик тадқиқот асоси (рўйхат тузиш, картотека, социологик харита кабилар).

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ФАРАЗИ

Мавжуд муаммо бўйича илмий фараз ишлаб чиқиш эмпирик социологик тадқиқотни назарий жиҳатдан тайёрлашнинг яқунловчи қисми ҳисобланади. Тадқиқот фарази ўрганилаётган ижтимоий ҳодиса таркиби ва унинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик характери тўғрисидаги илмий асосланган фараздан иборат бўлади. Илмий фараз тадқиқ этилаётган объект тўғрисидаги мавжуд маълумотларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилади. Фараз – бу, тадқиқот учун бошланғич нуқта бўлиб, кейинги олиб бориладиган амалий социологик тадқиқотларда илгари суриладиган фаразга боғлиқ бўлади. Шунини таъкидлаш лозимки, фаразни ишлаб чиқиш-эмпирик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишдаги мантиқий асосни ишлаб чиқиш, демакдир. Агар тадқиқотчи томонидан илмий фараз ишлаб чиқилган бўлса, эмпирик маълумотлар ва тадқиқот натижалари шу ишчи фарази тўғри эканлигини текширишга, уни тасдиқлашга ёки бекор

қилишга хизмат қилади. Эмпирик тадқиқот фарази бўлмаса, унда социологик тадқиқотнинг илмий даражаси паст бўлади.

3. Социологик маълумотларни таҳлил қилишнинг сифатий ва миқдорий усуллари.

Илмий билишнинг усулларини фалсафа ва социологияда 3 турга бўлиб ўрганилади:

1. Илмий билишнинг энг умумий-илмий усули (онгли амалий ва назарий фаолият).
2. Илмий билишнинг эмпирик даражасига оид умумий илмий усуллар.
3. Илмий билишнинг назарий даражасига оид умумий илмий усуллар.

Дастур таркиби услубий қисмининг муҳим жиҳати – эмпирик тадқиқот услубияти, техника жараёни ва усулларини асослашдан иборат. Социологик тадқиқот услубияти – хусусий социологик усуллар мажмуи бўлиб, ундан эмпирик материалларни тўплаш ва тизимлаштириш мақсадида фойдаланилади. Усул тушунчаси кенг маънода билимлар тизимини юзага келтириш ва асослаш учун воситачи, демакдир. Социологиянинг усул сифатидаги умумсоциологик пиринциплари: ижтимоий воқеаликдаги жараёнлар, ходисаларни билишдаги хусусий принциплар ва конкрет усуллар – математик-статистик усуллар, социологик ахборотни йиғиш усуллари: кузатиш, сўроқ, эксперимент ва бошқалардан иборат. Социологик тадқиқот техникаси – махсус усулларнинг бирлигини англатиб, у ёки бу усулдан унумли ва ўз ўрнида фойдаланишни ифода қилади.

Социологик тадқиқот жараёни тадқиқотни ташкил этиш усули, воситаси, барча билиш ва ташкилий фаолиятнинг батартиб бориш жараёнини англатади. Амалий социологик тадқиқот олиб бориш жараёнида конкрет тадқиқот усулларининг аҳамияти ҳам катта. Улар ёрдамида дастлабки эмпирик маълумотлар йиғиб борилади. Қуйида шулар хусусида тўхталиб ўтамиз:

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА КУЗАТИШ УСУЛИ. Социологик тадқиқотларда кузатиш – дастлабки эмпирик маълумотларни йиғиш усули бўлиб, муайян мақсадга қаратилган, олдиндан пухта ўйлаб, мунтазам олиб бориладиган, ҳиссий қабулга асосланган бўлади. Бу усулдан фойдаланишнинг ўзига хос афзаллиги шундаки, тадқиқотчи муайян даражада тадқиқот олиб бораётган объектдан мустақил бўлади ва унга бўйсунмайди. Кузатиш усулидан олинган илмий маълумотларда объектив, холис ва ҳаётий бўлиши билан ўзининг илмий қимматига эгадир. Шу билан бирга, кузатиш усулидан олинган илмий маълумотларда субъектив жиҳатлар ҳам бўлиши мумкин. Чунки, социологик тадқиқот тадқиқотчининг ижтимоий воқеликка, жараёнга нисбатан қандай муносабатда бўлиши ва қай йўсинда тавсифлаши асосида боради.

Кузатиш усулининг яна бир ўзига хос жиҳати; унинг муайян даражада чегараланганлиги бўлиб, кўпинча тадқиқ этилаётган воқеликни қайта кузатиш имконияти бўлмаслигидадир. Бу усулнинг яна бир заиф жиҳати шундан иборатки, кузатиш орқали тадқиқотчини саволга қизиқтириш, кузатишнинг фикр ва ҳукмини билиш жуда қийин. Барча ҳолларда кузатиш ҳозирча сўз билан ифодаланади. Аммо баъзи хулқий-эҳтиросли муносабатларни, ҳолатларни бир тарзда ёзиш ва сўз орқали ифодалаш қийин. Кузатиш жараёнининг характериға қараб уни қуйидаги типларга ажратиш мумкин: назоратсиз, тўла қамровли ва қамрамайдиган, дала ва лаборатория шароитида мунтазам ва тасодифий кузатиш. Социологик тадқиқотларда кузатиш усули ўрганилаётган объектга нисбатан четдан ёки ичкаридан қўлланилиши мумкин. Тадқиқ этилаётган объект четдан кузатилганда тадқиқотчи объектга нисбатан мустақил бўлади ва унга бўйсунмайди. Ичкаридан кузатишда тадқиқотчи кузатаётган объектда рўй бераётган ижтимоий жараёнларда бевосита иштирок этади ва бўйсунди. Социологик тадқиқотларда фақатгина кузатиш усулидан фойдаланиш билан кифояланиб қолмаслик керак. Чунки, кузатиш усули

орқали олинган натижалар ўрганилаётган объект тўғрисида тўлиқ маълумот бера олмайди. Бу усулдан кўпгина социологик тадқиқотнинг дастлабки босқичларида, объект тўғрисида дастлабки тасаввурга эга бўлиш учун ёки социологик тадқиқотларнинг бошқа усуллари ёрдамида олинган маълумотларни, статистик ҳужжатларни кўшимча равишда текшириш мақсадида фойдаланилади.

4.Ўзбекистон шароитида эмпирик социологик тадқиқотларни ўтказишнинг зарурлиги.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач жамият ҳаётининг барча соҳаларида ислохотларни амалга ошира бошлади. Ўзбек халқининг турмуш тарзи, ишлаб чиқариш муносабатлари, мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгариб, бозор муносабатларига мослаша бошлади. Бу жараён албатта ўз-ўзидан осонликча амалга ошадиган тадбирлардан иборат бўлмай, бунинг учун ўзига хос бир ўтиш даврини талаб қилиши табиийдир. Ана шундай бир мураккаб даврда ҳар қандай давлат ўзининг ислохотчилик ролини мохирлик билан бажариши учун жамият ҳаётининг барча жабхаларидан муттасил бохабар бўлиб туриши зарурий ҳол ҳисобланади. Бунинг учун мунтазам равишда социологик тадқиқотлар ўтказиб туриш ва унинг натижалари тахлилидан ўз ўрнида унумли фойдаланиш орқали келажақда бажариладиган вазифаларнинг устивор йўналишларини бегилаб олиш имкониятини яратиш мумкин бўлади.

Ўзбекистонда аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати туфайли мамлакатни модернизация қилишнинг кенг кўламли мураккаб вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган кадрларни янги авлодини тайёрлаш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистондаги “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилаётган тадқиқотлар жамиятимиздаги содир бўлаётган кенг кўламли ўзгаришлар, жамоатчиликнинг бунгунги кундаги эҳтиёж, мақсад ва талабларига ўрганишга қартилгандир.

“Ижтимоий фикрни ўрганиш маркази” ходимлари ўз вазифаларига маъсулият билан ёндашган ҳолда турли вилоятлардаги шохобчаларининг фидокорона меҳнатлари асосида жамият ҳаётининг барча жабхаларида кечаётган ўзгаришлар тенденциясининг тахлил қилиш, улардан хулосалар чиқариш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Жамиятдаги долзарб муаммоларни тўлиқ ҳал қилиш учун, шу жумладан социологик ва иқтисодий фанлар методлари орқали муаммоларни ҳар тарафлама, комплекс тадқиқи қилиш зарур. Бунда, аҳолининг манфаатларини ўрганиш бир марта бўладиган ҳаракат эмас, доимий жараён бўлиши керак. Аҳолининг турли тоифаларини жамоатчилик фикрининг босқичма-босқич мониторингини олиб бориш зарур.

Қисқача хулосалар

Амалий (эмпирик) социологик тадқиқотлар ўтказиш орқали талабалар, мутасадди мутахассислар ҳамда кенг жамоатчилик оммаси социологик ахборотлар тизимини яратишда катта имкониятларга эга бўладилар.

Социологик тадқиқотлар жамиятнинг турли соҳалари фаолиятини мўътадил ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида жамиятнинг турли соҳаларини бир-бирига мувофиқлаштириш лозим бўлади. Буни амалга оширишда Социология фанининг имкониятларидан тўла фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Эмпирик тадқиқотлар тажрибасидан ҳар хил соҳадаги ва касбдаги ходимлар ҳам ўз ишларида кенг фойдаланишлари мумкин.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Эмпирик социологик тадқиқотнинг мақсадини айтиб беринг.
2. Эмпирик социологик тадқиқотнинг усуллари баён этинг.
3. Социологик тадқиқот дастури тушунчасини изоҳланг.
4. Тадқиқот дастури таркибий тузилишини айтиб беринг.
5. Эмпирик тадқиқотнинг босқичларини изоҳлаб беринг.
6. Эмпирик тадқиқотнинг қандай турлари бор?
7. Социологик тадқиқот натижаларини таҳлил қилинг ва умумлаштиринг.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2009.-40-б.
2. И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005, 44 б.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон”, 2007, 57-бет.
4. Б.Алиев., Ғ.Рафиқов., Т.Султонов., М.Муллажонова., Б.Раҳмонов ва бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Т.: ТДЮИ нашриёти . 2008 (180 стр.) 160-176.
5. Баград Саркисов, Раъно Умарова. Социология. Маърузалар матни. - Т.: 2004, 128 - 146 б.
6. Р.А.Убайдуллаева, О.Б.Ота-Мирзаев, М.Б.Бекмуродов, Ў.К.Қаюмов. Социологик тадқиқотлар амалиёти (ўқув-услубий қўлланма).- Тошкент, Ижтимоий фикр, 2001.
7. Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 б.

Интернет материаллари

1. Батыгин Г.С. “виртуальные сообщества и коммуникация в социальных науках”. www.NIR.ruFsociaFscirub.
2. Здравомыслова С.А., Темкина А.А.. социология гендерных отношении гендерный подход в социологии. Prometeus nsc.ru.
3. Лекции по социологии. Социология. Отраслевые социологические теории. Экономика, семьи, города..... sociolex narod.ru.
4. Российская Сеть Информационного Общества – Социология. Общая социология. www.Isn.ruFsociologu.shtml.
5. Социология в энциклопедиях. Социология. Socionet narod.ru.
6. Экономическая социология. www.isras.ru. Журнал. Экономическая социология.
7. Электронная библиотека – социология, психология и управление. Soc.lib.ru
8. Центр социологического образования. – sociologu RU-Новости. www.sociologu.ru.

Б) СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА УМУМЛАШТИРИШ (2 с.)

- 1. Социологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш, умумлаштириш -
нинг зарурлиги ва турли усуллари.**
 - а) Маълумотларни таҳлил қилишнинг статистик усуллари**
 - б) Гуруҳлаштириш усуллари**
 - в) Дисперсион таҳлил усули**
 - г) Фактор таҳлил усули**
 - д) Латент таҳлил усули**
 - е) Социологик маълумотларга ЭҲМ да ишлов бериш**
- 2. Ахборотларни жамлаш ва улар асосида мониторинг яратиш.**
- 3. Социологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил этиш ва умумлаштириш**
 - а) Илмий ҳисоботни тайёрлаш**

Маълумотларни таҳлил босқичи ўрганилаётган объект ҳақида олинган ахборотни шу объект ҳақида олдиндан мавжуд бўлган ахборот билан солиштиришдан иборатдир. Социологик маълумотларни таҳлил этиш босқичининг маъноси ва мақсади натижаларнинг маъносини тушунтириб бериш, фикрларни умумлаштириш ва ягона назарий тизимга келтиришдир. Шунинг учун таҳлил натижасида ҳосил бўладиган ҳисобот, биринчидан, ўрганилаётган ижтимоий объектнинг миқдорий параметрларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши, иккинчидан, унинг ривожланиш суръатларини ва йўналишларини кўрсатиши, учинчидан, ижтимоий ҳодисалар орасидаги ўзаро алоқадорлик қонуниятларини ишончли кўрсаткичлар ёрдамида очиқ бериши керак. Яна шуни таъкидлаш зарурки, ишлов бериш ва математик таҳлил қилиш босқичидан кейин маълумотларнинг ўртача қийматлари ҳосил бўлади, улар умумий тасниф этилиб, тадқиқ этилаётган объектнинг хилма-хил элементларини яхлит тизимда ифодалайди. Тўпланган эмпирик ахборотларни тўғри изоҳлаш ва маълумотлар мантиғига мос хулоса ва тавсияларни шакллантириш тадқиқотчидан катта ақл ҳамда илмий-назарий абстракциялаштириш қобилиятини талаб этади.

Социологик тадқиқот натижаларини тўғри изоғлаб берувчи қатор илмий-услубий ечимлар тизими мавжуддир, аммо ҳар бир конкрет ҳолатда бу нарса бир бутун кишилар жамоаси иштирокида амалга оширилади. Социологик тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш жараёнидаги айрим босқичларни ажратиш тавсифлаш мумкин.

Биринчиси – тадқиқот гипотезаларига мос ва мувофиқ ҳосил қилинган эмпирик маълумотларни тартибга солиш, гуруҳларга ажратиш, классификациялашдир. Бу босқичда тадқиқ этилувчи ҳодисаларнинг миқдорий таснифлари, тадқиқот томонидан қамраб олинган ҳодисалар, объектлар тез-тез такрорланиши эмпирик маълумотларни статистик гуруҳларга ажратиш имконини беради.

Ижтимоий ахборотларни ҳар хил аломатларга эга бўлишини ҳамда социологик тадқиқотларнинг вазифалари ва мақсадлари хилма-хиллигини инобатга олиб, ҳар хил гуруҳларга ажратиш услубларини қўллаш мумкин. Гуруҳларга ажратишнинг энг содда кўринишларидан бири – типологик қурилмалар, яъни кузатилувчи бирликларни бирон-бир аломат бўйича махсус синчиклаб ўрганишдир. Ҳозиги пайтда ЭҲМдан фойдаланиш натижасида бу услубнинг имкониятлари анча кенгайди. Ўзгарувчиларнинг типологиясини имкониятлари анча кенгайди. Ўзгарувчиларнинг типологиясини амалга ошириш ва барқарор гуруҳларни ажратиш олиш учун факторли, дисперсион таҳлил услублари қўлланилаёпти.

Интерпритация ва таҳлилнинг иккинчи босқичи – сонли таснифларнинг ишончилигини ва ўртача қиймат ҳолислигини текшириш, маълумотларни

умумлаштиришдир. Бу босқичда турли тасодифий таснифга эга бўлган ахборотлар бири-бирдан ажратиб олинади.

Учинчи босқичда ҳосил қилинган сонли тавсиф орқали мавжуд бўлган тадқиқотнинг гипотезалари текширилади.

Социологик тадқиқотни ташкил қилишга ва ўтказилишига катта сарф-харажатлар кетиши туфайли ўрганилаётган муаммони иложи борича тўлароқ камраб оладиган бир нечта гипотеза илгари сурилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва гипотезаларнинг ҳаётийлиги энг самарадор восита сифатида кишиларнинг ижтимоий фаолиятини яхшилашга хизмат қилади. Шу сабабли гипотезани синаш жараёнида тадқиқотчи кўпроқ реал ҳодисаларга таяниши, хилма-хил маълумотларни бирлаштириши, эмпирик материаллардан ўрганилаётган объектнинг зарурий, муҳим жиҳат ва хоссаларини ажратиб беришга интилиши керак.

Гипотезаларни эмпирик синашнинг энг яхши сулублиаридан бири социологик экспериментдир. У гипотезаларни синаш усулларидан энг ишончлиси бўлса-да, ўрганилаётган объектлар орасидаги боғланишлар мураккаб ва кўп қиррали бўлганлиги сабабли ҳозирги пайтда кам ишлатилади.

Ҳозирги замон социологиясида энг кўп қўлланиладиган услублардан бири статистик услублардир. Гипотезаларнинг ишончилигини аниқлашнинг типик усуллари сифатида миқдорларнинг ўртача қийматларини ҳисоблаш, ўзаро боғлиқ коэффицентларни аниқлаш ва ҳ.к.ни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Социологик таҳлилнинг натижалари тизимлаштириш ва гуруҳларга ажратилган кўринишда илмий ҳисоботда намонё бўлади. Ҳисоботни тайёрлашда шуни эсда тутиш керакки, у кейинчалик назарий ишларни давом эттиришга асос бўлиши ва ижтимоий бошқарув амалиётида социологик тадқиқотлар натижаларини акс эттирувчи моҳият ва шаклга эга бўлиши керак. Ҳисоботга изоҳловчи хат киритилиши илмий таомилга кирган бўлиб, унда қисқача асосий хулосалар ва натижалар келтирилади.

Ҳисоботнинг иловаси сифатида жадваллар, графиклар, сўровномалар, бланкалар, тестлар ва бошқалар келтирилади.

Ҳисоботнинг таркиби тадқиқотнинг турига, назарий ёки амалий эканлигига боғлиқдир.

Даставвал ҳисобот тузилаётганда муаммонинг қўйилиши, тадқиқ этилувчи масалаларнинг таърифи, асосий тушунчаларнинг назарий интерпритацияси, муаммонинг қай даражада ўрганилганлиги ва унинг ечимига эътибор берилади. Алоҳида эътиборни тадқиқотнингт услублар таснифига, танловнинг тузилиши, ахборотларни йиғиш тартибларига ажратиш керак. Охирида алоҳида бўлим орқали ўтказилган тадқиқот натижаларининг ҳар томонлама таҳлили ва қўйилган масалаларнинг ечим даражаси таснифланади. Бу бўлимнинг охирида тадқиқотнинг мавжуд бўлган амалий натижалари кўрсатилади ва аниқ хулосалар шаклланади, янги ахборотни олиш зарурлиги аниқланади аниқланади ва уни ҳосил қилиш учун техникавий услубий тавсиялар берилади.

Ҳисоботга қўйидаги талаблар қўйилади. Биринчидан, ҳисоботда тадқиқотнинг предметига мос мантқан барча ўзаро боғланган муаммолар гуруҳлари иложи борича чуқур ва тўла акс эттирилган бўлиши керак. Бу эса, натижаларни умумлаштириш, таҳлил этиш, муҳим қисмининг номуҳимидан ажратиб олиншини талаб қилади. Ҳисоботда бажариладиган ишлар туркумининг мантқиқий кетма-кетлиги таъминланган бўлиши керак маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш жараёнида ҳар бир иш туркумининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб ўтиш, эмпирик ахборотларни изоҳлаш ва назарий асослаш бўйича ҳамма амаллар тўлиқ бажарилиши лозим.

Иккинчидан, ҳисоботнинг ҳар бўлимида тадрижий бир-бирини тўлдирувчи икки қисмининг ўзаро мунтаносиблигини таъминлаш зарур. Биринчи қисмда муаммолар ва натижаларни, иккинчи қисмда эса хулосаларни чуқур асослаб бериш шарт. Бу эса, тадқиқотчини ҳозирги аҳволни шарҳлаш ва умумлаштиришдан ташқари, уни таҳлил ва башорат қилишга ундайди.

Учинчидан, ҳисобот сўровномадаги саволлар кетма-кетлигидан мустасно, респодентларнинг социал-руҳий портрети, интеллектуал имкониятлари воқеликка муносабати умумий манзарасининг ифодасидан иборат бўлиши керак. Ҳисоботада сўровноманинг барча саволлари ва уларга мос натижалари илмий мантиқ талабларига биноан таҳлил этиб берилади.

Тўртинчидан, ҳисоботнинг техник жиҳатдан юқори савияда расмийлаштирилиши ва тўғри тузилиши катта аҳамиятга эга. Кўпи билан ҳисобот 50-60 бетдан иборат бўлганлиги маъқул. Ҳисоботга доир тушунтириш хати 10 бетгача бўлиши мумкин. Ҳисоботда тадқиқот ишларига жалб этилган барча ташкилотлар, ўтказилиш муддати ва жойлари, тадқиқот услубиёти бўйича кўрсатма берувчиларни тайёрлашнинг тартиби ва таркиби, маълумотлар йиғишнинг ташкиллаштирилиши, ахборотларни кодлаштириш учун ишлатилган тизим ва математик ишлов беришда қўлланилган услублар кўрсатилиши лозим. Жадваллар керагидан ортиқча рақамларга эга бўлмаслиги керак.

Бундан ташқари, ҳисобот ёзиш жараёнида бюртмачига тадқиқотнинг энг муҳим натижалари бўйича тезкор ахборотларни экспресс – ревью кўринишида топшириш мақсадга мувофиқдир.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар

1. Маълумотларни таҳлил қилишнинг статистик усулларини санаб беринг?
2. Гуруҳлаштириш усули нима?
- 3) Дисперсион таҳлил усули нима?
- 4) Фактор таҳлил усули нима?
- 5) Латент таҳлил усулини изоҳлаб беринг?
- 6) Социологик маълумотларга ЭҲМ да ишлов бериш тартиби қандай?
- 7) Ахборотлар қандай жамланади?
- 8) Илмий ҳисоботни тайёрлаш босқичларини санаб беринг?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2009.-40-б.
2. Ислон Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси 2010 йил 13 ноябрь сони.
3. И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005, 44 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон”, 2007, 57-бет.
5. Б.Алиев., Ғ.Рафиқов., Т.Султонов., М.Муллажонов., Б.Раҳмонов ва бошқалар. Социология. (Ўқув қўлланма). –Т.: ТДЮИ нашриёти . 2008 (180 стр.) 160-176.
6. Баград Саркисов, Раъно Умарова. Социология. Маърузалар матни. - Т.: 2004, 128 - 146 б.
7. Р.А.Убайдуллаева, О.Б.Ота-Мирзаев, М.Б.Бекмуродов, Ў.К.Қаюмов. Социологик тадқиқотлар амалиёти (ўқув-услубий қўлланма).- Тошкент, Ижтимоий фикр, 2001.
8. Ислон Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 б.

Интернет материаллари

9. Батыгин Г.С. “виртуальные сообщества и коммуникация в социальных науках”. www.NIR.ru F socia F scipub.
10. Здравомыслова С.А., Темкина А.А.. социология гендерных отношении гендерный подход в социологии. Prometheus nsc.ru.
11. Лекции по социологии. Социология. Отраслевые социологические теории. Экономика, семьи, города..... sociolex narod.ru.
12. Российская Сеть Информационного Общества – Социология. Общая социология. www.Isn.ru F sociologu, shtml.
13. Социология в энциклопедиях. Социология. Socionet narod.ru.
14. Экономическая социология. www.isras.ru. Журнал. Экономическая социология.
15. Электронная библиотека – социология, психология и управление. Soc.lib.ru
16. Центр социологического образования. – sociologu RU-Новости. www.sociologu.ru.